Для иллюстрации сначала приведём результаты расчёта степени поляризации излучения, отраженного назад и прошедшего через слой среды, в случае возбуждения среды монохроматическим, неполяризованным светом. Расчёт поляризации в мутных средах с конечной оптической толщиной проводится по формулам (4) и (5).

Когда среда возбуждается неполяризованным излучением, в (2) и (3) Стоксовы параметры получают следующие значения

$$F_l = F_r = F / 2, F_U = F_V = 0,$$

степень поляризации вторичного поляризованного излучения определяется формулой

$$P_{лин} = (I_l - I_r) / (I_l + I_r).$$

Из рис.1 видно, что при больших значениях углов освещения, в поляризационных характеристиках прошедшего излучения (жирные кривые) на краю полуплоскости




Рис.1. Поляризационные характеристики прошедшего и отраженного назад излучения. В случае сред с конечными толщинами. Здесь $\tilde{\omega}_0 = 2/3$, $\tau = 0.3$, углы освещения $\theta_0 = 84^\circ$ (кривые 1,1'), $\theta_0 = 76^\circ$ (2,2'), $\theta_0 = 53^\circ$ (3,3'). Пунктирные кривые 1,2,3 отраженное излучение, сплошные кривые 1',2',3' прошедшее излучение. На оси абсцисс отложены полярные углы наблюдения в градусах. В положительной части графиков, масштаб увеличен в четыре раза. Здесь и на остальных рисунках источник освещения находится в полуплоскости $\psi = \varphi_0 - \varphi = 0$.
 параметров, в характеристиках появляются некоторые особенности, и они обсуждены в [5].

Результаты численного расчёта в случае полубесконечной мутной среды

В случае $\tau \rightarrow \infty$, в уравнениях (4) и (5), $Y(\mu) \rightarrow 0$, и $X(\mu)$ - функции переходят на соответствующие H - функции, описывающие перенос поляризованного излучения в полубесконечных мутных средах [8]. T - матрица обращается в нуль, и для решения поставленной задачи достаточна S - матрица в (4). В решениях для S - матрицы остаётся




Рис.2. Зависимость поляризации отраженного назад излучения от кратности рассеяний, в случае полубесконечной среды, при $\tilde{\omega}_0 = 0.5$. Пунктирные кривые описывают однократное рассеяние, точечные двукратное, сплошные кривые результаты точного рассеяния. Углы освещения: $\theta_0 = 0^\circ$ (кр. 1), $\theta_0 = 30^\circ$ (2), $\theta_0 = 60^\circ$ (3), $\theta_0 = 85^\circ$ (4). Здесь и на последующих рисунках масштаб в положительной части увеличен в два раза.

освещения образуется точка Бабине, а на краю другой полуплоскости точка Араго. С уменьшением значения θ_0 , точка Араго исчезает, но вблизи точки Бабине появляется точка Брюстера. Дальнейшее уменьшение значения θ_0 , приводит к расширению углового расстояния между этими точками, но с приближением источника освещения к зениту, это расстояние сужается и при $\theta_0 = 0$ они сливаются в одну точку и исчезают.

Аналогичная картина наблюдается и для отраженного назад излучения (пунктирные кривые). В этой модели, в решениях задачи имеются два параметра $\tilde{\omega}_0$ - альбедо и τ - оптическая толщина. При различных значениях этих параметров, в характеристиках появляются некоторые особенности, и они обсуждены в [5].

один параметр $\tilde{\omega}_0$ - альбедо.

На рис. 2, 3 приведены результаты точного расчёта угловой зависимости поляризации отраженного вторичного излучения для двух значений альбедо: $\tilde{\omega}_0 = 0.5$ ($\sigma = \alpha_{\text{уст}}$) и $\tilde{\omega}_0 = 0.9$ ($\sigma = 9\alpha_{\text{уст}}$). Полярные углы возбуждения и наблюдения лежат в одной меридиональной плоскости $\psi = \varphi_0 - \varphi = 0, \pi$. Источник освещения находится в полуплоскости $\psi = \varphi_0 - \varphi = 0$.

Рассмотрим изменение поляризации в положительной части графиков. Максимумы поляризации, наблюдаемые в плоскости падения $\psi = \varphi_0 - \varphi = 0$, соответствуют

углу освещения, когда падающее излучение отражается назад, $\theta \approx \theta_0$. Это является следствием частичной поляризации неполяризованного излучения, вследствие многократного рассеяния назад. Максимум поляризации в полуплоскости $\psi = \varphi_0 - \varphi = \pi$, соответствует случаю рассеяния падающего излучения вперёд, а значение угла наблюдения равно $\Delta\theta = 180^\circ - \theta$.

Из графиков видно, что при больших значениях углов возбуждения, вблизи края полуплоскости возбуждение ($\theta_0 \approx 90^\circ$), в полуплоскости возбуждения наблюдается точка Бабиня, а в другой полуплоскости точка Араго. С уменьшением значения угла возбуждения, в зависимости от значения альбедо, с некоторого угла $\tilde{\theta}_0 \approx \theta_0$, точка Араго исчезает, но около точки Бабиня появляется точка Брюстера. При $\tilde{\omega}_0 = 0.5$, значение этого угла равно $\tilde{\theta}_0 \approx 82^\circ$ (угловое расстояние от края $\Delta \approx 8^\circ$). С увеличением значения альбедо, точка Араго наблюдается при больших углах освещения (при $\tilde{\omega}_0 = 0.9$, $\tilde{\theta}_0 \approx 72^\circ$, $\Delta \approx 18^\circ$). С уменьшением значения угла возбуждения θ_0 , точки Бабиня и Брюстера смещаются в сторону точки зенита, а угловое расстояние между ними сначала увеличивается и достигает максимума при $\theta_0 \approx 45^\circ$, затем сокращается и сливается в одной точке, при $\theta_0 = 0^\circ$. Увеличение значения альбедо, приводит к увеличению значения поляризации и к расширению углового расстояния между этими точками. Такое поведение нейтральных точек аналогично к картине, наблюдаемой для отраженного излучения в модели сред с конечной толщиной [5,11,12]. Максимум поляризации в отрицательной стороне поляризации наблюдается тогда, когда направление распространения падающего и отраженного излучения взаимно перпендикулярны.




Рис.3. Зависимость поляризации вторичного излучения от кратности рассеяния, в случае $\tilde{\omega}_0 = 0.9$. Пунктирные кривые описывают однократное рассеяние, точечные двукратное, сплошные кривые результаты точечного рассеяния. Углы освещения: $\theta_0 = 0^\circ$ (кр.1), $\theta_0 = 30^\circ$ (2), $\theta_0 = 60^\circ$ (3), $\theta_0 = 85^\circ$ (4).

В геометрии при однократном рассеянии излучение должно полностью поляризоваться, но вследствие многократного рассеяния излучение частично деполаризуется, а увеличение значения альбедо приводит к усилению деполаризации.

На рисунках 2 и 3, также приведены результаты расчёта угловой характеристики степени поляризации вторичного излучения, от кратности рассеяния. Из графиков видно, что для образования нейтральных точек в поляризационных

характеристиках вторичного излучения, достаточно двукратное рассеяние первичного излучения в среде. Увеличения числа рассеяний приводит к увеличению значения поляризации излучения между нейтральными точками и к деполаризации максимальной поляризации в отрицательной части графика. В работах, посвященных изучению характеристик нейтральных точек утверждается, что нейтральные точки появляются рассеянием первичного излучения в распространяющихся в приповерхностных слоях среды. Так как эти точки проявляются при возбуждении среды под малыми углами освещения и наблюдения относительно горизонта [11], не были выполнены последовательные расчёты.

Приведенные нами результаты расчёта являются доказательством выше сказанного, так как в модели полубесконечной среды нейтральные точки имеют аналогичные угловые характеристики как и в средах с конечными толщинами.

Результаты численного расчёта в случае сред с высокой диэлектрической проницаемостью.

Разработанные решения уравнения переноса в работах [7, 8], применимы только для исследования переноса поляризованного излучения в светорассеивающих мутных средах, когда плотность среды мала, диэлектрическая проницаемость среды близка к единице и практически не отличается от диэлектрической проницаемости вакуума. В работе [9], теория переноса поляризованного излучения в мутных средах была обобщена для сред с высокой диэлектрической проницаемостью, где учитывалось преломление света при входе и выходе из среды, а также внутреннее зеркальное отражение излучения на границе вакуум-среды. Рассматривалась следующая модель переноса излучения. Резонансное излучение падает в изотропных кристаллах и возбуждает экситоны, являющиеся связанными электронно-дырочной парой, и существуют в кристалле в течение времени жизни $\tau_{жс}$. В последующем, экситон упруго рассеивается на примесях, содержащихся в кристалле излучает частицы света и исчезает. Считается, что за время $\tau_{жс}$ экситон вследствие тепловых колебаний релаксируется по импульсу, и импульс становится изотропным (при условии $\tau_{жс} \gg \tau_p$, можно пренебрегать спиновыми эффектами). Если считать, что в процессе излучения пространственное распределение интенсивности рассеянного излучения происходит по фазовой функции рассеяния Релея, рассматриваемая задача становится аналогичной задаче переноса поляризованного излучения в мутных средах.

При этих условиях, перенос резонансного поляризованного излучения в изотропных кристаллах, можно описать уравнениями переноса поляризованного излучения в мутных средах [7]. Принцип инвариантности Амбарцумяна позволяет получить решения уравнения переноса (1), аналогичные (4), с учётом внутреннего отражения и преломления света на границе двух сред кристалл-вакуума [9],

$$S^R(\Omega, \Omega_0) = Q\{(3/4)S_R^{(0)}(\mu, \mu_{(1)}) + [(1 - \mu^2)(1 - \mu_0^2)]^{1/2} S_R^{(1)}(\Omega, \Omega_0)P^{(1)}(\mu, \varphi, -\mu_0, \varphi_0) + S_R^{(2)}(\Omega, \Omega_0)P^{(2)}(\mu, \varphi, -\mu_0, \varphi_0)\}. \tag{9}$$




Рис.4. Зависимость поляризации отраженного назад излучения в зависимости от показателя преломления, в случае $\tilde{\omega}_0 = 0.5$. Пунктирные кривые, сплошные, точечные и кривые пунктиры с точкой рассчитаны соответственно при $n^2 = 1, 2, 5, 10$. Углы освещения те же, что на рис.1.

$S^R(\Omega, \Omega_0)$ - матрица позволяет учитывать преломление излучения на границе вакуум-среды при падении и выходе из среды, а также изменения амплитуды и фазы при зеркальном отражении от внутренней границы.

Ниже обсудим результаты численного расчёта степени поляризации вторичного излучения, рассчитанные по формуле (9), когда среда возбуждается неполяризованным монохроматическим резонансным излучением.

На рис.4,5 приведены результаты расчёта угловой зависимости степени поляризации вторичного

излучения при различных значениях угла возбуждения θ_0 , в случае $\tilde{\omega}_0 = 0.5$, $\tilde{\omega}_0 = 0.9$ и $n^2 = 1, 2, 5, 10$. Рассмотрим изменение положения нейтральных точек в положительной части рисунка. Учёт внутреннего отражения излучения приводит к некоторым особенностям в




Рис.5. Зависимости поляризации отраженного назад излучения в зависимости от показателя преломления, в случае $\tilde{\omega}_0 = 0.9$. Пунктирные кривые, сплошные, точечные и кривые пунктиры с точкой рассчитаны соответственно при $n^2 = 1, 2, 5, 10$. Углы освещения те же и что на рис.1.

угловых характеристиках поляризации: 1). При больших значениях угла освещения, с увеличением показателя преломления увеличивается степень поляризации. Увеличивается угловое расстояние от точки Бабиня, до края полуплоскости, такое же наблюдается и для точки Бабиня. Расширяется угловое расстояние между точками Бабиня и Брюстера, однако с уменьшением значения угла освещения угловое расстояние быстро сокращается и обращается в нуль быстрее, чем в мутных средах ($\theta_0 \approx 40^\circ$ при $n^2 = 10$; $\theta_0 = 0^\circ$ при $n^2 = 1$). 2).

В отрицательной части графиков с увеличением показателя преломления, поляризация монотонно падает. А в положительной части в зависимости от значения угла освещения и наблюдения, поляризация или падает или увеличивается. При больших значениях угла освещения, вблизи края полуплоскостей, с увеличением показателя преломления степень поляризации увеличивается.

Такое существенное изменение в степени поляризации вторичного излучения при учёте отражения излучения на границе кристалл-вакуума, связано с изменением разности фаз между компонентами E_i и E_r . Эти изменения определяются матрицей отражения [8],

$$\mathbf{R}(\mu) = \begin{bmatrix} R_1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & R_2 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & R_3 & -R_4 \\ 0 & 0 & R_4 & R_3 \end{bmatrix}. \quad (10)$$

Если, θ - угол падения на внутреннюю границу, $\theta' = \arcsin(1/n)$ - угол полного внутреннею отражения, при условии $\theta < \theta'$, наблюдается частичное отражение, часть излучения выходит наружу, а часть зеркально отражается обратно в среду. В случае $\theta \geq \theta'$, излучение полностью зеркально отражается, E_i компонента световой волны не изменяется, E_r переходит на $-E_r$, также изменяется фаза колебаний между ними. Компоненты матрицы отражения получают следующие значения

$$R_1 = R_2 = 1, R_3 = \cos \delta, R_4 = \sin \delta,$$

где δ - изменение фазы колебаний определяются формулой

$$\operatorname{tg} \delta = -\mu[1 - \mu^2 - n^{-2}]^{1/2} / (1 - \mu^2).$$

Отсюда нетрудно понять, что при больших значениях углов наблюдения и освещения ($\theta, \theta_0 \rightarrow 90^\circ$), излучение в среде преимущественно распространяется вдоль поверхности среды, так как при Релеевском рассеянии, вероятность рассеяния вперёд и назад заметно выше, чем в перпендикулярном направлении распространения излучения. В этом случае в

процессе переизлучения, увеличивается вероятность полного внутреннего зеркального отражения. Однако, в геометрии малых углов, когда $\theta, \theta_0 \rightarrow 0^0$, такая вероятность ниже. По этой причине, заметное изменение поляризации наблюдается только при $\theta, \theta_0 \rightarrow 90^0$.

В области отрицательных поляризаций с увеличением коэффициента преломления, при всех значениях углов наблюдение и освещение поляризации монотонно падает.

Выводы

1. Показано, что в модели полубесконечной среды в угловых поляризационных характеристиках диффузно отраженного вторичного излучения образуются нейтральные точки, как в случае мутных сред с конечными толщинами.
2. Исследованы условия образования нейтральных точек в зависимости от кратности рассеяния. Показано, что для образования нейтральных точек, достаточно двукратное рассеяние падающего первичного излучения в среде, независимо от геометрической толщины.
3. Результаты расчётов показывают, что нейтральные точки образуются потоком рассеянного излучения, распространяющегося преимущественно в приповерхностном слое среды.
4. Показано, что в средах с высокой диэлектрической проницаемостью учёт зеркального отражения излучения на границе кристалл-вакуума сильно влияет на положение нейтральных точек и степени поляризации вторичного излучения, при всех значениях углов освещения и наблюдения.

Список литературы

- [1]. Т.А.Сушкевич. О достижении теории переноса излучения. Моделирование переноса излучения в природных средах. //“Материалы пятнадцатой открытой всероссийской конференции. “Современные проблемы дистанционного зондирования Земли из космоса”. Москва, Институт космических исследований РАН, 2017 (2008).
- [2]. Lei Yan, Bin Yang, Taxia Wu, Xueqi Wang. “Polarization Remote Sensing for Land //Observation”.2017. DOI: 10.5772/intechopen.79937.
- [3]. Lei Yan, Bin Yang, Feizhou Zhang, Yun Xiang, Wei Chen. “Polarization Remote Sensing Physics”// 2020, Peking University Press, Springer.
- [4]. М.М.Собиров, Ж.Ю.Розиков. “Некоторые вопросы теории переноса поляризованного излучения в изотропной среде с конечной оптической толщиной”// *Научно-технический журнал*, Ферганский ПИ, 24, 4, 2020.стр.15-24.
- [5]. Собиров М.М., Розиков Ж.Ю., Особенность поляризации диффузно отраженного и пропущенного излучения в среде с конечной оптической толщиной // *Научно-технический журнал*, Ферганский ПИ, 2020, V.3, №5. pp 85-89.
- [6]. Собиров М.М., Розиков Ж.Ю., Рузибоев В.У. Поляризационные характеристики диффузно отраженного и пропущенного излучения в среде с конечной оптической толщиной // *Узбекский физический журнал*, АН РУзб. Ташкент, <https://doi.org/10.52304/v23i2.234>, Vol. 23, No.2, pp.11-20, 2021
- [7]. Чандрасекар С. *Перенос лучистой энергии*. //Москва, Иностранная литература, 1953.
- [8]. J.Lenoble. “Importance de la polarization dans le rayonnement diffuse par une atmosphere planetair”, // *Journal of Quantativ Spektroskopy and Radiativ Transfer*, 10, 533, 1970.
- [9]. Е.Л.Ивченко, Г.Е.Пикус, Н.Х.Юлдашев. “Перенос поляризованного излучения в кристаллах в экситонной области спектра. Влияние переизлучения”//*Журнал экспериментальной и теоретической физики*,1980, 79, 1573-1590.
- [10]. Е.Л.Ивченко, Г.Е.Пикус, Н.Х.Юлдашев. “Перенос поляризованного излучения в кристаллах в экситонной области спектра. Поляриционные эффекты”// *Журнал экспериментальной и теоретической физики*, 1981, 80, 1228-1246.
- [11]. Coulson, K. L., *Polarization and intensity of light in the atmosphere*. //1988: A. Deepak Publishing.
- [12]. Kattawar G.W., Plass G.N., Hitzfelber S.J. “Multiple scattered radiation emerging from Rayleigh and continental haze layers. 1:Radianse, polarization, and neutral points”. //*Applid Optics*. 1976;15(3):632-647.DOI:10.1364/AO.15.000632)
- [13]. Vijay Natraj, King Fai Li, and Yuk L.Yung.” Rayleigh scattering in planetary atmospheres: Corrected tables through accurate computation of X and Y functions”// *The Astrophysical Journal*, 609:19091920.2009. February.

Сu АТОМЛАРИ БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙ АСОСИДА
ТЕРМОДАТЧИКЛАР ЯРАТИШНИНГ ФИЗИК ВА ТЕХНОЛОГИК
ИМКОНИЯТЛАРИ

С.С. Насриддинов, М.И. Маннанов, А.Қ. Соатов, Ш.Н. Ибодуллаев

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва
микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, sfera3110@yandex.ru
(Қабул қилинди 4.02.2022 й.)

When copper atoms are diffused into silicon, their silicon-state status has been studied, and it has been found that when n-Si type silicon is diffused with copper atoms, it leads to a sharp increase in specific resistance. This information indicates that when copper atoms are diffused into silicon, they form acceptor centers. Using experimental results, it was found that in samples with a thickness of $d = 600 \mu\text{m}$, the introductory atoms were evenly distributed throughout the volume.

Keywords: silicon, copper, diffusion, specific resistance, sensitivity, conductivity type, radiation.

При диффузии атомов меди в кремний было изучено их кремниевое состояние, и было обнаружено, что диффундирование кремния n-Si типа с атомами меди приводит к резкому увеличению удельного сопротивления. Эта информация указывает на то, что когда атомы меди диффундируют в кремний, они образуют акцепторные центры. По результатам экспериментов установлено, что в образцах толщиной $d = 600 \mu\text{m}$ вводные атомы равномерно распределены по всему объему.

Ключевые слова: кремний, медь, диффузия, удельное сопротивление, чувствительность, тип проводимости, излучение.

Кремнийга мис атомлари киришмалари диффузия қилинганда, уларнинг кремний ҳажмидаги ҳолатлари ўрганган ҳамда n-Si типдаги кремнийни мис атомлари билан диффузия қилинганда, унинг солиштирма қаришиганинг кескин ошишига олиб келиши аниқланган. Ушбу маълумот мис атомлари киришмаларини кремнийга диффузия қилинганда улар акцептор марказлар ҳосил қилишдан далолат беради. Экспериментал натижалар ёрдамида қалинлиги $d=600 \mu\text{m}$ бўлган намуналарда киришма атомлари бутун ҳажм бўйлаб бир хил тақсимланганлиги аниқланган.

Калит сўзлар: кремний, мис, диффузия, солиштирма қаришлик, сезгирлик, ўтказувчанлик тип, радиация.

Кириш. Ҳозирги кунда ҳароратни ўлчаш муаммоси йирик саноат ишлаб чиқаришларида, кишлок хўжалигида, кишлок хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда ҳамда ҳарорат биринчи даражали параметр ҳисобланган соҳаларда ўта долзарб бўлиб келмоқда.[1-2]. Ушбу соҳаларда датчикларнинг қўлланиши биринчи навбатда ўлчаш тезлиги, аниқлиги, самарадорлиги, фойдаланиш қулайлиги ва нарҳи билан белгиланади. Яримўтказгичли материаллар ва тузилмалар асосида яратилган ҳарорат датчиклари электрофизик параметрлари барқарор бўлганлиги сабабли, улар жуда юқори натижаларга эришишга ёрдам беради [3-5].

Термопара, металл ва плёнкали термисторлардан фарқли ўлароқ, хона ҳароратида яримўтказгичли ҳарорат датчиклар юқори сезгирлик ва тез ишлаш хусусиятига эга бўлиб, турли хил электрон бошқарув ва тартибга солиш тизимларига осонлик билан боғланади. Кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларида, масалан: автомобилсозлик, тиббиёт, робототехника саноатларида нафақат юқори сезувчанликка эга бўлган, балки тез ишловчи, турли экстремал шароитларда (тебраниш мавжудлиги, юқори статик босим, фаол газ муҳити, кучли радиация) параметрлари барқарор бўлган ҳамда паст (200К – 263К) ва юқори (373К – 473К) ҳарорат учун жуда сезгир ва барқарор параметрга эга ҳарорат датчиклари талаб қилинапти. Транзистор ёки диодли конструкцияларга асосланган ҳарорат датчикларини мавжуд конструкциялари амалда юқоридаги талабларга жавоб бермайди. Шундай қилиб, яримўтказгичли микроэлектроника соҳасида яратилаётган термодатчикларнинг сифатини яхшилашнинг асосий мақсадларидан бири дастлабки кремний кристалларига мос киришма атомларини легирлаб, унинг электрофизик параметрларини бошқариш катта аҳамиятни касб этади.


Кремний материалга асосланган терморезистив датчиклар "чукур сатҳли" киришмалар билан кучли компенсацияланган бўлиб, уларнинг солиштирма қаршилиги деярли хусусий кремнийга ўхшашлиги туфайли улар амалиётда қизиқиш уйғотади. Кучли компенсацияланган кремний материали асосида яратилган термодатчиклар катта ҳарорат оралиғини ўлчаш имконини беради [6-7-8].

Юқоридаги айтилган маълумотлар асосидан ушбу ишда кремний панжарасидаги киришма атомларининг барқарорлиги, тақиқланган зонада зарур энергетик сатҳларнинг мавжудлиги, ташқи таъсирларга мойиллиги ва диффузион технологиясидан фойдаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди ва киришма атоми сифатида Менделиев жадвалининг I-гурухида жойлашган мис (Cu) элементи танлаб олинди.

Адабиётлардаги маълумотларда кремний панжарасида мис атомлари 30÷450°C ҳарорат оралиғида анча барқарор, ҳамда улар ҳосил қилган чуқур энергетик сатҳлар $E_{Cu} = (E_V + 0,53)$, $E_{Cu} = (E_V + 0,4)$, $E_{Cu} = (E_V + 0,24)$, га тенг эканлиги ва бу жуда паст, ҳамда ҳона ҳарорати оралиғида ўта сезгир термодатчикларни яратишни имконини беради.

Термодатчик яратиш мақсадида олинган материаллар ва тадқиқот усуллари

Дастлабки материал сифатида *n* – типдаги солиштирма қаршилиги $\rho=10\div50$ Ом·см га тенг бўлган (фосфор концентрацияси мос равишда $6\cdot10^{14} \div 1,2\cdot10^{14}$ см⁻³) Чохральский усули билан ўстирилган саноат монокристалли кремний намуналаридан фойдаланилган. Намуналарнинг ўлчамлари $8\times3\times0,8$ мм³. Ушбу танланган кремний материалининг устки



1– расм. Cu нинг Si даги эрувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги.

қисмига кимёвий усул билан мис атомлари қопланди (қалинлиги бир микрометр атрофида). Мис атомлари кремний панжарисига диффузия усули билан киритилди. Мис атомлари киришмаларининг диффузияси газли фазада ҳавоси сўриб олинган кварцли ампулаларда (вакуум 10^{-6} мм.см.уст.) амалга оширилди. Диффузия $T=1080\div1120^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида, диффузия вақти 30 минут, $40\div50^\circ\text{C}$ қадам билан ошиб бориш жараёнига асосланган технологияга мувофиқ амалга оширилган [9-10]. Бунда $200^\circ\text{C}/\text{сек}$ тезликда совутилган ва *n* – турдаги кремнийни олинган.

Ушбу ишга таянган ҳолда мис атомларининг диффузия

коэффициенти ва унинг эрувчанлигининг температурага боғлиқлиги қўйида келтирилган нисбатларда аниқланган [11]:

$$D_{Cu} = 4 \cdot 10^{-2} \exp\left(-\frac{1,65}{kT}\right) \quad (1)$$

$$N_{Cu} = 1 \cdot 10^{21} \exp\left(-\frac{1}{kT}\right) \quad (2)$$


Бу нисбатларга кўра қуйи температураларда ($T=1100-1450$ K) миснинг диффузия коэффициенти $D=1,11\div6,72\cdot10^{-5}$ см²/с га тенг, эрувчанлиги эса $N=3,06\cdot10^{10}\div1,31\cdot10^{14}$ см⁻³ га мос равишда тенг бўлиб, унинг ҳароратга боғлиқлик графиги 1– расмда кўрсатилган. Диффузия босқичидан сўнг намуналар юзасидан SiO_2 қатламни олиб ташлаш учун улар фтороводород (HF)да ювилди. Олинган намуналарнинг электрофизик параметрлари Холл эффекти ва тўрт зонд усули билан ўлчанди, диффузия шароитига қараб натижалар 1-жадвалда кўрсатилган. Экспериментал натижалар $d=600$ мкм қалинликдаги намуналар бутун ҳажм бўйлаб бир хил легирланганлигини кўрсатди.

№	Материал	Диффузия ҳарорати, °C	Диффузии, вақти, сек.	Ўтказувчанлик типи	Солиштирма қаршилиги ρ , Ом·см
1	Si (P,Cu)	1000÷1100	60	n	10^2
2	Si (P,Cu)	1100÷1125	60	n	$1,2 \cdot 10^3$
3	Si (P,Cu)	1125÷1175	60	n	$5 \cdot 10^3$
4	Si (P,Cu)	1175÷1200	60	n	10^4

Ҳарорат датчикларини ишлаб чиқаришда намуналарнинг томонларига омик контактлар яратиш учун кимёвий усул билан никел қатлам ҳосил қилинди ($T=100\div 150$ ҳароратда). Сўнгра намуналар махсус қурилмада $1 \times 1 \times 0,3 \text{ мм}^3$ ўлчамларда кесилди. Никел қопланган пластинка томонларига қаршилиги жуда кичик бўлган махсус симлар қавшарланди. Ҳар ҳил ташқи ёруғлик, радиация ва бошқа таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида контактлар компаунд КПТД-1 бирикмаси билан қопланди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамалари.

Ушбу олинган материалларни ташқи таъсирга сезгирлиги ва ҳароратга нисбатан қаршилигининг ўзгариши кўриб чиқилди (расм-2).



2– расм. Si<Cu> нинг ҳароратни қаршилиқка боғлиқлиги.

2-расмда солиштирма қаршилиги $\rho=10^4$ Ом·см га тенг бўлган, Cu билан легирланган Si ни 270÷370 К оралиғида термодатчикни қаршилигини ҳароратга нисбатан ўзгариши келтирилган. Ҳарорат 270÷320 К оралиғида ушбу боғланиш деярли чизиқли ўзгарганини ва бу ораликда унинг ҳароратни сезгирлик коэффиценти β 6000 K^{-1} ва 320÷370 К ораликда эса 5300 K^{-1} га тенг эканлиги кузатилди. Мис билан легирланган кремний асосида яратилган термодатчикларнинг ҳароратини қайд қилиш тезлиги τ_1 махсус қурилма ёрдамида ҳароратнинг $T=273\div 373$ К оралиғида сувга ташланиб аниқланди ҳамда τ_2 қиймати очик ҳавода кузатилди.

№	ρ , Ом·см	Ҳарорат сезгирлик коэффиценти, K^{-1}	α , %	Ҳарорат оралиғи, К	τ_1 , секунд	τ_2 , секунд
1	10^2	2000-3000	-20	270÷320	30	45
2	$1,2 \cdot 10^3$	3500-4500	-18	270÷320	25	33
3	$5 \cdot 10^3$	5000	-10	270÷320	10	15
4	10^4	6000	-8	270÷320	5	6

Жадвалдан кўриниб турибдики, датчикларнинг ҳароратни сезувчанлиги мавжуд керемнийли ҳарорат датчиклар [12-13-14] каби аниқ натижаларга эга ва унинг қиймати материалнинг солиштирма қаршилиги ортиши билан ошиб бориши аниқланди.

ХУЛОСА

Юқоридаги олинган натижалар асосида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, мис билан легириланган кремний асосида яратилган термодатчикларнинг 273÷320 К оралиғида ҳарорат сезгирлик коэффициенти юқори (6000 K^{-1}) эканлиги аниқланди. Ушбу технология кремний асосида бошқа технологиялар билан яратилган термодатчиклардан бир бунча арзон ва юқори барқорор параметрга эга ҳамда бу ҳозирги замон яримўтказгичли микроэлектроника соҳасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

- [1]. Коптева Ю.Н. Датчики теплофизических и механических параметров. Справочник: в 3 т. Под общей редакции Москва: ИПЖР, 1998.
- [2]. Суханова Н.Н., Суханов В.И., Юровский А.Я. Полупроводниковые термопреобразователи с расширенным диапазоном рабочих температур // Датчики и системы. №7-8. 1999. С.28-30.
- [3]. Маркелов А. Датчики температуры, первичные преобразователи // Инженерная микроэлектроника. 2003. №10. С.83.
- [4]. Баринов И. Высокотемпературные тензорезистивные датчики давлений на основе карбида кремния // Компоненты и Технологии 2010. № 8. С. 64-71.
- [5]. М.К. Бахадирханов, Ш.Н. Ибодуллаев, Х.Ф. Зикриллаев, С.А. Тачилин Датчик температуры и освещения на основе единого кристалла кремния // ПРИБОРЫ. 2021. № 8 (254) С. 12-18.
- [6]. Бахадирханов М.К., Валиев С.А., Насриддинов С.С., Тачилин С.А., Эгамов У. Чувствительный, быстродействующий и радиационноустойчивый терморезистор для дистанционного контроля температуры // Заводская лаборатория. 2008. Т.74. С. 12-14.
- [7]. Bakhadyrkhanov M.K., Mavlonov G.Kh., Isamov S.B., Iliev Kh.M., Ayupov K.S., Saparniyazova Z.M., and Tachilin S.A. Transport Properties of Silicon Doped with Manganese via Low Temperature Diffusion // Inorganic Materials. 2011. Vol. 47. No. 5. pp. 479-483.
- [8]. Абдурахманов Б.А., Аюпов К.С., Бахадирханов М.К., Илиев Х.М., Бобонов Д.Т. Зикриллаев Н.Ф., Сапарениязова З.М., Тошов А. Низкотемпературная диффузия примесей в кремнии // Академии наук Республики Узбекистан. 2010. №4. С.32-36.
- [9]. Валиев С.А., Насриддинов С.С., Бахадирханов М.К., Тачилин С.А Чувствительный термодатчики на основе сильнокомпенсированного кремния // Электронная обработка материалов. 2007. №6. С.111-113.
- [10]. А. Фрунзе. Датчики температуры // Схемотехника. №1. 2000. С. 14-17.

ҲЎЛ УСУЛДА ЧАНГ УШЛОВЧИ АППАРАТНИ САНОАТДА ҚЎЛЛАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Н.А. Эргашев¹, Б.А. Алиматов²

¹Фаргона политехника институти,

²Шухов номидаги Белгород Давлат технология университети
(Қабул қилинди 19.04.2021 й.)

The article recommends the industrial application of a wet dust collection and gas cleaning device with a contact element sliding motion and to determine its cleaning efficiency.

Keywords: flow rate, favorable stream, wet method, contact element, twisted stream, fluid envelop, air stream, gas stream, quartz sand and dolomite dust, phase surface, surface tension.


В статье предложены режимы промышленного применения мокрого пылеуловителя при мокром способе, при котором контактный элемент вращается, и определение эффективности его очистки.

Ключевые слова: расход, попутный вихрь, мокрый способ, контактный элемент, межфазная поверхность, поверхностное натяжение, захрученный поток, пленка жидкости, кварцевый песок и доломитовая пыль, газовый поток, скорост воздуха

Мақолада контакт элементи уюрмали ҳаракат берувчи ҳўл усулда чанг ушловчи аппаратни саноатда қўллаш ва унинг тозалаш самарадорлигини аниқлаш режимлари тавсия этилган.

Таянч сўзлар: сарф, уюрмали оқим, ҳўл усул, контакт элементи, фазалараро юза, сирт таранлиги, уюрмали ҳаракат, суюқлик плёнкаси, кварц қуми ва доломит чанги, ҳаво оқими, газ оқими.

Янги ишлаб чиқилган ҳўл усулда чанг ушловчи ва газ тозаловчи аппаратнинг тажриба моделида тозалаш жараёнига таъсир қилувчи асосий ишчи факторлар белгиланди (1-расм) [1]. Аппаратдаги газ тезлиги, газ сарфи, суюқлик сарфи, гидравлик йўқотиш, ҳамда аппаратнинг маҳаллий қаршилиги тажрибалар асосида аниқланди. Аппаратга уюрмали




1-расм. Ҳўл усулда чанг ушловчи ва газ тозаловчи аппарат умумий кўриниши.

харакат берувчи контакт элемент танланди. Ўтказилган назарий ҳамда экспериментал тадқиқотлар асосида аппаратга дастлабки талаблар ва техник топшириқлар ишлаб чиқилди.


Чангли газни тозалаш самарадорлигини белигилаш бўйича ўтказилган тажриба синовлари Фарғона политехника институти “Технологик машиналар ва жиҳозлар” кафедрасининг ўқув полигони ҳамда «KVARTS» АЖ нинг хом ашё тайёрлаш цехида ўтказилди.

Аппарат «KVARTS» АЖ нинг кварц қумини қуриштириш технологик чизиғида қуриштириш барабанида ҳосил бўладиган кварц қуми чанги ҳамда доломитни қуриштириш технологик чизиғида қуриштириш барабанида ҳосил бўладиган доломит чангини тозалаш тармоғига ўрнатилди (1.2-1.3-расмлар).

Газ таркибидаги кварц ва доломит чанглари тозалаш бўйича тажриба синовлари ўтказилди.



1.2-расм. Хом ашё бўлими кварц қумини қуриштириш технологик чизиғи. 1 – Ковушли грейфер; 2 – Қуриштириш барабани; 3 – Циклон НИОГАЗ; 4 – Ҳўл усулда чанг ушловчи ва газ тозаловчи аппарат; 5 – Аралаштиргич; 6 – Ковушли элеватор; 7 – Саралаш машинаси; 8 – Лентали конвейер; 9 – Винтли конвейер;



1.3-расм. Хом ашё бўлими доломитни қуритиш технологик линияси. 1 – Ковушли грейфер; 2 – Жағли майдалагич; 3 – Қуритиш барабани; 4 – Шарли тегирмон; 5 – Саралаш машинаси; 6 – Циклон НИОГАЗ; 7 – Хўл усулда чанг ушловчи ва газ тозаловчи аппарат; 8 – Ковушли элеватор; 9 – Лентали конвейер; 10 – Винтли конвейер; 11 – Магнитли сепаратор;

«KVARTS» АЖ хом ашё цехидаги барабанли қуригичдан чиқаётган кварц куми ва доломит чангини хўл усулда чанг ушловчи ва газ тозаловчи аппаратда тозалаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Саноат синовларини ўтказишда куйидаги параметрлар газ оқимига уюрмали ҳаракат берувчи контакт элементларнинг ишчи органи қиялиги $\alpha=30^\circ$; 45° ва 60° , суюқликни сочувчи штуцер тешигининг диаметри $d_{шт}=2$; 2,5 ва 3 мм, аппаратдаги газ тезлиги $v_t=7,07\div 28,37$ м/с оралиғида, аппаратга берилаётган суюқлик сарфи $70\div 189,2$ л/соат танланди. Ташқи муҳит ҳарорати 20 ± 2 °С, барабанли қуригичдан

чиқаётган чангли газнинг ҳарорати кварц куми чанги учун 90 °C ва доломит чанги учун 65÷80 °C.

Тажрибаларнинг кўп омиллилиги ҳисобга олиниб аппарат тозалаш самарадорлиги ва энергия истеъмолини аниқлашда математик режалаштириш усулидан фойдаланиш белгиланди [2]. Унга кўра ўзгарувчи омиллар сифатида танланган штуцер тешигининг диаметри (X_1), суюқлик сарфи (X_2), контакт элемент паррақларининг қиялик бурчаги (X_3) ва газ тезлиги (X_4) аппаратнинг тозалаш самарадорлиги ва энергия истеъмолига энг кўп таъсир этувчи омиллар эканлиги аниқланди ҳамда омилларнинг ўзгариш оралиқлари белгиланди. 1.1-жадвалда омилларнинг сатҳлари ва ўзгариш оралиқлари келтирилган.

1.1-жадвал

Омилларнинг сатҳлари ва ўзгариш оралиқлари

№	Омиллар	Ўлчов бирлиги	Омилларни белгиланиши	Ўзгариш оралиғи	Омилларнинг сатҳлари		
					қуйи (-1)	асосий (0)	юқори (+1)
1.	Штуцер тешигининг диаметри	мм	X_1	0,5	2 мм	2,5 мм	3 мм
2.	Суюқлик сарфи	м ³ /соат	X_2	0,054	0,07	0,124	0,178
3.	Контакт элемент паррақларининг қиялик бурчаги	градус	X_3	15°	30°	45°	60°
4.	Газ тезлиги	м/с	X_4	10,61	7,07	17,68	28,3

Аниқланадиган мезонлар сифатида тозалаш самарадорлиги (Y_1) ва сарфланадиган энергия (Y_2) деб қабул қилинди.

Аниқланадиган мезонларга ўзгарувчи омилларнинг таъсирини иккинчи даражали полином тўлиқ ёритиб беради деб ҳисоблаб, тажрибалар HARTLI-4 режаси асосида амалга оширилди [3].

Аниқланадиган мезонларга назорат қилинмайдиган омилларнинг таъсирини камайтириш учун тажрибаларни ўтказиш кетма-кетлиги тасодифий сонлар жадвалининг 1/17 кўринишидан фойдаланиб белгилаб олинди. Кварц куми чанги ва доломит чангини тозалаш самарадорлиги ҳамда энергия истеъмолининг мақбул параметрларни аниқлаш учун тажрибалар 5 маротабадан алоҳида-алоҳида такрорланган ҳолда ўтказилди. Олинган тажриба натижаларининг ўрта арифметик қийматлари танланди. Тозалаш даражасини белгилашда кўп таркибли АНКТ-410 маркали газоанализатор аппаратидан фойдаланилди. Тажриба натижаларига тегишли тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари “PLANEX” программасининг HARTLI-4 дастури бўйича олинди ва ўзгарувчи омилларнинг баҳолаш мезонларига боғлиқлик графиклари қурилди (1.4; 1.5-расмлар).

Унга кўра: Аппаратда кварц куми чангини тозалаш самарадорлиги қуйидаги регрессия тенгламаси бўйича аниқланади, %

$$Y_1 = +99,347 + 0,172X_1 + 2,570X_2 + 0,000X_3 - 0,370X_4 + 0,000X_1X_2 + 0,000X_1X_3 + 0,406X_1X_3 - 0,274X_1X_4 - 2,369X_2X_3 + 0,338X_2X_3 - 0,252X_2X_4 + 0,000X_3X_3 - 0,331X_3X_4 + 0,000X_4X_4 \quad (1.1)$$

Аппаратда доломит чангини тозалаш самарадорлиги қуйидаги регрессия тенгламаси бўйича аниқланади, %

$$Y_2 = +99,827 + 0,187X_1 + 2,031X_2 + 0,145X_3 - 0,217X_4 + 0,067X_1X_1 - 0,085X_1X_2 + 0,166X_1X_3 + 0,000X_1X_4 - 1,963X_2X_2 + 0,200X_3X_3 - 0,386X_2X_4 - 0,186X_3X_3 + 0,000X_3X_4 - 0,145X_4X_4 \quad (1.2)$$


Аппаратда кварц куми чангини тозалаш жараёни учун сарфланадиган энергия қуйидаги регрессия тенгламаси бўйича аниқланади, кЖ/1000 м³

$$Y_2 = +267,948 + 4,777X_1 + 97,483X_2 - 0,17X_3 + 19,883X_4 + 36,449X_1X_1 + 1,096X_1X_2 - 1,404X_1X_3 - 2,854X_1X_4 + 0,000X_2X_2 + 42,888X_2X_3 + 39,054X_2X_4 + 17,666X_3X_3 + 4,121X_3X_4 - 62,500X_4X_4 \quad (1.3)$$


Аппаратда доломит чангини тозалаш жараёни учун сарфланадиган энергия куйидаги регрессия тенгламаси бўйича аниқланади, кЖ/1000 м³

$$Y_2 = +269,154 + 4,793X_1 + 97,683X_2 - 10,017X_3 + 21,267X_4 + 36,397X_1X_1 + 1,329X_1X_2 - 1,579X_1X_3 - 2,863X_1X_4 + 0,000X_2X_2 + 41,471X_2X_3 + 39,104X_2X_4 + 17,397X_3X_3 + 3,913X_3X_4 - 62,386X_4X_4 \quad (1.4)$$


Кварц куми ва доломит чангини тозалаш жараёни ҳамда энергия истеъмоли учун олинган регрессия тенгламаларидан фойдаланиб тозалаш самарадорлиги ва энергия истеъмолининг аппаратдаги ўзгарувчан омилларга боғлиқлик графиклари қурилди. Натижалар 1.4, а, б, в, г ва 1.5, а, б, в, г-расмларда келтирилган.




а



б





в




г

1.4-расм. Тозалаш самарадорлигининг ўзгарувчи омилларга боғлиқлиги. 1 – кварц куми чанги; 2 – доломит чанги. а – тозалаш самарадорлигининг контакт элемент паррак юзасига боғлиқлиги; б – тозалаш самарадорлигининг штуцер тешиги диаметрига боғлиқлиги; в – тозалаш самарадорлигининг газ тезлигига боғлиқлиги; г – тозалаш самарадорлигининг суюқлик сарфига боғлиқлиги.


Олинган регрессия тенгламалари (1.1-1.4-тенгламалар) ва графиклар (1.4 ва 1.5-расмлар) таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, суюқлик сарфи, чангли газ тезлиги, штуцер тешигининг диаметри ва контакт элементнинг қиялик бурчаги ўрганилаётган омилларга нисбатан мураккаб боғлиқликда бўлар экан.



А



б



В

в

1.5-расм. Энергия сарфининг ўзгарувчи омилларга боғлиқлиги. 1 – кварц куми чанги; 2 – доломит чанги.

А – энергиянинг контакт элемент паррак юзасига боғлиқлиги; б – энергиянинг штуцер тешиги диаметрига боғлиқлиги; в – энергиянинг газ тезлигига боғлиқлиги; г – энергиянинг суюқлик сарфига боғлиқлиги.

Тадқиқ этилаётган жараёнларга таъсир этувчи омиллар, яъни аппаратнинг тозалаш самарадорлиги ва энергия истеъмолининг мақбул қийматларини аниқлаш мақсадида регрессия тенгламалари кварц куми чанги ва доломит чангини тозалаш жараёни учун алоҳида-алоҳида ечиб кўрилди. Бунда кварц куми чангини тозалаш самарадорлиги 98,7 % ва доломит чангини тозалаш самарадорлиги эса 98,9 % дан юқори бўлиш шarti ГОСТ-62-198-142 ҳамда ГОСТ-67-198-142 талаби бўйича қабул қилинди. Ушбу вазифа ПК «Pentium IV» компютерида Excel дастурини «ечимни қидириш» (поиск решения) амали ёрдамида ечилиб, ўзгарувчи омилларнинг кодланган кўринишидаги мақбул қийматлари олинди ҳамда кодланган қийматлардан натурал қийматларга ўтилди. 1.2-жадвал.

Шундай қилиб, намуна учун танланган чанглари тозалаш жараёни учун аппаратнинг мақбул параметрлари стандарт ҳолатга келтирилди ва уни қуйидагича ёзиш мумкин.

Кварц куми чангини тозалаш жараёни учун:

- штуцер тешигининг диаметри, $d_{шт}=2,8$ мм;
- суюқлик сарфи, $Q_{сую}=0,124$ м³/соат.
- контакт элемент парракларининг қиялик бурчаги, $\alpha=47^\circ$
- чангли газ тезлиги, $v=17,68$ м/с;

Кодланган қийматлардан натурал қийматларга ўтиш

№	Омиллар	Ўлчов бирлиги	Шартли белгиланиши	Кодланган қиймати		Ҳақиқий қиймати	
				Кварц куми чанги	Доломит чанги	Кварц куми чанги	Доломит чанги
1	Штуцер тешигининг диаметри	мм	X ₁	-0,62	-0,56	2,8	2,6
2	Суюқлик сарфи	м ³ /со-ат	X ₂	-0,52	-0,29	0,124	0,138
3	Контакт элемент паррақларининг қиялик бурчаги	градус	X ₃	0,12	0,14	47°	44°
4	Газ тезлиги	м/с	X ₄	-0,03	0,26	17,68	20,4

Ўзгарувчи омилларнинг бу қийматларида аппаратнинг энергия сарфи 3,2 кВт/соат, тозалаш самадорлиги 99,72 % ва гидравлик қаршилиги 1360,4 Па ни ташкил этди. Доломит чангини тозалаш жараёни учун:

- штуцер тешигининг диаметри, $d_{ш}=2,6$ мм;
- суюқлик сарфи, $Q_{сую}=0,138$ м³/соат.
- контакт элемент паррақларининг қиялик бурчаги, $\alpha=44^\circ$
- чангли газ тезлиги, $v=20,4$ м/с;

Ўтказилган тажриба тадқиқотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзгарувчи омилларнинг бу қийматларида аппаратнинг энергия сарфи 2,8 кВт/соат, тозалаш самадорлиги 99,46 % ва гидравлик қаршилиги 1250,7 Па ни ташкил этди. Тажриба натижаларига кўра, тозалаш самарадорлиги мавжуд ҳўл усулда тозаловчи аппаратларга нисбатан кварц куми чанги учун 4,46 % ҳамда доломит чанги учун 5,43 % га юқори, 1 м³ ҳавони тозалаш учун сарфланадиган суюқлик 2,5 баробарга ва энергия истеъмоли 0,8 баробарга кам сарфланиши аниқланди. Тажрибаларда олинган натижалар шу турдаги аппаратларга қўйиладиган техник талабларни тўлиқ қаноатлантирди.

Адабиётлар

- [1]. Эргашев Н.А., Алиматов Б.А., Каримов И.Т. Контакт элементи буралган йўлдош куюнли режимда ишловчи ҳўл усулда чанг тозаловчи аппарат // Фарғона политехника институтининг илмий-техник журнали. – Фарғона, 2019. – №2. – Б. 147-152.
- [2]. Эргашев Н.А., Алиматов Б.А., Ахунбаев А.А. Энергетическая эффективность абсорбционной газоочистки // Фарғона политехника институтининг илмий-техник журнали. – Фарғона, 2017. – №4. – Б. 140-143.
- [3]. Архипов В.А., Березиков А.П. Основы теории инженерно-физического эксперимента. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2008. – 206 с.
- [4]. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва: Колос, 1978.–335 с.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ТАШИШДА САМАРАЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШ

Ж.Р. Кобулов, Ж.С.Баротов, Д.Ш. Бобоев

Тошкент давлат транспорт университети
(Қабул қилинди 5.04.2021 й.)

The article presents the total serial sum of the time spent on them in the processing of trains in stantsiya, the time spent on the exchange of Locomotive Brigade, the total time spent on local wagons until the shipment after the increase in the load on the performance of technological operations. Also on the basis of these operations developed a method and algorithm for determining the order of consecutive execution of technological processes. The work of the railway transport gives an opportunity to predict the delivery of cargo "in its term", taking into account the peculiarity of technological processes.

Keywords: delivery, technological process, domestic wagon, station, operation.

В статье представлена общая серийная сумма времени, затраченного на них при обработке поездов в станциях, времени, затраченного на обмен локомотивной бригады, общего времени, затраченного на местные вагоны до отгрузки после увеличения нагрузки на выполнение технологических операций. Также на основе этих операций разработаны метод и алгоритм определения порядка последовательного выполнения технологических процессов. Работа железнодорожного транспорта дает возможность прогнозировать доставку груза "в свой срок" с учетом особенностей технологических процессов.

Ключевые слова: доставка, технологический процесс, местный вагон, станция, операция.

Мақолада станцияда поездларни қайта ишлашда уларга сарфланадиган вақтларнинг умумий кетма кетлик йиғиндиси, локомотив бригадаси алмашишида сарфланадиган вақтлари, маҳаллий вагонларга технологик операцияларга бажаришда юк ортилгандан сўнг жўнатилишигача сарфланадиган умумий вақти келтирилган. Шунингдек ушбу операциялар асосида станцияларда технологик жараёнларни кетма-кет бажарилиши тартибини аниқлаш усули ҳамда алгоритми ишлаб чиқилган. Темир йўл транспорти иши технологик жараёнлари хусусиятини ҳисобга олган ҳолда юкларни "ўз муддатида" етказиб беришни башоратлаш имкониятини беради.

Таянч сўзлар: етказиб бериш, технологик жараён, маҳаллий вагон, станция, операция.

Қайта ишланадиган вагонларга сарфланадиган вақт станциянинг турига ва лойиҳасига боғлиқ равишда ҳисоблаб топилади. Йўл давомида қайта ишланадиган вагонлар билан бажариладиган технологик операциялар иш турига ҳамда бажарилиш шароитига боғлиқ равишда икки гуруҳга бўлинади, яъни саралаш тепалигада қайта ишланадиган ва тортув йўли орқали қайта ишланадиган вагонлар.

Саралаш тепалигининг асосий вазифаси юк поездларни тарқатиб ва тузишдан иборат. Шунингдек саралаш станцияларида транзит поездларни техник ва тижорий кўриқдан ўтказиш ҳамда локомотив бригадасини алмаштириш ишлари бажарилади. Ушбу технологик операцияларни инобатга олган ҳолда станцияда вагонларнинг умумий бўлиш вақтини аниқлаш талаб этилади. Саралаш станцияларини асосий иншоотларидан бири бу саралаш тепалиги ҳисобланади. Таркибларни саралаш тепалиги орқали тарқатиладиган станцияларда технологик операцияларга сарфланаётган вақт давомийлиги станциянинг вагонлар билан ишлаш қувватига боғлиқ ҳолда аниқланади. Таркибларни саралаш тепалиги орқали тарқатиладиган станцияларда технологик жараёнларга сарфланадиган умумий вақт куйидагича аниқланади[1]:

$$\sum t_{\text{иш}}^{\text{сар}} = (t_{\text{к.к}} + t_{\text{т.м}}^{\text{кп.}} + t_{\text{тех.тиж}}^{\text{к.к.п.}} + t_{\text{тех.тиж}}^{\text{к.п.}} + t_{\text{сар}}^{\text{к}} + t_{\text{у}} + t_{\text{с}} + t_{\text{т}} + t_{\text{з}} + t_{\text{йнг}} + t_{\text{туз.туг}} + t_{\text{ўтказ}}^{\text{к}} + t_{\text{ўтказ}} + t_{\text{т.м}}^{\text{ж.п}} + t_{\text{тех.тиж}}^{\text{жп}} + t_{\text{лок}}^{\text{к}} + t_{\text{тор.тек}} + t_{\text{жўн}}) / 60, \text{соат} \quad (1)$$

Йўл давомида саралаш тепалиги орқали қайта ишланишлар сонига боғлиқ ҳолда бир нечта станцияда кетма-кетликда бажарилишида станцияда бўлиш вақтини келтириб чиқарамиз:

$$\sum_{k=1}^K (\sum t_{\text{иш}}^{\text{сар}})_i, \text{ соат} \quad (2)$$

Вагонларни йўл давомида қайта ишланишларни ҳисобга олган ҳолда тортув йўли орқали таркибни тарқатиш ва тузиш ишлари амалга оширишга сарфланадиган вақтларини ҳисоблаш ушбу формула орқали амалга ошириш мумкин бўлади:

$$\sum t_{\text{иш}}^{\text{тор}} = (t_{\text{п.к.к}} + t_{\text{т.м}}^{\text{кп.п.}} + t_{\text{тех.тиж}}^{\text{к.п.п.}} + t_{\text{тех.тиж}}^{\text{к.п.}} + t_{\text{тар}}^{\text{к}} + t_{\text{тар}} + t_{\text{жой}} + t_{\text{тўп}} + t_{\text{туз.туг}} + t_{\text{ўтказ}}^{\text{к}} + t_{\text{ўтказ}} + t_{\text{т.м}}^{\text{ж.п.}} + t_{\text{тех.тиж}}^{\text{жп}} + t_{\text{лок.там}}^{\text{к}} + t_{\text{тор.тек}} + t_{\text{жўн}}) / 60, \text{ соат} \quad (3)$$

Бир нечта станцияда поездларни қайта ишлашда уларга сарфланадиган вақтларнинг умумий йиғиндиси қуйидагича ифодаланади:

$$\sum_{m=1}^M (\sum t_{\text{иш}}^{\text{тор}})_i, \text{ соат} \quad (4)$$

Юк жўнатилган станциядан белгиланган станциягача юриш вақти қанча тез бўлса вагонлардан фойдаланиш шунча тезлашади. Вагонларни йўл давомида қайта ишланмасдан ҳаракатланиши юкларни етказиб бериш муддатига ижобий таъсир кўрсатади. Вагонларимизни йўл давомида қайта ишланмайдиган станцияда туриш вақтлари икки гуруҳга бўлинади, яъни локомотив алмашадиган техник станция ҳамда локомотив бригадаси алмашадиган станция [2,5,7].

Вагонларни қайта ишланмайдиган технологик жараёнларини бажаришда локомотив алмашадиган техник станцияларда умумий туриш вақти қуйидаги формула орқали ифодалаймиз:

$$\sum t_{\text{лок.ал}} = (t_{\text{к.к}} + t_{\text{т.м}} + t_{\text{тех.тиж}}^{\text{к}} + t_{\text{тех.тиж}} + t_{\text{лок.та}}^{\text{к}} + t_{\text{тор.тек}} + t_{\text{жўн}}) / 60, \text{ соат} \quad (5)$$

Шунингдек локомотив вагонлар тўпланадиган станцияда алмашади бу эса локомотив айланиш елкаси ҳисобланади. Вагонларни йўл давомида станцияларда вагонларни қайта ишламасдан локомотив алмашиниси сони уларга сарфланадиган умумий вақтини йиғиндисини қуйидаги формула орқали ифодалаймиз:

$$\sum_{s=1}^S (\sum t_{\text{иш/май}}^{\text{лок.ал}})_i, \text{ соат} \quad (6)$$

Локомотив бригадаси алмашинишида поездлар станцияга қабул қилиниб, бригада алмашиниб тормоз ускуналарини текшириб станциядан жўнатилади. Локомотив бригадаси алмашинишига сарфланадиган вақт қуйидаги формула орқали аниқлаймиз:

$$\sum t_{\text{лок.б.ал}} = (t_{\text{к.к}} + t_{\text{б.ал}} + t_{\text{жўн}}) / 60, \text{ соат} \quad (7)$$

Вагонларимиз йўл давомида бир неча марта локомотив бригадаси алмашадиган бўлса умумий йиғиндисини қуйидагича ҳисоблаймиз.

$$\sum_{z=1}^Z (\sum t_{\text{иш/май}}^{\text{лок.б.ал}})_i, \text{ соат} \quad (8)$$

Маҳаллий вагонларни қабул қилишда ва жўнатишда умумий қуйидаги операциялар бажарилади:

- 1) юк операциялар бўйича юк ортиш ва тушириш фронтига вагонларни олиб кириб бериш ва тушириш;
- 2) юкларни вагонларга ортиш ва тушириш;
- 3) юк тушириш фронтига вагонларни жойлаштириш;
- 4) саралаш паркидаги вагонларни тортув йўлига жойлаштириш;
- 5) юкланган вагонларни техник ва тижорий кўриқдан ўтказиш;
- 6) станцияга келган вагонларни юк тушириш фронтига олиб кириб бериш учун тўпланиши;
- 7) юк қабул қилиш ва топширишда юк ҳужжатларини расмийлаштириш.

Маҳаллий вагонларга технологик операцияларга бажаришда юк ортилгандан сўнг жўнатилишигача сарфланадиган умумий вақт қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\sum t_{ж} = (t_{ортиш} + t_{юк.ф.сар}^K + t_{юк.ф.сар} + t_{ол.чик}^K + t_{ол.чик} + t_{т.м} + t_{сар} + t_{йиг} + t_{туз.туг}^K + t_{туз.туг} + t_{о.ў} + t_{т.м} + t_{тор.тек} + t_{лок.там}^K + t_{жўн}) / 60, соат \quad (9)$$

Шунингдек маҳаллий вагонларни станцияга қабул қилишда юк тушириш фронтига олиб кириб беришгача бўлган вақт давомийлигини умумийлаштирилган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин [8].

$$\sum t_{к} = (t_{к.к} + t_{тар}^K + t_{тар} + t_{йиг}^K + t_{йиг} + t_{о.к.б}^K + t_{о.к.б} + t_{туш}) / 60, соат \quad (10)$$

Темир йўлларда транспорт фаолиятини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларидан бири участка тезлиги ҳисобланади. Технологик операциялар орасида бир неча ёндашувлар учун маълум участка тезлиги қийматини аниқлаш керак бўлади:

$$v_{уч} = \frac{\sum L_{уч}}{\sum t_{уч}}, \text{ км/соат} \quad (11)$$

бунда $\sum L_{уч}$ - поездни босиб ўтиш масофаси, км;

$\sum t_{уч}$ - участкада юриш вақти, соат.

$$\sum t_{уч} = \frac{\sum L_{уч}}{v_{уч}} \quad (12)$$

Юкларни етказиб бериш технологиясига кўра йўл давомида технологик жараёнларга сарфланаётган вақтларни аниқлаш ифодалари келтирилган ҳолда, улар қуйидагилардан иборат эканлиги маълум бўлди[6]:

- 1) вагонларни станциядан жўнатиш;
- 2) йўл давомида таркибни саралаш тепалиги орқали тарқатиш станциясида бўлиш вақти;
- 3) йўл давомида таркибни тортув йўли орқали тарқалиш станциясида бўлиш вақти;
- 4) йўл давомида локомотив алмашиш вақти;
- 5) йўл давомида локомотив бригада алмашиш вақт;
- 6) поездларни участкада ҳаракатланишига сарфланадиган вақт;
- 7) вагонларни станцияга қабул қилиш вақт;
- 8) қўшимча операцияларга сарфланадиган вақт.

Ушбу технологик жараёнларни вақтини ҳисоблашда йўл давомида сарфланадиган умумий вақтини келтирилган ҳолда юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш икониятини беради. Юкларни етказиб бериш муддати (3.31) формула ёрдамида аниқлашимиз мумкин:

$$T'_{е.б.м} = \left\{ \frac{\sum t_{ж} + \sum_{k=1}^K (\sum t_{инш}^{сар})_i + \sum_{m=1}^M (\sum t_{инш}^{тор})_i + \sum_{s=1}^S (\sum t_{инш/май}^{лок.ал})_i + \sum_{z=1}^Z (\sum t_{инш/май}^{лок.б.ал})_i + \sum t_{к} + \sum_{l=1}^L (\sum t_{уч})_i}{24} \right\} + \sum t_{к.о} \quad (13)$$


таклиф этилаётган (13) ифода юкларни етказиб бериш муддатини йўл давомида таъсир этаётган барча омилларни инобатга олган ҳолда тўғри ҳисоблаш имконини беради.

Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини тўғри аниқлаш учун станцияларда бажариладиган технологик операциялар кетма-кетлиги, уларни бажаришга сарфланадиган вақт давомийлиги, участкаларда ҳаракатланиш тезлигини аниқ белгилаш талаб этилади. Амалиётда етказиб бериш муддатини аниқлашда технологик операциялар алоҳида куриб чиқилмаган ва ҳозирда бошланғич ва охириги операцияларга сутка қўшиш орқали аниқланади. Станцияларда таркиблар билан бажариладиган технологик операциялар орасидаги вариация интервал коэффициентлари келтирилганлиги сабабли уларга сарфланаётган вақтларнинг эҳтимолини аниқлаш мумкин бўлади [3,4].


Ҳозирги кунга қадар ишлаб чиқилган юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш усуллари таҳлили шуни кўрсатадики шу кунга қадар юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилмаган. Мавжуд усулларда асосан ташиш масофаси ҳамда суткалик

юриш масофасига эътибор қаратилган.

Мақолада олиб борилган статистик таҳлиллар ва назарий хулосалар асосида темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини аниқлашнинг алгоритми ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш алгоритми



1-расм. Темир йўл транспортда юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш алгоритми (давоми).

Хулоса: Ушбу алгоритм асосида станцияларда технологик жараёнларни кетма-кет

бажарилиш тартибини ҳам аниқлаш келтирилган. Алгоритм ёрдамида битта техник станцияда бажарилган технологик жараёнларни умумий йиғиндиси ҳамда уларда бажарилаётган ҳар бир операцияларга сарфланган вақтларни аниқлаш мумкин. Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатини аниқлаш усулини такомиллаштириш учун унга таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олиш асосида вагонли жўнатмалар суткалик юриш вақтининг масофага боғлиқлик математик модели ишлаб чиқилган. Бу темир йўл транспорти иши технологик жараёнлари хусусиятини ҳисобга олган ҳолда юкларни “ўз муддатида” етказишнинг фойдаланиш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш имконини беради. Темир йўл транспорти рақобатбардошлигини ошириш ва мижозларга самарали транспорт хизматларини кўрсатиш учун алоҳида ташиш жараёни технологиясини ҳисобга олган ҳолда юкларни етказиб бериш муддатини ҳисоблашнинг алгоритми ишлаб чиқилган.

Адабиётлар

- [1]. Кобулов Ж.Р., Баротов Ж.С. Нормирование времени отправления грузовых вагонов со станций и оптимизация сроков доставки [Текст] / Ж.Р.Кобулов, Ж.С. Баротов // Вестник ТашИИТ. 2019.-№2. сс. 92-97.
- [2]. Кобулов Ж.Р., Баротов Ж.С. Эффективные способы эксплуатации вагонов на железнодорожном транспорте [Текст] / Кобулов Ж.Р., Баротов Ж.С. // Вестник ТАДИ 2019.-№1. сс. 92-97.
- [3]. J.R. Kobulov, J.S. Barotov. The Development Model of Dispatching Wagons from Stations [Текст] / J.R. Kobulov, J.S. Barotov // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6, Issue 5, 2019. pp. 9460-9466.
- [4]. Кобулов Ж.Р., Баротов Ж.С. Обоснование рационального способа использования рефрижераторного вагона. // сборнике: Логистика: современные тенденции развития. Материалы XVII Международной научно-практической конференции. 2018. С. 228-230.
- [5]. Кобулов Ж.Р. Обоснование условий перевозок плодоовощных грузов в рефрижераторных вагонах // автореферат дис. ... кандидата технических наук / Петерб. гос. ун-т путей сообщ.. Санкт-Петербург, 2011.
- [6]. Кобулов Ж.Р., Баротов Ж.С. Нормирование времени отправления грузовых вагонов со станций и оптимизация сроков доставки [Текст] / Ж.Р.Кобулов, Ж.С. Баротов // Вестник ТашИИТ. 2019.-№2. сс. 92-97.
- [7]. Нурмухамедов Р.З. Управление эксплуатационной работой железных дорог. Учебное пособие [Текст] / Р.З. Нурмухамедов. Ташкент: Укитувчи, 1990. – 416 с.
- [8]. J.R. Kobulov, J.S. Barotov. The Development Model of Dispatching Wagons from Stations [Текст] / J.R. Kobulov, J.S. Barotov // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6, Issue 5, 2019. pp. 9460-9466.

ҲАЛҚАЛИ ЙИГИРУВ МАШИНАСИДАГИ ЧЎЗУВЧИ ЖУФТЛИКЛАРНИ ИП СИФАТИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

А.А. Юсупов, Ҳ.Т. Бобожанов

Наманган муҳандислик - технология институти, alijonyusupov533@gmail.com,
bobojanov1979@mail.ru
(Қабул қилинди 6.04.2021 й.)

Мақолада ҳалқали йиғириш машинасида чўзувчи жуфтликлар орасига кўшимча зичлагич мосламасини қўйишлиши орқали олинган 27 тексли ипнинг хоссалари келтирилган ҳамда корхонадаги ишлаб чиқарилаётган ипларнинг сифат кўрсаткичлари таққосланган. Ҳалқали йиғириш машинасида кўшимча мослама (зичлагич) ўрнатилгандан сўнг олинган ипнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиги жадваллар, графиклар ҳамда гистограммалар орқали ифода этилган.

Калит сўзлар: ҳалқали, йиғириш машинаси, тукдорлик, ип, , текс, вариатсия коэффитсиенти, чўзувчи жуфтлик.

В статье описаны свойства 27 текстовых нитей, полученных при установке дополнительного уплотнителя между парами вытяжки на кольцепрядильной машине, и проведено сравнение качества пряжи, производимой на предприятии. Улучшение качества пряжи, полученное после установки дополнительного устройства (уплотнителя) на кольцепрядильной машине, выражается в таблицах, графиках и гистограммах.

Ключевые слова: кольцевая, прядильная машина, пушистость, п ряжа, текст, коэффициент вариации, вытяжная пара.

The article describes the properties of 27 text threads obtained by installing an additional seal between the pairs of drawing on a ring spinning machine, and compares the quality of the yarn produced at the enterprise. The improvement in yarn quality obtained after the installation of an additional device (compactor) on the ring spinning machine is expressed in tables, graphs and bar graphs.

Keywords: ring, spinning machine, fluffiness, yarn, tex, coefficient of variation, elongated pair.

Тўқимачилик саноатидаги технологик жараёнлар физикавий ва кимёвий ходисаларнинг мураккаб мажмуасидан иборат бўлиб, уларни фақатгина илм ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланибгина муваффақиятли тадқиқ этиш мумкин [1]. ҳар бир ишлаб чиқариш, шу жумладан тўқимачиликда ҳам хом-ашё қабул қилиш, ҳар-хил сеҳларда ярим маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни кейинги бўлимларда қабул қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, янги техникани ўзлаштириш, технологик жараёнларни мукамаллаштириш, технологик ускуналарни жойлаш ва уларни асосий технологик, конструкуравий параметрларини оптималлаштириш каби умумий бўлган муаммолар мавжуддир [2].

Йиғириш жараёни маҳсули ҳисобланган ип ишлатилишига, қўлланилаётган хом-ашё турига ва йиғириш усулларига қараб бир-биридан фарқланади. Ипнинг пишитилиши ва истеъмолчи буюртмасига қараб хом-ашё танланади. Шунингдек, истеъмолчи талаблари асосида ипнинг сифати баҳоланади [3]. Истеъмолчи талабини қондириш мақсадида турли қўшимча ишлар бажарилади. Ип хоссалари хом-ашё хоссаларидан ташқари технологик ускуналар ишчи параметрларининг муқобиллашганига ҳам боғлиқдир. Шунини таъкидлаш лозимки, турли йиғириш усулларда бир хил хом - ашёдан турлича хоссаларга эга бўлган ип олиниши мумкин.

Ҳалқали йиғириш машинасининг асосий вазифаси пиликдан ип ҳосил қилишдир. Йиғириш машинасида ипдан бир неча марта йўғон бўлган маҳсулотнинг узлуксизлигини, пишиқлигини таъминлаш ва кейинги ишлов бериш учун қулай шаклга эга бўлган ўрам-найча ип ҳосил қилишдан иборат. Ҳалқали йиғириш машинасида асосан учта технологик жараён-чўзиш, пишитиш ва ўраш ишлари бажарилади [4].

Таъминлаш қурилмасининг осма тутқичидаги ғалтак ўрамларидан йўналтирувчи чивикларни қамраб ажралиб чиқаётган пилик етакловчи механизм зичлагичидан ўтиб чўзиш асбобининг таъминловчи жуфтига келади. Чўзиш асбобида пилик бегиланган чизикли зичликгача ингичкалашиб, чиқарувчи жуфтликдан юпка тутамча (мичка) шаклида чиқади. Чиқарувчи цилиндр тагида момиқ сўрғич ўрнатилган бўлиб, ип узилганда толаларни момиқ сўрғич тизимида тортиб олади. Чиқаётган мичка бурамлар олиб ипга айлангач, ип ўтказгичдан ўтиб, катта частотада айланиб турган урчук таъсирида узлуксиз пишитилади. Сўнгра ип ҳалқага кийгизилган югурдак орасидан ўтиб найчага ўралади [5].

Ипнинг сифатини яхшилаш мақсадида ҳалқали йиғириш машинасига қўшимча мослама (зичлагич) ўрнатилган бўлиб, унинг асосий вазифаси маҳсулотни жипслаштириб, чўзиш майдонида уни ёйилиб кетишдан асрашдир. Бу билан толаларга таъсир қилувчи ишқаланиш кучи ортиб, толалар назорати яхшиланади, ҳамда барча толаларнинг ип структурасида бир хил жойлашишини таъминлайди. Ушбу механизм маҳсулотни чўзувчи жуфтликлар сиртида илгариланма – қайтма ҳаракатланиб, эластик қопламаларни бир текис эмирилиши натижасида чўзиш параметрлари доимийлигини таъмирлашга хизмат қилади.

Тажриба ишлари «УЧКУРГАН ТЕХ» МЧЖ (Ўзбекистан) корхонасининг ишлаб чиқариш шароитида олиб борилди. Корхонада ўрнатилган Риетер фирмасининг G32 ҳалқали йиғирув машинаси тажриба ва ишлабчиқариш шароитида ип намуналари олинди.

Йиғирилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида бир қатор тажрибалар ўтказилди. Тажриба синов ишлари учун иккита урчукни танлаб олинди. Маълумки ҳозирги кунда ҳалқали йиғирув машинасида чўзувчи жуфтликлар уч цилиндр ва уч валикдан иборат бўлади. Тажриба синов ишлари учун танлаб олинган биринчи урчукнинг чўзиш асбоби биринчи ва иккинчи жуфтлик орасига зичловчи мослама ўрнатилди. Танлаб олинган иккинчи урчукнинг чўзиш асбоби эса ишчи ҳолатда қолдирилди. Ўрнатилган

МЕХАНИКА

мослама ва ишчи ҳолатдаги чўзиш асбоблари ёрдамида 27 текс йигирилган ип ишлаб чиқарилди ва олинган намуналарнинг сифат кўрсаткичлари корхонанинг замонавий лаборатория жиҳозларина ўрганилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал




Тажриба синов учун олинган 27 тексли ипнинг физик-механик кўрсаткичлари

№	Ипнинг кўрсаткичлари	Корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг сифат кўрсаткичлари	Зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг сифат кўрсаткичлари
		Ўртачаси	Ўртачаси
1	Ипнинг номери вариатсия коэффитсиенти $У \% У \%$	9,19	9,1
2	Ипнинг нотекислик вариатсия коэффитсиенти СВ м СВ м	11,64	11,54
3	Ипнинг нотекислик вариатсия коэффитсиенти СВ 1м %	3,56	3,29
4	Ипнинг нотекислик вариатсия коэффитсиенти СВ 10м %	1,76	1.59
5	Ипнинг ингичка жойлари -30 % /км	445	423
6	Ипнинг ингичка жойлари -40 % /км	10	5
8	Ипнинг қалин жойлари 50 % /км	38	23
9	Ипдаги тугунчалар Непс 200% /км	30	18
10	Умумий нуқсонлар, сони /км	68	40
11	Ипнинг тукдорлиги $Х$	7.28	7.03

Ипни ҳосил қилишда чўзиш асбобининг актив зонасидаги зичлагичлар қандай муҳим вазифасини бажаришида бизга маълум. Амалда барча замонавий чўзиш асбоблари зичлагичлар билан таъминланган. Маҳсулотни чўзиш олдидан ва чўзиш вақтида зичлаш толаларни чўзиш майдонида бир текис ҳаракатланишини таъминлайди [6]. Бундан ташқари, зичлагичларни чўзиш асбобининг актив зонасида жойланиши бурам учбурчагини остидаги ўлчамларига таъсир қилади. Яъни учбурчак учида ва бурам бурчагида чўзиш асбобининг чиқарувчи жуфт цилиндрини мичка билан оғиб ўтишдаги маҳсулот пишиқлиги параметрларига таъсир қилади. Учбурчак учида ва бурам бурчагида чўзиш асбобининг чиқарувчи жуфт цилиндрини мичка билан оғиб ўтишдаги маҳсулот пишиқлиги параметрларига таъсир қилади [7].

Йигирилган ипларни нотекислиги уларнинг ингичка ва йўғон жойлари такрорланишига айтилади. Тадқиқотимизда йигирилган ипларнинг яъни корхонда ишлаб чиқарилаётган ип билан тажриба орқали олинган ипларни таққосланди ва уларнинг кўрсаткичларини фарқини аниқлашга эришилди. Бунда корхонада ишлаб чиқарилаётган йигирилган ипнинг нотекислиги 11.64% да бўлса, тажриба йўли билан олинган ипнинг нотекислиги 11.54 % эканлиги маълум бўлди. Бунда, корхонада ишлаб чиқарилаётган ипга нисбатан намунадаги ипнинг нотекислиги яхшиланганини кўришимиз мумкин.


Ипнинг тозаллиги унинг сиртидаги нуқсонлари билан белгиланади. Ип қанча силлиқ ва тоза бўлса, ундан олинадиган мато ҳам шунчалик текис ва сифатли бўлади. Ҳозирги кунда «непс» атамаси муҳим кўрсаткич бўлиб келмоқда [2]. Олиб борилган тадқиқотларда ипнинг юза қисмидаги нуқсонларини УСТЕР ТЕСТЕР 6 жиҳозида текширганимизда корхонадаги йигирилган ипнинг непслар сони ўртачаси 193та/км тани ташкил этган бўлса, зичлагич мосламасини ўрнатилиб олинган тажриба намунасидаги ипнинг нуқсонлар сони эса 180 та/км ни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турубдики G 32 машинада олинган 27 тексли ипларни солиштирилганида корхонада ишлаб чиқарилган ипга нисбатан намунадаги ип 20% га яхшиланган.

1	<p style="text-align: center;">Ipdagi tugunchalar Neqs 200% /km</p>  <table border="1" style="margin-left: auto; margin-right: auto;"> <thead> <tr> <th>Variant</th> <th>Value</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>30</td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>18</td> </tr> </tbody> </table>	Variant	Value	1	30	2	18	<p>1-расм. Икки вариантда олинган ипнинг тугунчалари Neqs, 200% /км бўйича фарқланиш гистограммаси. 1– корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг кўрсаткичлари, 2– зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг кўрсаткичлари</p>
Variant	Value							
1	30							
2	18							
2	<p style="text-align: center;">Umumiy nuqsonlar, soni /km</p>  <table border="1" style="margin-left: auto; margin-right: auto;"> <thead> <tr> <th>Variant</th> <th>Value</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>68</td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>40</td> </tr> </tbody> </table>	Variant	Value	1	68	2	40	<p>2-расм. Икки вариантда олинган ипнинг умумий нуқсонлар, сони /км бўйича фарқланиш гистограммаси. 1– корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг кўрсаткичлари, 2– зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг кўрсаткичлари</p>
Variant	Value							
1	68							
2	40							
3	<p style="text-align: center;">Iпning tukdorligi H</p>  <table border="1" style="margin-left: auto; margin-right: auto;"> <thead> <tr> <th>Variant</th> <th>Value</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>7,28</td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>7,03</td> </tr> </tbody> </table>	Variant	Value	1	7,28	2	7,03	<p>3-расм. Икки вариантда олинган ипнинг тукдорлик даражаси, H бўйича фарқланиш гистограммаси. 1– корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг кўрсаткичлари, 2– зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг кўрсаткичлари</p>
Variant	Value							
1	7,28							
2	7,03							


Шунингдек, ипда тукдорлик даражаси ҳам мато ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Қандай маҳсулот ишлаб чиқарилишига қараб ипнинг тукдорлик даражаси танлаб олинади. Масалан, тукли иплардан асосан бумазей, байка фланел ва бошқа иссиқ

хамда юмшоқ газламалар тўқишда ишлатилади. Тукдорлик даражаси бу - йигирилган ипнинг ташкил этган толаларни бир учи ипда жойлашган иккинчи учи эса йигирилган ипдан ташқарида жойлашишига туклар сонига айтилади. Тадқиқотда йигирилган ипни тукдорлик даражаси лаборатория жиҳозидан текшириб натижа олинганида, жиҳозда ўрнатилган қўшимча зичлагич орқали олинган ипнинг тукдорлик даражаси камайганини (4 -расм) кўришимиз мумкин.

Зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг ташқи кўриниши



корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг ташқи кўриниши



4-расм. Икки вариантда олинган ипнинг ташқи кўриниши

Ип йигириш саноати узлуксиз давом этувчи технологик жараёнлар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг кўп сонли ўзаро боғлиқ ва шартли омиллари мавжуд бўлган назоратсиз ташқи ва ички ўзгаришлар ишлов берилаётган маҳсулотларнинг сифатига бевосита таъсир қилади. Ушбу омилларнинг алоҳида ёки биргаликдаги таъсири оқибатида технологик жараённинг барқарорлигида бузилишлар содир бўлиб, хомаки ва тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларида кескин ўзгаришларнинг юз беришига, яъни нотекисликнинг пайдо бўлишига олиб келади [6]. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг ҳамда зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг кўрсаткичларидан нотекислик коэффитсиентини таққослаганимизда нотекислиги коэффитсиенти яхшиланганлигини, йигирилган ипдаги тугунчалар 26 % яхшиланилиши, тукдорлик даражаси 3% га камайганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ипнинг сифатини яхшилаш мақсадида ҳалқали йигириш машинасига қўшимча мослама (зичлагич) ўрнатилган бўлиб, унинг асосий вазифаси маҳсулотни жипслаштириб, чўзиш майдонида уни ёйилиб кетишдан асрайди ҳамда толаларга таъсир қилувчи ишқаланиш кучи ортиб, толалар назорати яхшиланади.

Халқали йигириш машинасига қўшимча мослама (зичлагич) ўрнатилгандан сўнг олинган ипнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, ипнинг номери бўйича вариация коэффициентси $[U\%]$ 1%, ипнинг нотекистик вариация коэффициентси CV 1 % яхшиланилиги, шунингдек, ипнинг ингичка жойлари, Тҳин -30 % км 5%, ипнинг тугунчалари Непс, 200% /км 20% га камайганилиги аниқланди.

Адабиётлар

- [1]. К. Жуманиёзов, Б.Мардонов, Дж.К.Гафуров, Х.Бабаджанов. определение зон растяжения и проскальзывания волокон в поперечном сечении пряжи и оценка прочности при ее кручении.Тўқимачилик муаммолари,2009№2 с17-2
- [2]. Bobojanov,H.T.; Yusupov,A.A.; Yuldashev,J.Q.; Sadikov, M.R.; (2020) Influence of deformation properties of yarn on the quality of knitted fabric. Test Engineering and Management. May-June 2020 Pages 29502-29513
- [3]. Bobojanov,H. T., Jumaniyazov, J. Q., Gofurov, Q. G., & Gofurov, J. Q. (2019). The relationship between the properties of yarn and knitted. Textile Journal of Uzbekistan, 1(1),7
- [4]. Еркин Олимбоев “толалардан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий технологияси” Давр пресс 2007
- [5]. L.A.Amzayev, Q.J.Jumaniyazov, S.L.Matismailov Tadqiqot uslub va vositalari. –Toshkent. – “G’ofur G’ulom”. 2014. -Б. 83.
- [6]. Bobojanov, H.T.; Jumaniyazov, J.Q.; Gofurov, Q.G.; and Gofurov, J.Q. (2019) "The relationship between the properties of yarn and knitted," Textile Journal of Uzbekistan: Vol. 1 : No. 1 , Article 7.
- [7]. Yuldashev, J. Q., & Bobojanov, H. T. (2020). Study Of The Influence Of The Parameters Of The Sampling Zone On The Condition Of The Capture Of Fibers By The Drum Teeth. The American Journal of Engineering and Technology, 2(08), 75-78.

УДК 621.78

**ВАГОНЛАРНИНГ АВТОЦЕПКА УЗЕЛИНИ ЕЙИЛГАН ҚИСМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТИКЛАШ УЧУН ҚОПЛАМА ҚОПЛАШ ЭЛЕКТРОДЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

М. Абралов, А. Умаров, У. Парпиева

*Андижон машинасозлик институти
(Қабул қилинди 6.04.2021 й.)*

Мақолада электрод турларининг пайванд чокнинг шаклланиши ва мустаҳкамлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири эканлиги келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ГОСТ 10051-75, қоплама қоплаш, вагон, ейилиш.

В статье отмечается, что разные виды электродов являются одними из основных факторов, влияющих на формирование и прочность сварного шва.

Ключевые слова: ГОСТ 10051-75, наплавка вагон износ

The article notes that the types of electrode coatings are one of the main factors influencing the formation and strength of the weld.

Кейвордс: St. standart 10051-75, coating, wagon, eating.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда темир йўл транспорти орқали юкларни 50%, йўловчиларни эса 30% дан ортиғи ташилмоқда. Бунинг учун турли хилдаги вагонлардан фойдаланилиб келинмоқди. Уларни соз ҳолатда сақлаш ва узок муддат ишлашини тامينлаш муҳим аҳамият эга. Вагонларни айрим деталларини ишлаш жараёнида ейилиши натижасида яроқсиз ҳолга келиши иқтисодий ҳаражатларни ортишига олиб келади. Бу ҳаражатларни камайтириш мақсадида деталларни ейилган қисмини қоплама қоплаш электродлари орқали қайта тиклаш ва ишлаш муддатини ошириш бугунги куннинг долзарп муаммолардан бири ҳисобланади. Бунинг учун халқаро стандартлар бўйича қоплама қоплаш электродларини таҳлил қилиш зарур.

Электродларни таснифлашда бир неча халқаро стандартлардан фойдаланилади, улар қуйидагича:

ГОСТ 9466-75 бўйича «Пўлатларни қўлда ёйли пайвандлаш ва қоплама қоплаш учун қопламали электродлар. Классификацияси, ўлчамлари ва умумий техник талаблари»

ГОСТ 9467-75 «Конструкция ва иссиқбардош пўлатларни қўлда ёйли пайвандлаш учун қопламали электродлар. Турлари»

ГОСТ 10052-75 «Юқори легирланган ва махсус ҳоссали пўлатларни қўлда ёйли пайвандлаш учун қопламали электродлар. Турлари»

ГОСТ 10051-75 «Юза қисмларини қоплаш ва махсус ҳоссали пўлатларни қўлда ёйли пайвандлаш учун қопламали электродлар. Турлари»

Вазифасига кўра электродлар қуйидагиларга ажратилади:

У - узилишга вақтинчалик қаршилиги 588МПа гача бўлган углеродли ва кам углеродли конструкция пўлатларни пайвандлаш учун;

Л - узилишга вақтинчалик қаршилиги 588МПа дан катта бўлган легирланган конструкция пўлатларни пайвандлаш учун;

Т - легирланган иссиққа чидамли пўлатларни пайвандлаш учун;

В - юқори даражада легирланган алоҳида ҳоссали пўлатларни пайвандлаш учун;

Н - алоҳида ҳоссали сиртки қатламлар эритиб қоплаш учун.

Электродларнинг ГОСТ 9467-75, ГОСТ 10051-75 ва ГОСТ 10052-75 га кўра турларга ажратилиши.

Электродлар техник шартлар ва паспортлар бўйича маркаларга бўлинади. Электродларнинг ҳар бир турига битта ёки бир неча маркалар мос келиши мумкин.

Электродлар D/d нисбатга боғлиқ ҳолда қопламасининг қалинлигига кўра қуйидагиларга ажратилади:

М - юпқа қопламали ($D/d \leq 1,20$);

С - ўртача қопламали ($1,20 < D/d \leq 1,45$);

Д - қалин қопламали ($1,45 < D/d \leq 1,80$);

Г - жуда қалин қопламали ($D/d > 1,80$).

Электродларнинг тайёрланиш аниқлигига, қопламаси сиртининг аҳволига, ушбу электрод билан ҳосил қилинган чок металлининг яхлитлигига қўйиладиган талабларга ҳамда эритиб қопланган металлдаги олтингугурт ва фосфор миқдорига кўра электродлар 1, 2 ва 3 - гуруҳларга ажратилади.

Электродлар қопламасининг турига қараб қуйидагиларга бўлинади:

А – нордон қопламали; *Б* – асос қопламали; *Р* – рутил қопламали; *Ц* – целлюлоза қопламали; *П* – бошқа турдаги қопламали. Қоплама тури аралаш бўлса, мос равишдаги кўш белги қўлланилади. Қоплама таркибида 20% дан ортиқ миқдорда темир кукуни бўлганда тур белгисига *Ж* ҳарфи қўшилмоғи лозим.

Электродлар пайванлаш ёки эритиб қоплаш пайтидаги фазовий жоиз ҳолатларига қараб қуйидагиларга ажратилади: 1 - ҳамма ҳолатлар учун; 2 - юқоридан пастга томон вертикал ҳолатдан ташқари барча ҳолатлар учун; 3 - вертикал текисликда пастки, горизонтал ва юқоридан пастга томон вертикал ҳолатлар учун; 4 - пастки ва “қайиқсимон” пастки ҳолатлар учун.

Электрод қопламаларининг турлари

Асосан пўлатларни ей ёрдамида пайвандлашга мўлжалланган электродларнинг саноатда ишлаб чиқариладиган қопламаларини пайвандлаш ваннасидаги металлургик таъсирига кўра ушбу асосий турларга таснифлаш мумкин.

Барқарорлаштирувчи қоплама. Унинг таркибига, ёйнинг ёниш турғунлигини, айниқса ўзгарувчан токда, ошириш учун калий, натрийнинг, шуниндек калций, магний ва барий карбонатларининг кимёвий бирикмалари киритилади.

Қопламада ишқорли ва ишқорли-ер металлларининг тузлари мавжуд бўлиши катодда ажралаётган энергия камайишига олиб келади. Куйиш ва сачраш натижасида кўп исроф бўлиши, эриш тезлигининг пастлиги, пайвандлашни юқори пайвандлаш тоқларида олиб

бориш имконияти йўқлиги туфайли барқарорлаштирувчи қопламали электродларнинг унумдорлиги жуда паст бўлади.

Нордон (нордон окислари кўп бўлади) қоплама, унинг асосини марганец, темир, кремний окисдлари ташкил этади. Газ билан ҳимоялаш вазифасини электроднинг эриш жараёнида ёниб тамом бўладиган органик компонентлар бажаради. Кислороддан тозаловчилар сифатида қопламага ферромарганец қўшилади. Бундай қопламали электродлар энергетика нуқтаи назаридан талай устунликларга эга: эриш тезлиги етарлича юқори бўлиб, тезлаштирилган режимларда пайвандлашга имкон беради. Улар юқори даражада эритиш хусусиятига ҳам эга. Улар пастки ҳолатда пайвандлашда жуда технологиябоп бўлсада, улардан вертикал ва горитонтал чокларни пайвандлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Оксидловчи қопламалар таркибида асосан темир окисдлари ва ҳар хил силикатлар (каолин, талк, слюда, дала шпати ва бошқалар) бўлади. Оксидловчи қопламага аксарият электродларда кислороддан тозаловчилар умуман бўлмайди. Айрим композицияларга оз миқдорда ферромарганец қўшилади.

Бундай қопламали электродларнинг эритиш қобилияти паст бўлади. Шлак ва металл ваннаси ниҳоятда суюқ ҳолатда оқувчандир. Шу боис улардан горизонтал ёки вертикал бурчак чокларини, шунингдек “қайиксимон” чокларни пайвандлашда чекланган ҳолатда фойдаланилади.

Бу электродлар билан пайвандлашда юзага келадиган шлак оғир, зич, аммо жуда яхши ажраладиган бўлади. Кўп ҳолларда ҳатто бўлиб-бўлиб пайванлаганда ҳам ўзи ажрала олади.

Рутил қопламалар асосан дала шпати, магнезит ва бошқа шлак ҳосил қилувчи компонентлар қўшилган рутилдан иборат бўлади. Қоплама таркибида рутил ўрнига 45 – 50% илменит бўлиши мумкин. Ҳимоя газларини ҳосил қилиш учун қопламага органик моддалар (целлюлоза, декстрин) ва карбонатлар қўшилади.

Легировчи ва кислороддан тозаловчи компонент сифатида ферромарганецдан фойдаланилади. Комплекс равишда кислороддан тозаланганда чок металлининг ғоваклар пайдо бўлишига мойиллиги ортади. Эритиб қоплаш коэффицентини ошириш мақсадида бу турдаги қопламага темир кукуни қўшилади.

Рутил қопламали электродларнинг пайвандлаш-технологик хоссалари юқори бўлади, улар барча фазовий ҳолатларда силлиқ ва равон ташқи кўринишли чоклар ҳосил бўлишини таъминлайди. Саноат ва қурилишда кенг қўламда ишлатилади.

Целлюлоза қоплама. Таркибида, асосан, кўп миқдорда газлар ҳосил бўлиши учун органик ташкил этувчилар бўлади. Шлак ҳосил қилувчи асос сифатида кўпинча рутил-силикатли компонентлардан фойдаланилади. Электродлар қопламасида буларга қўшимча равишда баъзан бир қанча махсус компонентлар, масалан асбест булади.

Пайвандлаш ваннаси кўп ҳолларда марганец ёрдамида кислороддан тозаланади, чунки актив кислороддан тозаловчилар (ферротитин ва айниқса ферросилиций) қўшиладиган бўлса, чок металлининг ғоваклар юзага келишига мойиллиги ошиб кетарди.

Целлюлоза қопламали электродларнинг эритиш қобилияти юқори ва эриш тезлиги анча юқори булади. Улар барча фазовий ҳолатларда пайвандлашга, шу жумладан юқоридан пастга томон 25 м/соатга етадиган катта тезлик билан пайвандлашга имкон беради. Ўзак чок таянгириш усулида, чокнинг орқа томонини шакллантирган ҳолда пайвандланади. Шу боис, пайвандлаш пайтида чокларни ичидан пайвандлашга ҳожат қолмайди ва ишлаш қобилияти нуқтаи назаридан, пайванд бирикмаларнинг эриш шакли энг қулай бўлиши таъминланади. Бу турдаги қопламали электродлар мамлакатимиз амалиётида асосий ўтказгич қувурларни пайвандлашда энг кўп қўлланилади.

Бундай электродларнинг камчиликларига сачраш, пайвандланаётган қирраларда тор дарзсимон кесиклар ҳосил бўлиши натижасида электрод металлининг кўп исроф бўлишини, чоклар металлди диффузион-ҳаракатланувчи водород миқдори жуда кўп бўлишини киритиш мумкин.

Асос қоплама асосан калций карбонат ва калций фториддан ҳосил қилинади (бошқа фторидли бирикмалардан анча кам фойдаланилади). Газ билан ҳимоялаш қопламанинг

кизиш ва эриш жараёнида юзага келувчи CO_2 оқими воситасида амалга оширилади. Кислороддан тозаловчилар сифатида қопламага ферросилиций, ферромарганец, ферротитан ва алюминий қўшилиши мумкин. Чок металлини легирлаш учун қопламага металл кукунлари қўшилиши мумкин.

Асос қопламали электродлар билан пайвандлашда тескари кутбли ўзгармас токдан фойдаланилади. Ўзгарувчан ток билан пайвандлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш, яъни қоплама таркибига ионлагич киритиш, махсус икки қатлам қопламали электродлар ишлатиш керак бўлади ва ҳоказо.

Асосий шлак одатда ҳамма фазовий ҳолатларда пайвандлашга ярайди. Аммо юқоридан пастга томон пайвандлашни таъминлаши учун унга махсус физик хоссалар берилиши лозим. Ўзак чокларни пайвандлашда асос қопламанинг технологиябоплиги одатда целлюлоза қопламаникига нисбатан ёмонроқдир.

Асос қопламанинг камчиликларига ўзгармас ток билан пайвандлашдаги технологиябоплиги пастлигини; электродлар тайёрлашдаги қийинчиликларни, хусусан, махсус қўшимчалар – пластификаторлардан фойдаланилишини; қоплама нам тортганда ва пайвандланаётган қирраларда намлик, қасмоқ ёки занг мавжуд бўлганда ғоваклар юзага келишига мойиллигини киритиш зарур.

Кислороддан тозаланиш даражаси юқорилиги муносабати билан пайвандлаш ваннаси водородни кислороддан тозаланмаганга нисбатан анча кўп миқдорда шимади. Шу сабабли электрод қопламасидаги намлик миқдорини тайёрловчи заводларда уларни юқори ҳароратларда қиздириш, пайвандлаш олдидан қайта қиздириш, бевосита пайвандлашдан олдин махсус термопеналларда сақлаш ва бошқа йўллар билан чеклаш лозим.

Мамлакатимиз ва чет элда асос қопламадан асосан махсус ишларга мўлжалланган юқори даражада мустаҳкам, совуққа чидамли, ўтга чидамли, коррозиябардош ва бошқа электроллар тайёрлашда фойдаланилади.

Рутил-карбонатли ва карбонат-рутилли қопламалар рутил ва асос қопламаларнинг афзалликларини бирлаштиришга интилиш натижасида юзага келган. Натижада чок металлининг қовушқоқлиги ва қайишқоқлиги рутил электродлар билан ҳосил қилинган чокларникига нисбатан бироз ортади. Бундан ташқари, электродларнинг пайвандлаш-технологик хоссалари, масалан, асосий турдаги электродларникидан яхшиланади, айти пайтда чок металлида ғоваклар пайдо бўлишига мойиллиги камаяди.

Махсус электрод қопламалари гидрофоб қопламалар деб аталадиган қопламалар жумласига киради. Ушбу қопламаларга зарурият, масалан пайвандлаш ишларини жуда нам шароитда: атмосфера юқори даражада нам бўлганда, сув остида ва бошқа шароитда бажаришга тўғри келганда пайдо бўлади.

Гидрофоб қопламалар яратишнинг икки усули бор: биринчи усулда электродларнинг одатдаги боғловчиси (суёқ шиша) га 10% гача миқдорда махсус кремний-органик бирикмалар - гидрофоб полимерлар қўшилади. Бундай полимерлар сифатида синтетик смолалар, локлар ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Полимерлар қўшиш котиргич (рудоминерал компонентлар) билан аралашмада полимерланиш жараёнида мураккаб таркибли гидрофоб смола олиш имконини беради, у қоплама зарралари орасидаги ғовакларни тўлдиради ва қопламанинг ички қатламларига нам кириш йўлларини тўсиб қўяди; иккинчи усулда силикат боғловчи ўрнига бир қанча физик-кимёвий хоссалар (зарур қовушқоқлик, металлга сингиш; қайишқоқ қилиш қобиляти; тўғри келувчи қотиш режими ва бошқалар) га эга бўлган полимерланувчи органик боғловчи ишлатилади.

Боғловчилар сифатида полимерлардан фойдаланилганда электрод қопламасидаги намлик миқдори бир неча баробар камаяди, нам атмосферада ва сув остида ишлаганда зарур механик мустаҳкамлик сақланиб қолади [1].

Автоцепкаларни қайта тиклашда **ГОСТ 10051-75** таснифига кирадиган электродлардан фойдаланилади. Мазкур **ГОСТ** таркибига 44 турдаги қоплама қоплаш электродларини ҳона ҳароратида қоплама қоплангандаги кимёвий таркиби ва қаттиқлиги

МЕХАНИКА

шунингдек номланиши, маркаси, электрод қопламаси қалинлиги, кўриниши, рухсат этиладиган пайваvandлаш ҳолати ва пайvandлаш токи бўйича стандартлаштирилган [2].

1-жадвал.

Электродлар	ГОСТ 10051-75 бўйича қопланадиган металл	Диаметр, мм	Қоплама қоплаш ҳолати	Асосий мақсад. Қопланган металл қаттиқлиги
1-гурух				
ОЗН-300М		4,0; 5,0	Пастки	Тез ейиладиган улеродли ва кам легирланган пўлатларга қоплама қоплаш (вал, ўқ, автоцепка, машина темирйўл транспорти) NB 270-360
ОЗН-400М	15Г4С	4,0; 5,0	Пастки	Тез ҳаракатланадиган улеродли ва кам легирланган пўлатларга қоплама қоплаш (вал, ўқ, автоцепка, машина, темирйўл транспорти) NB 360-430
ЦНИИХ	Э-65Х25 Г13Н3	4,0;	Пастки	110Г13Л туридаги ейилишга бардошли пўлатларни пайvandлаш учун HRC-25-37
2-гурух				
ОЗШ-1	Э-16Г2Х	3,0; 4,0; 5,0	Юқоридан пастга ҳолатидан ташқари барча ҳолатларда	Болғаланувчи штампларга қоплама қоплаш учун. NB 320-365
УОНИ-13/НЖ 20Х13	Э-20Х 13	3,0; 4,0; 5,0	Пастки	Машинани тез ейиладиган меҳанизм ва деталлари, шунингдек совуқлайин ва иссиқлайин кесиш штампларига қоплама қоплаш учун. HRC 41.5-49
ЭХ-60М	Э-70Х3С МТ	2.5; 3,0; 4,0; 5,0	Пастки, ярим верти кал	Машинани тез ейиладиган меҳанизм ва деталлари, 400°С гача ҳароратда ишловчи штампларнинг ҳамма турига қоплама қоплаш учун. HRC 53-61
3-гурух				
ОЗН-6	Э-90Х4 Г 2С3Р	4,0; 5,0	Пастки, вертикал, чекланган шип	Тоғ-кон ва қурилиш машиналари, тез ейиладиган деталларига қоплама қоплаш учун. HRC 58
БСИ-6	Э-110Х14 В13Ф2	4,0; 5,0	Пастки,	Углеродли ва юқоримарганестли пўлатлардан таёрланган тез ейилувчи деталларига қоплама қоплаш учун.
Т-590	Э-320Х25 С 2 ГП	4,0; 5,0	Пастки,	Тез ейилувчи пўлатлар ва машиналарнинг чўндан ясалган деталларига қоплама қоплаш учун. HRC 58-64

МЕХАНИКА

4-гурух				
ОЗИ-5	Э-100Х8 В11М10СФ	3,0; 4,0; 5,0	Пастки,	Темиртутгич асбоблари ва иссиқлайин штамплаш штамплариға қоплама қоплаш учун. HRC 63-67
ОЗИ-6	100Х4 М8И2СФ	2,5; 3,0; 4,0; 5,0	Пастки,	Юқори юкламада ишловчи совуқлайин ва иссиқлайин штамплаш штамплари ва метал кесувчи асбобларға қоплама қоплаш учун.
5-гурух				
ЦХ-6 Д	Э-08Х17 Х8С6Г	4,0; 5,0	Пастки,	78Мпа босимгача ва 570 °С ҳароратгача ишлайдиган зичлагич деталлариға қоплама қоплаш учун. HRC 29.5-39
ЦХ-12 М	Э-13Х16 Х8М5С5Г4Б	4,0; 5,0	Пастки,	Юқори босимда ва 600 °С ҳароратгача ишлайдиган энергетика қурилмалари деталларини юза қисмлариға қоплама қоплаш учун. HRC 39.5-51
6-гурух				
ОЗИШ-6	10Х33Н11М ЗСГ	2,5; 3,0; 4,0;	Пастки,	Иссиқ ва совуқ деформатсияланадиган темирчилик жиҳозлари юқори босим ва оғир юкламаларға бардошли металлургия станоклари деталлариға қоплама қоплаш учун. HRC 52-60
ОЗИШ-8	11Х31МЗГС ЮФ	3,0; 4,0;	Пастки,	Иссиқ деформатсияланадиган темирчилик жиҳозлари юқори босим ва оғир юкламаларға(1100 °С ҳароратгача) бардошли металлургия станоклари деталлариға қоплама қоплаш учун. HRC 52-60

2-жадвал.

Автосепкани тутгич қулф (замок) қисмини кимёвий ва механик ҳарактеристикаси

С	Си	Мн	Ни	С	П	Ср	Ти	Су	О	Қат. NB
0.95-1.05	0.4-0.65	0.9-1.2	0.3 гача	0.02 гача	0.02 гача	1.3-1.6	0.01 гача	0.25 гача	0.0015 гача	380

Юқоридаги 2-жадвалдаги автосепкани кимёвий ва механик хусусиятларидан келиб чиқиб, 3-жадвалдаги ОЗН-400М русумидаги электродлардан фойдаланиш самарали эканлигини кўришимиз мумкин.

3-жадвал.

ОЗН-400М русумидаги электродлар билан қопланган металлнинг кимёвий ва механик ҳарактеристикаси

С	Си	Мн	Ни	С	П	Қат. NB
0.17	1.3-2.0	3.0-4.0	0.3гача	0.3	0.040	420

ХУЛОСА.

1. Мақолани тайёрлашда мавзуга тегишли ГОСТ лар чуқур ўрганилиб, хулосалар чиқарилди.
2. Автоцепкани ейилган юзаларини қайта тиклаш учун 1-жадвалдан ОЗН-300М, ОЗН-400М русмидаги электродлардан фойдаланишни таклиф қилинади. Чунки бундай русмдаги электродларни кимёвий таркиби ва қоплама қоплангандан сўнг ҳосил қиладиган қаттиқлиги бошқа турдаги электродларга нисбатан автоцепкани механик хусусиятларига яқинроқ ҳисобланади.

Адабиётлар.

- [1]. Михайлитцин В. С. «сварочный и наплавочный материалы»
[2]. Абралов М.А., Абралов М.М. Пайвандлаш материаллари Тошкент-2017.

**FARG'ONA VODIYSI MILLIY GAZLAMALAR HUSUSIYATLARI TAHLILI
ASOSIDA ZAMONAVIY SHAKLLI AYOLLAR LIBOSLARINI ISHLAB
CHIQRISHNING TADQIQI**

К.А. Boymatova, М.А. Nazarova, М.А. Isroilova

*Namangan muhandislik-texnologiyasi insituti
(Qabul qilindi 7.04.2021 y.)*

This article examines the national costumes of women in the Fergana Valley, the analysis of the fabrics used, the physical-mechanical and operational properties of the materials, as a result of which a new range of modern and intricately shaped clothes for women was developed.

Keywords: *Fergana Valley national costumes, heat retention, durability, elasticity, porosity, softness, gabardine, diagonal, crepe, bugle, cashmere, tweed, half coat, overcoat, trench coat, olster.*

В статье исследуются национальные костюмы женщин Ферганской долины, анализ используемых тканей, физико-механических и эксплуатационных свойств материалов, в результате чего была создана новая линейка современной женской одежды сложной формы. развитый.

Ключевые слова: *национальные костюмы Ферганской долины, сохранение тепла, прочность, эластичность, пористость, мягкость, габардин, диагональ, креп, стеклярус, кашемир, твид, полушубок, пальто, тренч, обивка*

Ushbu maqolada ayollar Farg'ona vodiysi milliy liboslaridan, qo'llanilayotgan matolar tahlili, materiallarining fizik-mexanik va ekspluatatsion xususiyatlarini o'rganilib, shu tahlillar natijasida ayollar uchun zamonaviy hamda murakkab shaklli liboslar yangi assortimenti ishlab chiqildi.

Kalit so'zlar: *Farg'ona vodiysi milliy liboslari, matolar tahlili, chidamlilik, qayishqoqlik, to'qilishi, mayinlik, adras, banoras, obyar, kanaus, Parpasha, shoyi.*

An'anaviy milliy liboslar tarixiga nazar tashlansa, necha ming yillar davomida ularning vazifalari va xususiyatlari va xususiyatlari shakllanganini ko'rish mumkin. Ma'lumki, kiyimning birinchi va asosiy vazifasi tanani sovuqdan va tabiatdagi turli noqulay vaziyatlar va ta'sirlardan ximoyalshdan iborat. Vaqt o'tib, kiyimlar shaklan va vazifasiga ko'ra o'zgargan. Bunga tashqi tabiiy muhit, xo'jalik talablari, e'tiqodiy qarashlar, ijtimoiy-madaniy yo'nalishdagi o'zgarishlar, milliy va diniy qarashlar bevosita ta'sir ko'rsatgan. Natijada kiyimning ikkinchi muhim, ya'ni ijtimoiy ajratuvchi xamda marosimiy-e'tiqodiy vazifasi paydo bo'lgan. An'anaviy kiyim-kechaklar etnosning o'ziga xos etno ijtimoiy ramzi yoki har bir xalqning etnik mansubligini, ijtimoiy va oilaviy holatini ko'rsatuvchi o'ziga xos "etnik pasporti" hisoblanadi [1].

Darhaqiqat, insonni kiyimsiz tasavvur qilib bo'lmaganidek, har bir xalqni uning an'anaviy milliy liboslarisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Shu bois ham har bir xalq o'z xo'jalik yo'nalishi, turmush tarzisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Shu bois ham har bir xalq o'z xo'jalik yo'nalishi, turmush tarzi, yashayotgan mintaqasidagi iqlim, ijtimoiy tuzum, mafkuraning ba'zi unsur va talablari, urf-odatlar, diniy e'tiqod me'yorlariga xos va mos tarzda kiyingan. Qolaversa, kiyim shaklan o'zgarishlarga uchrash jarayonida o'ziga xos taraqqiyotni boshdan o'tkazgan. Bu rivojlanish bilan

hamohang tarzda o'ziga xos kiyinish madaniyati ham shakllanib borgan.

Farg'ona vodiysi aholisi orasida ham asrlar mobaynida o'ziga xos kiyinish madaniyati va u bilan bog'liq an'analar shakllangan. Bu an'analarda vodiylar xalqining bir necha ming yillik milliy va diniy qadriyatlari ham o'zini namoyon etgan. Farg'ona vodiysi aholisi ham boshqa mintaqalarda yashovchi xalqlar singari yozda an'anaviy milliy kiyim-bosh tarzida do'ppi, yaktak, belbog', choriq, qishda esa telpak, chopon, belbog', shim, maxsi-kovush kiyganliklarini ta'kidlash o'rindir. Kiyimlar bir to'plam, ya'ni bosh-oyoq kiyim (komplekt) qilib tayyorlangan: ichki kiyim, ustki kiyim, bosh kiyim, oyoq kiyim, kiyim bezaklari. Shuningdek Farg'ona vodiysi kiyimlari matolari rangining sokinligi bilan ham boshqa hududlar libosidan ajralib turgan.

Farg'ona vodiysi kiyimlarida qora va yashil ranglar ko'proq ishlatilgan. Farg'ona vodiysi va Toshkent O'zbekiston Respublikasining boy mintaqalari qatoriga kiradi. Ular qadimiy Ipak yo'lida asosiy bo'g'in hisoblangan.

Farg'ona vodiysi milliy liboslari ichki, ustki va kishilik kiyimlaridan iborat bo'lgan. Ichki kiyim deyilganda, belidan yuqorisi, belidan quyi yoki faqat old qismi ulama liboslar va lozim, ustki kiyimlar deyilganda- kamzul, yengil xalat (mursak, kaltacha), yengsiz nimchalar tushuniladi. Paranji ham an'anaviy ayollar ustki kiyimi canalib, ichidan qora ot yolidan ishlangan chachvon tutilgan (1-jadval). Farg'ona vodiysi ayollarining bosh kiyimlari ham turlicha, masalan ro'mol, peshonabog' do'ppilar bo'lib, ularning har biri o'ziga yarasha matodan, rang-barang ipaklardan tikilgan.

1-jadval

XIX-XX ASR FARG'ONA VODIYSI TARIXIY MILLIY LIBOSLARI





	
<p>Farg'ona. XX asr oxiri O'rta yoshdagi kishilar kiyimi.</p>	<p>Farg'ona. XX asrning 30-40 yillari Ko'chalik libosidagi yosh ayol</p>




Ayollar poyabzali-mahsi, kovush, kalish kabilar ko'n yoki rezinadan ishlangan. Zeb-ziynatlar o'zbek ayollari kiyim-kechagining tarkibiy-zaruriy bo'lagi sanaladi. Ular o'zining go'zalligi, nafisligi, jozibadorligi bilan hayratga solidi.

Hozirgi zamon kiyimlarida milliy an'analar bilan chog'ishib ketgan. Masalan, shaxar va qishloqlardagi ayollar xonAtlas kiya, erkaklar do'ppi kiyishmoqda. Qishloq xo'jaligida mashg'ul kishilar esa hozirgacha oq yaktakni ish kiyimi sifatida kiyadilar. Chunki milliy kiyimlarimiz bizning hayot tarzimizga va iqlimimizga moslangan, shu bois, erkak va ayollarning xonaki kiyimlarida ham an'anaviy liboslar o'z davomiyligini saqlab qolmoqda [6].

XIX asrda o'zbek milliy kiyimlarini tikishda ishlatiladigan asosiy matolar sirasiga ip gazlama, ipak, nimshoyi va shoyi gazlamalar kiradi. Buhoro, Samarqand, Qo'qon, Marg'ilon, Namangan va boshqa shaharlarda an'anaviy o'zbek ipak (kanavo'z, shoyi, xon atlas), nimshoyi (beqasam, banoras, adras) gazlamalaridan tikilib, ulardan tikilgan turfa kiyimlar bilan dunyoga mashhurdir. O'rganilgan tadqiqotga kura bizgacha yetib kelgan o'zbek milliy kiyimlari va matolari XIX-XX asrga oid hisoblanadi. Milliy matolarimiz rang-barangligi bilan ajralib turadi, har bir viloyatning o'ziga xos bezaklari va rang tanlash usuli bo'lgan [6].

Milliy matolar assartimenti

GAZLAMA NOMI	KO'RINISHI	TAVSIFI
Shoyi		Shoyi XIX-XX asr 1-yarmida O'rta Osiyoning barcha ipakchilik rivojlangan markazlarida ishlab chiqarilgan. . Shoyining arqoq va tanda iplari bir xil ingichka ipak iplardan iborat bo'lib, sodda to'qilgan: har bir arqoq ip orasiga tanda iplar tushgan, yuzasi silliq, o'ng-tersi bir xilda bo'lgan; eni 33-35 sm, XX asrning 30- yillaridan 50-54 smga kengaygan.
Atlas		Atlas (mutloq silliq) -shoyi va yarim shoyi (arqoq sifatida jun yoki lyen ip ishlatilgan) sirti silliq yaltiroq atlas o'rilishidagi gazlama. Bu gazlamada arqoq va tanda bir-biriga nisbati 1:5, ya'ni gazlama o'rilishida arqoq ipi tanda ipiga nisbatan gazlama sirtida besh marta kam paydo bo'lganligi tufayli, gazlamaning sirtida mukammal silliq hosil bo'ladi.
Kanaus		Kanaus yoki kanoviz sof ipakdan to'qilgan. Kanoviz matosi bir necha hunarmandlar ishtirokida tayyorlanadi. Ipak ipga chizmakash gullarni abrbandi usulida chizib beradi, to'quvchi bo'yalgan ipdan mato to'qiydi. Farg'ona kanovizlari qo'shni xonliklarda juda qadrlangan. Buxoroda shoxi nomi bilan ham atalgan.
Adras		Adras - tanda ipi tabiiy ipakdan, arqog'i qalin ipdan to'qilgan gazlama. Guli ikki tomonlama bo'lganligi uchun ba'zi joylarda duro'ya deb ataladi. Arqoq ipi yo'g'onroq bo'lganligi uchun gazlama yuzasida ko'ndalang chiviqlar hosil bo'ladi. Kudunglanish natijasida yuqori navli adrasning bir tomoni atlasdek silliq bolib, ikkinchi tomoni tovlanib turadi.

<p>Beqasam</p>		<p>Beqasam yoki beqasab yo'l-yo'l gulli pishiq mato bolib, tanda ipi ipak arqog'i ipdan toqiladi. Arqog'ipi tanda ipdan yog'onroq bo'lgani uchun mato yuzasida g'adirdirlik hosil boladi. To'qish jarayonida arqog'ipi ho'llanib turiladi. Maxsus ishlov berilib, kudinlangandan so'ng, beqasamning bir tarafi atlasdek shilqib bir tarafi tovlanib turadi. Oldindan bo'yalgan tanda iplari ishlatilishi natijasida beqasam guli ikki tomonlama xilma-xil va rang-barang bo'ladi.</p>
<p>Banoras</p>		<p>Banoras - tanda ipi shoyi, nimshoyi, arqog'i ipdan to'qiladigan pishiq mato, to'qilishi beqasamga o'xshash. Beqasamdan faqat gullari bilan farq qiladi. Banoras asosan kumushrang oq tusli bo'lib, uni zo'rg'a ko'rinadigan qoramtir yo'llar kesib o'tadi. Banorasning asl vatani Hindiston, lekin Buxoro, Qo'qon va Namanganda ham qadimdan to'qilgan.</p>
<p>Parpasha</p>		<p>Parpasha yoki paripasha nafis yo'lli nimshoyi mato bo'lib, ko'kimtir kulrang tusda bo'lgan. Tanda iplari oq ipakdan, arqog'i to'q ko'k rangli ipdan qo'l dastgohida to'qilgan. To'qish jarayonida tanda iplari orasida maxsus qoldirilgan joylarda hosil bo'ladigan teshikchalar orqali arqog'ipini ko'rinishi ingichka yo'llar hosil qiladi. Buxorolik ustalar ip va ipak iplarini teng ishlatganlar. Farg'ona vodiysida to'qilgan ipak ko'p ishlatilgan paripasha qimmat bo'lib, nihoyatda qadrlangan. Parpashadan asosan, ayollar paranjisi tikilgan [7].</p>

Milliy atlas, adras, beqasam gazlamalar to'qilishi, tola tarkibi va boshqa xususiyatiga ko'ra bir nechta guruhlarga bo'linadi. Kiyimlar inson tanasi bilan bevosita aloqada bo'lib, uning sifati buyum loyihalashda hisobga olinadi, ishlab chiqarish jarayonlarida ta'minlanadi va eksplutatsiya davrida namoyon bo'ladi. Shu sababli kiyimning tolaviy tarkibi hamda qo'llanilgan homashyo turi, gazlamaning fizik hususiyatlari muhim ahamiyat kasb etadi.

Farg'ona vodiysi milliy va zamonaviy ayollar kiyimlari uchun qo'llaniluvchi gazlamalarning havo o'tkazuvchanligi yuqori bo'lishi zarurdir. Milliy va zamonaviy ayollar kiyimlarini ishlab chiqarish maqsadida tadqiqot ishi belgilandi va ob'ekt sifatida Namangan viloyati savdo markazlarida xaridorlar uchun taqdim etilgan milliy beqasam va adras atlas gazlamalar tanlandi.

Milliy atlas, adras, beqasam banoras, gazlamalarning o'rganish davomida havo o'tkazish qobiliyati bo'lib u havo o'tkazuvchanlik koeffitsiyenti bilan baholanadi.


Tadqiqot ishimizda beqasam banoras, adras matosining havo o'tkazuvchanligini aniqlovchi YG461E markadagi uskuna yordamida tekshirildi (1-rasm).



1-rasm. Gazlamaning havo o'tkazuvchanligi.

Milliy gazlamalarimizni rang mustahkamligini aniqlash maqsadida gazlamadan 20x20 sm o'lchamli namuna kesib olindi, ZK200C modeldagi elektron tarozida namuna og'irligi aniqlab olindi, namunani 15 daqiqa davomida gazlama rang mustahkamligini aniqlovchi uskuna yordamida yuvildi.


Namunani quritib, elektron tarozi yordamida yana og'irligi aniqlandi, tadqiqot natijalari tahlil qilindi (2-rasm).






2-rasm. Gazlamaning rang mustaxkamligi.

3-jadval

Milliy gazlamalarning fizik-mexanik ko'rsatkichlari

Namuna	Nomi	Havo o'tkazuvchanligi	Rang mustaxkamligi
	Atlas	2,58	2

	Adras	3,15	4,23
	Beqasam	46,2	7,95
	Banoras	4,47	2,91







Shakl predmetning tashqi ko'rinishini ifodalaydi. Milliy kiyim yumshoq va egiluvchan bo'lgani sababli o'z shakliga ega emas. Shu boisdan kiyimning shakli deganda uning odam tanasida hosil qilgan konfiguratsiyasi tushunish mumkin.





Tadqiqot davomida milliy ayollar liboslarini shakli turlari va hususiyatlari tahlili asosida gazlamalar tavsiya qilindi (4-jadval).

4-jadval

Milliy liboslar modellarining retrospektiv tadqiqoti

	Tashqi ko'rinishi	Rang	Siluet shakli	Dekorativ echimi
1		2015-yil bahor uchun moda xaftaligida eng ko'p taqdim etilgan urf ranglar –qizil, anor qizil, pushti ranglari. SHu bilan birga klassik ranglar – qora, jigarrang, oq, kulrang, oq va qoraning kombinatsiyasi, ham urfligicha qolgan.		Ko'ylak, Trapetsiyasimon siluetda Yelkadan kengaygan, yengi Yahlit bichilgan, dekorativ Bezak sifatida adras matosi Naqshlaridan foydalanilgan. Adras - tanda ipi tabiiy ipakdan, arqog'i qalin ipdan to'qilgan gazlama

2		<p>2016-yil bahor yoz mavsumi uchun moda xaftaligida eng ko'p taqdim etilgan urf ranglar – klassik ranglar: oq va qaymoq rang yorqin qizil, pushti va ko'kish ranglar urfda bo'lgan.</p>		<p>Klassik uslubdagi kastyum Yubka, to'g'ri bichimli siluet Yengi uzun to'g'ri bichimli. Shoyi- arqoq va tanda iplari bir xil ingichka ipak iplardan iborat, sodda to'qilgan: har bir arqoq ip orasiga tanda iplar tushgan, yuzasi silliq, o'ng-tersi bir xil.</p>
3		<p>2017-bahor yoz mavsumi moda xaftaligida eng ko'p taqdim etilgan urf ranglar–ko'kish, kulrang, pushti shaftoli, qaymoq rang, och sireny ranglar. SHu bilan birga qizil, anor qizil, sariq va zumrad ranglar ham ko'p uchraydi.</p>		<p>Bazimlarga mos kiyim bulib libos ikki qavatdan ibora iborat ustki qismi yaxlit yeng bulib , uzunligi belgacha. Ichki qismi uzun beldan pastga kengaytirilgan shoyi matosidan foydalanilgan.</p>
4		<p>2018-yil bahor moda xaftaligida eng ko'p taqdim etilgan urf ranglar – Klassik ranglar: qaymoq va qum rangi, pushti, siyohrang to'q qizil va rangi SHu bilan bir qatorda yorqin qizil, pushti va ko'kish ranglar urfda.</p>		<p>Klassik ranglardan foydalanilgan Adras matosidan foydalanilgan tanda ipi tabiiy ipakdan, arqog'i qalin ipdan to'qilgan gazlama. Libos ikki qavatdan iborat bulib Ustki qismi amerkanski yengdan foydalanilgan ichqismi esa kofta yubka bulib kofta qismi tug'ri bichimli , yubka qismmi esa tahlamalardan foydalanilgan.</p>

5		<p>2019- yil bahor yoz mavsumi moda xaftaligida eng ko'p taqdim etilgan urf ranglar – Yorqin tusli ranglar sariq,havo rang,qizil ranglar urf buldi. Ayniqsa bu ranglar yoshlar modellarida eng ko'p uchraydi.</p>		<p>Bu libos asosan yorqin ranglardan foydalanilgan bulib ikki qavatdan iborat bulib ichki qismi tug`ri bichimli , ustki qismiga yopinchiqdan foydalanilgan yopinchiq asosan shoyi matosidan tayyorlangan bulib oldi qismi kaketkalik uzun shleflik.</p>
6		<p>2020-bahor yoz mavsumi Moda xaftaligida eng ko'p taqdim etilgan urf ranglar – pushti,qizil, anor qizil,qora, kulrang va uning turli ottenkalari.</p>		<p>Bu libos asosan yorqin ranglardan foydalanilgan bulib ikki qavatdan iborat bulib ichki qismi tug`ri bichimli , ustki qismiga yopinchiqdan foydalanilgan yopinchiq asosan shoyi matosidan batik usulidan foydalanib milliy anor surati chizilgan.</p>

Tadqiqot natijalari. Ushbu tadqiqot davomida milliy atlas, shoyi,beqasam, banoras adras kabi matolarning kelib chiqish tarihi fizik-mexanik ko'rsatkichlari tahlil qilindi, tahlildan so'ng, ishlab chiqilgan mahsulot ko'rinishini tavsiflovchi kontseptual dizayn ishlab chiqildi. Olingan natijalar asosida milliy murakkab shaklli zamonaviy ayollar liboslari uchun gazlama tanlandi.



Adabiyotlar

- [1]. Сайрус Г, Мифология древнего мира. М. Наука, 1977.- С.127
- [2]. G.K.Hasanbayeva M.Sh. Shomansurova “Mahsus kompozitsiya” Toshkent 2007-yil
- [3]. Sohirova Z. “Marketing va menejment”
- [4]. Yunusxo'jayeva X.M. “Tikuv buyumlari texnologiyasi” kurs leksiya
- [5]. Черемных А. И. “Основы художественного проектирования одежды” .М 1986 г
- [6]. O'zbek milliy kiyimlari XIX-XX asrlar to'plab nashrga tayyorlovchi matnlar muallifi N.Sodiqova.-T.muallifi N.muallifi H.Sodikova. -T. Faфур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. 5
- [7]. Узбекистон Миллий Энциклопедияси. -Тошкент, 2000. - Т. 1. - Б. 138.

**ХАЛҚАЛИ ЙИГИРУВ МАШИНАСИ ЧЎЗУВЧИ ЖУФТЛИКЛАР ОРАЛИҚ
МАСОФАЛАРИНИНГ ИП СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

А.А. Юсупов, Ҳ.Т. Бобожанов, С.А. Юсупов, Д.Б. Ғойиббердиева

Наманган муҳандислик - технология институти, alijonyusupov533@gmail.com,
bobojanov1979@mail.ru
(Қабул қилинди 10.05.2021 й.)

This paper compares the physical and mechanical properties of $K=780$ twist/meter yarns obtained by placing an additional compactor between the stretching pairs on a G32 ring spinning machine. Thread number, coefficient of variation of the thread on the unevenness CV, thin areas of the thread -30 / km, neps in the thread Neps 200% / km 13%, general defects, number / km 8.3, hairiness of the thread H 3, researched and the necessary conclusions are given.

Keywords: twisted yarn, unevenness, fluff, knots, defects denser, elongated pair.

В этой статье сравниваются физико-механические свойства пряжи $K=780$ бор / метр, полученной путем размещения дополнительного уплотнителя между растягивающими парами на кольцепрядильной машине G32 и $Ne=16$ КСД пряжи. Коэффициент вариации номера пряжи, коэффициент вариации CV м пряжи, тонкие участки пряжи -30 / км, Всего дефектов, количество / км 8.3, ребро пряжи H 3, исследованы и даны необходимые заключения.

Ключевые слова: пряженные нити, неровность, ворсистость, дефекты, уплотнитель, растягивающая пара.

Ушбу мақолада G32 ҳалқали йиғирув машинасида чўзувчи жуфтликлар орасига қўшимча зичлагич мосламасини жойлаштириши орқали $Ne=16$ КСД ип олинган $K=780$ бур/метр ипларни физик-механик хоссалари таққосланган. Ипнинг номери бўйича вариация коэффициенти, ипнинг нотекистик бўйича вариация коэффициенти CV м, ипнинг ингичка жойлари -30 /км ипдаги тугунчалар непс 200% /км 13%, умумий нуқсонлар, сони /км 8.3б ипнинг тукдорлиги H 3, тадқиқ этилган ва керакли хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: йиғирилган ип, нотекистик, тукдорлик, тугунақлар, нуқсонлар зичлагич, чўзувчи жуфтлик.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган иплар қандай мақсадларда ишлатилишига қараб маълум талабларга жавоб бериши керак, яъни аниқ йўғонликда, маълум даражада мустаҳкам, тоза ва равон бўлиши керак.

Энг юқори сифатга эга бўлган иплар ҳалқали йиғириш машиналарида ишлаб чиқарилади.

Ҳалқали йиғириш услуби икки юз йилдан кўпроқ даврдан буён такомиллаштирилмоқда. Ҳалқали йиғириш машинасининг афзаллиги шундаки, ундан олинган ип сифат жиҳатидан жаҳон бозори талабларини қондиради. Ўзбекистон корхоналарида ўрнатилган ҳалқали йиғириш машиналари асосан етакчи ҳорижий фирмаларнинг тезкор, юқори унумли ускуналаридир. Улар орасида кенг тарқалгани “Rieter” ва “Zinser” фирмаларининг ҳалқали йиғириш машинасидир. Мазкур машиналар урчуғининг айланишлар частотаси ҳозирда 25000 **мин**⁻¹ гача етказилган.

Тўқимачилик саноатига илғор технологияларнинг жорий этилиши билан серунум йиғириш машиналарида олинаётган ип структураси ва хоссаларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида маҳсулот сифатини бошқариш, йиғириш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир [1,2].

Етакчи фирмалар томонидан йиғирув машиналари унумдорлиги ва машинасозлик дизайнини яхшилаш бўйича бир қатор муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу янгиликларга машиналардаги урчуқлар сонини ошириш, компакт йиғириш машиналарини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, узлуксиз йиғириш ва чиқитсиз йиғиришлар мисол бўла олади.

Бу кўринишдаги янгиланишлар ҳалқали йиғирув машиналарида ҳали ҳам давом этмоқда. Шу билан бирга, хусусиятлари ва анъанавий ҳалқали йиғириш иплари бутунлай янги технологиялар асосида сифат кўрсаткичларини ошириб компакт ип номи билан йиғирув технологиясида жуда машҳур бўлди. Анъанавий ҳалқали ипларга нисбатан компакт ипнинг геометрияси ўзгартирилган. Компакт ипларни шакллантириш жараёнида пишитиш учбурчаги деярли ҳосил бўлмайди

Ҳалқали йиғирув машинасини асосий вазифаси пиликдан ип ҳосил қилишдир. Йиғириш машинаси ипдан бир неча марта йўғон бўлган маҳсулотнинг узлуксизлигини, пишиқлигини таъминлаш ва кейин ишлов бериш қулай шаклга эга бўлган ип ҳосил қилишдан иборатдир. Ҳалқали йиғирув машинасида асосан учта технологик жараён- чўзиш, пишитиш ва ўраш ишлари бажарилади [3].

Таъминловчи қурилмаларда шпилка, призма ва осма ғалтак тутқичлар ишлатилади. Шпилкали ва призмали таъминлаш қурилмаларида паковка ўз массасининг таъсирида оғир айланганлиги учун пиликда яширин чўзилиш содир бўлади. Шунинг учун йиғириш машиналари асосан осма ғалтак тутқичли таъминлаш қурилмалари билан жиҳозланмоқда.

Чўзиш асбобида пилик белгиланган чизиқий зичликкача чўзиб ингичкалаштирилади, уни ташкил этувчи толалар бир-бирига нисбатан силжиб каттароқ масофага тақсимланади. Натижада толаларнинг орқа ва олд учлари тўғриланади ҳамда бир-бирига нисбатан паралеллашади. Ҳалқали йиғириш машиналарининг чўзиш асбоблари уч цилиндрли, уч валикли, бир ёки икки тасмали тузилишда тайёрланади [4].

Чўзиш асбобидан чиқаётган юпқа тутамчани ипга айлантириш учун бурамлар бериб пишитилади. Ип пишитилганда уни ташкил этувчи толалар винтсимон чизиқлар бўйлаб жойлашган ҳолда бир-бирига босилиб, зичлашиб жипслашади. Натижада улар орасида ишқаланиш кучи юзага келади ва у ипнинг узувчи кучларга қаршилигини билдиради. Ипнинг пишитилиши пишитиш-ўраш қурилмаси ёрдамида амалга оширилади.

Ипнинг сифатини яхшилаш мақсадида ҳалқали йиғириш машинасига кўшимча мослама (зичлагич) ўрнатилган бўлиб, унинг асосий вазифаси маҳсулотни жипслаштириб, чўзиш майдонида уни ёйилиб кетишдан асрашдир. Бу билан толаларга таъсир қилувчи ишқаланиш кучи ортиб, толалар назорати яхшиланади. Ушбу механизм маҳсулотни чўзувчи жуфтликлар сиртида илгариланма – қайтма ҳаракатланиб, эластик қопламаларни бир текис емирилиши натижасида чўзиш параметрлари доимийлигини таъмирлашга хизмат қилади.

Тадқиқотларда йиғирилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Маълумки ҳозирги кунда ҳалқали йиғирув машинасида чўзувчи жуфтликлар уч цилиндр ва уч валикдан иборат бўлиб, тажрибалар асосида биринчи жуфтлик ва иккинчи жуфтлик орасига зичловчи мослама қўйилди. Қўйилган мослама ёрдамида $N_e=16$ ксд номерли йиғирилган ип ишлаб чиқарилди. Тажрибалар асосида намуна учун иккита урчуқни танлаб олдинди. Олинган намунанинг биринчисини цилиндрлари орасига толаларни зичловчи мослама жойлаштирилди. Иккинчиси эса олдинги ҳолатига қўйилди ва ип ишлаб чиқарилди. Олинган йиғирилган ипларнинг хосса кўрсаткичларини 1-жадвалда келтирилган.

Йиғирилган ипнинг тозаллиги унинг сиртидаги нуқсонлари билан белгиланади. Ип қанча силлиқ ва тоза бўлса, ундан олинадиган мато ҳам шунчалик текис ва сифатли бўлади. Шунингдек, ипни қайта ишлатишда узилишлар сони кам бўлиб, жиҳозларнинг

унумдорлигини юқори бўлиши таъминланади. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткични “Непс” деб юритилмоқда [5,6].

Йиғирилган ипларнинг сифатини белгиловчи энг асосий кўрсаткичларидан бири унинг хоссаларини нотекислигидир. Нотекслик вариация коэффиценти ёки квадратик нотекислиги орқали ифодаланади ва ҳар бир турдаги ип учун меъёрлаштирилган бўлади.

Технологик жараёнларни бир маромда боришида ва матонинг сифатли бўлишида ипнинг нотекислиги катта аҳамиятга эга. Белгиланган мақсадлар учун ипнинг хоссалари бўйича бир текисда бўлиши талаб этилади. Ўз навбатида сифати юқори бўлган ипларнинг нархи ҳам нисбатан юқори бўлади. Шунинг учун у ёки бу турдаги мато тайёрлаш учун ипларнинг сифатини тўғри танлашни нафақат технологик, шу билан бирга иқтисодий жиҳатини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ.





1-жадвал

Тажриба синови учун олинган Ne=16 номерли ипнинг сифат кўрсаткичлари

№	Ип сифат кўрсаткичлари	Корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг сифат кўрсаткичлари	Зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг сифат кўрсаткичлари
1	Ипнинг номери бўйича вариация коэффиценти, U %	10.81	10.4
2	Ипнинг нотекислик бўйича вариация коэффиценти, CV м	13.71	13
3	Ипнинг нотекислик бўйича вариация коэффиценти, CV 1м %	4.05	3.85
4	Ипнинг нотекислик вариация бўйича коэффиценти, CV 10м %	2.03	1.89
5	Ипнинг ингичка жойлари, -30 % /км	1.608	1.500
6	Ипнинг ингичка жойлари, -40 % /км	109	97
9	Ипдаги тугунчалар, Neps 200% /км	184	160
10	Умумий нуқсонлар, сони /км	265	243
11	Ипнинг тукдорлиги, Н	7.09	6.85

Ипни ҳосил қилишда чўзиш асбобининг актив зонасидаги зичлагичлар қандай муҳим вазифасини бажариши бизга маълум. Амалда барча замонавий чўзиш асбоблари зичлагичлар билан таъминланган. Маҳсулотни чўзиш олдидан ва чўзиш вақтида зичлаш толаларни чўзиш майдонида бир текис ҳаракатланишини таъминлайди. Бундан ташқари, зичлагичларни чўзиш асбобининг актив зонасида жойланиши бурам учбурчагини остидаги ўлчамларига таъсир қилади. Яъни учбурчак учида ва бурам бурчагида чўзиш асбобининг чиқарувчи жуфт цилиндрини мичка билан оғиб ўтишдаги маҳсулот пишиқлиги параметрларига таъсир қилади. Учбурчак учида ва бурам бурчагида чўзиш асбобининг чиқарувчи жуфт цилиндрини мичка билан оғиб ўтишдаги маҳсулот пишиқлиги параметрларига таъсир қилади [7].

Йиғирилган ипларни нотекислиги уларнинг ингичка ва йўғон жойлари такрорланишига айтилади. Тадқиқотимизда йиғирилган ипларнинг яъни корхонада ишлаб чиқарилаётган ип билан тажриба орқали олинган ипларни таққосланди ва уларнинг кўрсаткичларини фарқини аниқлашга эришилди. Бунда корхонада ишлаб чиқарилаётган йиғирилган ипнинг нотекислиги 10.81% да бўлса тажриба йўли билан олинган ипнинг нотекислиги 10.2 % эканлиги маълум бўлди. Бунда, корхонада ишлаб чиқарилаётган ипга нисбатан намунадаги ипнинг нотекислиги яхшиланганини кўришимиз мумкин. Ипларни нотекислик 1-гистограммада кўрсатилган. Ипнинг тозаллиги унинг сиртидаги нуқсонлари билан белгиланади. Ип қанча силлиқ ва тоза бўлса, ундан олинадиган мато ҳам шунчалик текис ва сифатли бўлади. Ҳозирги кунда ипдаги тугунчалар муҳим кўрсаткич бўлиб келмоқда. Олиб

1	<p>Ипнинг номери вариация коэффиценти U %</p>  <table border="1"> <thead> <tr> <th>Групу</th> <th>У %</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>10,81</td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>10,4</td> </tr> </tbody> </table>	Групу	У %	1	10,81	2	10,4	<p>1-гистограмма. Ипнинг номери вариация коэффиценти U %</p>
Групу	У %							
1	10,81							
2	10,4							
2	<p>Ипдаги тугунчалар, Непс 200% /км</p>  <table border="1"> <thead> <tr> <th>Групу</th> <th>Непс</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>184</td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>160</td> </tr> </tbody> </table>	Групу	Непс	1	184	2	160	<p>2-гистограмма. Ипдаги тугунчалар, Непс 200% /км</p>
Групу	Непс							
1	184							
2	160							
3	<p>Ипнинг ингичка жойлари, -30 % /км</p>  <table border="1"> <thead> <tr> <th>Групу</th> <th>Ингичка жойлари</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>1,608</td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>1,5</td> </tr> </tbody> </table>	Групу	Ингичка жойлари	1	1,608	2	1,5	<p>3-гистограмма. Ипнинг ингичка жойлари, -30 % /км</p>
Групу	Ингичка жойлари							
1	1,608							
2	1,5							
4	<p>Ипнинг тукдорлиги U</p>  <table border="1"> <thead> <tr> <th>Групу</th> <th>Тукдорлиги U</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>7,09</td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>6,85</td> </tr> </tbody> </table>	Групу	Тукдорлиги U	1	7,09	2	6,85	<p>4-гистограмма. Ипнинг тукдорлиги U</p>
Групу	Тукдорлиги U							
1	7,09							
2	6,85							

борилган тадқиқотларда ипнинг юза қисмидаги нуқсонларини USTER TESTER 6 жиҳозида текширганимизда корхонадаги йиғирилган ипнинг тугунчалар сони ўртачаси 184 та/км ни ташкил этди, зичлагич мосламасини ўрнатилиши орқали олинган намунадаги ипнинг нуқсонлар сони эса 160 та/км ни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турбдики, G 32 машинада олинган Ne=16 кед номерли ипларни солиштирилганида корхонада ишлаб чиқарилган ипга нисбатан 13% га яхшиланди. Ипларни тугунчалар сони 2-гистограммада кўрсатилган.

Шунингдек, ипда тукдорлик даражаси ҳам мато ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Қандай маҳсулот ишлаб чиқарилишига қараб ипнинг тукдорлик даражаси танлаб олинади. Масалан, тукли иплардан асосан бумазей, байка фланел, бошқа иссиқ ва юмшоқ газламалар тўқишда ишлатилади. Тукдорлик даражаси йиғирилган ипнинг ташкил этган толаларни бир учи ипда жойлашган иккинчи учи эса йиғирилган ипдан ташқарида жойлашишига туклар сонига айтилади [8]. Тадқиқотда йиғирилган ипни тукдорлик даражаси лаборатория жиҳозида текшириб натижа олинганида, жиҳозда ўрнатилган кўшимча зичлагич орқали олинган ипнинг тукдорлик даражаси камайганини кўришимиз мумкин.

Ип йиғириш саноати узлуксиз давом этувчи технологик жараёнлар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг кўп сонли ўзаро боғлиқ ва шартли омиллари мавжуд бўлган назоратсиз ташқи ва ички ўзгаришлар ишлов берилаётган маҳсулотларнинг сифатига бевосита таъсир қилади. Ушбу омилларнинг алоҳида ёки биргаликдаги таъсири оқибатида технологик жараённинг барқарорлигида бузилишлар содир бўлиб, хомаки ва тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларида кескин ўзгаришларнинг юз беришига, яъни нотекисликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ипнинг ҳамда зичлагич ўрнатиш орқали олинган ипнинг кўрсаткичларидан нотекислик коэффицентини таққослаганимизда нотекислик коэффиенти яхшиланилигини, йиғирилган ипдаги тугунчалар 13 % яхшиланилиши, тукдорлик даражаси 3% га камайганини кўришимиз мумкин. Ипларни ингичка жойлари ва тугунчалар сони 3,4-гистограммада кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ипнинг сифатини яхшилаш мақсадида ҳалқали йиғириш машинасига кўшимча мослама (зичлагич) ўрнатилган бўлиб, унинг асосий вазифаси маҳсулотни жипслаштириб, чўзиш майдонида уни ёйилиб кетишдан асрайди ҳамда толаларга таъсир қилувчи ишқаланиш кучи ортиб, толалар назорати яхшиланади.

Ҳалқали йиғириш машинасига кўшимча мослама (зичлагич) ўрнатилгандан сўнг олинган ипнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Ипнинг номери бўйича вариация коэффиенти [U%] 3.79%, ипнинг нотекислик вариация коэффиенти CV 5 % яхшиланиган, шунингдек, ипнинг ингичка жойлари, Тҳин -30 % км 6%, ипнинг ингичка жойлари, Тҳин -40 % /км 11%, ипнинг тугунчалари сони, 200% /км 13% га камайганини аниқланди.

Адабиётлар

- [1]. Саримсаков А., Каримов А., Марданов Б. Джинирование как аспект технологического процесса //Международный журнал экспериментального образования. – 2015. – №. 11-6. – С. 948-951.
- [2]. A.U. Sarimsakov, D.M. Kurbonov, Sh.Sh. Xalikov. (2019) The study of the crucible rotation of raw materials with a practical way // Economy and society-2019.- №12(67).- URL: https://iupr.ru/domains_data/files/67/Sarimsakov.pdf
- [3]. Kosimov, A. A., Bakhriddinova, S. F. K., & Abdulazizov, S. A. O. (2020). Classification Of Terry Products Made Of Natural Fiber. The American Journal of Engineering and Technology, 2(11), 133-141. <https://doi.org/10.37547/tajet/Volume02Issue11-21>
- [4]. Kosimov Ahtam Akramovich Abdullayev Ulugbek To'lanboyevich, Mirjamol Mirxojayev Mirkarimovich, Oqboyev Alisher Rasuljanovich, Анализ производство ткань для дублирин из отходов волокнистых материалов гребнечесьяльного системы, Научно-технический журнал ФерПИ, 2018/12, спец. вып. № 3, 42-46.
- [5]. Yuldashev, J. Q., & Bobojanov, H. T. (2020). Study Of The Influence Of The Parameters Of The Sampling Zone On The Condition Of The Capture Of Fibers By The Drum Teeth. The American Journal of Engineering and Technology, 2(08), 75-78. <https://doi.org/10.37547/tajet/Volume02Issue08-11>
- [6]. Jamshid, Y. , Akbarjon, U. and Olimjon, S. (2020) Dynamics of Interaction of a Single Fiber with a Headset of a Sampling Drum. Engineering, 12, 347-355. doi: 10.4236/eng.2020.126027.

- [7]. Korabayev Sh.A; Matismailov S.L; Yuldashev A.T., Atanbayev D.D. (2020) "Study Of Fiber Movement Outside The Crater Of Pnevnomechanical Spinning Machine", Solid State Technology. Vol. 63 : Iss. 6. Pages 3460-3466. Available at: <http://www.solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/3473>
- [8]. Korabayev Sh.A; Matismailov S.L; Miraxmedov A.G; Shaxobiddinova D.E (2021) Characteristics of yarn spinned on different spinning machines. section xvii. technologies de l'industrie légère et le travail du bois. 5 février 2021 • Paris, République française. Pages 37-39 <https://doi.org/10.36074/logos-05.02.2021.v3.10> <https://ojs.ukrlogos.in.ua/index.php/logos/article/view/8475>.

УДК 621.01

СИНТЕЗ ЗУБЧАТО-РЫЧАЖНОГО ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНОГО ПЕРЕДАТОЧНОГО МЕХАНИЗМА С СИММЕТРИЧНЫМ ПЕРЕМЕЩЕНИЕМ ЦЕНТРОВ ВРАЩЕНИЯ ВЕДОМОГО И ВЕДУЩЕГО ЗУБЧАТЫХ КОЛЕС

А. Абдукаримов, С.М. Мадаминов, Л.Э. Турсунбоев

*Академия наук Республики Узбекистан Институт механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева
(Получена 8.04.2021 г.)*

The article presents the synthesis of a gear-lever differential transmission mechanism with a symmetrical movement of the centers of rotation of the driven and driving gears.

Keywords: *mechanism, gear wheel, differential, roller machine, working shaft, levers, angular velocity, linear velocity, pressure angle.*

В статье приведен синтез зубчато-рычажного дифференциального передаточного механизма с симметричным перемещением центров вращения ведомого и ведущего зубчатых колес.

Ключевые слова: *механизм, зубчатое колесо, дифференциал, валковая машина, рабочий вал, рычаги, угловая скорость, линейная скорость, угол давления.*

Мақолада етакловчи ва етакланувчи тишли гилдиракларнинг айлланиш маркаслари симметрик ҳаракатланувчи тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг синтези келтирилган.

Калит сўзлар: *механизм, тишли гилдирак, дифференциаль, валикли машина, ишчи вал, ричаг, бурчак тезлик, чизиқли тезлик, босим бурчаги.*

Межвалковый передаточный механизм, валковых машин с переменным межосевым расстоянием рабочих валов, передающий крутящий момент от одного рабочего вала к другому рабочему валу должен обеспечить, кроме прочих условий, одно главное условие, как обеспечение вращения рабочих валов одинаковой по величине и по направлению линейных скоростей точки контакта этих валов с обрабатываемым материалом, как при постоянной, так и при изменяющемся межосевом расстоянии рабочих валов. Однако, многих валковых машинах это условия не выполняется, что в конечном счете приведут к ухудшению качества обрабатываемого материала, иногда к их порчи, также к снижению производительности и уменьшению долговечности машин [1,2]. Эту проблему можно решать с помощью зубчато-рычажных дифференциальных передаточных механизмов (ЗРДПМ). Анализ конструкции и научно исследовательских работ по зубчато-рычажным механизмам показывает, что в основном авторами рассматривался синтез зубчато-рычажных механизмов, у которых периодическое вращательное движение входного звена преобразовывалось в периодическое вращательное движение выходного звена с выстоим, или периодическое вращательное движение входного звена преобразовывалось во вращательное движение выходного звена с переменной скоростью. На слабости разработки методов анализа и синтеза зубчато-рычажных механизмов, особенно при применении этих механизмов как межвалковых передаточных механизмов для валковых модулей, указали многочисленные авторы как Н.И.Левитский, К.В.Фролов, В.С.Карелин и др. [3-5].

Нами разработан [6] и исследован [7,8] передаточный механизм, предотвращающий вышеуказанные недостатки в валковых машинах.

Проектирование зубчато-рычажного дифференциального передаточного механизма с симметричным перемещением центров вращения ведомого и ведущего зубчатых колес следует начинать с определения размерных параметров его простейшего варианта по заданным значениям рабочих органов двухвалкового модуля и технологических требований, предъявленной к валковой машине, где установлен этот валковой модуль.

На рисунке 1 приведена расчетная схема синтеза разработанного зубчато-рычажного дифференциального передаточного механизма, который может быть применен в валковых машинах с переменным межосевым расстоянием рабочих валов, где оси обоих рабочих валов имеют возможность вращаться вокруг собственных осей и симметрично перемещаться.

Из выполненного нами ранее кинематического и динамического анализа этого механизма видно, для выполнения главного условия, при проектировании двухвалкового модуля с одинаковыми диаметрами рабочих валков, необходимо выполнения следующих условий:

- Зубчатый контур зубчато-рычажного механизма должен состоять из четырех последовательно контактирующих между собой зубчатых колес, если зубчатые колеса имеют внешние зацепления;

- Число зубьев зубчатых колес должно быть во всех колесах одинаковым или попарно одинаковыми, две паразитные и ведомый с ведущим;

- Рычаг 4 должен быть параллельно линии проходящий по осям рабочих валов, ползун 7 должен быть перпендикулярен рычагу 4;

- Механизм должен обеспечивать изменение межосевого расстояния рабочих валов при выполнении технологического процесса на величину W_1 , при ремонтно-профилактической работе валковой машины на величину W_2 ;

- Во время выполнения технологического процесса углы давления между рычажными звеньями должны быть меньше допустимого.

- Диаметры окружностей вершин зубьев ведомых и ведущих зубчатых колес должны быть меньше минимального диаметра рабочих валов на гарантийный зазор Δ между вершинами зубьев зубчатых колес.

- Рычаги 2 и 6 которые позволяют двигаться центрам вращения рабочих валков а также их направляющие должны обеспечить рабочим валкам движения по прямой линии проходящий по осям этих рабочих валков.

Предположим, необходимо проектировать валковую машину диаметрами рабочих валов D_{e_1} и D_{e_2} с изменением межосевого расстояния в процессе работы на величину W_1 , в процессе ремонтно-профилактических работ на величину W_2 . На основании выше приведенных условий можно написать:

$$D_e = D_{e_1} = D_{e_2}, \quad (1)$$

$$AD_{p.\max} = D_e + W_1, \quad (2)$$

$$AD_{p.\min} = D_e, \quad (3)$$

$$AD_{n.\max} = D_e + W_2, \quad (4)$$

$$AD_{n.\min} = D_e, \quad (5)$$

$$D_a = D_{a_1} = D_{a_2}, \quad (6)$$

$$D_a = D_e - \Delta. \quad (7)$$

где D_{e_1} и D_{e_2} - диаметры ведущего и ведомого рабочих валов, соответственно;

$AD_{p.\max}$ и $AD_{p.\min}$ - максимальное и минимальное межосевое расстояние рабочих валов при выполнении технологического процесса;

$AD_{n.\max}$ и $AD_{n.\min}$ - максимальное и минимальное межосевые расстояния рабочих валов при ремонтно-профилактических работах;

D_{a_1} и D_{a_2} - диаметры окружностей вершин зубьев ведомых и ведущих зубчатых колес;

Δ - гарантийный зазор между вершинами зубьев ведомых и ведущих зубчатых колес.

Ведущая и ведомая зубчатые колеса жестко закреплены на выходных концах соответствующих рабочих валов, а массы этих зубчатых колес намного меньше массы рабочих валов, поэтому ориентир на вершины зубьев ведущих и ведомых зубчатых колес с учетом гарантийного зазора Δ в начале проектирования диктовано тем, что при изменении межосевого расстояния рабочих валов рычаги, поддерживающие промежуточные колеса, испытывают нагрузку от силы инерции зависящий, от массы и ускорения центров вращения этих зубчатых колес.

Поэтому при большом ускорении изменения межосевого расстояния, целесообразно принять геометрические параметры ведущих и ведомых зубчатых колес максимальными, а диаметры промежуточных зубчатых колес минимальными.

Исходя из наибольшего момента, передаваемого зубчатыми колесами, определяем предварительное межосевое расстояние зубчатых колес (a_p), предварительную ширину зубчатых колес (b_p) и предварительный модуль зуба (m_p), мысленно допуская, что ведомое и ведущее зубчатые колеса находятся в зацеплении [9].

Передаточное число u определяют при разбивки общего передаточного отношения по ступням. В нашем случае $u = 1$, Коэффициент ширина (ψ_a) выбирают по указания §3.9. [10].

Предварительное межосевое расстояния

$$a_p = (u \pm 1) \cdot \sqrt[3]{\left(\frac{K}{[\sigma_H]} \cdot u\right)^2 \cdot \frac{T'_a}{\psi_a}} \quad (8)$$

где $K = 315$ -для прямозубых передач; $[\sigma_H]$ - допускаемо контактное напряжение; T'_a -




Рис.1. Расчётная схема синтеза разработанного зубчато - рычажного дифференциального передаточного механизма. 1 – стойка; 2, 3, 4, 5,6 – рычаги; 8 – ведущее зубчатое колесо; 7 – ползуны 9, 10 – промежуточные зубные колеса, 11 – ведомое зубчатое колесо.

при этом коэффициент распределения нагрузки $K_{H\alpha}$ и коэффициент динамичности K_{HD} входящие в составляющих формулы (8) считают равными единице.

Одним из особенностей расчета открытых зубчатых передач является их интенсивное изнашивания. По этому изготавливают их из нормализованных или улучшенных сталей.

расчетный момент; $T'_p = T_{HE} \cdot R'_H = T_{max} \cdot K_{HD} \cdot K'_H$; T_{max} - наибольший момент нормально протекающего технологического процесса, открытие цилиндрические передачи применяют где скорость зубчатое колесо менее 1 м/с.

Открытие цилиндрические передачи конструируют узкими с коэффициентом ширина $\psi_a = 0,1 - 0,2$. Коэффициент долговечности K_{HD} и K_{FD} применяют равным единице. Знак "+" применяют для внешнего зацепления, знак "-" для внутреннего зацепления.

Тогда формула (8) примет вид,

$$a_p = 2 \cdot \sqrt[3]{\left(\frac{315}{[\sigma_H]}\right)^2 \cdot \frac{T'_a}{2}} \quad (9)$$

Износ открытых передач обычно допускается до 25 % первоначальной толщина считая по делительной окружности. Прочность на изгиб при этом снимается вдвое [10]. Поэтому допускаемое напряжение уменьшает в вдвое следовательно, формула (9) примет вид

$$a_p = 2\sqrt[3]{\left(\frac{2 \cdot 315}{165}\right)^2 \cdot \frac{T_{max}}{2}} = 2 \cdot \sqrt[3]{7,3 \cdot T_{max}} = 3,88 \cdot \sqrt[3]{T_{max}} \quad (10)$$

Следовательно допускаемое контактное напряжение $[\sigma_H]$ – определяется

$$[\sigma_H] = [\sigma_F] = \frac{\sigma_{Flim}^\circ}{S_F} \quad (11)$$

где $[\sigma_H]$ – допускаемое напряжение на изгиб; $[\sigma_{Flim}^\circ]$ – предел длительной выносливости лимитирующего зубчатого колеса, S_F – коэффициент запас прочности.

Если коэффициент долговечности $K_{HA} = 1$ то лимитирующим зубчатом колесом является ведомое зубчатое колесо.

При реверсивной работе допускаемое напряжение умножают на 0,8. Для стали 40, термической обработкой нормализация принимаем: твердость (НВ 180 - 350) НВ=200, $\sigma_{Flim}^\circ = 1,8HВ$; $S_F = 1,75$ [10].

Тогда получим

$$\sigma_{Flim}^\circ = 1,8 \cdot 200 = 360 \text{ МПа}; [\sigma_H] = \frac{\sigma_{Flim}^\circ \cdot 0,8}{S_F} = \frac{360 \cdot 0,8}{1,75} = 165 \text{ МПа},$$

$$a_p = 2\sqrt[3]{\left(\frac{2 \cdot 315}{165}\right)^2 \cdot \frac{T_{max}}{2}} = 3,88 \cdot \sqrt[3]{T_{max}} \quad (12)$$

Так как у нас в условиях даны диаметры вершин зубьев ведомого и ведущего зубчатых колес, то мы можем определить предварительный делительный диаметр этих зубчатых колес

$$d_p = (D_e - \Delta) - 2m_p, \quad (13)$$

также можем определить предварительное число зубьев

$$Z_p = \frac{d_p}{m_p} \quad (14)$$

Число зубьев Z_p округляем до целого числа Z в сторону уменьшения и определяем предварительный модуль зуба

$$m'_p = \frac{d_p}{Z}, \quad (15)$$

по таблице модулей принимаем окончательный модуль зуба (m).

Далее определяем окончательный делительный диаметр

$$d = mZ, \quad (16)$$

окончательный диаметр вершин зубьев и окончательный гарантийный зазор

$$D_a = d + 2m, \quad (17)$$

$$\Delta = D_e - D_a. \quad (18)$$

Рассмотрим рычажные контуры зубчато-рычажного механизма.

При проектировании механизма нужно учитывать весьма важный параметр, характеризующий условие передачи сил и работоспособность механизма, как угол давления ν . Максимальная величина угла давления не должна превышать допустимое значение, то есть $\nu_{max} \leq [\nu_{don}]$.

В рассматриваемом зубчато-рычажном дифференциальном передаточном механизме с симметричным перемещением центров вращения ведомого и ведущего зубчатых колес (рисунке 2) рычажный контур передаточного механизма состоит из: станины 1, ползуны 2, 6, 7, рычагов 3, 4, 5.

В рычажном контуре ведущим звеном является ползун 7, а ведомыми звеньями являются рычаги 2, 6. При ходе ползуна 7 от ведущего зубчатого колеса, углом давления в кинематической паре D является угол v_{56}^H (угол между силой \bar{P}_{56}^H , направленной от звена 4 по звену 5 и вектором скорости \bar{V}_D^H , направленного перпендикулярно рычагу 6). При ходе ползуна 7 кверху, угол давления v_{56}^6 - это угол между силой \bar{P}_{56}^6 , направленной на звено 4 по звену 5 и вектором скорости \bar{V}_D^6 направленного по ходу ползуна 7 и перпендикулярного рычагу 6. Между звеньями 5 и 4 в кинематической паре C углы давления соответственно будут v_{45}^6 и v_{45}^H .

$$v_{45}^6 = v_{45}^H = v_{45}. \quad (19)$$

Из расчетной схемы видно

$$v_{56}^6 = v_{56}^H = v_{56} = 90^\circ - \varphi_n, \quad (20)$$

$$v_{32}^6 = v_{32}^H = v_{56}, \quad (21)$$

$$v_{43}^6 = v_{43}^H = v_{43} = v_{45}, \quad (22)$$

Из формул (20), (21), (22) видно, увеличение угла φ_n приведет с одной стороны к уменьшению угла давления v_{32} , v_{56} , а с другой стороны к увеличению углов давления v_{43} ,

v_{45} , v_{56} . В предварительных расчетах принимают для механизмов только с вращательными парами $[v] = 45^\circ - 60^\circ$, при наличии поступательных кинематических пар $[v_{71}] = 30^\circ - 45^\circ$, следовательно,

$$[v_{71}] = 0^\circ, \quad (23)$$

$$[v_{32}] = 45^\circ - 60^\circ, \quad (24)$$

$$[v_{43}] = 45^\circ - 60^\circ. \quad (25)$$

$$[v_{45}] = 45^\circ - 60^\circ, \quad (26)$$

$$[v_{56}] = 45^\circ - 60^\circ. \quad (27)$$

$$[v_{21}] = 0^\circ, \quad (27)$$

Формулы (20), (21) и (27) удовлетворяют условиям (23) – (27) при $\varphi_n = 45^\circ - 30^\circ$.

В таблице – 1 приведены расчеты и на рисунке 3 показаны графики изменения углов давления v_{71} , v_{32} , v_{43} , v_{45} , v_{56} , v_{21} , v_{61} В




Рис. 2. Расчётная схема синтеза рычажного контура.
1 – стойка; 2, 3, 4, 5 6, – рычаги; 7 – ползуны.

зависимости от угла положения механизма φ_n . Действительное изменение угла положения механизма φ_n должно быть меньше 15° ($45^\circ - 30^\circ$).

Таблица 1 – Расчеты для графиков изменения углов давления v_{71} , v_{32} , v_{43} , v_{45} , v_{56} , v_{21} , v_{61} в зависимости от угла положения механизма (φ_n). Приступим к определению делительного радиуса (r_n) промежуточного колеса при угле положения механизма $\varphi_n = 45^\circ$ и величине минимального угла положения механизма ($\varphi_{n.min}$), удовлетворяющие условию изменения межосевого расстояния в рабочем положении (W_1).

Таблица 1 – Расчеты для графиков изменения углов давления v_{71} , v_{32} , v_{43} , v_{45} , v_{56} , v_{21} , v_{61} в зависимости от угла положения механизма (φ_n).

φ_n	ν	ν_{71}	ν_{32}	ν_{43}	ν_{45}	ν_{56}	ν_{21}	ν_{61}
$\varphi_n = 0^0$		0	90	0	0	90	0	0
$\varphi_n = 30^0$		0	60	30	30	60	0	30
$\varphi_n = 45^0$		0	45	45	45	45	0	45
$\varphi_n = 60^0$		0	30	60	60	30	0	60
$\varphi_n = 90^0$		0	0	90	90	0	0	90

Из расчетной схемы (рисунок 3) можно записать




Рис. 3. Графики изменения углов давления ν_{71} , ν_{32} , ν_{43} , ν_{45} , ν_{56} , ν_{21} , ν_{61} в зависимости от угла положения механизма φ_n

$$AD_{p.min} = 2(r + r_n) \cos \varphi_{n.max} + 2r_n, \quad (29)$$

$$AD_{p.max} = 2(r + r_n) \cos \varphi_{n.min} + 2r_n, \quad (30)$$

$$AD_{p.min} = D_a + \Delta, \quad (31)$$

$$AD_{p.max} - AD_{p.min} = W_1, \quad (32)$$

где r - делительный радиус ведущего и ведомого зубчатых колес.

Из формулы (29) при учете формулы (30), (31), (32) получится

$$r_n = \frac{D_a + \Delta - r\sqrt{2}}{2 + \sqrt{2}}, \quad (33)$$

где r_n - делительный радиус промежуточных колес, обеспечивающий $D_a + \Delta = AD_{p.min}$ при угле положения механизма $\varphi_n = 45^\circ$.

Вычитая из формулы (30) формулу (29) и учитывая формулы (32) и (33) можно записать

$$\varphi_{n.min} = \arccos \left(\frac{W_1(2 + \sqrt{2}) + \sqrt{2}(2D_a + \Delta)}{2(2D_a + \Delta)} \right). \quad (34)$$

Подставив в формулу (34) заданную величину W_1 и величину D_a из формулы (16) определяем $\varphi_{n.min}$. Если $\varphi_{n.min} \geq [\varphi_{n.min} = 30^\circ]$, то произведем дальнейший расчет, если $\varphi_{n.min} < [\varphi_{n.min} = 30^\circ]$, то, увеличивая Z_n на один зуб, заново определяем $\varphi_{n.min}$, так до удовлетворения условия $\varphi_{n.min} \geq [\varphi_{n.min} = 30^\circ]$.

После удовлетворения условия, приняв полученный Z_n , определяем окончательный делительный диаметр промежуточных зубчатых колес

$$d_n = Z_n \cdot m. \quad (35)$$

Далее определяем длины рычагов и максимальную величину межвалкового расстояния

$$l_{AB} = l_{CD} = \frac{d + d_n}{2}, \quad (36)$$

$$l_{CB} = l_{AA_0} = d_n, \quad (37)$$

$$AD_{n.max} = D_6 + W_2, \quad (38)$$

$$W_2 = d + 2d_n - D. \quad (39)$$

В случае проектирования передаточного механизма для валковых машин с небольшим ускорением центра вращения ведомого рабочего вала, делительные диаметры всех зубчатых колес целесообразно принимать равными, с учетом геометрических параметров валковой

пары и технологического требования к ним, что является рациональным с экономической и эксплуатационной точки зрения.

ЗАКЛЮЧЕНИЯ

1 Выполнен геометрический, кинематический и динамический синтез ЗРДПМ с симметричным перемещением центров вращения ведущих и ведомых зубчатых колес с учетом углов давления рычажного контура механизма. Показана целесообразность работы механизма при углах положения механизма в пределах $\varphi_n = 30^\circ \div 45^\circ$ Что соответствует углам давления рычажного контура механизма в пределах $\nu = 45^\circ \div 60^\circ$.

2 При проектирование передаточного механизма для валковых машин с небольшим ускорением центра вращения рабочих валов, делительные диаметры всех зубчатых колес целесообразно принимать равными $d = d_n$, с учетом геометрических параметров валковой пары и технологического требования к ним, что является рациональным с экономической и эксплуатационной точки зрения.

Список литературы

- [1]. Кузнецов Г.К., Смирнов Б.И. Проектирование машин первичной обработки лубяных волокон, М.: Машиностроение, -270с. илл.
- [2]. Бурмистров А.Г. Машины и аппараты производства кожи и меха. М.: КолосС, -384с. ISBN 5-9532-0284-9.
- [3]. Левитская О.Н., Левитский Н.И. Курс теории механизмов и машин, - М.: Высшая школа, -279с.
- [4]. Фролов К.В., Попов С.А., Мусатов А.К. и др. Теория механизмов и механика машин, Учебник для вузов; Под. ред. К.В.Фролова.- 3-е изд., стереотип. – М.: Высшая школа, – 496с.: илл.
- [5]. Карелин В.С. Проектирование рычажных и зубчато рычажных механизмов, Справочник. – М.: Машиностроение, – 184с.
- [6]. А.с. 1632047 А1 СССР, МКИ С14 В 1/00, 1/02. Передаточный механизм валочных машин. / Т.Ю. Аманов, Абдукаримов А. Бахадиров Г.А.
- [7]. Абдукаримов А. и др. Силовой анализ передаточного механизма валковой пары отжимной машины, Научно технический журнал ФерПИ, №4, С. 31-35.
- [8]. Абдукаримов А. Анализ и синтез передаточных механизмов валковых машин с переменным межосевым расстоянием рабочих валов: Дис. канд. техн. наук. – Ташкент: ИМСС, 1995. – 158 с.
- [9]. Колесников К.С. и др. Машиностроение. Раздел 1: Инженерные методы расчетов. Т. 1-2; Теоритическая механика, термодинамика, теплообмен. Отв. ред. К.С. Колесников, – 600 с.
- [10]. Чернавский С.А., Снесарев Г.А., Козинцов Б.С. и др. Проектирования механических передач: Учебно-справочное пособие для вузов/ – 5-е изд., перераб. и доп. – М.:Машиностроение, 1984. – 560 с., ил.

ДИСПЕРС МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚУРИТИШ ОБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДА ТАҲЛИЛИ

А.А. Ахунбаев

Фаргона политехника институти,

e.mail: a.ahunboyev@ferpi.uz, ahunbayev61@mail.ru ORCID:0000-0001-6764-3690

(Қабул қилинди 20.01.2022 й.)

Мақолада дисперс материалларни қуритиш жараёнарлида уларнинг тузилиши, структураси, хусусиятларини асосийларини ажратиб олиш, асосий ҳоссаларни умумий хусусиятларга кўра қуритиш объектлари сифатида таснифланган ва таҳлил қилинган. Қуритишнинг кинетик эгри чизиқларини ўрганиш асосида яратилган материалларнинг қуритиш объектлари сифатидаги таснифлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *қуритиш, материаллар структураси, капиллярлар, коллоидлар, капиллярговаклар, намликни ўтказиш.*

В статье классифицированы основные свойства дисперсных материалов как объектов сушки, выделены их строение, структура, анализируются основные свойства как объекты сушки по общей характеристикам. На основе изучения кинетических кривых сушки проанализированы классификации материалов, созданных как объекты сушки.

Ключевые слова: *сушка, структура материала, капилляры, коллоиды, капиллярно- коллоиды, влагоперенос.*

The article classifies the main properties of dispersed materials as drying objects, highlights their structure, structure, analyzes the main properties as drying objects according to general characteristics. Based on the study of drying kinetic curves, the classifications of materials created as drying objects are analyzed.

Keywords: *drying, material structure, capillaries, colloids, capillary colloids, moisture transfer.*

Материалларни қуритиш жарёни саноатнинг турли соҳаларида қўлланиладиган муҳим ва кенг тарқалган технологик операция бўлиб ҳисобланади. Қуритиш жараёнида эритувчини чиқариб ташлаш натижасида қайта ишланган материалнинг структуравий тузилишини, механик, технологик ва биокимёвий хусусиятларини сезиларли даражада ўзгаради. Қуритиш иссиқлик ва масса алмашинув жараёни бўлиб, конвектив ва диффузия узатиш, деформация, ўлчам қисқариши, парчаланишларни ўз ичига олган ҳодисаларининг комбинацияси ҳисобланади.

Қуритиш кимёвий технологияда энг кўп энергия талаб қиладиган жараёнлардан бири бўлиб, кўпинча кимёвий маҳсулотларнинг сифатини ва истеъмол хусусиятларини аниқлайди. Жараённинг муҳимлиги шундан иборатки, кимё корхонаси томонидан истеъмол қилинадиган энергиянинг 85% гачаси қуритишга тўғри келади, қуритилиши керак бўлган моддалар ассортименти юз минглаб номларни ташкил этади ва бу рўйхат ҳар йили 10-20 мингдан ортиқ номдаги янги материаллар қўшилади [1]. Шунинг учун, қуритиш технологик жараёнларнинг энг муҳимларидан бири бўлиб, қуритгич турини танлашда қурилманинг энергия кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилиши керак. Одатда, ишлаб чиқаришда, янги қуритилиши керак бўлган маҳсулотни иссиқлик билан ишлов бериш технологиясини мавжуд ускунага мослаштиришга интилинади. Жараённи била туриб, самарасиз лойиҳалаш ишлаб чиқаришнинг рақобатбардош мавқеига путур етказди ва янги маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келади.

Дисперс материалларни қуритишдаги энг муҳим муаммолардан бири материалларни қуритиш объектлари сифатида таснифлашдир. Кўп минглаб материаллар қуритилиши керак бўлганда, ҳар бир материал учун, унга мосланган қуритгични яратиши иқтисодий самарасиздир. Шу сабабли, ўхшаш хусусиятларга эга бир синфга тегишли бўлган материалларни қайта ишлаш учун мос бўлган типик қуритгичларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлди.

Саноат жараёнида қуритилиши керак бўлган янги маҳсулот учун қуритиш режими ва конструктив параметрларини танлаш узоқ ва қиммат жараён бўлиб, кенг қўламли тадқиқотлар ўтказишни, тажрибали ходимларни, замонавий илмий - тадқиқот базасини ва кўп меҳнатни талаб қилади. Одатда, фундаментал фан нуқтаи назаридан тўғри бўлган ечимларни саноат шароитида қайта ишлаб амалга оширилганда, мутлақо аниқ қабул қилиб бўлмайдиган натижаларни бериши мумкин. Шу сабабли, материалларнинг юзлаб маълум бўлган турли хил ҳоссаларини ҳисобга олган ҳолда, қуритиш объектлари сифатида материалларнинг хусусиятларини асосийларини чекланган миқдордагисини ажратиб олиш, асосий ҳоссаларни умумий хусусиятларга кўра таснифлаш ва таҳлил қилиш учун мантиқий ва қулай таснифлашни яратиш зарурати туғилди [2]:

- мавжуд оммавий ишлаб чиқарилган қуритиш ускуналарига эътибор қаратган ҳолда, уни тармоқ имкониятлари ва эҳтиёжлари билан боғлаган ҳолда гидродинамик режимларнинг ягона таснифини ишлаб чиқиш;

- гидродинамик режимларнинг илмий асосланган таснифини ишлаб чиқиш ва унга янги энергия тежовчи режимларни киритиш;

- гидродинамик режимларнинг самарадорлиги назариясини ишлаб чиқиш, гидродинамик режимлар самарадорлигини ҳисоблаш ва қиёсий таҳлил қилиш учун муҳандислик усуллари ва муаммоли дастурий комплексларини ишлаб чиқиш учун гидродинамик режимлар самарадорлиги мезонини таклиф қилиш ва илмий асослаш;

- қуритиш объекти сифатида материалларнинг асосий хусусиятларига мос келадиган барча параметрлар тўпламидан қуритиш объекти сифатида материалнинг

ҳолатини энг яхши аниқлайдиган интеграл хусусиятларни (битта ёки иккита) танлаш ва илмий жиҳатдан асослаш;

– қуриштиш жараёнини муҳандислик ҳисоблаш стратегиясини ишлаб чиқиш, маълум миқдордаги хусусиятларга эга бўлган махсус намунавий материалларни танлаш учун материалларни қуриштиш объектлари сифатида таснифлаш;

– ҳар бир танланган намунавий модел материаллари учун ягона математик моделни ишлаб чиқиш билан кинетика ва гидродинамик жараёнларини моделлаштириш, қуриштиш жараёнини ҳисоблаш, самарали гидродинамик режимни танлаш, қуриштиш қурилмаларининг режими ва конструктив параметрларини ҳисоблашни муҳандислик усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

Муайян материални қуриштиш жараёни учун оптимал аппарат ва технологик схемасини танлаш стратегияси олти асосий босқични ўз ичига олиши керак [3]:

1) қуриштиш объекти сифатида материални комплекс таҳлил қилиш;

2) қуриштишларнинг ҳар томонлама таҳлили ва мавжуд таснифлари асосида қуриштиш турини аниқлаш;

3) қуриштилган маҳсулот сифатига қўйиладиган технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда оптимал қуриштиш режимини аниқлаш;

4) керакли кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда аппаратни ҳисоблаш;

5) технологик жараённинг экологик ва саноат хавфсизлигини таъминлаш;

6) иқтисодий ҳисоб.

Қуриштиладиган материалларнинг хилма-хиллиги ва айниқса уларнинг дастлабки ҳолати (суюқликлар, пасталар, донатор материаллар ва бошқалар) ҳар хиллиги туфайли кўплаб турдаги қуриштишлар яратилган. Муаллиф, техник адабиётларда 400 га яқин турли хил қуриштишларнинг тавсифини топиш мумкинлигини таъкидлаб, амалиётда 50 дан ортиқ қурилмалар кенг қўлланилганлигини таъкидлайди [4]. Қуриштишларни бир қатор мезонларга кўра таснифлаш мумкин:

- иш принципига кўра қуриштишлар узлуксиз ва даврий ишлайдиган қурилмаларга бўлинади;

- намликни буғлатиш учун энергия бериш усули бўйича: конвектив, контакт, радиация, электромагнит тўлқини таъсирида ва уларнинг комбинациясига эга қурилмаларга;

- қатлам тури бўйича: актив гидродинамик режимга ва кўзғалмас материал қатламига эга қурилмаларга;

- қуриштишдаги босим бўйича: вакуум остида ва атмосфера босимида ишлайдиган қурилмаларга;

- конвектив қуриштишларда иситувчи агент турига кўра ҳаво, қиздирилган буғ, тутун газлари билан қиздирилувчи қурилмаларга бўлиниши мумкин;

- қуриштиш ҳарорати бўйича: нормал шароитда эритувчининг қайнаш температурасидан паст ёки юқори ҳароратларда, эритувчининг музлаш ҳароратидан паст ҳароратларда ишлайдиган қуриштишларга бўлиниши мумкин;

- актив гидродинамикали қурилмалар иситувчи оқимининг ва дисперс материалнинг ҳаракатига кўра паралел оқим, карама қарши оқим ва аралаш оқимларга эга қурилмаларга бўлиниши мумкин;

- босқичлар сони бўйича бир босқичли қуриштишлар ва кўп босқичли қуриштишларга;

- материалнинг аппаратда бўлиш вақтига кўра: қисқа муддатли (1 минутдан кам), материалнинг ўртача бўлиш вақти (1-60 мин) ва материалнинг узок бўлиш вақти (1 соатдан ортиқ) бўлган қуриштишларга бўлиниш мумкин.

Турли материалларни қуриштишнинг кинетик эгри чизиқларини ўрганиш материалларнинг қуриштиш объектлари сифатида бир нечта таснифларини ишлаб чиқишга олиб келди:

П.А. Ребиндер томонидан таклиф қилинган тасниф бўйича эритувчи ва материал орасидаги боғланиш шаклига кўра кимёвий боғланиш, физик-кимёвий боғланиш, физик-механик боғланиш турлари мавжуд [5];

А.В. Ликов томонидан таклиф қилинган тасниф материалнинг ички тузилиши хусусиятларига асосланиб (коллоид, капилляр-ғовак, капилляр-ғовак коллоид), улардан намликни олиб ташлаш механизмларини белгилайди ва қуритиш кинетикасининг математик тавсифи бир биридан сезиларли даражада фарқларга эга бўлади [6];

Б.С. Сажин томонидан таклиф қилинган тасниф асосида қуритиш учун берилган материалнинг фазавий ҳолатига, унинг ўлчамларига (сочилувчан, суюқ, пасталар, донадор) асосланган [7].

Ушбу таснифлар кўплаб материалларни турли нуқтаи назардан қуритувчи объектлар сифатида кўриб чиқади ва аслида, юқоридаги таснифларни асосий ғояларини инкор этмаган ҳолда, бир-бирини тўлдиради: биринчи таснифга мувофиқ, эритувчи молекулаларининг материаллар билан боғланиш табиати, уларнинг нисбати ва бундай алоқаларни бузиш шартлари (микро даражада) ҳисобга олинади; иккинчисига кўра, материалдан эритувчини чиқариб ташлашнинг хусусиятлари танадаги намликнинг кичик градиенти шароитида аниқланади; учинчисига мувофиқ - материал бир ёки бошқа усул билан қуритиш имконияти ва самарадорлиги нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган материалларни қуритиш объектлари сифатида таснифлаш бир-бирига зид эмас ва бундан ташқари, сезиларли даражада кенгрок имкониятларга эга бўлиб, амалий фан ва ишлаб чиқариш вакиллари учун ўзига хос “йўл харитаси”га айланиши керак. Чунки, бу материалнинг бир нечта хусусиятларига асосланиб, дисперс материалларни қуритиш соҳасида ихтисослашган, уларни амалга ошириш учун энг самарали гидродинамик режимлар ва қурилмаларни тавсия қилиш имконини беради [5-7].

Қуритиш жараёнини самарали амалга ошириш учун маълум бир материал учун керакли қуритиш вақтини тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш шароитида янги материал учун мос ҳолатлар принципи ва намунавий материалларнинг қуритиш кинетикаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда керакли қуритиш вақтини ҳисоблаш мумкин.

Дисперс материаллар учун сорбсия хусусиятларига кўра, қуритилган материалларнинг адгезион- ёпишқоқлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таснифлаш тавсия этилиши мумкин [7]. Ушбу тасниф маълум бир материални қуритишда критик капиллярлар ўлчамига, диффузион қаршилиқ қийматига (ва бунинг оқибатида қуритиш жараёнининг давомийлигига) асосланиб, қуритилаётган заррачаларнинг аппарат деворларига тўпланиш ва ёпишиш даражасини белгилайдиган адгезион- ёпишқоқлик коэффициенти қиймати билан мос келадиган самарали типик аппаратни аниқлаш имконини беради.

Қуритилган материалнинг қуритиш вақти диффузион ва термик қаршилиқ қийматлари билан белгиланади, бу материални қуритиш объекти сифатида ҳар томонлама таҳлил қилиш натижасида ва биринчи навбатда сорбсион-структуравий ва иссиқлик хусусиятлари асосида баҳоланиши мумкин. Доимий қуритиш тезлиги даврида суюқлик материал юзасидан ва унга яқин бўлган макрокапиллярлар ва диаметри 100 нм дан ортиқ бўлган капиллярлардан буғланади. Бу даврда материал ҳароратининг муҳитнинг адиабатик тўйинганлиги ҳароратига ўзгариши (кўтарилиши ёки камайиши) билан тавсифланади. Бундай ҳолда, биринчи яқинликдаги суюқликни олиб ташлаш вақти қуритиш жараёнида материални суюқлик буғланиш ҳароратига қадар қиздириш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори билан таъминланиш вақтга тенгдир.

Материал юзасидаги эркин суюқлик ва макрокапиллярларнинг суюқлиги буғлангандан сўнг, макрокапиллярлардан намликнинг буғланиши бошланади. Буғланиш юзаси чуқурлашади ва қуритиш тезлиги пасаяди. Микрокапиллярлардан буғланиш пайтида намликнинг изотермик шароитда ўтиши суюқликнинг тарқалиши ва плёнка ҳаракати натижасида содир бўлади. Ички суюқлик ўтказиш механизми ва интенсивлиги ғовак ҳажмига боғлиқ. Адсорбсия билан боғланган суюқлик материалдан чиқарилганда, уни биринчи навбатда материал ичидаги буғга айлантириш керак, унинг материал юзасига тарқалиш тезлиги ҳам ғовак ҳажми билан белгиланади.

Материалнинг ичида содир бўладиган намликни ўтказиш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатадики, турли диаметрли тешиклардан намликни олиб ташлаш вақти ҳар хил ва катта тешикларда оддий диффузия учун сониянинг бир қисмини, ултрамикроғовакларда диффузия пайтида бир неча дақиқа (хатто бир неча ўн дақиқаларни) ташкил қилади. Ҳақиқий материаллар мураккаб тузилишга эга ва турли ўлчамдаги тешикларни ўз ичига олади, шунинг учун уларни қуритиш муддати турли диаметрли тешикларнинг миқдорий нисбатига боғлиқ бўлади. Материалдаги суюқлик миқдори маълум ўлчамдаги тешикларга тўғри келиши ҳисобга олиб ва бу суюқликни капиллярлардан чиқиши кетма-кет (аввал каттароқ тешиклардан, кейин эса кичикроқ ва кичикроқ) содир бўлишини ҳисобга олган ҳолда, суюқлик чиқиш муддати материалдан суюқлик ҳажми жиҳатидан фарқ қилувчи ҳар бир капилляр гуруҳидан уни олиб ташлаш давомийлигининг йиғиндисига тенг бўлади.

Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, ғовак ўлчами қуритиш пайтида материал ичидаги суюқлик ўтказиш механизмини аниқлайди. Шунга асосланиб, ғовакларни (капиллярларни) шартли равишда 5 гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ диаметри 100 дан 8 нм гача (10^{-5} дан $8 \cdot 10^{-7}$ см гача) бўлган капиллярлардан иборат. Ушбу диаметрдаги ғовакларда суюқлик ўтказишнинг асосий механизми капиллярлар деворларидаги суюқлик плёнкасида буғланиши бўлиб, буғ ўтиши Кнудсен диффузияси таъсирида содир бўлади. Бу ҳолатда юза устидаги диффузия ўтказиш жараёнига сезиларли ҳисса қўшмайди ва $d = 10$ нм да умумий намлик оқимининг 4% дан кўп эмас, $d = 5$ нм да у турли манбаларга кўра 13-15% ни ташкил қилади.

Иккинчи гуруҳга диаметри 8 дан 6 нм гача бўлган тешиклар киради. Ушбу гуруҳдаги асосий транспорт механизми Кнудсен диффузияси бўлиб, унинг коэффиценти ғовак ҳажмига сезиларли даражада боғлиқ бўлиб, суюқликнинг умумий оқимига қўшган ҳиссаси тобора сезиларли бўладиган сирт диффузиясидир.

Учинчи гуруҳ диаметри 6 дан 4 нм гача бўлган тешиклардан иборат; бу гуруҳда асосий транспорт механизмлари ҳам Кнудсен ва сирт диффузияси ҳисобланади. Тўртинчи гуруҳ ғовакларида ($d = 4 \div 2$ нм) сирт диффузиясининг ҳиссаси жуда катта ва $d = 2$ нм да умумий масса оқимининг 80% ни ташкил қилиши мумкин. Қуритиш тезлиги суюқлик плёнкасидаги суюқликнинг буғ шаклида буғ каналлари орқали ўтиши билан солиштирганда пастроқ ҳаракат тезлиги туфайли пасаяди.

Охириги бешинчи гуруҳ ултрамикроғоваклардан иборат, яъни, диаметри чиқарилган суюқлик молекулаларининг ўлчамига мос келадиган капиллярлардан тузилган. Ултрамикроғовакларда буғ диффузияси жуда қийин ва энди на Кнудсен, на сирт диффузияси бўлмайди.

Одатда, иккита қуритиш даврини ажратилади: намликни эркин буғланиш даври (биринчи давр, доимий қуритиш тезлиги даври) ва боғланган намликни чиқариш даври (иккинчи давр, қуритиш тезлигини пасайтириш даври). Биринчи қуритиш даврида эритувчининг материалдан сиртга оқиш тезлиги материал юзасидан эритувчи молекулаларини буғлатиш тезлигидан кам эмас, бу ҳолда берилган барча энергия буғланишига сарфланади ва материалнинг ҳарорати ошмайди. Қуритиш жараёни чекловчи омил конвектив иссиқлик ва масса узатиш бўлади. Иккинчи қуритиш даврида эритувчи молекулаларининг сирт чуқурлигидан буғланиш жабҳасига этказиб бериш тезлиги буғни чиқариш тезлигидан паст бўлади ва вақт ўтиши билан пасайишда давом этади. Танага этказиб бериладиган иссиқлик энергияси қисман буғланишга, қисман эса материални иситишга сарфланади. Шу билан бирга, таъкидланган иккита даврга қўшимча равишда, қуритишнинг ҳарорат эгри чизиқларида қўшимча бўлимлар кузатилиши мумкин: материалнинг нам термометр ҳароратигача қиздириш қисми, материални иситувчи агент ҳароратигача қизиш қисми ва намлик эгри чизиқлари қуритиш тезлигини пасайтириш даврини аниқ ажралиб турадиган 2 қисмга ажратадиган бурилиш нуқталарини кўрсатиши мумкин. Қуритиш тезлигининг пасайиши даврида бурилиш нуқтасининг мавжудлиги кристалли боғланган намликни буғланиши, зарра сиртида зич қобикнинг пайдо бўлиши ва кейинчалик зич қобикнинг парчаланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин [6].

Коллоид материаллар (эластик геллар) куритиш жараёнида ўлчамларида сезиларли қисқариши мумкин, аммо қуруқ маҳсулот эластиклик хоссасини сақлаб қолади. Бундай материаллардаги намлик асосан адсорбцион ва осмотик кучлар билан боғланган бўлади. Коллоид материалларга желатин, углеводлар, мармелад ва бошқаларнинг эритмалари мисол бўла олади. Коллоид материаллар учун кўп миқдордаги осмотик боғланган намлик мавжуд бўлиб, жараён куритишнинг биринчи даврининг намоён бўлиши ҳарактерлидир. Коллоид материал юпқа қатламда кўринишида тақсимланган бўлса ва кўп миқдорда осмотик боғланган намлик бўлмаса, биринчи куритиш даври эгри чизикларда бўлмайди, жараён асосан иккинчи даврда ўтади ва иккинчи даврда куритиш тезлигининг пасайиши чизиғи тўғри чизиклиликка яқин бўлади. Бундай ҳолда, материалнинг ҳарорати тезда иситувчи агент ҳароратига яқинлашади ва бутун жараён давомида деярли доимий бўлиб қолади [6].

Капилляр-ғовак жисмларда намлик асосан капилляр кучлар билан боғланади. Микрокапилляр материаллар ўлчами $d < 0,1$ мкм бўлиб, уларда намлик буғнинг ютилиши натижасида ва тўғридан-тўғри капилляр босим таъсирида бўлиши мумкин. Макрокапилляр материалларда ($d > 0,1$ мкм) эса, намлик асосан капилляр босим таъсирида ушлаб турилади. Боғланиш тури физик-механик бўлган ҳолатда, капиллярларнинг деворларида жойлашган намлик молекулалари адсорбция кучлари билан боғланади [8]. Капилляр-ғовакли жисмларни куритиш кинетикаси куритиш интенсивлиги ва материалнинг тузилишига қараб сезиларли даражада фарқ қилади. Бу ҳолатни куритиш классикаси бўлган А.В. Ликов тажрибаларида, турли хил кум фракцияларини урта ҳароратда куритиш бўйича экспериментал маълумотларда кўришимиз мумкин.

Йирик кум фракцияси қатламини куритиш энг катта интенсивлик билан давом этади, шу билан бирга кумнинг намлик миқдори 8-12% дан кам бўлганда (ҳароратга қараб) қатламнинг ҳарорати сезиларли даражада кўтарила бошлайди. Кумнинг ўрта қисмини куритганда, куритиш интенсивлиги камроқ бўлади, лекин қатлам юқори ҳароратгача иситилади. Майда фракцияни куритишда куритиш интенсивлиги ўрта фракция учун куритиш интенсивлиги кўрсаткичига яқин бўлади, лекин ҳарорат эгри чизиклари куритиш бошида ва охирида қатлам ҳарорати озгина ошишини кўрсатади. Кумнинг барча фракциялар учун ҳарактерли факт, бу куритиш интенсивлигининг эгри чизиғида иккита муҳим нуқтанинг мавжудлиги. Капилляр-ғовакли жисмларни куритишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, юза қатламидаги намликни чиқариш жараёнида менисклар ҳосил бўлади, улар кичик тешиқларга ўтганда системанинг беқарор ҳолати пайдо бўлади. Бу ҳолатнинг сабаби, кичик тешиқларда капилляр босим мениск юзаси устидаги босимдан ошиб кетади, бу суюқликнинг бир қисмини юқорига импульсли тортилишига ва унинг капилляр деворлари бўйлаб қайта тақсимланишига олиб келади. Ҳар бир импульс билан капилляр босимнинг бироз пасайиши содир бўлади ва чиқиб кетган суюқлик ўрнини ҳаво эгаллайди [9].

Капилляр-ғовакли материалларни куритиш чизиғидаги биринчи эгилиш нуқтаси, намликни материалнинг чуқурлигидан етказиб бериш тезлиги намликни йўқотиш тезлигидан камроқ бўлганда пайдо бўлади. Бунинг оқибатида мениск устидаги капилляр деворларининг бир хил намланиши бузилади, материал сиртига намликнинг таъминланиши секинлашади, материал юзасида қуруқ оролларҳосил бўлади ва юқори кум қатламининг ҳарорати кўтарила бошлайди.

Куритилган материалларнинг полидисперсиясини ҳисобга олиш жиддий муаммодир. Одатда ҳисоблаш йирик фракцияси учун олиб борилади (бу майда фракцияларни куритишни таъминлайди) ёки ҳар бир фракцияни алоҳида куритишни ҳисоблаш ёрдамида амалга оширилади. Куритилган материалнинг полидисперслик индексини камайтириш жараённинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Ушбу муаммони ҳал қилиш усулларида бири дисперс заррачаларни ишлаб чиқариш жараёнида монодисперс зарраларни олишга ҳаракат қилиш бўлади.

Бир қатор технологик жараёнларда дисперс материалларни олиш жараёнида капилляр-ғовак тузилишга таъсир қилиш мумкин. Масалан, микроғовак ўрнига осон куритиладиган кенг ғовакли материалларни олиш имконини берадиган полимеризация жараёнларидан

фойдаланиш, куритилган материалнинг керакли намлигига эришиш учун катта иссиқлик ва вақт сарфланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни осонлаштиради. Худди шундай масала куритиш учун дисперсли материалларни олиш жараёнида ёпишувчи-адгезион хусусиятларни назорат қилиш ҳақида ҳам айтиш мумкин, бу биринчи навбатда куритгичларнинг таркибий жиҳозларига (таъминлагичлар, дозаторлар, юклаш – тушириш қурилмалари) таъсир қилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш ўринлики, материалларни изотермик бўлмаган шароитда куритиш пайтида юқорида кўрсатилган намликни узатиш механизмларига қўшимча равишда, намликнинг ўтиши термокапилляр оқим орқали, намликнинг капилляр-осмотик ёки электроосмотик ўтиши, буғнинг термик ўтиши, термо диффузия натижасида кузатилиши мумкин [10].

Юқорида кўрсатилган намликни зарралар юзасига ўтишининг барча турларини ҳисобга олувчи умумлашган ҳолатнинг аналитик тавсифи муракаб бўлиб, ҳозирда бунинг аниқ ечими мавжуд эмас. Бунинг сабаби, турли диаметрли капиллярларда намлик ўтказишнинг умумий тезлигини аниқлашда, барча турдаги намлик ўтказишлар бўйича қўшимча равишда ифодалаш мумкин бўлсада, оқимларнинг бир бирига ўзаро таъсирини ҳисобга олмаслик куритиш вақтини аниқлашда жиддий хатоларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, ҳар бир капилляр гуруҳидан намликни олиб ташлашнинг ўртача тезлиги реал аппаратларда ғовак структурали тузилишга эга бўлган модел материалларининг куритиш кинетикасидан аниқланади. Жараённинг бошқа барча параметрлари иситиш агентининг маълум бир ҳароратида, маҳсулотнинг намлигига куритувчи агентнинг унумдорлиги ва тезлиги таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар асосида оптимал деб белгиланади.

Адабиётлар

- [1]. Романков, П. Г. Массообменные процессы химической технологии: П. Г. Романков, В. Ф. Фролов, О. М. Флисюк. – Санкт-Петербург : Химиздат, 2020. – 440 с.
- [2]. Сажин, В.Б. Анализ основных подходов к классификации материалов как объектов сушки / В.Б. Сажин, М.Б. Сажина, Б.С. Сажин // Известия вузов (химич. технология), Том 48, №5, 2005. – С. 99-104.
- [3]. Сажин Б. С., Сажин В. Б. Основные проблемы сушки дисперсных материалов, научно-практический анализ и решение // Успехи в химии и химической технологии. 2008. №1 (81). – С.98-111. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-problemy-sushki-dispersnyh-materialov-nauchno-prakticheskiy-analiz-i-reshenie>.
- [4]. Mujumdar, A. S. Mujumdar's Practical Guide to Industrial Drying / A. S. Mujumdar ; edited by S. Devahastin. - Exergex Corporation, 2000. -187 p.
- [5]. Ребиндер, П. А. О формах связи влаги с материалами в процессе сушки: Труды совещания по сушке / П. А. Ребиндер // Всесоюзное научно-техническое совещание по сушке. - М.: Профиздат, 1985. - С. 20-33.
- [6]. Лыков, А. В. Теория сушки / А.В. Лыков. - М. : «Энергия», 1968. - 472 с.
- [7]. Сажин, Б. С. Научные основы техники сушки / Б.С. Сажин, В.Б. Сажин. - М. : Наука, 1997. - 447 с.
- [8]. Пахомов, А. Н. Моделирование и расчет кинетики сушки жидких дисперсных продуктов на подложках: монография / А. Н. Пахомов, Н. Ц. Гагапова, Ю. В. Пахомова. – Тамбов : Изд-во ФГБОУ ВО «ТГТУ», 2016. – 160 с.
- [9]. Keita, E. Evaporation from a capillary tube: experiment and modelisation / E.Keita [et al.] // Proceedings of the 5th International Conference on Porous Media and its Applications in Science and Engineering ICPM, Kona, 22-27 June 2014. - Kona, Hawaii, 2014. - Vol. 48. - P. 1-7.
- [10]. Романков, П.Г. Сушка во взвешенном состоянии / П.Г. Романков, Рашковская Н.Б. - 3-е изд., перераб. и дол. - Л. : Химия, 1979. - 272 с.

TURLI IPLARNING MEKANIK XOSSALARINI ANIQLASH

Sh.R. Fayzullayev¹, Sh.F. Maxkamova¹, M.R. Raximberdiyev¹,
H.T. Bobojanov², J.Z. Soloxiddinov²

¹Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti, fayzullayev72@gmail.com,
shoira-0218@mail.com, mirzohidraximberi@gmail.com

²Namanagan muhandislik-texnologiya instituti
(Qabul qilindi 19.05.2021 y.)

This scientific article analyzes the quality indicators of yarn from polyester, bamboo, modal, cotton fibers.

In this scientific article, the quality indicators of yarns made of polyester, bamboo, modal, cotton fibers analysed. In the production conditions of the factory LLC "OSBORN TEXTILE" polyester, bamboo, modal fibers with a linear density of 20 tex (Ne 30/1) yarn are produced in different variants. As a result of scientific research, the specific tensile strength and elongation at break and tensile strength of yarns made of 100% polyester, bamboo, modal, cotton fibers were determined.

Keywords: yarn quality, mixed yarn, unevenness, polyester fiber, bamboo, modal, cotton fiber, elongation.

В данной научной статье проанализированы качественные показатели пряжи из полиэфирных, бамбуковых, модальных, хлопковых волокон. В производственных условиях фабрики ООО «OSBORN TEXTILE» полиэфирные, бамбуковые, модальные волокна линейной плотностью 20 текс (Ne 30/1) выпускаются в различных вариантах. В результате научных исследований были определены удельная прочность на разрыв и относительное удлинение при разрыве и прочность на разрыв пряжи из 100% полиэфирных, бамбуковых, модальных, хлопковых волокон.

Ключевые слова: качество пряжи, смешанная пряжа, неровность, полиэфирное волокно, бамбук, модал, хлопковое волокно, удлинение.

Ilmiy maqolada, polyester, bambuk, modal, paxta tolalaridan ishlab chiqarilgan iplarning sifat ko'rsatkichlari tahlil etilgan. "OSBORN TEXTILE" MCHJ fabrikasining ishlab chiqarish sharoitida polyester, bambuk, modal tolalardan chiziqli zichligi 20 teks (Ne 30/1) ipi turli variantda ishlab chiqarilgan. Ilmiy izlanishlar natijasida 100% polyester, bambuk, modal, paxta tolalaridan tayyorlangan iplarning solishtirma uzish kuchi va uzilishdagi uzayishi hamda uzilish ishi aniqlangan.

Kalit so'zlar: ip sifati, aralash ip, notekislik, polyester tolasi, bambuk, modal, paxta tolasi, uzilishdagi uzayish.

To'qimachilik sanoatida turli xil xom-ashyolardan har xil tuzilish va xossalarga ega bo'lgan iplar ishlab chiqarilib, ulardan to'qilishi va xossalari turlicha to'qimachilik matolari tayyorlanmoqda.

Barcha turdagi, jumladan, tabiiy tolalarning dunyo miqyosidagi umumiy iste'moli so'nggi besh yil ichida deyarli 19% ga oshib, bunda, tabiiy tolalar ulushi doimiy ravishda kamayib bormoqda, kimyoviy tolalar ulushi esa 20% dan oshdi va jahon ishlab chiqarishining uchdan ikki qismini tashkil etadi [1]. Ushbu bozordagi ustunlik Xitoyga tegishli, ikkinchi o'rin AQSh, Rossiya esa 27 o'rinni egallaydi [2].

Butun dunyoda sintetik tolalar ishlab chiqarish jami ip ishlab chiqarishning 80 foizini tashkil etadi [3]. Kimyoviy tolalar orasida jahon balansining 74% ini tashkil etadigan polyester tolalarining ishlab chiqarilishi keng rivojlangan.

PCI Fibers va Paxta xalqaro maslahat qo'mitasi (ICAC) mutaxassislarining fikriga ko'ra, polyester tolalari va iplarining jahon miqyosida ishlab chiqarilishi 2030 yilga qadar 70 million tonnaga yetadi.

Halqali yigirish mashinalarida iplar ishlab chiqarish uchun xom-ashyo sifatida ko'proq paxta tolasi ishlatiladi. Paxta tolasidan tashqari, xom-ashyo sifatida paxta chiqindilari, sun'iy tolalar, polyester, akril, poliamid, polipropilen, paxta/sintetik tolalar aralashmasi yoki sintetik/sun'iy tolalar aralashmasi ham qo'llaniladi.

So'nggi yillarda polyester, bambuk, modal, paxta aralashmasidan foydalanish ko'paymoqda. To'qimachilik sanoatida paxta tolasi keng qo'llaniladi. Paxta tolasining asosiy xossalari uzunlik, ingichkalik, mustahkamlik va cho'zilishdir. Bundan tashqari, paxta pishib yetilganlik va jingalaklik kabi muhim xossalarga ega. Bu paxta tolasini bo'yash va yuvishni yengillashtirib, qulaylik yaratadi. Shu xossalari ichki va ustki kiyimlarni yaratish uchun paxta tolalaridan keng foydalanish imkonini beradi. Paxta tolasi nafaqat kiyimlar, balki choyshab, yumshoq mato, dasturxon, pardalar va sochiq kabi turli xil mahsulotlarni tayyorlashda ham qo'llaniladi.

To'qimachilik sanoatida polyester va paxta tolalar aralashmasi tayyor kiyimlarni tayyorlash uchun turli sohalarda keng qo'llanilmoqda. Polyester tolasi boshqa tolalarni aralashmay ham ishlatiladi, chunki u sanoat bozorlarida katta talabga ega.

Ushbu mahsulotlar mustahkamligi, ishqalanishga qarshilik va elastiklik kabi xossalari bilan ajralib turadi. Ayniqsa, polyester tolasining elastikligi mahsulot shaklining qayta tiklanishi uchun yordam beradi. Polyester tolasining kamchiligi, suv shimilishi kam va yuqori haroratga chidamsizligi kiradi. Shuni ta'kidlash kerakki, polyester tolasini tabiiy tolalar bilan aralashtirganda

bu kamchiliklar yo'qoladi. Elastikligi va tez qurish kabi xossalari uchun polyester tolasini tabiiy tolalarga qo'shib foydalanish tabiiy iplar xossalarini yaxshilaydi [4].

To'qimachilik sanoatida paxta tolalariga har xil kimyoviy tolalar bilan aralashtirib ishlatilishini ko'rishimiz mumkin, kimyoviy tolalar bilan paxta tolalari aralashmasidan olingan ipning fizik va mexanik xossalarining o'zgarishiga olib keladi. Asosan aralashmadagi tarkibiy qismlarning nisbati bilan emas, balki ipni shakllantirish usuli, buram kattaligi va uning tuzilishi bilan ham belgilanadi.

Shu mavzuga bog'liq aralashma ip olish bo'yicha ixtirolar ham qilingan, masalan, bambuk va polyester tolalari aralashtirilib ip ishlab chiqarilgan. Bambuk va polyester tolali aralashmadagi ulush bo'yicha 70% bambuk tolasini va 30% polyester tolasidan iborat. Bambuk va polyester aralash ipning afzalliklari shundaki, bambuk tolasini antibakterial xususiyatga ega, namlikni yutish va chiqarish, o'ziga xos hidlarni yo'q qilish, ya'ni absorbsiyalaydi, yog'ni chiqarib, kirni tozalash va issiqlik saqlash xususiyatiga ega. Polyester tolasini yuqori mustahkamlik va elastik tiklanish xususiyatiga ega, pishiq, bardoshli, g'ijimlanmaydi, dazmolni yaxshi oladi, yuvgandan so'ng oson quriydi, ho'l holatda mustahkamligi deyarli kamaymaydi, uni yuvib kiyaverish mumkin, deformatsiyalanmaydi. Polyester tolasini sintetik tolalar orasida optimal issiqlikka chidamliligi bilan ajralib turadi [7]. Keyingi ixtiro bambuk / polyester / paxta aralashtirilgan ipni ishlab chiqarish usulini taqdim etadi. Ishlab chiqarish usuli quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi: bambuk / polyester tolasini qayta ishlanadi, aralash tolalarga antistatik vosita qo'shiladi so'ngra bambuk / polyester aralash tolalarda texnologik ketma-ketlikda tarash piltasi olingan. Paxta tolasini texnologik jarayonlardan o'tib tarash piltasi olinadi va piltalash masinasida aralashtirilib bambuk / polyester / paxta aralashtirilgan ip ishlab chiqarilgan [8].

Ipni ishlab chiqarishda kuzatiladigan eng muhim o'zgarish bu massa birligining uning uzunligiga nisbatining o'zgarishi, chunki qolgan o'zgarishlar uning natijasidir. Boshqacha qilib aytganda, ip uzunligining notekis taqsimlanishi boshqa barcha notekisliklarni paydo bo'lishiga sabab bo'ladi. Ushbu notekislik ipning ko'ndalang kesimidagi tolalarning soni taqsimotiga ta'sir qiladi, shuning uchun chiziqli zichlikning o'zgarishiga olib keladi. Natijada, polyester miqdori nisbati oshishi bilan chiziqli zichlik va uzilishdagi cho'zilishi bo'yicha variatsiya koeffitsienti ko'payishi kuzatildi (ip chiziqli zichligi va yigirish sistemasidan qat'iy nazar). Notekislikning eng yaxshi qiymati 100% polyester ipida kuzatilgan, polyester/paxta aralashmasidagi CV qiymati notekis o'zgaradi. Ingichka va qalin joylari, nepslar soni qiymatlarida notekislik mavjud [9,10].

Ushbu ilmiy ishda to'qimachilik sanoatida keng qo'llaniladigan turli polyester, bambuk, modal, paxta tolalaridan Ne 30/1 ipi tayyorlangan va iplarning sifat ko'rsatkichlari o'rganilgan.

Shu maqsadda, ip namunalarini tayyorlash jarayonlari MCHJ "OSBORIN TEXTILE" fabrikasining ishlab chiqarish sharoitida olib borilgan. Polyester, bambuk, modal chiziqli zichligi 20 teks (Ne 30/1) ipi turli variantda ishlab chiqarilgan. Turli iplarning sifat ko'rsatkichlari Uster TESTER-4, Uster UTR-5 va boshqa priborlarda olingan natijalar esa 1-jadvalda keltirilgan.


1-jadval

Tajribada olingan iplarning mexanik xossalari

Iplar turi	Ip namunalari rining nomeri, Ne	Pishiqligi, Rkm	Pishiqlik bo'yicha variatsiya koeffitsiyenti, CV (Rkm)	Uzishdagi uzayishi, %	Uzishdagi uzayishi, % CV	Uzish ishi, gF.cm	Uzish ishi, CV
Polyester 100%	Ne30/1	30,5	4,4	11,13	3,59	1531,8	6,99
Bambuk 100%	Ne29/1	20,49	7,86	16,46	8,79	2273	13,77
Modal 100%	Ne30/1	22,76	5,43	9,62	4,75	1265,3	9,17
Paxta 100%	Ne30/1	19,49	7,7	4,79	8,84	428,6	14,34

100% nisbati bo'yicha tayyorlangan ipning (Rkm) solishtirma uzish kuchi va (Elongation) uzilishdagi uzayishi aniqlangan. Pishiqligi va uzilishdagi uzayish bo'yicha variatsiya koeffitsienti (% CVm), notekisliklari o'lchangan. Namunalar halqali yigirish mashinasida bir xil naycha va o'lchamlarda yigirib olingan. Har bir naychanning qiymatlari besh marta o'lchangan va olingan natijalarning o'rtacha qiymatlari jadvalga kiritilgan.


Polyester, bambuk, modal, paxta tolalaridan tayyorlangan iplarning (Rkm) solishtirma uzish kuchi bo'yich qiymatlari 1-a-rasmda keltirilgan. Iplarning solishtirma uzish kuchi bo'yicha eng yuqori qiymati polyester tolalaridan tayyorlangan ipda 30,5 sN/tex tashkil etganini ko'rishimiz mumkin. Keyingi o'rnlarni bambuk, modal, paxta tolalaridan tayyorlangan iplar egallab turibdi, eng past % CVm 100% polyester ipda kuzatilishi qayd etilgan.



1-rasm. Turli tolalardan tayyorlangan ipning a) solishtirma uzish kuchi, b) variatsiya koeffitsienti

1-b-rasmda (Rkm) solishtirma uzish kuchi bo'yicha variatsiya koeffitsienti ko'rsatkichlarini (% CVm) hisobga olgan holda shuni ta'kidlash mumkinki, polyester ipidagi xossalarning bir xilligi, masalan, ingichka va uzunlik, polyester nisbati yuqori bo'lgan iplarda notekislik indeksining yaxshilanishiga olib kelgan. Shuning uchun ipning notekisligi kabi omil yaxshilanishi mumkin.

Tahlillar natijasida, eng kam ko'rsatkich polyester, chunki ishlatilgan polyester tolasi boshqa tolalarga qaraganda ancha ingichka va kesilgan yuza qismida tolalar miqdori bir xil. Agar turli iplarda polyester tolasi va paxta tolasi yuza kesimi bilan taqqoslanganda, tilim qalinligiga nisbatan ta'siri kamligini ko'rish mumkin. 2-a-rasmda turli tolalardan tayyorlangan iplarning uzilishdagi uzayishi ko'rsatilgan 100% bambuk tolalaridan yigirilgan ipda 16,46% ni, polyester tolalaridan yigirilgan ipda 11,13% ni, modal tolalaridan yigirilgan ipda 9,62% ni, paxta tolalaridan yigirilgan ipda esa eng kam ko'rsatkich 4,79% ni tashkil etgan.



2-rasm. Turli tolalaridan tayyorlangan ipning a) uzilishdagi uzayishi, b) variatsiya koeffitsienti

Yuqoridagi rasmdan shuni ko'rish mumkinki, uzilishdagi uzayishi bo'yicha eng yuqori qiymati 100% bambuk tolalaridan yigirilgan ipda kuzatilgan. Paxta ulushi polyester ulushidan katta bo'lgan aralashmalarda qalin joylar soni ko'payishini ko'rish mumkin. Buning asosiy sabablari, ipning qalin joylari kesilganda tola miqdori keragidan oshib ketishi va aralashtirish jarayonining kamchiligidadir.

2-b-rasmda CVm variatsiya koeffitsienti hisobga olgan holda shuni ko'rishimiz mumkinki, eng yaxshi ko'rsatkich 100% polyester ipiga to'g'ri kelgan, 2-o'rinda 4,75% qiymat bilan 100% modal tolalardan yigirilgan ipi joylashgan. Keyingi o'rinlarni paxta va bambuk tolalaridan yigirilgan iplar 8,79% va 8,84% qiymatlar bilan egallagan.



3-rasm. Turli tolalaridan tayyorlangan ipning a) uzilishdagi ishi, b) variatsiya koeffitsienti

3-a-rasmda turli tolalardan yigirilgan iplarni uzilish ishi keltirilgan. Eng yuqori 2273 gF.cm ko'rsatkich bilan bambuk birinchilikda, polyester iplari 1531,8 gF.cm qiymat bilan ikkinchi o'rinda, ohirgi o'rinda 428,6 gF.cm bilan paxta iplari egallagan.

3-b-rasmda uzilish ishi bo'yicha variatsiya koeffitsienti CVm dan shuni ko'rishimiz mumkinki, eng yaxshi ko'rsatkich polyester ipiga to'g'ri kelgan, 2-o'rinda 9,17 % qiymat bilan modal tolalardan yigirilgan ipi joylashgan. Keyingi o'rinlarda paxta va bambuk tolalaridan yigirilgan iplar 14,34% va 13,77% qiymatlar bilan egallagan.

Paxta tolasi o'zining tuzilishi va xossasiga ko'ra ishchi organlarning ta'sirida notekisliklarni hosil bo'lishi uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Tuzilishda o'lik tolalar va nuqsonlar tozalash hamda changsizlashtirishda titish, tozalash va aralashtirish kabi jarayonlar paxtadagi notekisliklarni ko'paytiradi. Shuning uchun boshqa iplarga qaraganda paxta ipida notekislik ko'payishiga olib keladi.

Ilmiy izlanishlar natijasida 100% polyester, bambuk, modal, paxta tolalaridan tayyorlangan iplarning solishtirma uzish kuchi va uzilishdagi uzayishi hamda uzilish ishi aniqlangan. Shu iplarning variatsiya koeffitsienti (CV%), sifat ko'rsatkichlari tahlil etilgan. Polyester tolasidan yigirilgan ipning sifat ko'rsatkichlari eng yaxshi ekanligi aniqlangan. Aralashmaning paxta ulushi oshishi bilan, solishtirma uzish kuchi va uzilishdagi uzayishi notekisligi ko'payishi aniqlangan.

Adabiyotlar

- [1]. И.А. Гришанова, О. С. Мигачева *Вестник технологического университета*. "Состояние мирового и отечественного рынков синтетических волокон, нитей, нетканых материалов и его перспективы" 2015. Т.18, №9 стр. 195-195
- [2]. (2015) Э.М. Айзенштейн, *Легпром Бизнес Директор*, 1, 10-14
- [3]. Тапақчиоглу, И. "Текстильная промышленность Турции и мировая текстильная промышленность", издание SaSa-DurontSA10. «Дни Полиэстера», издание SaSa-DurontSA, 13–14 Декабря 2002, Мерсин.
- [4]. Д.Б. Рыклин "Технология и оборудование для подготовки к прядению. раздел «Сырьевая база текстильной промышленности» конспект лекций Витебск 2017

- [5]. А.Г.Севостьянов, С.Ю.Вавилкин, “Взаимосвязь между свойствами хлопко-лавсановой пряжи и долей компонентов в смеске” Известия высших учебных заведений “Технология текстильной промышленности 2000 № 6 стр.37”
- [6]. С.Ю.Вавилкин, А.Г.Севостьянов, “Взаимосвязь между свойствами ткани, выработанной из хлопколавсановой пряжи, в утке долей компонентов в смеске” Известия высших учебных заведений “Технология текстильной промышленности 2000 № 6 стр.22”
- [7]. Patent, AIMIN ZHU, CN102747479A, CN201210246729A, Bamboo fiber and polyester fiber blended yarn, 2012-10-24, Nantong suzhong textile
- [8]. 8.Patent, JI YIJUN; YANG GUANGZE; YUE RONGQING CN201710324681A , CN106906548A, Production method of bamboo/polyester/cotton blended yarn, 2017-05-10, Nantong double great textile co ltd
- [9]. Кыртай, Э. «Периодический анализ неравномерности нити», журнал “Текстильная промышленность и оборудование”, стр 81–89, Том 1, Номер 2, Май 1987
- [10]. Синиак Д., Чекальский Ж., Джаковски Т., Попин Л. «Анализ качества смеси волокон хлопок/полиэстер, посредством использования пневмо-механической прядильной машины», Волокна и текстильные изделия в Восточной Европе, стр 33–37, Июль-Сентябрь 2006.
- [11]. Аллабердиева, Айна. Влияние соотношения смеси волокон хлопок/полиэстер, содержащейся в прядильной нити, изготовленной на кольцепрядильной машине, на значения качества нити / Айна Аллабердиева, Ш. У. Кадыров, Шемшат Акмамедова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 7 (87). — С. 1074-1079.

Фойдаланиш Жараёнида Локомотивларнинг Техник Ҳолатини Тадқиқ Этиш

М.Ш. Валиев, Х.Р. Қосимов, У.И. Абдулатипов

*Тошкент давлат транспорт университети
(Қабул қилинди 21.05.2021 й.)*

Methods for improving the reliability and efficiency of locomotives by improving diagnostic copexes and algorithms for processing diagnostic data are analyzed.

To assess the technical condition of locomotives, it is necessary to determine its parametric faults in a timely manner, which can reduce fuel overspending and maintenance costs of thermal power devices.

Keywords: *technical condition of locomotives, diagnostic devices, cylinder-piston group, supercharging, fuel equipment, temperature and pressure of combustibile gases.*

Проанализированы методы повышения надежности и эффективности локомотивов путем совершенствования диагностических комплексов и алгоритмов обработки диагностических данных.

Для оценки технического состояния локомотивов необходимо своевременно определять его параметрические неисправности, позволяющие снизить перерасход топлива и затраты на техническое обслуживание тепловых энергетических устройств.

Ключевые слова: *техническое состояние локомотивов, диагностические приборы, цилиндропоршневая группа, наддув, топливная аппаратура, температура и давление горючих газов.*

Диагностика коплекслари ва диагностик маълумотларни қайта ишлаш алгоритмларини мукамаллаштириши орқали локомотивларнинг ишончилигини ва тежамкорлигини ошириши усуллари таҳлил қилинган.


Локомотивларнинг техник ҳолатини баҳолаш учун унинг параметрик ишдан чиқишларини ўз вақтида аниқлаш, ёқилгининг ортиқча сарфланиши ва иссиқлик куч қурилмаларига техник хизмат кўрсатиши харажатларини камайтириши имконини беради.

Калит сўзлар: *локомотивларнинг техник ҳолати, диагностика воситалари, цилиндр-поршень гуруҳи, наддув, ёқилги аппаратураси, ёнган газлар ҳарорати ва босими.*

Локомотивларнинг дизели цилиндрларидаги иш жараёни сифатини ва уни белгилаб берадиган ёқилги аппаратураси ва цилиндр-поршен гуруҳи узелларининг техник ҳолатини ишончли баҳолаш масаласи бугунги кунда стационар диагностика воситалари ёрдамида иш жараёнининг индикаторли диаграммаси таҳлили асосида амалга оширилади. Фойдаланиш жараёнида дизелнинг техник ҳолатини узлуксиз назорат қилиш учун бундай услубларни қўллашнинг қатор сабабларга кўра имконияти мавжуд бўлмай, улардан асосийси –

индикаторли диаграммани олиш учун зарур бўлган дизел цилиндрлари ичидаги босимни узлуксиз ўлчашнинг техник имконияти мавжуд эмаслигида. Мос равишда локомотив иссиқлик куч қурилмаларини автоматик тарзда бошқаришнинг замонавий воситалари томонидан назорат қилинадиган параметрларнинг чекланган йиғиндисини қўллаган ҳолда дизел цилиндрлари ичида кечадиган иш жараёнининг сифатини интеграл баҳолаш масаласи долзарб ҳисобланади.

Фойдаланиш жараёнида локомотивнинг кўп цилиндрли дизелларини ўрганиш амалиётида симплекс деб ном олган услублардан фойдаланишга асосланган услублари маълум бўлиб, улар двигател иш жараёни параметрлари муайян йиғиндисига боғлиқ, ҳисоблаб аниқланадиган мезонларга боғлиқ бўлади. Хусусан, да ана шундай босимнинг симплексининг сиқилиш охирида P_c цилиндрдан чиқишдаги ёнган газлар $T_{ог}$ ҳароратига нисбатини нисбат симплекси сифатида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган [1]. Техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлган двигател иш тартибини ўзгарганида (ёқилғини бир вақтнинг ўзида барча цилиндрларга цикли узатиш) барча цилиндрлардан чиқадиغان ёнган газлар ҳарорати ҳам ўзгариб, бу турбина олдидаги газлар ҳарорати, турбина куввати, наддув босими ва сиқилиш охиридаги босимнинг ўзгаришига олиб келади. Натижада $P_c/T_{ог}$ нисбати тахминан бир хил бўлиб қолиши мумкинлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. $P_c/T_{ог}$ симплексининг двигател юкламасига боғлиқлиги.


Цилиндрлардан бирида иш жараёнининг нормал ҳолатда кечиши издан чиқса (масалан, форсунканинг ёқилғини пуркаш сифати ёмонлашиши оқибатида), ушбу цилиндрдан ёнган газлар ҳарорати кўтарилади. Бироқ бу двигател турбинаси олдидаги газлар ҳароратининг жиддий ўзгаришига олиб келмайди, оқибатда мазкур цилиндрда сиқилиш охиридаги босим ва наддув босими ўзгармас бўлиб қолади. $P_c/T_{ог}$ симплекс қиймати камайиб, бу цилиндр техник ҳолатининг ёмонлашганидан далолат

беради. Цилиндр-поршень гуруҳининг ишқаланадиган деталлари ейилиши (поршень ҳалқалари ва цилиндр втулкаси) ва сиқилиш охирида у туфайли келиб чиққан босимнинг пасайиши симплекснинг худди шундай ўзгаришига олиб келади.

Локомотив дизеллари учун цилиндрдаги цикл ўртача ҳарорати $T_{ц.ср}$ нинг цилиндрдан чиқишдаги ёнган газлар ҳарорати $T_{ог}$ нисбатига тенг бўлган симплексни қўллаш имконияти тадқиқ этилди. Ёқилғининг техник соз ҳолатдаги цилиндрга цикли узатилиши катталашганида ёнишининг максимал ҳарорати T_z , ўртача цикл ҳарорати $T_{ц.ср}$ ва цилиндрдан чиқишдаги ишлатилган газлар ҳарорати $T_{ог}$, цилиндрдан чиқишдаги ёнган газлар ҳарорати кўтарилиб, бунинг оқибатида $T_{ц.ср} / T_{ог}$ нисбати доимий бўлиб қолиши мумкин. Цилиндрдаги ёқилғи нормал ёниши жараёнининг нормал ҳолатдан четга оғиши ёқилғининг ёниб тугаш тезлиги пасайишига, ёнишнинг максимал ҳарорати T_z пасайишига ва ёниб тугашнинг кенгайиш чизигига кўчишига олиб келиб, бунинг оқибатида циклнинг ўртача ҳарорати $T_{ц.ср}$ тушиб, цилиндрдан чиқишдаги ишлатилган газлар ҳарорати $T_{ог}$ ортади. Бунда симплекс $T_{ц.ср} / T_{ог}$ қиймати ҳам камайиб, бу цилиндр нормал иши издан чиққанлигидан далолат беради.

Афсуски, мазкур симплекслардан локомотив дизели цилиндрларидаги иш жараёни сифатини баҳолаш учун фойдаланишнинг имконияти мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби цилиндрдаги циклнинг ўртача ҳарорати ва сиқилиш охиридаги босимни фақат индикатор диаграммасига кўра аниқлаш мумкин бўлиб, уни фойдаланиш жараёнида олиш ва таҳлил қилишнинг имкони мавжуд эмас. Сиқилиш охиридаги босимни белгилаб берадиган асосий

омиллар тирсакли валнинг айланиш частотаси ва дизелнинг киритиш коллекторидаги ҳаво босими эканлигини ҳисобга олиб, сиқилиш охиридаги босим ўрнига двигателнинг киритиш коллекторидаги босим қиймати P_K дан фойдаланишни таклиф этиш мумкин. Бироқ P_K/ T_{OG} симплекснинг маълумот бериш имконияти (P_C/T_{OG} даги каби) кўп жиҳатдан двигателнинг кўрсаткичлари ва конструктив хусусиятларига, ҳамда унинг наддув тизими билан боғлиқ бўлади. Мисол учун, Д49 (ЧН26/26) туридаги локомотив дизеллари учун P_K/ T_{OG} нисбатининг қиймати локомотив ва юклама тартибларидаги иш пайтида ўзгармас катталиқда бўлиб қолади (2-расм).



2-расм. Тепловоз тавсифи бўйича ишлаганда 2-2Д49 дизелнинг параметрлари.

Ёнган газлар ҳарорати дизел иш жараёнининг ўта муҳим диагностика кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, барча санаб ўтилган симплекслар таркибига кириши ҳам бежиз эмас. Унинг қиймати ҳар бир вақт momentiда дизелнинг турли-туман конструктив тавсифлари билан, шунингдек унинг иш тартиби билан боғлиқ қатор турли-туман омиллارнинг таъсирида ўзгариб туриши мумкин. [2] га мувофиқ, ΔT_{OG} нинг нисбий ўзгаришида цилиндрдан чиқишдаги газлар ҳарорати қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\overline{\Delta T_{OG}} = N_1 \cdot \overline{\Delta T_K} - N_2 \cdot \overline{\Delta \alpha} - N_3 \cdot \overline{\Delta \varphi} - N_4 \cdot \overline{\Delta \lambda} - N_5 \cdot \overline{\Delta \varepsilon} + N_6 \cdot \overline{\Delta n} + N_7 \cdot \overline{\Delta \sigma_d}, \quad (1)$$

бунда $\overline{\Delta T_K}$ - киритиш коллекторидаги ҳаво ҳароратининг кичик нисбий четлашиши;

$\overline{\Delta \alpha}$ - цилиндрдаги ортиқча ҳаво коэффицентининг кичик нисбий четлашиши;

$\overline{\Delta \varphi}$ - наддув коэффицентининг кичик нисбий четлашиши;

$\overline{\Delta \lambda}$ - аланга олиш жараёнидаги босим кўтарилиш даражасининг кичик нисбий четлашиши;

$\overline{\Delta \varepsilon}$ - сиқилиш даражасининг кичик нисбий четлашиши;

$\overline{\Delta n}$ - тирсакли вал айланиш частотасининг кичик нисбий четлашиши;

$\overline{\Delta \sigma_d}$ - чиқариш коллекторидаги босим P_T нинг киритиш коллекторидаги босим P_K га нисбатининг кичик нисбий четлашиши;

$N_1, N_2, N_3, N_4, N_5, N_6, N_7, N_8$ - дизел параметрларининг жорий қийматларига боғлиқ бўлган ўлчовсиз таъсир коэффицентлари (асосан T_K, T_{OG} ҳароратлари, ҳамда дизел фойдали ишининг термик коэффицентидан).

Маълум тузилишга эга бўлган дизелнинг ўзгармас айланиш частотали ишлашида (яъни локомотив дизелининг машинист контроллерининг берилган позициясида ишлашида) (1) ифодадаги $\overline{\Delta n}$ ва $\overline{\Delta \varepsilon}$ қийматлари нолга тенг бўлиб қоладилар. Дизелнинг нормал техник ҳолатида контроллернинг ҳар бир позициясида фақат ёқилғининг циклли узатилиш катталиги ўзгариб, бу наддув босими P_K , чиқариш коллекторидаги босим P_T , цилиндрдаги ортиқча ҳаво коэффиенти α ўзгаришига, ва бунинг оқибатида, ёнган газлар ҳарорати T_{OG} ўзгаришига сабаб бўлади. Босим ошиш даражаси қиймати λ нинг кўтарилиш қиймати асосан тирсакли вал айланиш частотасига ва ёқилғини узатиш бурчагидан ўзиш бурчагига боғлиқ, шунинг учун мазкур позицияда уни доимий деб ҳисоблаш мумкин, яъни $\overline{\Delta \lambda} \approx 0$.

Қабул қилинган фаразларни ҳисобга олиб (1) ифода қуйидаги кўриниш олади:

$$\overline{\Delta T_{OG}} \approx H_1 \cdot \overline{\Delta T_K} - H_2 \cdot \overline{\Delta \alpha} - H_3 \cdot \overline{\Delta \varphi} + H_7 \cdot \overline{\Delta \sigma_d}. \quad (2)$$

Тирсакли вал айланиш частотаси доимий бўлиб қолиб, ҳамда цилиндрдаги ортиқча ҳаво α коэффиценти қиймати сақланиб қолиши шарти билан, наддув босимининг катталашиси наддув ҳавоси ҳарорати ((1) ва (2) ифодада $\overline{\Delta T_K}$), P_K/P_T нисбатининг кўтарилишига сабаб бўлади, ва мос равишда, тескари нисбатнинг тушиб кетишига ((1) ва (2) ифодада $\overline{\Delta \sigma_d}$) олиб келади. P_K/P_T қийматининг катталашиси, ўз навбатида, пуфлаш коэффиценти φ нинг ўсишига (1) ва (2) ифодалардаги $\overline{\Delta \varphi}$ нинг ўзгаришига) олиб келади.

Шундай қилиб, дизелнинг нормал техник ҳолатида машинист контроллерининг мазкур позициясида наддув босимининг ўзгариши $\overline{\Delta T_K}$ ва $\overline{\Delta \varphi}$ ларнинг мусбат қийматлари ва $\overline{\Delta \sigma_d}$ нинг манфий қиймати билан тавсифланади. (2) ифодадаги ушбу қийматларнинг белгиларини ҳисобга олган ҳолда, дизелнинг нормал техник ҳолатида бу ўзгаришлар ўзаро компенсацияланади, бунинг оқибатида эса ёнган газларнинг ҳарорати қиймати T_{OG} (унинг номинал қийматга нисбатан нисбий ўзгариши $\overline{\Delta T_{OG}}$) асосан цилиндрдаги ортиқча ҳаво коэффиценти қиймати (унинг четлашишга нисбатан нисбий ўзгариши $\overline{\Delta \alpha}$ билан) билан белгиланади деб фараз қилиш мумкин.

Бу хулоса локомотив ишлаш тавсифи тартибларидаги ёнган газлар ҳарорати ва цилиндрдаги ортиқча ҳаво коэффиценти қийматларининг ўзгариш ҳаракатери билан ҳам тасдиқланади.

Чиқарилган хулосаларни нисбатан батафсил текшириш мақсадида дизел ишчи жараёни унинг ишчи жараённинг математик модели юклама тавсифлари билан билан ишлашдаги ўзгариш параметрлари тадқиқ этилди. Тадқиқот жараёнида тирсакли валнинг турли частота билан айланиши ёқилғининг циклли узатилиши ҳамда наддув босимининг доимий қийматини сақлаб қолган ҳолдаги иши моделлаштирилди.

Улар таҳлили кўрсатишича, дизелдаги ишлатилган газлар ҳароратининг нисбий ўзгариши цилиндрдаги ортиқча ҳаво коэффицентининг нисбий ўзгаришига амалда пропорционал бўлиб, наддув босими босимига деярли боғлиқ эмаслиги аниқланди. Натижада цилиндрдаги ортиқча ҳаво коэффиценти катталиги қуйидаги ифода ёрдамида ифодаланди [3]:

$$\alpha = \frac{P_K \cdot V_h \cdot \eta_V}{R_{BO3} \cdot T_K \cdot L_0 \cdot g_{\Pi}}, \quad (3)$$

бунда - V_h - цилиндрнинг ишчи ҳажми, м³;

η_V - тўлиш коэффиценти;

R_{BO3} - ҳавонинг газ доимийси, $\frac{Дж}{кг \cdot град}$;

L_0 - дизел ёқилғисининг стехиометрик нисбати, $\frac{кг \text{ хаво.}}{кг \text{ ёқилғи.}}$

g_{Π} - циклли ёқилғи узатиш, кг.

Кичик четлашишларга ўтганда, (3) ифодани қуйидаги тарзда такдим этиш мумкин:

$$\overline{\Delta \alpha} = \overline{\Delta P_K} - \overline{\Delta T_K} + \overline{\Delta \eta_V} - \overline{\Delta g_{\Pi}}, \quad (4)$$

бунда $\overline{\Delta \eta_V}$, $\overline{\Delta g_{\Pi}}$ - ёқилғи тўлиши ва циклли узатилиши коэффицентининг кичик нисбий четлашишлари.

Ўз навбатида, машинист контроллерининг ушбу позициясида тўлиш коэффицентининг кичик нисбий четлашиши $\overline{\Delta \eta_V}$ қуйидаги боғлиқлик билан аниқланади [4]:

$$\overline{\Delta\eta_v} = -C_1 \cdot \overline{\Delta\sigma_d} + C_2 \cdot \overline{\Delta T_k} + C_3 \cdot \overline{\Delta\alpha}, \quad (5)$$

бунда C_1, C_2, C_3 – четлашишларнинг тўлиш коэффициентиға кўрсатадиган таъсирининг ўлчовсиз коэффициентлари $\overline{\Delta\sigma_d}, \overline{\Delta T_k}, \overline{\Delta\alpha}$.

(4) ва C_1, C_2, C_3 коэффициентлари қийматларини ҳисобға олиб, (5) ифода қуйидаги кўриниш олади:

$$\overline{\Delta\alpha} \approx \delta \cdot (\overline{\Delta P_k} - \overline{\Delta g_{ц}}) - (1 - 0,85 \cdot (\frac{P_k}{P_a} - 1)) \cdot \overline{\Delta T_k}, \quad (6)$$

бунда $\delta = 1,03 \dots 1,10$ – заряднинг цилиндр деворларидан исиш коэффициенти;

P_a - сиқилиш бошидаги босим, МПа.

P_k/P_a нисбатининг қиймати асосан киришдаги босим йўқотишлари билан белгиланиб, биринчи навбатда тирсакли вал айланиш частотасига боғлиқ ва тажриба маълумотларига кўра, 1,05 ... 1,1 ни ташкил қилади.

Адабиётлар

- [1]. В.В.Грачев., М.Ш.Валиев. Оценка технического состояния тепловозного дизеля по данным бортовой микропроцессорной системы управления // Известия ПГУПС, -2010-Вып.1- с.22-32.
- [2]. Сергеев. С.В., Камышников С.А. Система МСУ-Т магистрального пассажирского тепловоза ТЭП70БС // Труды ВНИКТИ, -2004-№ 83-с.64-76.
- [3]. Федотов М.В., Набатчиков Ю.Н. Бортовая система диагностики тепловоза ТЭП70БС // Труды ВНИКТИ, -2004-№ 83-с.92-96.
- [4]. Федотов М.В. Унифицированная микропроцессорная система управления и диагностики (МСУД) // Труды ВНИКТИ, -2004-№ 83-с.8-10.

САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ОЛОВБАРДОШ МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ВА ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ф.Б. Абдуқодиров, И.У. Қосимов

Тошкент архитектура-қурилиш институти
(Қабул қилинди 19.01.2022 й.)

In the course of the studies, new phosphorus-containing polymers based on the polycondensation of water and phosphoric acid obtained on the basis of the waste of Navoiazot OJSC were developed, the regularities of the process were identified, the activation energies were calculated, as well as the thermodynamic parameters of spontaneous copolycondensation. During the experiments, the fire-retardant properties of the developed new flame retardants were also studied.

Key words: combustion, flame, flammability, departure, fire pipe, energy to activations, solving, polycondensation.

В ходе проведенных исследований разработаны новые фосфорсодержащие полимеры на основе поликонденсации воды и фосфорной кислоты, полученной на основе отходов ОАО «Навоиазот», выявлены закономерности процесса, рассчитаны энергии активации, а также термодинамические параметры самопроизвольной сополиконденсации. В ходе экспериментов также изучены огнезащитные свойства разработанных новых антипиренов.

Ключевые слова: горение, пламя, огнестойкость, отход, огневая труба, энергия активации, растворимость, поликонденсация.

Олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижасида «Навоиазот» ОАЖ чиқиндисини асосида олинган фосфорит кислотасининг сув билан поликонденсацияси қонуниятлари ўрганилди, реакция активланиши энергияси, термодинамик параметрлари ва ўз-ўзидан борадиган сополиконденсация жараёнининг бошқа параметрлари аниқланди. Тадқиқотларнинг кейинги босқичида синтез қилинган фосфорли полимерларнинг ўтдан ҳимоя қилиши хусусиятлари ўрганилди.

Калит сўзлар: ёниш, аланга, ўтга чидамлилиқ, чиқинди, алангали қувур, активланиши энергияси, эрувчанлик, поликонденсация.

Кириш

Бугунги кунда қурилишда ёғоч маҳсулотлари ва конструкциялари кенг қўлланилмоқда. Шубҳасиз ёғоч хом ашёси бир қанча афзалликлар билан бирга тез ёнувчи ва алангаланувчи материал ҳисобланади. Ёғочнинг ёниши очиқ ҳолдаги паст калорияли ёниш манбаидан, шунингдек қиздирилган предмет ва газлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Ҳарорат 125°C гача қизиганда ёғочдан шиддатли равишда намлик буғланади, шундан сунг у ёнувчи газларни ажратиб парчланади. Ҳарорат 210°C дан ортганда ёниш манбаи мавжуд бўлганда бу газлар алангаланади, бунда ҳарорат кўтарилади ва катта иссиқлик ажралиб жараён экзотермик босқичга ўтади. Ёниш жараёни ривожланиши ва давом этиши фақатгина атроф муҳитга ёнаётган юзадан узатиладиган иссиқликнинг миқдори, юза ҳосил қилаётган иссиқликнинг миқдоридан кичик бўлишига боғлиқдир [1].

Тадқиқот объекти ва услубиёти

Илмий изланишлар давомида биз энг замонавий ва самарали тадқиқот усулларидан, яъни ИК-, ЯМР-, ЭПР- ва УБ-спектроскопия усулларидан, элемент таҳлили, потенциометрик титрлаш, термогравиметрия, пикнометрия усулларидан кенг фойдаландик [2]. Бундан ташқари тадқиқотларни олиб боришда моддаларнинг сувда эрувчанлиги, ёнувчанлиги, ўтга бардошлиги, ҳамда механик мустаҳкамлигини аниқлашда В.А. Каргин томонидан ишлаб чиқилган термо-механик таҳлил усулларидан ҳам фойдаланилди [3].

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Узоқ йиллар давомида яратилган ва тадқиқ қилинаётган ўтдан ҳимоя воситалари ва антипиренларнинг роли ва аҳамияти асослаб берилган, сабаби бугунги кунда материалларнинг конструктив хоссаларини ўзгартирмайдиган ёнишини пасайтирадиган

кўпгина моддалар яратилгандир. Бироқ бу моддалар паст молекулали табиатга эга бўлиб, уларга миграция, сувда эриш, буғланиш, полимер боғловчи билан номутаносиблиги, захарлилиги, қимматлиги ва бошқа салбий хусусиятлар хосдир. Келтирилган салбий ҳолатларни бартараф этишнинг бирдан бир йўли бу полимер табиатга хос бўлган антипиренларни қўллашдир. Бундай хусусиятни фақатгина таркибида фосфор азот функционал гуруҳларини ушлаган полимерларгина намоён этади [4].

Шу асосда, биз «Навоиазот» ОАЖ чиқиндиси асосида олинган фосфорит кислотасининг ёнишни пасайтириш механизмини ўрганишни ўз олдимишга мақсад қилиб олдик. Бунда фосфорит кислотасини сув билан поликонденсация жараёнининг боришини кислоталик гуруҳларни потенциометрик титрлаш орқали олиб бордик. Қовушқоқликнинг ўзгариши, фосфор кислотасининг ажралиши поликонденсациянинг тўғридан тўғри натижаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу икки фактнинг ўзгариши поликонденсация жараёнининг тезлигини аниқлашга имкон берди. Олинган натижаларга кўра, фосфорит кислотаси ва сувнинг сополиконденсацияси натижасида ажралиб чиқаётган фосфор кислотасининг миқдори реакциянинг давомийлигига қараб S-кўринишга эга экан. Тадқиқ этилаётган реакция иккинчи тартибли кинетик тенглама билан аниқланди, шундай қилиб реакция тезлиги фосфорит кислотаси ва сувнинг биринчи даражали концентратциясига пропорционал экан. 1-расмда сув ва ФК билан поликонденсация жараёнида ҳосил бўлган антипиреннинг сувли эритмасини ёғочга шимилишини ўрганиш: 343 (3), 353 (2), 363 (1) ҳароратда ўргандик. Бу изланиш шуни кўрсатдики, ҳароратнинг ортиши билан, ёғоч материалга ўтга чидамли таркибнинг шимилиши ортиб борар экан.


Энг кичик квадратлар усулида сополиконденсациянинг активланиш энергияси ва термодинамик параметрлари ҳисобланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сув ва фосфорит кислотаси сополиконденсация жараёнининг активланиш ва термодинамик параметрлари.

Муҳит	Реакция тезлигининг ўртача концентратцияси, Ксп.10 ⁻³ .л/мол с	Еакт. кДж/мол	ΔН* кДж/мол	-ΔС* кДж/(мол град)
Массада	0,38	109,32	102,4	34,4
Етанолда	0,34	89,22	89,6	75,4

Шундай қилиб, олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижасида «Навоиазот» ОАЖ чиқиндиси асосида олинган фосфорит кислотасининг сув билан поликонденсацияси қонуниятлари ўрганилди, реакция активланиш энергияси, термодинамик параметрлари ва ўз-ўзидан борадиган сополиконденсация жараёнининг бошқа параметрлари аниқланди.



1 - расм. Сув ва ФК билан поликонденсация жараёнида ҳосил бўлган антипиреннинг сувли эритмасини ёғочга шимилишини ўрганиш: 343 (3), 353 (2), 363 (1).

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида синтез қилинган фосфорли полимерларнинг ўтдан ҳимоя қилиш хусусиятлари ўрганилди. Маълумки, ҳимоя қилинаётган конструкциянинг сифати ва хизмат муддати, уларнинг эксплуатация қилиниши шароитларига боғлиқдир. Шу сабабли, ўтдан ҳимоя қилувчи таркибни яратишда, уларнинг паст ва юқори ҳароратга, намлик, агрессив газ ва буғлар, шунингдек атмосфера таъсирига чидамлилигини ўргандик. Олиб

борилган изланишлар шуни кўрсатдики, сув ва фосфорит кислотаси асосида синтез қилинган ўтдан ҳимоя қилувчи таркиб, паст ва юқори ҳарорат таъсирига узоқ вақт мобайнида чидамли, хидсиз ва токсик хусусиятга эга эмаслиги аниқланди. Ишлаб чиқарилган ўтдан ҳимоя қилувчи таркибнинг ўт ва аланга таъсирига чидамлигини “Алангали кувур” усулида ўргандик. Бу усулнинг афзаллиги, ўтдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарининг иссиқликни аккумуляцияси билан борадиган ёниш синовларида массасининг йўқолишини аниқлашга асослангандир. Тадқиқотнинг натижаси сифатида камида 10 марта олиб борилган синовларнинг ўртача яхлитланган қиймати олинди. Синалган таркибнинг шу усул билан аниқланган кўрсаткичига қараб, уларнинг ўтдан ҳимоя қилиш гуруҳи ва тоифаси аниқланди. Олиб борилган ёниш синовлари шуни кўрсатдики, ёниш натижасида намунанинг йўқотган массаси 9% дан ошмас экан. Олинган натижаларга кўра ёниш натижасида ҳосил бўлаётган тутунли газларнинг ҳарорати 50°C дан ошмайди, намунанинг мустақил ёниш вақти 5-6 секунддан ортмайди, намунанинг куйиш катталиги 2-3 см., масса бўйича шикастланиш даражаси 10-12% ни ташкил этар экан. Олинган экспериментал натижаларга кўра, ўтдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарини кийин алангаланувчи гуруҳига тегишли деб ҳисобласа бўлади. Эксперимент давомида биз целлюлоза қоғоз ва лок-бўёқ материалларини ҳам ўтга чидамлигини ошириш бўйича тадқиқотларни олиб бордик. Сабаби улар қурилиш конструкцияларининг сиртки қисмини ёнғиндан сақлашда муҳим восита ҳисобланади. Целлюлоза материалларини устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, полимер антипирени билан ишлов берилган целлюлоза материаллари 5 марта ювилганда ҳам ўз хусусиятини йўқотмас экан (2-жадвал). Лок-бўёқ материалларини модификация қилиш билан, биринчидан ёғоч юзасини дастлабки олиф билан ишлов беришга зарурат қолмайди, иккинчидан лок бўёқнинг юзага ёпишиши юқори бўлиши аниқланди (2-жадвал). Бунинг асосий сабаби шундаки лок-бўёқ материали билан полимер антипирени бир хил табиатга эга бўлиб, бунда юқори молекулали модификация жараёни боради. Полимер табиатли ўтдан ҳимоя қилувчи таркибнинг ҳароратлардаги ўзгарувчанлигини, В.А.Каргин томонидан ишлаб чиқилган термо-механик таҳлил усулида аниқлаш яхши самара беради. Бу усулга биноан, берилган оғирликда ҳароратнинг ортиши билан намуна деформациясининг ўзгаришини аниқладик. Бунда асосий ҳарактеристика қилиб, полимернинг таркиби, тузилиши олинди. Шунда ёғоч таркибидаги целлюлозанинг музлаш ҳарорати -220~230° С эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижасида, ўтдан ҳимоя қилувчи таркибнинг биринчи босқичда, ёғоч толасини пластификация қилиши, ёғоч толаси қаршилигини камайтириши ва термик ўзгариш натижасида пластификатор хусусиятини йўқотиши аниқланди. Олинган натижаларни таҳлили ўтдан ҳимоя қилувчи таркибнинг ёғоч кипикли плитани ҳосил бўлишидаги функциясини аниқ кўрсатди. Модификацияланган ёғоч толаси эртароқ юмшайди, ўтиш жараёнининг кенглиги, намунанинг кўп компонентлардан иборат эканлигига боғлиқ. Юқори ҳарорат қийматидаги ёйилган 2 эгри чизикнинг ҳарактери, ўтдан ҳимоя қилувчи таркибнинг ўзгариши ва уни ёғоч компонентлари билан ўзаро таъсирлашишидан далолат беради. Тадқиқотларда ўтдан ҳимоя қилувчи таркибнинг ёғоч компонентлари билан ўзаро таъсирлашишидан аниқлаш устида изланиш олиб бордик. Юқори ҳароратда пресслаш натижасида, ёғоч таркибидаги паст молекулали гемицеллюлозанинг ўтдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ўзаро реакцияга киришишини аниқладик. Ўтдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч кипиклари таркибида кескин ўзгаришлар бориши аниқланди. Бу ўзгаришлар целлюлоза қисмини ҳам қамраб олади ва деструкцияни келтириб чиқаради. Холоцеллюлозани фракциялаганда персионист кислотасини ҳосил бўлиши аниқланди. Целлюлозанинг эримайдиган фракцияда фосфор мавжудлиги аниқланди.

Ишлов берилган целлюлоза материалнинг термик хоссалари.

Намуна	Антипирен микдори, %	Парчаланиш бошланиши ҳарорати, Т, К.	Интенсив парчаланиш, ҳарорати Т, К	Кокс қолдиқ микдори, %	КИ, %
Ювишгача					
целлюлоза	0	473	500	0	18,0
	НА-2,0	488	509	11	22,2
	ПА-0,5	493	510	13	20,6
	ПА-1,0	493	513	16	24,2
5 марта ювилгандан сўнг					
целлюлоза	0	471	498	0	17,8
	НА-2,0	468	468	9	18,2
	ПА-0,5	490	508	12	20,1
	ПА-1,0	490	510	14	23,6

Изох: НА-қуйи молекулали антипирен (трикрезилфосфат), ПА-полимер антипирен

Бу эса фосфодиэфир боғларнинг ва кўндаланг тикилган боғларнинг ҳосил бўлганлигидан далолат беради. Ўтдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч толаларида пресшлаш босқичида мустаҳкам боғланган комплекснинг ҳосил бўлиши, маҳсулотнинг физик хусусиятларини ортишига олиб келади. Юқори ҳароратда ўтдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч қипиқлари яхлит бир тизимни ҳосил қилади.

Модификацияланган лок- бўёқ материалларининг физик-кимёвий хоссалари.

Кўрсаткич номи	ГОСТ талаби	Полимер антипирени, микдори %, (массада)			
		-	0,5	1,0	3,0
Иодометрик шкала бўйича ранги, шартли бирлик.	30	30	32	36	38
ВЗ-4 вискозиметри бўйича қовушқоқлиги 20°Сда.	27-75	26	28	32	36
Пленканинг қуриш вақти 293К да.	4	4	1,9	1,6	1,2
Учувчи моддаларнинг масса микдори, %.	16-21	16-21	17	17,2	18
Маятник прибори бўйича қаттиқлиги, шартли бирлик	0,6	0,6	0,8	0,9	1,0
У-1 асбоби бўйича мустаҳкамлиги	30	18	22	27	38
Сирт адгезияси, балл,	2	2	4	6	6
Ёниш тезлиги, сек.	-	16	49	66	98
Ўтга чидамлилиқ (кислород индекс, %)	-	18	21	26	28

Агарда прессланган плитанинг иссиқ ҳолатда эгилишга мойиллиги юқори бўлса, термик ишлов берилган плиталар эса хаттоки иссиқ ҳолатда ҳам қаттиқ бўлади.

Биз ёғоч материалларининг ёниши бир қанча босқичдан иборат эканлигини эксперимент йўли билан аниқладик, булар: қизиш, ёғоч компонентларининг паст ҳароратли пиролизи, ёнувчи газларнинг ажралиши ва ёниши, қаттиқ қолдиқнинг ёниши. Ёндирганда

ёғоч ҳарорат 330°C га етканида ёна бошлайди. Пиролиз зонаси мўтадиллашган ёниш жараёнида бир хил тезликда ички қатламга қараб интилади, ташқи қаватда эса кўмир қатлами ҳосил бўлади. Унинг тўлиқ ёниши ёниш зонасига кираётган кислороднинг миқдори билан аниқланади. Ёнғиндан ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ёғоч материалларини алангаланиб ёниш босқичи, иссиқликнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Сабаби, учаётган маҳсулотларнинг ёнишида умумий иссиқликнинг 80% ҳосил бўлса, целлюлозанинг ёнишида эса тахминан 74% иссиқлик ҳосил бўлиши аниқланди. Биз фосфор ушлаган ўтдан ҳимоя қилиш таркибларининг ва антипиренларнинг қаттиқ фазада фаол эканлигини аниқладик (юза ва пиролиз зонасида), бунда улар термик оксидланиш жараёнининг ингибиторлари ва коксланиш жараёнининг катализаторлари вазифасини бажаради. Шу аспектда биз синтез қилинган полимер антипиренларининг физик кимёвий хоссаларини ўргандик. Сабаби, уларнинг хоссаларини билган ҳолда, ёғочнинг ёниш ва пиролиз жараёнларидаги иштирокини олдиндан аниқ айтишнинг имкони бўлади. Ёниш жараёнини ингибирлаш асосан антипиренларни тўғри танлаш ва ҳимоя қилинаётган материалга киритишга, уларнинг мутаносиблигига, суюлтириш ҳароратига, антипиреннинг парчаланишига боғлиқлиги аниқланди. Маълумки, ёниш иссиқлиги, ҳосил бўлиш иссиқлиги ва боғлардаги энергия ўртасида узвий боғлиқлик мавжуддир. Ёниш ҳарорати, кислород индекси ва ёнувчанлик кўрсаткичлари ўзаро боғлиқдир, айрим ҳолларда бу кўрсаткичларнинг симбатли ўзгариши эҳтимоли бор. Экспериментал ва ҳисоб йўли билан топилган маълумотларга кўра, синтез қилинган полимер антипиренларини ёғоч материаллари таркибига киритиш йўли билан уларнинг ёнувчанлигини ва ўтга чидамлилигини ошириш мумкин экан.

Хулоса. Биз томондан синтез қилинган полимер антипиренларининг физик, кимёвий ва амалий хоссаларини ўрганиш натижасида, уларнинг полифункционал хусусиятга эга эканлиги, полимер, ёғоч ва лок-буёк материалларининг ёнишини камайтириши аниқланди. Бу ишланмани амалиёга жорий этиш орқали республикамизнинг бир канча экологик, ижтимоий ва технологик муаммоларини ҳал этса бўлади.

Адабиётлар

- [1]. Роговин З.А. Химия древесины.-М.:Химия.2013.-с.340.
- [2]. Куплетская И.Я.,Коровина О.Б. Спектральные методы в органической химии.-М.:Химия. 2015.-с.265.
- [3]. Шибает В.А.,Литманович А.А. Методы исследования полимеров.-М.:Химия.2014.-с.220.
- [4]. Мухамедгалиев Б.А., Кушназаров П.И., Халилова П.Ю., Юлдашев О.Р. Огне-и биозащитная полимерная композиция для производства древесно-стружечных плит. Патент №IAP05177.10.02.2016 г.

“ЧОРВАЧИЛИК-ГЕЛИОИССИҚҲОНА КОМПЛЕКСИ” БИОГАЗ ИСИТИШ
ТИЗИМИНИ ИССИҚЛИК-ГИДРАВЛИК ҲИСОБИ

Ш.Х. Эргашев, Б.Э. Хайриддинов

Қариши муҳандислик-иқтисодиёт институти strong.shakhriev@mail.ru
(Қабул қилинди 10.01. 2022 й.)

Мақолада “чорвачилик-гелиоиссиқҳона комплекси” иситиш тизимининг ва биореактордаги иссиқлик алмашинув қурилмасининг иссиқлик-гидравлик ҳисоблари ҳамда биомасса ҳарорати ўзгаришининг математик модели натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: иссиқлик юкламаси, гелиоиссиқҳона, биореактор, иссиқлик бериш коэффициенти, биомасса, иссиқлик баланс, массавий сарф.

В статье представлены результаты тепло-гидравлических расчетов системы отопления «животноводческого-гелиотепличного комплекса» и теплообменника в биореакторе, а также математическая модель изменения температуры биомассы.

Ключевые слова: тепловая нагрузка, гелиотеплица, биореактор, коэффициент теплоотдачи, биомасса, тепловой баланс, массовый расход.

The article presents the results of thermal-hydraulic calculations of the heating system of the "livestock-solar greenhouse complex" and the heat exchanger in the bioreactor, as well as a mathematical model for changing the biomass temperature.

Keywords: thermal load, solar greenhouse, bioreactor, heat transfer coefficient, biomass, heat balance, mass flow.

Республикаимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йил 26 майдаги “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” қабул қилинган қарорда қайта тикланадиган энергетикадан фойдаланишни янада ривожлантиришда маҳаллий ишланмалар ва амалий тадқиқотларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тўғрисида фикр - мулоҳазалар билдирилиб, ёқилғи-энергия ресурсларни тежашга мослаштирилган қайта тикланадиган энергетик қурилмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим масалалардан бири эканлиги белгилаб берилган [1].

Соҳага оид илмий ишларда турли ҳил иккиламчи энергия ресурслардан фойдаланиб гелиоиссиқҳоналарни иситиш тизимида фойдаланилган. Ҳусусан Ключков А.В., Бернадинер И.М., Чемодин Й.А. лар қишлоқ хўжалиги гелиоиссиқҳоналарида ўсимликлар етиштириш учун қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш технологик комплекси томонидан ишлаб чиқарилган электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган [2,3,4].


Ҳозирги кунда 1 м^2 гелиоиссиқҳонани иссиқлик юкламаси 0,18-2 кВт бўлиб, бир йиллик иситиш мавсумида 70-78 кг.ш.ё. тошқўмирни ташкил қилади. Гелиоиссиқҳонанинг умумий иссиқлик юкламаси унинг тўсиқлари орқали иссиқлик йўқотилиши билан баҳоланади яъни,

$$Q_{\text{ум}} = k_{\text{ис.д.}} \cdot F_{\text{ис.}} \cdot K_T (t_{\text{ис.}} - t_{\text{маи.}}) \cdot K_{\text{инф}},$$

бу ерда $k_{\text{ис.д.}}$ - гелиоиссиқҳона деворининг иссиқлик узатиш коэффициенти бўлиб, икки қатламли полиэтилен плёнка учун $k_{\text{ис.д.}} = 5,8 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$; $F_{\text{ис.}}$ - гелиоиссиқҳонанинг ишчи майдони, м^2 ; K_T - тўсиқ коэффициенти бўлиб, гелиоиссиқҳонанинг умумий ташқи деворининг ишчи майдонига нисбати билан баҳоланади; $t_{\text{ис.}}, t_{\text{маи.}}$ - мос равишда гелиоиссиқҳонанинг ички ва ташқи атроф-муҳит ҳарорати, $^\circ\text{C}$; $K_{\text{инф}}$ - инфильтрация коэффициенти [5].

“Чорвачилик-гелиоиссиқхона комплекси” да чорвачилик биноси ва гелиоиссиқхона ўртасида доимий равишда вентиляция мавжудлиги ҳисобидан умумий иссиқлик юкламасини бир қисми чорвалардан ажраладиган эркин иссиқлик оқими билан қопланади [6]. 1-расмдаги ҳисоб схемаси асосида булутли ва сурункали совуқ кунларда гелиоиссиқхонани иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Q_{uc} = Q_{ум} - Q_{вен} = k_{ис.о.} \cdot F_{ис.} \cdot K_T(t_{ис.} - t_{маш.}) \cdot K_{инф} - L \cdot \rho \cdot c \cdot (t_{чор} - t_{ис.}) . \quad (2)$$



1-расм. “Чорвачилик-гелиоиссиқхона комплекси” ни қуёш ва биоэнергия билан иситишнинг ҳисоб схемаси.

Ҳисоблашлардан сўнг юқоридаги иссиқлик юкламаси $Q_{uc} = 21,3 \text{ кВт}$ бўлиб ушбу иссиқлик юкламасини биогаз қозон қурилмаси орқали иситиладиган иссиқ сув билан қопланади, яъни [7]

$$Q_{uc} = G_c \cdot c_c (t_c - t'_c) = k_c \cdot F_c (t_c^{yp} - t_{uc}) , \quad (3)$$

бу ерда G_c - иссиқлик ташувчининг (сув) массавий сарфи, $\text{кг}/\text{с}$; c_c - иссиқлик ташувчининг солиштирма иссиқлик сифими, $\text{Ж}/(\text{кг} \cdot ^\circ\text{C})$; t_c, t'_c - сувнинг иситиш тизимига киришдаги ва чиқишдаги ҳаворатлари, $^\circ\text{C}$; k_c - иссиқлик ташувчининг гелиоиссиқхонага иссиқлик узатиш коэффициенти, $\text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$; F_c - иситиш тизимининг юзаси, м^2 ; $t_c^{yp} = 0,5(t_c + t'_c)$ - иссиқлик ташувчининг ўртача ҳарорати, $^\circ\text{C}$; t_{uc} - гелиоиссиқхона ҳарорати, $^\circ\text{C}$.

Тажриба натижаларидан олинган маълумотларга асосан иссиқлик ташувчининг иситиш тизимига киришдаги ва ундан чиқишдаги ҳароратлари $t_c = 69,8^\circ\text{C}, t'_c = 64,7^\circ\text{C}$ бўлиб, иссиқлик юкламасини тўла қоплаши учун унинг максимал сарфини ҳисоблаймиз:

$$G_{c,max} = \frac{Q_{uc}}{c_c (t_c - t'_c)} = \frac{21,3 \cdot 10^3}{4190(69,8 - 64,7)} \approx 1 \text{ кг}/\text{с} .$$

Гелиоиссиқхонада унинг узунлиги бўйича диаметри 50 мм бўлган 5 та секциядан иборат пўлат қувур жойлашган. Ҳар бир секциясининг қиздириш юзаси $4,71 \text{ м}^2$, умумий юзаси $23,55 \text{ м}^2$ бўлиб, иссиқлик ташувчи сифатида сувдан фойдаланилган. У ҳолда сувдан гелиоиссиқхонага иссиқлик узатиш коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$k_c = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_c} + \frac{\delta_{кув}}{\lambda_{кув}} + \frac{1}{\alpha_{ис}}} . \quad (4)$$

бу ерда α_c, α_{uc} - мос равишда сувдан қувурга ва қувурдан гелиоиссиқхонага иссиқлик бериш коэффициентлари, $Вт/(м^2 \cdot ^\circ C)$; $\delta_{кув}$, $\lambda_{кув}$ - қувур материалнинг қалинлиги (м) ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ($Вт/(м \cdot ^\circ C)$).

Иссиқлик ташувчи сувнинг ўртача ҳароратини ҳисобга олиб, ҳисоблашларда сувнинг физик хусусиятлари жадвалидаги қийматларини оламиз [7]:

$$t_c^{sp} = 0,5(t_c + t_c') = 0,5(69,8 + 64,7) = 67,25^\circ C, \quad \rho_c = 979,3 \text{ кг}/\text{м}^3; \quad c_c = 4185 \text{ Ж}/(\text{кг} \cdot ^\circ C);$$

$$\lambda_c = 0,665 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot ^\circ C); \quad \nu_c = 0,432 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}; \quad \text{Pr}_c = 2,67.$$

Қувурда ҳаракатланадиган сувнинг тезлигини топамиз:

$$\nu_c = \frac{4G_c}{\rho_c \pi d_{кув}^2} = \frac{4 \cdot 1}{979,3 \cdot 3,14 \cdot (0,05)^2} = 0,52 \text{ м}/\text{с}.$$

Оқим учун Рейнолдс сонини ҳисоблаймиз:

$$\text{Re} = \frac{\nu_c \cdot d_{кув}}{\nu_c} = \frac{0,52 \cdot 0,05}{0,432 \cdot 10^{-6}} = 60185.$$

Оқим режими турбулент ($\text{Re} > 10^4$) бўлганлиги учун сув ва қувур ҳароратлари қиймати бири-бирига яқин деб ҳисоблаб ($\text{Pr}_c = \text{Pr}_d$), Нусселт сонини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\text{Nu} = 0,021 \cdot \text{Re}^{0,8} \cdot \text{Pr}_c^{0,43} \cdot \left(\frac{\text{Pr}_c}{\text{Pr}_d}\right)^{0,25} = 0,021 \cdot (60185)^{0,8} \cdot (2,67)^{0,43} = 213,4.$$

Иссиқ сувдан қувурга иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$\alpha_c = \frac{\text{Nu} \cdot \lambda_c}{d_{кув}} = \frac{213,4 \cdot 0,665}{0,05} = 2838,2 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ C).$$

Қувурдан гелиоиссиқхонага (ҳавога) иссиқлик бериш коэффициенти иссиқлик ташувчининг ҳароратига боғлиқ бўлиб, берилган ҳарорат учун $\alpha_{uc} = 11,64 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ C)$ тенг [8]. У ҳолда (4) ни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$k_c = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_c} + \frac{\delta_{кув}}{\lambda_{кув}} + \frac{1}{\alpha_{uc}}} = \frac{1}{\frac{1}{2838,2} + \frac{0,02}{37,7} + \frac{1}{11,64}} = 11,52 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ C).$$

Гелиоиссиқхона иситиш тизимидан чиққан сув биореактор ичида жойлашган иссиқлик алмашинув аппарати орқали биомасса ҳароратини ўзгармаслигини таъминлашга хизмат қилади. Энг аввало максимал $55^\circ C$ гача қизиган биомасса ҳароратини ўзгармас ҳолда сақлаш учун бериладиган иссиқлик, биореактор деворлари орқали йўқотиладиган иссиқликни компенсациялаши керак бўлади. Биореакторни иссиқлик ҳисобини бажараётганда механик аралаштиргич таъсирини ҳисобга олмаймиз.

$d\tau$ вақт оралиғида $F_{\bar{om}}$ иссиқлик алмашинув қурилмаси юзаси бўйича иссиқлик баланси ва иссиқлик узатиш тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади [9]:


$$dQ = k_{\bar{om}} F_{\bar{om}} \Delta t d\tau = G_c c_c (t_c' - t_c'') d\tau = m_{\bar{om}} c_{\bar{om}} dt_{\bar{om}}. \quad (5)$$

Бу ерда Δt - иссиқлик ташувчининг τ вақт моментида ўртача температуралар фарқи, $^\circ C$; t_c'' - қиздирадиган иссиқлик ташувчининг чиқишдаги ҳарорати, $^\circ C$; $dt_{\bar{om}}$ - $d\tau$ вақт давомида қиздириладиган биомасса ҳароратини ўзгариши, $^\circ C$.

Δt температуралар тушишининг τ вақт моментидаги ўртача логарифмик қийматини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\Delta t = \frac{t_c' - t_c''}{\ln \frac{t_c' - t_{\bar{m}}}{t_c'' - t_{\bar{m}}}} \quad (6)$$

Демак t_c ва $t_{\bar{m}}$ ҳароратлар вақт давомида ўзгаргани учун Δt вақт функцияси ҳисобланади. Δt ни (5) ифодага қўйиб, (7) га эга бўламиз:



2-расм. Биореактор иситиш тизига кираётган сув ҳароратининг биомасса ҳароратига боғлиқлиги.

$$k_{\bar{m}} F_{\bar{m}} \frac{t_c' - t_c''}{\ln \frac{t_c' - t_{\bar{m}}}{t_c'' - t_{\bar{m}}}} = G_c c_c (t_c' - t_c''), \quad (7)$$

бундан

$$\frac{k_{\bar{m}} F_{\bar{m}}}{G_c c_c} = \ln \frac{t_c' - t_{\bar{m}}}{t_c'' - t_{\bar{m}}}; \quad (8)$$

$$\frac{t_c' - t_{\bar{m}}}{t_c'' - t_{\bar{m}}} = e^{\frac{k_{\bar{m}} F_{\bar{m}}}{G_c c_c}}. \quad (9)$$

Аввал қайд этилганидек $k_{\bar{m}} F_{\bar{m}}$ ва $G_c c_c$

ўзгармас катталиқлар бўлиб, $N = \frac{k_{\bar{m}} F_{\bar{m}}}{G_c c_c}$ катталиқ

узатиш бирлиги сони деб аталади. У ҳолда реактордан чиқаётган иссиқлик ташувчи сувнинг ҳарорати [9].

$$t_c'' = t_{\bar{m}} + (t_c' - t_{\bar{m}}) e^{-N}. \quad (10)$$

Бу олинган ифодани (5) га қўйиб қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{G_c c_c}{m_{\bar{m}} c_{\bar{m}}} (1 - e^{-N}) d\tau = \frac{dt_2}{t_c' - t_{\bar{m}}}. \quad (11)$$

Тенгламани чап томонини 0 дан τ гача, ўнг томонини $t_{\bar{m}}'$ дан $t_{\bar{m}}''$ гача интегралланганда қуйидаги формулалар кўринишида ифодаланади:


$$\frac{G_c c_c \tau}{m_{\bar{m}} c_{\bar{m}}} (1 - e^{-N}) = \ln \frac{t_c' - t_{\bar{m}}'}{t_c' - t_{\bar{m}}''}, \quad \tau = \frac{\ln \frac{t_c' - t_{\bar{m}}'}{t_c' - t_{\bar{m}}''} \cdot m_{\bar{m}} c_{\bar{m}}}{G_c c_c (1 - e^{-N})} \quad (12)$$

(12) формула орқали биомасса ҳароратини вақт бўйича ўзгаришини 3-расмда ифодаланди.

Гелиоиссиқхонадан чиқишда иссиқлик ташувчи биореактор иссиқлик алмашинув қурилмасига киради. Киришдаги иссиқлик ташувчининг ҳарорати биомассани бижғиш давомийлигига боғлиқ бўлади. Биомассани ҳарорати 55⁰С га кўтарилганда, берилган иссиқлик биореактор қурилмаси деворларидаги иссиқлик йўқотилишини енгишга етарли бўлиши керак. 3-расмдан кўриш мумкинки, биореакторга киришдаги иссиқлик ташувчининг ҳароратига боғлиқ равишда бижғиш давомийлиги камайиб боради. Биомассани бошланғич ҳароратини 10⁰С эканлигидан, иссиқлик ташувчининг биореакторга киришдаги ҳарорати, $t_c' = 55^0 C$ да $\tau = 57 соат$; $t_c' = 60^0 C$ да $\tau = 34 соат$; $t_c' = 65^0 C$ да $\tau = 25 соат$; $t_c' = 70^0 C$ да $\tau = 20 соат$ эканлигини кўриш мумкин.

Одатда кўриладиган масалаларда иссиқлик ташувчининг бошланғич ва охири ҳароратлари аниқ бўлади. Шунга кўра G_c , τ , $M_{\bar{m}}$ катталиқларнинг қийматлари ҳам берилган ёки баҳоланган бўлиши мумкин. У ҳолда (12) ифодадан фойдаланиб узатиш

бирлиги сонини аниқлаб, у орқали иссиқлик алмашинув юзаси $F_{\text{бм}}$ ни аниқлаш мумкин. Бу ҳолда иссиқлик узатиш коэффициенти узлуксиз ишлайдиган қурилмаларда бўлгани каби иссиқлик узатишнинг ўзига ҳос шартларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади [9].



3-расм. Биомасса ҳароратининг вақт бўйича ўзгаришини биореактор ичида қирувчи иссиқлик ташувчига боғлиқлиги.

ҳароратини ростлаш имкониятини камлиги сабабли биз унинг массавий сарфини (G_c) бошқаришимиз мумкин.

Иссиқлик ташувчининг қувурдаги ҳаракатида гелиоиссиққона ва биореактор ичида жойлашган иссиқлик алмашинув аппаратидаги ички ишқаланиш ҳисобидан босим йўқотилишини ҳисоблашда гидравлик қаршилик коэффициенти қуйидагича ҳисобланади [10]:

$$\lambda_1 = \frac{0,3164}{\text{Re}_1^{0,25}} = \frac{0,3164}{(60185)^{0,25}} = 0,02; \quad \lambda_2 = \frac{0,3164}{\text{Re}_2^{0,25}} = \frac{0,3164}{(94074)^{0,25}} = 0,018$$

Бундан босим йўқотилишини ҳисоблаймиз:

$$\Delta P_u = \lambda_1 \frac{l_1}{d_1} \frac{\rho v_1^2}{2} + \lambda_2 \frac{l_2}{d_2} \frac{\rho v_2^2}{2} \quad (13)$$

бу ерда $l_1 = 150 \text{ м}$, $d_1 = 0,05 \text{ м}$ - гелиоиссиққона иситиш тизимининг узунлиги ва диаметри; $l_2 = 14,2 \text{ м}$, $d_2 = 0,032 \text{ м}$ - биореактор ичида жойлашган иссиқлик алмашинув аппаратининг узунлиги ва диаметрига мувофиқ оқим тезлиги аниқланади. $v_2 = v_1 \frac{d_1^2}{d_2^2} = 1,27 \text{ м/с}$. Иссиқлик

ташувчи сувнинг ички ишқаланиш ҳисобидан босим пасайишини (13) формуладан қуйидагича ҳисобланади.

$$\Delta P_u = 0,02 \cdot \frac{150}{0,05} \cdot \frac{979,3 \cdot (0,52)^2}{2} + 0,018 \cdot \frac{14,2}{0,032} \cdot \frac{979,3 \cdot (1,27)^2}{2} = 14252 \text{ Па} .$$

Шунингдек маҳаллий қаршиликлар ҳисобидан йўқотиладиган босимни ҳисоблаймиз. Гелиоиссиққона иситиш тизими 5 қатор қувурлар тўпламидан иборат. Суюқликнинг 90° га бурилган қисми 5 та бўлиб, иситиш тизимига киришда қувурнинг кескин кегайиши ва чиқишида кескин торайиш мавжуд. Шунга асосан [10]:

$$\zeta_1 = 5 \cdot \zeta_{90^\circ} + \zeta_{\text{кен}} + \zeta_{\text{тор}} = 5 \cdot \zeta_{90^\circ} + (1 - \frac{d_2^2}{d_1^2}) + \frac{1}{2} (1 - \frac{d_2^2}{d_1^2}) = 5 \cdot 1,5 + \frac{3}{2} (1 - (\frac{0,0032}{0,05})^2) = 8,38$$

Биореактор ички қувурларининг маҳаллий қаршилик коэффициентини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\zeta_2 = 3 \cdot \zeta_{90^\circ} = 3 \cdot 1,5 = 4,5 .$$

Қувурларда маҳаллий қаршиликлар ҳисобидан умумий босим йўқотилиши:

$$\Delta P_m = \zeta_1 \frac{\rho v_1^2}{2} + \zeta_2 \frac{\rho v_2^2}{2} \quad (14)$$

$$\Delta P_m = 8,38 \frac{979,3 \cdot (0,52)^2}{2} + 4,5 \frac{979,3 \cdot (1,27)^2}{2} = 4663,4 \text{ Па} .$$

Умумий босим йўқотилиши ички ишқаланиш ва маҳаллий қаршилиқлар ҳисобидан йўқотилган босимлар йиғиндисидан иборат бўлади, яъни:

$$\Delta P = \Delta P_u + \Delta P_m = 14252 + 4663,4 = 18915,4 \text{ Па} .$$

Иссиқлик ташувчини қувурлардан ўтказиш учун зарур насос қуввати [10]:

$$N_{\text{насос}} = \frac{G_c \cdot \Delta P}{\rho \cdot \eta_{\text{насос}}} = \frac{1 \cdot 18915,4}{979,3 \cdot 0,7} = 27,6 \text{ Вт} .$$

1-жадвал.

№	Параметрлар	Қиймати	№	Параметрлар	Қиймати
1	Гелиоиссиққона ишчи майдони, м ²	180	7	Қувурдан гелиоиссиққонага иссиқлик бериш коэффициенти, Вт/(м ² ·°С)	11,64
2	Гелиоиссиққона иссиқлик қуввати, кВт	34,2	8	Иссиқ сувдан гелиоиссиққонага иссиқлик узатиш коэффициенти, Вт/(м ² ·°С)	11,52
3	Вентиляция орқали келтириладиган иссиқлик, кВт	12,9	9	Иссиқ сувнинг гелиоиссиққонага киришдаги ҳарорати, °С	69,8
4	Биогаз қозон қурилмасидан келтириладиган иссиқлик, кВт	21,3	10	Иссиқ сувнинг гелиоиссиққонадан чиқишдаги ҳарорати, °С	64,7
5	Иссиқ сувнинг массавий сарфи, кг/с	1	11	Иссиқ сувнинг гелиоиссиққона ва биореактор иситиш тизимидан ҳаракатланиши давомида босим йўқотилиши, Па	4663,4
6	Сувдан қувурга иссиқлик бериш коэффициенти, Вт/(м ² ·°С)	2838,2	12	Насос қуввати, Вт	27,6

Хулоса:

- чорвачилик биносининг иккиламчи энергия ресурсларини гелиоиссиққонага утилизация қилиш орқали ўртача 12,9 кВт иссиқлик билан таъминлаш мумкин;
- кўёш радиацияси бўлмаган кунларда ташқи ҳаво ҳарорати -6°С бўлганда гелиоиссиққонанинг ўртача ҳароратини 10°С гача кўтарилишини таъминлайди. Ишчи майдони 180 м² бўлган гелиоиссиққонанинг иссиқлик юкломаси 34,2 кВт бўлиб, сурункали булутли кунларда 21,3 кВт иссиқликни чорвачилик чиқиндиларини биореакторда қайта ишлаш орқали олинган биогазни сув қиздириш қозонига ёқиш орқали иситиладиган иссиқ сув ҳисобидан қопланади. Бу иссиқлик энергияси бир суткада 1840,32 МЖ ташкил этади;
- гелиоиссиққона иситиш тизимидан чиққан иссиқ сув биореактор ичида жойлашган иссиқлик алмашинув аппаратида ўтиши орқали биомассани қиздиришга сарфланади. Биореакторга кирадиган иссиқ сувнинг ҳарорати 55°С дан юқори бўлиши керак. Ўз навбатида биомасса ҳароратини ҳам 55°С дан юқори бўлмаслигини ҳисобга олиб 2,3-расмларда кўриш мумкинки биомассани бижғиш ҳароратигача кўтарилиш вақти биореактор ичига кирадиган иссиқлик ташувчининг ҳароратига боғлиқ бўлади;

- гелиоиссиқхона иситиш тизимиға қирадиган сувнинг массавий сарфи 1 кг/с бўлишини инобатға олиб, циркуляцион насоснинг қуввати 27,6 Вт бўлиши ўтказилган тажрибалардан ва ҳисоблашлардан аниқланди.

Адабиётлар

- [1]. Мирзиёев Ш.М. “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 26 май, Қашқадарё газетаси 1-июнь №3065 (15290).
- [2]. Клочков А.В. "Применение энергии вырабатываемой при утилизации твердых отходов для нужд теплиц в неблагоприятных климатических условиях на примере полуострова Камчатка" Столыпинский вестник, vol. 2, no. 1, 2020, pp. 206-213.
- [3]. Bernadiner I.M. Vysokotemperaturnaya pererabotka otkhodov. Plazmennye istochniki ehnergii (chast' 4).[High-Temperature waste processing. Plasma energy sources (part 4)]. Tverdye bytovye otkhody. Tekhnologii, No. 5. www.zaobt.ru.
- [4]. Chemodin Y.A. (2017). On the possibility of releasing the country's land resources while ensuring an integrated approach to the utilization of waste produced by the population of the Russian Federation [Text] Yu.a. Chemodin / Economic transformations in the land and property complex of Russia: analysis and solutions. Collection of scientific articles and theses of the Russian Federation. science.- practice. conf. Moscow: GUZ, pp. 89-92.
- [5]. Узоқов Ғ.Н., Давлонов Х.А. Гелиоиссиқхоналарнинг энергия тежамкор иситиш тизимлари. - Тошкент: Ворис, 2019. – 140 б.
- [6]. Эргашев Ш.Х. Чорвачилик комплексининг иккиламчи энергия ресурсларини утилизация қилиш ҳисоби. Международная конференция «Энерго- и ресурсосбережение: новые исследования, технологии и инновационные подходы» г. Карши 2021 г. 24-25 сентября, с. 422-429.
- [7]. К.А. Краснощеков, А.С. Сукомел. Сборник задач по теплопередаче. – М., Энергия 1980. с. 285.
- [8]. <https://v-remonta.ru/otopitelnye-sooruzheniya/teploodacha-stalnyh-trub-eto-znachi>.
- [9]. Бакластов А.М. и др. Промышленные тепломассообменные процессы и установки. М.: Энергоатомиздат, 1986. -328с.
- [10]. Гидравлика: Учебное пособие / Мукольянц А.А.- Ташкент, 2013. с. 371.

**ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТАРИФЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

К.Ш. Кадиров

*“Ўзбекэнерго” АЖ Илмий-техника маркази”, kamoliddin.8484@mail.ru
(Қабул қилинди 19.04.2021 й.)*

Мақолада амалдаги ва 2030 йил башорат ҳолати учун электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи-ресурс сарфи, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талаби ва тарифларнинг самарадорлиги келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: вақт бўйича табақалаштирилган тариф, электр энергияси, электр энергия етказиб берувчи ва истеъмолчилар.

В статье рассматривается расход топлива и энергии при производстве электроэнергии, потребительский спрос на электроэнергию и эффективность тарифов на текущую и прогнозную ситуацию на 2030 год.

Ключевые слова: дифференцированный по времени тариф, электрическая энергия, поставщики и потребители электроэнергии.

The article examines fuel and energy consumption in electricity generation, consumer demand for electricity and tariff efficiency for the current and forecast situation for 2030.


Keywords: time differentiated tariff, electric energy, suppliers and consumers of electricity.

Табақалаштирилган тарифлар эса электр энергия етказиб берувчи ва истеъмолчилар учун ҳам фойдали бўлган тарифлар тизими ҳисобланади. Яъни, электр энергия етказиб

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ


берувчи учун тизимдаги “тиғиз” даврларни бартараф этиш эвазига ускуналарнинг ишлаш ишончилигини ошириб самарадорликка эришса, истеъмолчиларда табақалаштирилган тарифларнинг “тиғиз” бўлмаган даврларида истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов миқдорининг арзонлиги билан ажралиб туради.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш узатиш, тақсимлаш ва истеъмолида электр энергия етказиб берувчи билан истеъмолчилар ўртасидаги боғлиқлик жуда катта бўлиб бу ўз навбатида иккисига ҳам наф келтириши зарур бўлади. Республикада айти дамда вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар 750 кВА ва ундан юқори бўлган истеъмолчиларда қўлланилмоқда. Яқин келажакда бу тизим барча истеъмолчиларда қўлланилиши режалаштирилган. Мамлакатимизда жами 14 минг мегаватт электр энергияси ишлаб



1-расм. Амалдаги (2019 й.) электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи-ресурс сарфининг % ларда кўриниши.

Иқтисодий тармоқлари ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади.



2-расм. 2030 й. электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи-ресурс сарфининг % ларда кўриниш башорати.

тубдан ривожлантириш, энг муҳими, қисқа даврда тизимда сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш керак бўлади.

2-расмда 2030 й. бирламчи энергия манбаларининг истеъмол таркиби башорати келтириб ўтилган.

2030 йилга бориб қўшимча талаб этиладиган 12,5 минг мегаватт қувватларни яратиш чорасини кўриш, жумладан, буғ-газ қурилмалари, атом электр станцияси, гидро-электрстанция қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, Сирдарё, Тошкент, Навоий,

чиқариш қувватлари мавжуд бўлиб, шундан 86,2 (2019 й.) фоизи иссиқлик электр станциялари хиссасига тўғри келади (1-расм) [7].

Бирок, иссиқлик электр станциялари қувватларининг 84 фоизи қарийб ярим аср аввал ишга туширилган бўлиб, мавжуд қувватлар бор-йўғи 83 фоизга ишламоқда (2019 й.). Ривожланган давлатларда 1 киловатт энергия ишлаб чиқариш учун 240-260 грамм ёқилғи сарфланса, мамлакатимиздаги айрим станцияларда 2 баробар кўп ёқилғи сарфланади.

Мамлакатимизда электр энергияси асосан табиий газни ёқиш эвазига ишлаб чиқарилади. Газ ресурслари чекланган бугунги шароитда 2030 йилга бориб уни янада кўпроқ сарфлаш – тикланмайдиган табиий ресурсларнинг жуда катта миқдорини увол қилиш, яъни арзонга ёқиш деганидир.

Атом электр станциясининг ишга туширилиши ёқилғи сарфини қисқартириш бўйича революцион ечимлардан бири бўлади, бироқ бунинг учун ҳали 8-йил керак. Шунинг учун мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Тахياتош иссиқлик электр станцияларидаги энергоблокларни янгилаш, шунингдек давлат-хусусий шерикчиликни электр энергияси тизимига жорий қилиш орқали зарур бўладиган қувватларни қоплаш зарур [6].

Ўзбекистон электр энергияси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий мажмуаларида жуда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон ёқилғи-энергетикасида ишлаб чиқариладиган деярли барча бошланғич ёқилғилардан (асосан кўмир, нефт, мазут) республика ва қўшни айрим давлатлар учун электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, узатиш ва истеъмол қилиш жараёнида энергия йўқотишларини камайтириш муаммолари Ўзбекистон энергетика соҳаси учун муҳим ва долзарбдир.

Шунингдек 3,9 минг мегаваттли буғ-газ ва газ-турбина қурилмаларини ҳамда Ангрен шаҳрида ва Сурхондарё вилоятида кўмирда ишловчи иссиқлик электр станциялари, куёш ва шамол электр станцияларини қуриш чораларини кўриш зарур бўлади ва бу республика энергетика тизимининг келажаги учун хизмат қилади (3-расм).



3-расм. Электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг бугуни ва келажаги (млрд. кВт.соат).

Республика электр энергетика тизимида айни дамда электр энергияси истеъмолчилари қуйдагича бўлинган: аҳоли, қурилиш, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва коммунал маиший истеъмолчилар. Ушбу истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмоли турлича бўлганлиги учун энергетика тизимидаги нотекис юклама графикларини келтириб чиқаради. Шунинг учун дунёнинг барча мамлакатларида энергетика тизимидаги нотекис юклама графиклари ўзига хос муаммо ҳисобланади [1, 6]. Электр энергиясига бўлган талаб саноат корхоналаридан кейинги ўринни аҳоли яъни, маиший истеъмолчилар банд қилиб келмоқда:

- Саноат 40,8%;
- Аҳоли 26,6%;
- Қишлоқ хўжалиги 19,4%;
- Коммунал маиший истеъмоли 9,7%;
- Транспорт 2,8%;
- Қурилиш 0,8% ташкил этади.

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Республикада бугунги кунда электр энергиясига бўлган талаб 71 млрд. кВт.с бўлса, айни дамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг ҳажми 68,5 млрд. кВт.с ни ташкил этади. Аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби йилдан йилга ошиб бормоқда (4-расм).

Ҳар қандай электр энергияси тизимининг ўзига хос хусусияти бу электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмларининг унинг истеъмол қилинишига қатъий мувофиқлиги ҳисобланади [1, 2, 3]. Ишончли энергия тизими доимий равишда узликсиз энергия таъминоти ва талаб балансини таъминлаши керак. Бунда истеъмол жадвалини кафолатланган етказиб бериш манбалари билан электр энергиясини ишлаб чиқариш манбаидан тегишли равишда ишлаб чиқариш жадвали тўлдиради. Ушбу тамоил бузилган тақдирда, ўзгарувчан ток тармоғининг частотаси ва қувват тизимида ҳисобланган кучланиш даражаси ўзгаради, бу истеъмолчиларнинг оммовий ишдан чиқиши ёки ишлаб чиқариш, узатиш ва тарқатиш ускуналари ҳамда истеъмолчиларнинг электр иншоатларининг эрта ишдан чиқишига олиб келади [1, 4].



4-расм. Электр энергияси истеъмолида аҳоли улушининг ошиб бориш прогнози.

Таъминотчи корхоналарнинг сотган электр энергиясидан тушган даромад эннегетика тизимининг сутканинг барча даврларидаги харажатларини қоплаш учун, шунингдек маълум фойда олиш учун етарли бўлиши керак. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб электр энергиясининг тарифларини белгилаш эннегетика тизимининг умумий харажатларини ўртача йиллик қийматини, шу жумладан электр станциялари ва тармоқлардаги ускуналарининг эксплуатация харажатлари, ёқилғи харажатлари, инвестиция қилинган капиталга фоизлар ва бошқа харажатлар учун сарфланади.

Электр энергияси нархларини белгилашда бевосита тарифлар тизимидан фойдалианиш Собик Совет Иттифоқи вақтларидан бошланган. Хусусан бундай нархларни белгилаш 1950 йилларнинг охирида Европанинг ҳам бир қанча мамлакатларида жумладан, АҚШ, Швейцария, Греция, Италия, Финландия ва Францияда ҳам қўлланила бошлаган [5].

Шу билан бирга, ушбу тизим асосида ўрнатилган тарифлар энергия ишлаб чиқаришнинг харажатлари ўсиши билан, моддий ўсишни ҳисобга олмайди. Бундан ташқари бу тизим эннегетика тизимининг умумий харажатларини қоплаш муддати тушунчаларни аниқ белгилаб қўймаган.

Истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси нархлари бир ёки бир неча турларга ажратилади, яъни бу нархларга ажратилишни турли хил давлатларда ҳар хил турдаги тарифлар тизимидан фойдалинилади. Тарифлар тизимининг энг кўп тарқалган тури бу бир ставкали тариф тизими ҳисобланади. Бундай тариф тизими фақат истеъмол қилинган электр энергиясининг 1 кВт·соат учун белгиланган нарх бўйича ҳисоб-китобни амалга оширади.

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Бундай тарифлар учун ўрнатилган нархлар ва электр энергия истеъмол қилинган даврлари энергетика тизимининг юкламалар даврининг бир текис ишлашини таъминламайди. Бундан ташқари бир ставкали тарифлар тизими энергетика тизими юкламалар даврининг эрталабки ва кечки “тиғиз” даврларида ўзининг таъсирини кўрсатади.

Энергетика тизимидаги харажатлар ва авария ҳолатлари, истеъмолчиларни доимий электр энергияси билан таъминланишида зарар келтирмаслиги керак.

Агар ҳар бир электр энергияси истеъмол даврлари тўлиқ башорат қилинса, бундай тарифлардан фойдаланган ҳолда энергетика тизими электр энергиясидан фойдаланидиган ва унинг нархини тўлайдиган истеъмолчилар ҳисобидан унинг барча харажатларини, шу жумладан электр таъминотининг ишончилигини таъминлаш харажатларини ҳам тўлиқ қоплайди.

Табақалаштирилган тарифлар асосан истеъмолчиларни энергияни тежаб ишлатишга ундайди, лекин электр энергиясининг нархи (ишлаб чиқариш нархи) истеъмолчилар учун жуда муҳим ҳисобланади. Бу нархлар эса табақалаштирилган тарифнинг тунги ва кундузги вақтларида келтирилган.

Адабиётлар

- [1]. Михайлов В.В. Тарифы и режимы электропотребления - М.: «Энергия», 1974. С-128.
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” тўғрисидаги 2009 йил 22 августдаги 245 - сон қарори.
- [3]. О.И.Боткин, И.В.Орефков Экономика региона №1/2010, Екатеринбург С-149.
- [4]. Кадиров К.Ш. Снижение инвестиций на освоение генерирующей мощности при применении дифференцированного тарифа на электроэнергию // Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Информатика ва Энергетика муаммолари Ўзбекистон журналы. 2014 йил, №6, 93-97 бет.
- [5]. Тукенов А.А. «Рынок электроэнергии: от монополии к конкуренции» Журнал «Энергорынок» № 9,10,11,12 2005 г.
- [6]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Тошкент ш., 2017 йил 8 ноябрь, ПҚ-3379-сон қарори.
- [7]. <http://www.uzbekenergo.uz>

УДК 517.18.02

ЗАМОНАВИЙ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР АСОСИДА КРИПТОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎЗЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

М.М. Турдиматов

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали

Turdimatovmami1958@gmail.com

(Қабул қилинди 5.04.2021 й.)

The article develops methods for ensuring reliable exchange of information in open communication systems using cryptographic methods using the "Visualization AES" module of the Cryptool program for visual representation of the processes occurring at each step of the encryption algorithm.

Keywords: *software tools, cryptography, Cryptool, AES, symmetric, asymmetric cryptography, encryption, decryption, public key.*

В статье разработаны методы обеспечения надежного обмена информацией в открытых системах связи с использованием криптографических методов и с использованием модуля «Визуализация AES» программы Cryptool для визуального представления процессов, происходящих на каждом шаге алгоритма шифрования.

Ключевые слова: *программные средства, криптография, Cryptool, AES, симметричная, асимметричная криптография, шифрование, дешифрование, открытый ключ.*

Мақолада шифрлаш алгоритмининг ҳар бир қадамида бўлаётган жараёнларни визуал тарзда ифодалаш учун Cryptool дастурининг «Визуализация AES» модулидан фойдаланиб криптографик

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

усуллар орқали очиқ коммуникация тизимларида ишончли ахборот алмашинишни таъминлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: дастурий воситалар, криптография, Cryptool, AES, симметрик, асимметрик криптография, шифрлаш, дешифрлаш, очиқ калит.

Талабаларнинг замонавий технологиялар асосида билим олишларини таъминлаш учун дастурий воситалардан фойдаланиш, яъни ахборотларни ҳимоялаш, махфийликни ва сир сақланишни талаб этадиган маълумотларнинг ошкор бўлиши, ўғирланиши ёки йўқ қилиниши ҳолатларини олдини олиш усулларини ўргатиш зарур. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун эса қандай соҳа бўлмасин албатта, ахборот хавфсизлигини, унинг ҳимояси ва муҳофазасини амалга ошириши лозим. Замонавий ахборот тизимларида ва тармоқларида ахборотни ҳимоя қилиш деганда узатилаётган, сақланаётган ва қайта ишланаётган ахборотнинг ишончилиги ва бутунлигини таъминлаш мақсадида турли хил восита ва усулларни ишлатиш чораларни кўриш ва тадбирларни ўтказиш тушунилади.

Ахборот муҳофазасини таъминлашнинг энг самарали усулларидан бири криптографик алгоритмлардан фойдаланишдир. Криптографик усуллар орқали очиқ коммуникация тизимларида ишончли ахборот алмашинишни таъминлаш мумкин.

Ахборот коммуникация тизимларида ахборот хавфсизлигининг асосий масалаларидан бири юқори ҳажмдаги ахборотларни алмашинишда самарали криптотизмлардан фойдаланиш лозимлигини эътиборга олиб, бардошлилиги оширилган симметрик шифрлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб масалаларни ечишга йўналтирилган ишлардан бири ҳисобланади [1, 2].

Криптография - бу маълумотларнинг махфийлигини, яхлитлигини ва муаллифлик ёки бошқа параметрларни тасдиқлаш қобилиятини таъминлайдиган фан. Криптография фан сифатида шаклланишида асосан махфий алгоритм ёрдамида маълумотларни шифрлаш усулини ўрганган. Бугунги кунда у бир неча йўналишларга эга ва умуман бошқа соҳаларда, шу жумладан ахборот технологияларида қўлланилмоқда [3].

Шифрлашни таъминлайдиган криптографиядан фарқли ўларок, криптанализ калитни ишлатмасдан маълумотларни паролени ҳал қилиш усулларини ўрганади. Шундай қилиб, криптографик алгоритмлар ва протоколларнинг ишончилиги ва заифлиги даражаси аниқланади. Дастлаб криптанализ тилшунослик қонунларига асосланган эди, аммо ушбу илмий йўналиш ривожланиб бориши билан бирга барча математик усуллар киритилди. Ахборотни қайта ишлаш жараёни криптаналитик компьютерлар, шунингдек Cryptool каби махсус дастурлар асосида амалга оширилмоқда.

1. Cryptool дастурининг ҳарактеристикаси ва хусусиятлари.

Cryptool - бу очиқ кодли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун замонавий лойиҳа бўлиб, бугунги кунда у жуда кенг тарқалган ва криптология фанини ўқитиш учун ишлатилади. Cryptool криптографияда ишлатиладиган барча алгоритмлар тўпламини батафсил тушунтиради ва уларнинг 400 дан ортиқ турлари мавжуд.

Дастур деярли барча турдаги классик шрифтларни, шунингдек криптографиянинг замонавий турларини ўз ичига олади:


- Носимметрик;
- Асимметрик, шу жумладан RSA;
- Эллиптик;
- Электрон имзолар;
- Гибрид шифрлаш;
- Diffi-Hellman калит алмашиш протоколи.

Лойиҳанинг мақсади – дастур фойдаланувчиларига ўзларининг маълумотларини хавфсизлигини сақлаб, онлайн таҳдидларга қарши туришга ўргатиш. Cryptool дидактик ўйинларнинг айрим турларини ва сонлар назарияси асосларини тушунтирадиган фаол дастурни ўз ичига олади. Бугунги кунда фаол ривожланаётган тўрт хил дастурий таъминот

мавжуд. Улар олти тилда мавжуд. Ҳар бир алгоритм, батафсил тавсифдан ташқари, амалга оширилади ва фойдаланувчи маълум бир маълумот тўпламини шифрлаши ва паролини ҳал қилиши мумкин.

2. Симметрик криптография.

Cryptool кўплаб классик шифрларни ўз ичига олганлиги учун энг содда, энг оммабоп классик шифр(Қайсар) номини олган. Матнинг ҳар бир белгиси алфавитда ўнгга ёки чапга маълум масофада жойлашган бошқасига алмаштириладиган силжиш шифрлари сифатида танилган. Қайсар шифридан мустақил усул сифатида ёки бошқалар билан биргаликда, масалан, Вижинер шифрида ёки ROT13 тизимида фойдаланиш мумкин. Қуйидаги 1-расмда дастур ойнаси келтирилган.



1-расм. Дастур ойнаси.

Cryptool ёрдам дастури замонавий шифрларнинг кўплаб версияларини ўз ичига олади. AES (Кенгайтирилган шифрлаш стандарти) одатда Рижндаел номи билан ҳам танилган. Бу ҳар қандай симметрик блокли шифрлари учун замонавий стандарт бўлиб, АҚШ ҳукумати томонидан фаол қўлланилмоқда,

бу унинг ишончилиги ва хавфсизлигининг яққол исботи. Бундан ташқари, тезлаштиришни кўллаб-қувватлаш Интел томонидан x86 процессорларида жорий қилинган.

AES ишлаш алгоритми икки жараёндан иборат, яъни:


- калитларни генерация қилиш (раунд калитларни яратиш);
- маълумотларни шифрлаш.

3. Асимметрик криптография.

Асимметрик Криптография - очик (хавфсиз бўлмаган) канал орқали узатиладиган очик калитли шифрлаш тизими. Бундай тизимлар турли хил тармоқ протоколларида жуда кенг қўлланилади: TLS, SSL, SSH, PGP, S / MIME.

RSA шифри 2-расмда сизга кўп сонли жуфтликни шундай яратишга имкон беради, шунда очик калитга эга бўлган ҳолда, шахсий кодни ҳисоблаш имконсиз бўлади. Очик калит орқали хабарни шифрлаш ва тармоқ орқали юбориш мумкин. Очик калит орқали хабарни шифрлаш имконияти бўлгани билан, хабарни очиш фақат ёпиқ калит орқали амалга оширилади.

Асимметрик криптография тамойилларидан иккинчиси шундаки, ҳар қандай хабарни очик калит билан шифрлашни таъминлайдиган ўта ишончли шифрлаш усуллари мавжуд, аммо уни паролини ҳал қилиш учун сизда ҳам шахсий калит бўлиши керак. Бундан ташқари, агар киши иккала калитга ҳам эгалик қилса, у жамоатчиликни бошқа манфаатдор томонларга ўтказиб юбориши мумкин. Калитлар эгасига хабарни очик калит билан етказиш орқали контрагентлар маълумотларни шифрлашади ва очик каналлар орқали узатадилар. Фақат эгаси маълумотни паролини ҳал қила олади, чунки фақат унинг шахсий калити бор. Шундай қилиб, асимметрик криптография маълумотларни ҳимоя қилишнинг ишончли усули ҳисобланади. Бироқ, маълумотларнинг тарқалишини олдини олиш учун калит ҳамма учун сир бўлиб қолиши керак.




2-расм. RSA алгоритмини схемаси.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, энг узун қурилган ва бузилган модул 768 бит бўлган. Бироқ, RSA модули 1024-битли тугмачаларни бошқариши мумкин деб тахмин қилинади [4].

4. Cryptool пароллар бардошлилигини ошириш процедураси.

Cryptool турли хил қалитларни яратиш ва ҳешлаш функцияларига эга. Улар Стартсентер шаблонлари рўйхатида туради. Замонавий ҳешланган пароллар турли хил қалитларни киритиш функцияларидан фойдаланади. Паролнинг мустақкамлиги “Паролнинг мустақкамлигини текшириш” ихтисослаштирилган шаблон томонидан текширилади. Cryptool таҳлил қилинган паролнинг хавфсизлик даражаси тўғрисида маълумот беради (3-расм). Агар у паст бўлса, уни ҳарфлар (шу жумладан бош ҳарфлар), рақамлар ва белгилар қўшиб ўзгартириш лозимлигини эслатади. Ёрдамчи дастур билан



3-расм. Ихтисослаштирилган шаблон.

ишлаш натижасида олинган маълумотларга асосланиб, парол ишончли бўлиши учун унинг белгилар узунлигига эмас, балки мураккаблигига боғлиқ эканлигини англаш мумкин.

5. AES алгоритмини Cryptool дастури орқали тушунтириш.

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

AES симметрик шифрлаш алгоритмининг шифрлаш ва дешифрлаш жараёнлари мураккаб бўлганлиги учун, бу жараёнларни қўлда амалга ошириш қийинчилик туғдиради.

Барча маълумотлар иккилик, ўн олтилик ёки саккизлик санок тизимида амалга оширилади. Шифрлаш алгоритмининг ҳар бир қадамида бўлаётган жараёнларни визуал тарзда ифодалаш учун Cryptool дастурининг «Визуализация AES» модулидан фойдаланамиз.


Бунинг учун дастурда қуйидагиларни амалга оширамиз. Дастур ишга тушганидан сўнг, “Starcenter” асосий ойнасидаги шаблонлар бўлимидан “Визуализация AES” модулини танлаймиз (4-расм.).



4-расм. “Визуализация AES”.

Сичқонча тугмасини икки марта чертиш орқали ишга туширилади.

Матн киритиш ва калитни киритиш компоненталарига керакли калит сўз ва матнни киритгандан сўнг F5 тугмаси орқали дастурни ишга туширамиз. Шифрлаш жараёнларини қадамлаб кузатиш учун “Визуализация AES” компонентасини тўлиқ экран режимига ўтказамиз.



5-расм. AES шифрлаш алгоритмини визуал равишда кузатиш.

Махсус берилган тугмалар орқали алгоритм қадамларини бевосита бошқариш имкониятига эга бўламиз.

Тугмалар орқали Раундларга ўтиш, жараёнларни бошқариш, ҳолат матрицалари ўзгаришларини визуал равишда кузатиш имкониятлари мавжуд.

Дастурда дастлаб раунд калитлари генерация қилинади ва алгоритм бўйича 16 раундда маълумот шифрланади.

Ушбу дастур орқали AES шифрлаш алгоритмини 5-расмда визуал равишда кузатиш, дастурни амалга оширмақчи бўлган дастурчи муҳандислари эса, мос компоненталарни яратиш учун қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Хулоса

Криптография фанининг мавзуларини ўқитишда дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ёндашув усуллари келтирилди. Фанни ўқитиш жараёнида дастурий восита сифатида СурТool дастуридан фойдаланиб ўқитиш методикаси яратилди.

Ишлаб чиқилган методика соҳа бўйича мустақил таълим олувчилар, педагоглар ва талабалар учун самарали қўлланма бўлиб хизмат қилади ва фойдаланувчига билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш имкониятини яратади деб ҳисоблайман.

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида давр талабига жавоб берадиган мутахассисларни фақат назарий билимларни чуқур ўрганган ҳолда эмас, балки ўз соҳасини пухта амалий эгаллаган мохир мутахассис бўлишлари талаб этилади. Айниқса, криптография фани нисбатан янги бўлганлиги учун, бу фанларга оид ўзбек тилида мултимедиали электрон ўқув қўлланмаларини сонини кўпайтириш зарур, натижада бу фанни мустақил равишда ўзлаштиришга ёрдам беради.

Мақолада ишлаб чиқилган дастурий воситалар асосида фанни ўқитиш методикаси инновацион технологияларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши, таълим олувчида мустақил таълим олишни шакллантириш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини ривожлантириш учун кенг имконият яратишга хизмат қилади.

Адабиётлар

- [1]. Katz J., Lindell Y. Introduction to modern cryptography. – CRC press, 2014.
- [2]. Stamp M. Information security: principles and practice. – New York : Wiley, 2011. – Т. 2.
- [3]. Акбаров Д. Е. “Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши” – Тошкент, 2008 – 394 бет.
- [4]. <https://www.classcentral.com/course/crypto-616>.

УДК 662.997.517

ОПТОЭЛЕКТРОННОЕ УСТРОЙСТВО ДЛЯ ДИСТАНЦИОННОГО КОНТРОЛЯ ТЕМПЕРАТУРЫ СОЛНЕЧНЫХ КОЛЛЕКТОРОВ

С.Ф. Эргашев, У.Ю. Мамасадиқова

*Ферганский политехнический институт
(Получена 30.04.2021 г.)*

В статье рассматриваются принципы построения оптоэлектронного устройства без оптических систем для дистанционного контроля температуры солнечных коллекторов. Приведены блок-схемы разработанного устройства и его временные диаграммы.

The article discusses the principles of constructing an optoelectronic device without optical systems for remote control of the temperature of solar collectors. The block diagrams of the developed device and its timing diagrams are given.

Maqolada quyosh kollektorlari haroratini masofadan nazorat qiluvchi optik tizimlarsiz optoelektron qurilmani qurish tamoyillari muhokama qilinadi. Ishlab chiqilgan qurilmaning blok-sxemalari va uning vaqt jadvallari berilgan.

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Высокопроизводительная, экономичная и безопасная работа солнечных коллекторов требует применения современных методов и средств измерения величин, характеризующих ход процесса и состояния оборудования. Автоматический контроль является логически первой ступенью автоматизации, без успешного функционирования которых невозможно создание АСУ солнечных коллекторов.

При высокой производительности даже самые небольшие ошибки управления солнечных коллекторов приводят к большим абсолютным потерям энергии. По этому возрастает роль автоматического контроля и управления температуры солнечных коллекторов. Одним из актуальных проблем в солнечных коллекторов является автоматический контроль температуры. Существуют много различных устройств для контроля температуры применяемых в солнечных коллекторов, но они в основном являются контактными.

Наиболее перспективным в этом смысле является оптоэлектронный метод контроля температуры, причем во многих случаях применение их оказывается не только предпочтительным по сравнению с контактными средствами измерения температуры, т.е. термометрами, но и единственно возможным. Это прежде всего касается измерения температуры объектов, контакт с которыми затруднен или невозможен вследствие его удаленности или недоступности.

Нами разработано оптоэлектронное устройство для дистанционного контроля температуры, которое может быть успешно использовано при исследовании температурных характеристик солнечных коллекторов.

Блок схема оптоэлектронного устройства приведена на рис.1.




Рис.1. Блок схема оптоэлектронного устройства для дистанционного контроля температуры солнечных коллекторов гелиотехнических установок.

Оптоэлектронное устройство для дистанционного контроля температуры солнечных коллекторов содержит объект контроля 1, который через модулятор 2, оптически связан с первым приемником излучения 4, выход которого через первый малошумящий усилитель 7, первый усилитель переменного тока 10, первый амплитудный детектор 12 и первый интегратор 14 соединен с первым входом устройства получения отношения сигналов 16, второй приемник излучения 5, выход которого через

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

второй малозумящий усилитель 8, второй усилитель переменного тока 11, второй амплитудный детектор 13 и второй интегратор 15 соединен с вторым входом устройства получения отношения сигналов 16, выход которого соединен через аналого-цифрового устройства 17 с входом цифрового индикатора 18, устройство управления источника коллимированного излучения 9 вход которого соединен с выходом первого усилителя переменного тока 10, а выход соединен с входом источника коллимированного излучения 6 который через отражения от поверхности контролируемого объекта 1 оптически связан с вторым приемником излучения 5, электрический двигатель 3 ротор, которого механически связан с осью вращения модулятора 2.




Рис.2.Временные диаграммы оптоэлектронного устройства.

На рис.2 приведены временные диаграммы, поясняющие принцип работы предлагаемого устройства.

Оптоэлектронное устройство для дистанционного контроля температуры солнечных коллекторов работают следующим образом. Тепловой поток излучения $\Phi_{КОЛ1}$ солнечного коллектора 1, который пропорционален его температуре, проходит дистанцию l , модулируется модулятором 2 и поступает на чувствительную площадь, первого приемника излучения 4. Поток, поступающий на чувствительную площадь первого приемника излучения согласно с теории оптоэлектронных приборов [1,3,6] определяется как:

$$\Phi_{III1}(\lambda) = \tau_c(\lambda) M_{ко}(\lambda) \frac{A_{ко} D_{III1}^2}{4l^2}, \quad (1)$$

где $\tau_c(\lambda)$ - спектральный коэффициент пропускания атмосферы; $M_{ко}(\lambda)$ - спектральная плотность энергетической светимости излучающей поверхности солнечного коллектора; $A_{ко}$ - площадь излучающей поверхности солнечного коллектора; D_{III1} - диаметр входного зрачка первого приемника излучения; l - расстояния между контролируемым объектом и первым фотоприемником 4.

С учетом что $M_{ко}(\lambda) = \varepsilon_{ко}(\lambda) M_{чт}(\lambda)$ выражение (1) примет вид:

$$\Phi_{III1}(\lambda) = \tau_c(\lambda) \varepsilon_{ко}(\lambda) M_{чт}(\lambda) \frac{A_{ко} D_{III1}^2}{4l^2}, \quad (2)$$

где $\varepsilon_{ко}(\lambda)$ - спектральный коэффициент теплового излучения солнечного коллектора;

$M_{чт}(\lambda)$ - спектральная плотность энергетической светимости черного тела.

Учитывая, что приемник излучения работает в ограниченном спектральном диапазоне то выражения (2) для длин волн λ_{1m} который соответствует максимуму чувствительности первого приемника излучений 4 можно записать как:

$$\Phi_{\lambda_{1m} III1} = \tau_{\lambda_{1m} c} \varepsilon_{\lambda_{1m} ко} M_{\lambda_{1m} чт} \frac{A_{ко} D_{III1}^2}{4l^2} \quad (3)$$

где $\varepsilon_{\lambda_{1m} ко}$ - спектральный коэффициент теплового излучения солнечного коллектора на длинах волн λ_{1m} ; $M_{\lambda_{1m} чт}$ - спектральная плотность энергетической светимости черного тела на длинах волн λ_{1m} ; $\tau_{\lambda_{1m} c}$ - коэффициент пропускания атмосферы на длинах волн λ_{1m} .

С учетом закона Стефана-Больцмана что $M_{\lambda_{1m} чт} = \sigma T^4$ выражение (3) примет вид:

$$\Phi_{\lambda_{1m} III1} = \tau_{\lambda_{1m} c} \varepsilon_{\lambda_{1m} ко} \sigma T^4 \frac{A_{ко} D_{III1}^2}{4l^2} \quad (4)$$

где T - температура солнечного коллектора; $\sigma = 5,6697 \cdot 10^{-8} \text{ Вт} \cdot \text{м}^{-2} \cdot \text{К}^{-4}$ - постоянная Стефана - Больцмана.

1-расм. Қувур ғилофли иссиқлик алмаштиргич. 1-ғилоф қувур; 2-қалпоқ; 3-доска; 4-чиқиш мўриси (нефт маҳсулоти учун); 5- чиқиш мўриси (сув учун); 6-кириш мўриси.

Ушбу мақолада белгиланган мақсад нефтни қайта ишлаш корхонасида мавжуд қўлланилаётган қувур ғилофли ва бошқа русумдаги иссиқлик алмаштиргичнинг техник кўрсаткичларига ёз ойларида ташқи ҳароратнинг салбий таъсирини чекловчи технологик конструктив ечимларни ишлаб чиқилган.

Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган схемага асосан 1-расмда таклиф этилаётган ғилоф қувурли иссиқлик алмаштиргич нефт маҳсулоти ички қувурлар ичида, сувитувчи сув эса ички қувурлар оралиғида ғилоф қувур ичида ҳаракатланади. Бунда совитувчи сув ғилоф қувур ичига унинг узунлиги бўйича кетма-кет маълум масофада жойлашган устки радиал мўри қувурлар орқали узатилади. Сувитувчи сув бензинга нисбатан қисман қўндаланг йўналишда юқоридан пастга ва қисман бензин йўналишга қарама-қарши горизонтал йўналишда ҳаракатлашиб, остки “ғоз бурун” шаклида ишланган мўри қувурлар орқали чиқиб кетади [5].

Қувур ғилофли иссиқлик алмаштиргичнинг унумдорлиги $V_n=60$ м³/соат. Иссиқлик алмаштиргичнинг техник ҳарактеристикалари қуйидагича: аппарат қиздирувчи сиртининг юзаси $F=99$ м², ғилоф диаметри $D=630$ мм, иссиқлик алмашинувчи қувурларнинг диаметрлари $d_{ич}=0,020$ м, уларнинг узунлиги $l_{қув}=6000$ мм. Қувурлар орасидаги бўшлиқнинг геометрик ҳажми $V_б=1,13$ м³, улар учун шартли ишчи босим $P_{ш} = 1,6$ МПа ва максимал ишчи температура $t_{ми}= 400$ °С.

Қувур ғилофли иссиқлик алмаштиргичнинг тавсия этилган асосий параметрлари ва ўлчамлари

Иссиқлик алмаштиргич сирти, м ²	1 дан 5000 гача;
Қувурлараро шартли босими, МПа	1,6; 2,5;
Ғилоф диаметри, мм	
ташқи (қувур)	159, 273, 325, 426, 530, 630;
ички (пўлат лист)	400, 500, 600, 800, 1000, 1200, 1400, 1600, 1800, 2000, 2200, 2400, 2600, 2800, 3000;
Ташқи диаметри ва девор қалинлиги, D x H, мм	16x1,5; 16x2; 20x2; 25x1,5; 25x2; 25x2,5; 38x2;
Иссиқлик алмаштиргичнинг узунлиги, мм	1000, 1500, 2000, 3000, 4000, 6000, 8000, 9000.

Қувур ғилофли иссиқлик алмаштиргичларда юқори иссиқлик узатиш коэффициентларига эришиш учун иссиқлик ташувчиларнинг юқори тезлиги ўртача 1.5 м/с атрофида бўлиши лозим. Иссиқлик ташувчиларнинг тезлиги қувур ва қувурлараро ораликнинг тегишли қўндаланг кесими майдони бўйича танланади.

Иссиқлик алмаштиргичларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш амалиётида тўғридан-тўғри термик ҳисоблаш мумкин. Ҳисоблашдан мақсад қурилманинг берилган иссиқлик юкланишини таъминлаш учун иссиқлик алмашиниш юзасининг керакли қийматини аниқлашдан иборат. Иссиқлик алмаштиргич сиртининг иссиқлик узатиши қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$F = \frac{Q}{k \cdot \Delta t_{\text{ўр}}}, \text{ м}^2$$

бу ерда, Q-ускунанинг иссиқлик юкланиши, Вт; k-иссиқлик узатиш коэффициенти; $\Delta t_{\text{ўр}}$ -ўртача ҳарорат, °С

Совитувчи сувни иссиқлик алмаштиргич узунлиги бўйича диафрагмалар орасида тақсимлаб бир текисда бериш, маҳсулот-бензин ҳароратини пасайтириб совитиш жараёнида совитувчи сув ҳароратини ундаги тузларни ажралиш даражаси -54°С гача чиқиб кетишини олдини олади. Бу тузларни иссиқлик алмаштиргич қувурлари деворларида ўтириб қолишдан сақлайди. Исиган сувнинг ҳарорати 35°С дан ошмайди.

Бу конструктив ўзгартириш, иссиқлик алмаштиргич техник кўрсаткичларининг юқори бўлиши ва хизмат муддатини узайишини таъминлайди.

Адабиётлар

- [1]. Hassan Khurshid The design of shell and tube heat exchangers – a review karthik silaipillayarputhur International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (IJMPERD) ISSN (P): 2249-6890; ISSN (E): 2249-8001. –P.87-102.
- [2]. Kushchev, L.A. Intensity enhancement of heat exchange in shell-tube heat exchangers with smooth pipes / L.A. Kushchev, N.Yu. Nikulin, A.I. Alifanova, A.Yu. Feoktistov // Advances in Engineering Research. – 2017 – № 133 –P. 390–395.
- [3]. Четверткова, О.В. Верификация конечно-элементной модели кожухотрубчатого теплообменного аппарата. О.В. Четверткова, А.В. Миронов, Р.Г. Ризванов, Р.Г. Шарафиев. Электронный научный журнал «Нефтегазовое дело». 2015. №3. С.452-465.
- [4]. Филоф-кувирли иссиқлик алмаштиргич. Техник паспорт.
- [5]. Патент олиш учун талабнома №IAP 20180216.

УЎК 621.01

ВИНТСИМОН КОНВЕЙЕРЛАР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАШ МУДДАТИНИ ОШИРИШДА ПОДШИПНИК КОРПУСИНИНГ ЎРНИ ВА АХАМИЯТИ

Н.Н. Жўраев, А.Дж. Жураев

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Навоий бўлими
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
(Қабул қилинди 7.04.2021 й.)*

The article provides for the extension of the service life of the mechanisms of screw conveyors. The issues of reducing vibrations in the screw shaft are discussed. A bearing body with a flexible element was prepared and a new design conveyor was compared with the existing screw conveyor.

Keywords: conveyor, vibration amplitude, bearing housing, elastic elements.

В статье предусмотрено продление срока службы механизмов винтовых конвейеров. Обсуждаются вопросы снижения вибрации вала винта. Был изготовлен несущий корпус с гибким элементом и проведено сравнение конвейера новой конструкции с существующим шнековым конвейером.

Ключевые слова: конвейер, амплитуда вибрации, корпус подшипника, упругие элементы.

Мақолада винтсимон конвейерларни винт валида ўрнатилган подшипниклар корпусларига қайишқоқ элементли резиналардан тайёрланган втулкалар ўрнатиш билан мезанизмнинг тебранишини одатдаги механизм тебраниши билан таққослаш, таққослаш натижаларига кўра, мезанизмдаги титрашларни камайтириш орқали эҳтиёт қисмларнинг ишдан чиқишини олдини олиш имкониятини беради.

Калит сўзлар. конвейер, тебраниш амплитудаси, подшипник корпуси, қайишқоқ элемент.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида корхоналарнинг инвестиция сиёсатини белгиловчи асосий омил ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш иқтисодиётининг ушбу элементини камайтириш вазифаси янги ускуналарни лойиҳалаштириш ва мавжудларини модернизация қилиш билан ифодаланади.

Мақола конвейер спиралини икки қиримли ва тўлқинсимон юзали қилиш орқали винтли конвейернинг иш самарадорлигини ошириш, винт валида ўрнатилган подшипниклар корпусларига қайишқоқ элементли резиналардан тайёрланган втулкалар ўрнатиш билан мезанизмнинг тебранишини камайтириш орқали эҳтиёт қисмларнинг ишдан чиқишини олдини олиш имкониятини беради. Бунинг учун транспортларнинг геометрик параметрларини ва моддий оқим жараёнининг математик тавсифини, ташилаётган товарлар хусусиятларининг ва конвейернинг ишчи органлари параметрларининг ўзига хос энергия сарфига таъсирини ҳисобга олган ҳолда рационаллаштириш керак [1,2].

Винтли конвейерларни ҳисоблаш ва лойиҳалашда энг тежамли ва самарали конструкциясини олиш учун ушбу конвейер машинасининг барча элементларининг оптимал параметрларини аниқлаш усули муҳим ўрин тутди.

Винтли конвейерларни лойиҳалашда материаллар оқимининг кўндаланг кесими майдони, конвейердаги материалнинг ҳаракат тезлиги, винтнинг энг юқори рухсат этилган айланиш тезлиги, винт диаметри, двигателнинг қуввати ҳисобга олинади. Дастлабки танлаш қийматлар аналитик маълумотлар ва жорий омилларни ҳисобга олган ҳолда назарий жиҳатдан асослаб берилиши керак.

Конвейер механизмлари юқори юкланишда ишлаганлиги сабабли ишдан чиқиш ёки таъмирталаб жараёнлар кўп учрайди. Винтли конвейерлар механизмларининг узоқ вақт ишлаши, маҳсулот сифатини бузилмаслиги учун винт валида ўрнатилган подшипник корпусини такомиллаштириб, унга қайишқоқ резина втулка ўрнатилади. Натижада подшипникка тушадиган юкланишларни сўндириб, механизмларнинг буровчи момент тебраниш амплитудаси, шовкин ва титрашдан қисман сақлайди, бу эса механизмнинг узоқ муддат ишлашига ёрдам беради [3].

Тадқиқот ва синовларни ўтказиш усуллари

Тадқиқот объекти бўлиб ВК-219 маркали винтсимон конвейернинг тажриба нусхаси ҳисобланади. Тажриба синов жараёнларида конвейернинг иш унумдорлиги, механизмларнинг ишлаш давомийлигига сабаб бўлувчи омиллар текширилиб, натижалар олинди. Тадқиқот ўтказилаётган ПЛ118-11, ТУ МРТУ4S-5-1166-64, МРТУ38-5-1166-64 типдаги резиналарнинг техник кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

1 – жадвал

Қайишқоқ элементли втулка учун ишлатилган резина маркалари кўрсаткичлари

ПЛ118-11 маркадаги резина характеристикаси	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичи
Чўзилишдаги мустаҳкамлиги	МПа	11
Нисбий узайиши	%	160
Шор А бўйича қаттиқлиги	Шор А	72 ... 79
Ишчи температура	°С	-60 ... +100
МРТУ4S-5-1166-64, МРТУ38-5- 1166-64 типдаги резина характеристикаси	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичи
Чўзилишдаги мустаҳкамлиги	МПа	8
Нисбий узайиши	%	120
Шор бўйича қаттиқлиги	ШорА	80 ... 90
Ишчи температура	°С	-30 ... +100

Тадқиқот натижалари


Қайишқоқ таянч қўлланилганда буровчи момент ва тебраниш амплитудаси (50÷55) Нм оралиғида камайтирилса, буровчи момент ўртача (35÷40)% камайиши кузатилади. Иш унуми $3,51 \cdot 10^2$ Нм дан $6,23 \cdot 10^2$ гача ортса, МРТУ4S-5-1166-64 маркали резина қўлланилганда буровчи момент винт валида $3,82 \cdot 10^2$ Нм дан $4,1 \cdot 10^2$ Нм гача ортади, бу

натижалар МРТУ38-5-1166-64 маркали резина қўлланилганда $1,22 \cdot 10^2$ Нм га ортади [4]. Бу эса, винт валидаги буровчи моментни камайтириш учун подшипникнинг резинали втулкаси учун кичик қийматдаги айланма бикрлиги бўлган резина маркасида фойдаланиш мумкинлигини билдиради, бунда энг мақбул вариант сифатида ПЛ118-11 маркали резинани танлаш мақсадга мувофиқдир [10].


2-расмда Винт валини $\omega_{\text{ц}}=76.4\text{с}^{-1}$ бўлгандаги эгилиш тебранишларини тавсифловчи осциллограммалар кўрсатилган. Экспериментал тадқиқотлардан олинган осциллограммаларни қайта ишлаш асосида, винт валининг эгилиш тебранишлари амплитудаси ўзгаришининг конвейер иш унумига боғлиқлик графиклари қурилди.

Графиклар таҳлили шуни кўрсатдики, иш унумдорлигини 3 т/соат дан 4 т/соатгача кўтарилиши, мавжуд винт вали эгилиши тебранишлари амплитудаси $0,077 \cdot 10^{-3}\text{м}$ дан $0,179 \cdot 10^{-3}\text{м}$ гача ўсишига олиб келади. МРТУ38-5-1166-64 резинадан тайёрланган қайишқоқ таянчдан фойдаланганда, винт валининг эгилиш тебранишлари амплитудаси $0,071 \cdot 10^{-3}\text{м}$ га етади ва МРТУ4S-5-1166-64 маркали резинадан фойдаланилганда амплитуда $0,022 \cdot 10^{-3}\text{м}$ га етади. Эгилиш амплитудаси қийматини $A \leq (0,02 \div 0,03) \cdot 10^{-3}\text{м}$ дан ошмаслиги учун ПЛ118-11 резина маркасини винт валининг подшипникига қайишқоқ таянч сифатида ишлатиш тавсия этилади. Винт валининг тезлиги 65с^{-1} дан $76,4 \text{с}^{-1}$ гача ортса, эгилиш тебранишлари амплитудаси ҳам ортади ($(0,045 \div 0,052) \cdot 10^{-3}$) м. Шунинг учун тавсия этилган параметрларнинг қийматлари:[5].

$$\omega_4 = (74 \div 77)\text{с}^{-1}; A = (0,02 \div 0,03) \cdot 10^{-3}\text{м}, \quad C_n \geq (6,2 \div 6,6) \cdot 10^4\text{Н/м}.$$



1-расм. Винт валидаги буровчи моментнинг машина иш унумининг ўзгаришига боғлиқлигини ифодаловчи графиклар.




2-расм. Винт валининг эгилиш тебранишлари амплитудаси ўзгаришининг конвейер иш унуми ошишига боғлиқлик графиклари.

Подшипникларнинг қайишқоқ таянчлари бикрлигини ва ташиладиган материални технологик қаршилигини инobatга олиб, винт валининг вертикал тебраниши математик модели олиниб, винт валининг вертикал тебранишлари силжиши винт валининг айланиш тезлиги ўзгаришига ва винт валининг тебраниш амплитудаси ташилаётган материал зичлигига боғлиқ эканлиги аниқланди. Қайишқоқ элементли подшипник таянчининг бикрлик коэффициентини ошириш нафақат, винт валининг тебраниш амплитудаси ва тезлигининг камайишига, балки винт валининг тебраниш частотасини ортишига олиб келиши аниқланди. Бу ўз навбатида қайишқоқ элементли подшипник таянчининг статик деформация қийматини ҳам камайтиради. Қайишқоқ таянчлар айланма бикрлик коэффициентининг ўзгариши ҳисобига винт валининг вертикал силжиши ва тезлигининг тебранишлар амплитудасининг ўзгаришига олиб келади. Винт валининг эгилиши аналитик усулда ўрганилганда мавжуд конструкциядаги валнинг максимал эгилиши $(0,3 \div 0,5) \cdot 10^{-3}\text{м}$ бўлиши, тавсия қилинган қайишқоқ элементли таянч конструкциясида эгилиш $(0,03 \div 0,053) \cdot 10^{-3}\text{м}$ бўлиши яъни эгилиш 10 мартабагача камайишини кўрсатади [6,7].

Хулоса

Экспериментал боғлиқликлардан кўришиб турибдики, тебраниш интенсивлиги ротор тезлигига ва иш режимларига бевосита боғлиқ. Ўтказилган тажрибалар натижасида айланиш частоталари турли хил бўлганда подшипник таянчларида тебраниш амплитудасининг боғлиқликлари ўрнатилди. Винт валининг айланиш тезлиги диапазони 40 дан 1200 айл / мин гача оралиқда эканлигини ҳисобга олсак, вал учун ҳисобланган тебранишларнинг максимал кўзғалиш частотаси 42 Гц, минимуми эса 0.67 Гц га етди.



2-расм. Резина маркалари турли хил бўлганда валнинг тебраниш амплитудасининг кўриниши

Тажриба тадқиқотини ўтказишда ташувчи ва юкловчи машиналарининг тебраниш ҳолатини сезиларли даражада иш режимига боғлиқ эканлигини кўрсатувчи маълумотлар олинди.

Адабиётлар

- [1]. A. Djurayev, K. Yuldashev. “Dynamics of the Screw Conveyor for Transportation and Cleaning of Fiber Material” International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, No. 5, (2020), P. 8557 – 8566. ISSN: 2005 – 4238.
- [2]. A. Djurayev, T.M Kuliev. “Designing and methods of calculating parameters of a fibrous material cleaner from large litter” International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 8s, (2020), pp. 444 – 452
- [3]. A. Djurayev, Sh. S. Khudaykulov, N.N Juraev. Vertical Oscillations of the Working Body Installed On an Elastic Bearing Support. «International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology» (pp.56 – 59) 2019.10.12.
- [4]. Конвейеры. Справочник. Под общей редакцией. Ю.А.Пертена. Ленинград Машиностроение 1984.ст-354-355
- [5]. А.В.Кузьмин, Ф.Л.Марон Справочник По расчетам механизмов подъёмно транспортных машин. Минск. Высшая школа 1983.ст 219-221.
- [6]. Селиванов Ю.Т. К вопросу повышения эффективности работы барабанных смесителей сыпучих материалов / Ю.Т. Селиванов, В.Ф. Першин // Химическая промышленность. 2002. № 7. С. 52 –54.
- [7]. Селиванов Ю.Т. Некоторые аспекты классификации смесителей сыпучих материалов. / Ю.Т.Селиванов // Тез. докл. VIII науч. конф. ТГТУ. Тамбов, 2003. С. 136.

УДК 621-790

ПЛУГ ЛЕМЕХЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

К.З. Қосимов, М.Т. Мадазимов, Н.У. Қодиров, Р.Ш. Султонов

*Андижон машинасозлик институти
(Қабул қилинди 7.04.2021 й.)*

In The article presents the results of a study of increasing the resources of the working bodies of tillage machines.

Key words: *agricultural machinery, construction, ploughshare, resource, wear resistance, plowing, heat treatment, aggregate.*

В статье проведены результаты исследования повышения ресурсов рабочих органов почвообрабатывающих машин.

Ключевые слова: *сельскохозяйственные машины, конструкция, лемех, ресурс, износостойкость, вспашка, термическая обработка, агрегат*

Мақолада тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органлари ресурсини ошириш масалалари бўйича ўрганилган натижалар келтирилган.

Таянч сўзлар: *қишлоқ хўжалик машиналари, конструкция, лемех, ресурс, ейилишга чидамлик, шудгорлаш, термик ишлов бериш, агрегат.*

Кириш. Қишлоқ хўжалик машиналарини ейиладиган деталларининг, айниқса уларнинг кўп қисмини ташкил этадиган тупроққа ишлов берадиган иш органларнинг ресурсини ошириш ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Ушбу масала бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб келаётганлиги сабабли у кўплаб олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаш ва конструкторлик бюрolari ва бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг илмий-тадқиқот ишлари режаларига киритилган.

Тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органларининг конструкциясини такомиллаштириш ва ресурсини оширишга В.П.Горячкин, Г.Н.Синеоков, Е.П.Огрызков, М.М.Хрущов, М.М.Севернев, М.М.Тененбаум, А.Ш.Рабинович, В.Н.Ткачев, А.И.Селиванов, В.И.Казарцев ва қатор бошқалар, Республикамизда Г.М.Рудаков, Р.И.Байметов, А.Х.Хаджиев, В.А.Сергиенко, М.Муродов, А.Тухтакузиев, С.Н.Шамшетов, М.В.Вахобов, И.А.Аширбеков, К.К.Нуриев ва бошқа олимлар салмоқли илмий ва амалий ҳисса қўшганлар.

Улар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида иш органларнинг турли конструкциялари яратилган ва мавжудлари такомиллаштирилган, натижада тез ейиладиган иш органларнинг ишга яроқлилиги ва ресурси сезиларли даражада ортган. Аммо ушбу тадқиқотларнинг кўплари Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерлари учун мўлжалланмаган. Бугунги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарадиган корхоналар илмий асосланмаган материал ва конструкцияга эга бўлган иш органлар ишлаб чиқараётганлиги ушбу масалани янада мураккаблаштиради. Шунинг учун эксплуатация шароитини ҳисобга олган ҳолда иш органларнинг ресурси ва хизмат муддатини ортишини таъминлайдиган энг мақбул параметрлари ва материалларини асослашга, тупроқни кесадиган тиғига термик ишлов беришга ва ейилишга чидамлилигини оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Буларнинг натижасида иш органларнинг 42 фоизи ейилиш, 16 фоизи чарчаш, 12,5 фоизи эскириш, 10,5 фоизи ортиқча юкланиш таъсирида синиш сабабли ишдан чиқмоқда. Бу, масалан, Республикамизда йил давомида шудгорланадиган 3 миллион гектардан ортиқ майдонни ва унда қўлланиладиган лемехларнинг ресурси пастлигини ва массасининг бир неча килограмм келишини ҳисобга олсак йилига 250000 дондан ортиқ лемех, масса ҳисобида 1000 тоннадан ортиқ металл прокати (10 миллиард сўмдан ортиқ) сарфланишига олиб келмоқда. Шу ерда маълумот учун Россияда ишлаб чиқариладиган лемехларнинг йиллик ҳажми 25 миллион донани ташкил этишини ва унга 120 минг тоннадан ортиқ металл прокати сарфланишини мисол келтириш мумкин. Шунинг учун плугларнинг лемехлари катта миқдорда ишлаб чиқариладиган ва энг кўп ишлатиладиган иш органлардан бири ҳисобланиб тупроққа ишлов берадиган агрегатларнинг эксплуатацион-технологик кўрсаткичларини аниқлайдиган асосий ва муҳим омил ҳисобланади.

Масаланинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органларининг конструкциясини такомиллаштириш ва ресурсини ошириш бўйича тадқиқотлар В.П.Горячкин, Г.Н.Синеоков, Е.П.Огрызков, М.М.Хрущов, М.М.Севернев, М.М.Тененбаум, А.Ш.Рабинович, В.Н.Ткачев, А.И.Селиванов, В.И.Казарцев ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Ушбу йўналишда республикамизда Г.М.Рудаков, Р.И.Байметов, А.Х.Хаджиев, В.А.Сергиенко, М.Муродов, А.Тухтакузиев, С.Н.Шамшетов, М.В.Вахобов, К.К.Нуриев ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Улар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида иш органларнинг турли конструкциялари яратилган, мавжудлари эса такомиллаштирилган. Аммо, ушбу

тадқиқотларда плуг лемехларининг конструкциясини такомиллаштиришга эришилиб, лемехларнинг композицион материаллар билан пайвандлаб қайта тиклаш технологияси етарли даражада ўрганилмаган. Шу билан бирга уларда етарли даражада қаттиқликка ва ейилишга чидамликка эга бўлган истиқболли композицион материалларни пайвандлаб қоплаш ва термик ишлов бериш усулларини қўллаган ҳолда иш органларнинг ресурсини ортишини таъминлашга эътибор берилмаган.

Плуг лемехи ўтмасланиш даражасини унинг иш кўрсаткичларига таъсири. Бугунги кунда тупроққа асосий ишлов бериш усули бўлган шудгорлаш учун конструкцияси бундан 40-50 йил аввал ишлаб чиқилган иш органлар қўлланилади. Ўтган асрнинг 60-йилларида тупроқни шудгорлаш тезлиги 5 км/соат дан ортмаган бўлса, бугунги кунда у 8-10 км/соат гача ортиб кетди. Шу билан бирга ҳосил йиғиш машиналари массасининг сезиларли даражада ортиб кетганлигини ва ернинг зичланишини ҳисобга олганда ҳайдов агрегатларининг иш органларига тушадиган юкланиши 4 мартагача ортиб кетди. Аммо шу вақтгача иш органлари конструктив ва материалшунослик жиҳатидан ўзгармай келмоқда.

Иш вақтида плугнинг лемехлари, ағдаргичлари, дала тахталари, устунлари, чимқирқарлари, диски пичоқлари ҳамда гилдираклари ейилади.

Лемех плугнинг асосий ишчи қисмларидан биридир. Иш жараёнида плуг умумий қаршилигининг 50% қисми лемехларга тўғри келади. Шунинг учун лемехлар бошқа деталларга нисбатан тезроқ ейилади ва алмаштиришни талаб қилади. Лемех тиғининг ўтмасланиши, кесадагидан қиррасининг ейилиши плугнинг солиштирма қаршилигини анча оширади. Бу эса ёнилғи ва мойлаш материалларининг ортиқча сарфланишига, шудгорланадиган ерларни эса сифатсиз ҳайдалишига сабаб бўлади (1-жадвал).

Плугнинг солиштирма қаршилиги ва ёнилғи сарфи билан лемехнинг ўтмасланиш даражаси ўртасидаги боғланиш, фоиз ҳисобида

Лемех тиғининг қалинлиги, мм	Ҳайдаш чуқурлиги, %	Плугнинг солиштирма қаршилиги, %	Ёнилғи сарфи, %
1	100	100	100
2	93	110	104
3	84	120	110
4	74	133	117
5	62	153	125

Лемех тиғининг ўтмасланиши натижасида ерни ҳайдаш чуқурлиги камаяди. 1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, лемехнинг тиғи 5 мм қалинликда бўлганда ҳайдаш чуқурлиги белгиланган чуқурликнинг 62 фоизини ташкил қилади.

Агар белгиланган ҳайдаш чуқурлиги 30 см га тенг десак, тиғи 5 мм гача ўтмасланган

лемех 19 см дан чуқур шудгорлай олмайди. Бундан ташқари, плугнинг қаршилиги 53 фоизгача ошади. Бундай плуг билан ишлаш учун тракторнинг тортиш кучини ўткир тиғли лемехларга эга бўлган плуг билан ишлагандагига нисбатан анча ошириш кераклиги келиб чиқади. Тракторнинг илмоғидаги тортиш кучини ошириш учун паст тезликда ишлаш зарур бўлади. Маълумки, тракторнинг тортиш кучи ҳаракат тезлигига боғлиқ. Тракторнинг ҳаракат тезлиги қанча катта бўлса, тортиш кучи шунча кичик бўлади. Лемехларнинг ўтмасланганлиги сабабли ҳайдов агрегатининг ҳаракат тезлиги пасайтирилса ёнилғи ортиқча сарф бўлади. Демак, лемех тиғларининг ҳолати плугларнинг иш кўрсаткичларига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун лемехларнинг ейилишга чидамлигини ошириш ва унинг тиғини ўткирланишини иш давомида

таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Лемех тупроқда ишқаланиши натижасида ейилади, унинг массаси 25-30 фоизгача камаяди, ўлчамлари ўзгаради. Лемех энининг завод намунасига яъни янгисига нисбатан 30 мм га камайиши ейилишнинг чегараси деб ҳисобланади, чунки, унинг маҳкамлаш бирикмаси ерга тирианиб қолади. Шунинг учун эни бўйича бунча ейилган лемех яроқсизга чиқарилиши лозим.

Хулосалар:

1. Республикада плуг лемехларнинг конструкцияси ва уларни ишлаб чиқариш ва қайта тиклаш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ресурсини ошириш бўйича етарли даражада илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган.

2. Тупроққа ишлов берадиган машиналарнинг иш органлари абразив муҳитда ишлагани сабабли уларнинг шакли ва ўлчамлари тез ўзгариб боради. Замоновий хайдов агрегатлари иш тезлигининг 2 баравар ошиши иш органларига тушадиган юкланишни 4 мартагача ортиб кетишига олиб келган, лекин плугнинг иш органлари конструктив ва материалшунослик жиҳатидан ўзгармай келмоқда. Аниқландики лемехнинг тиғи 5 мм қалинликда бўлганда ҳайдаш чуқурлиги белгиланган чуқурликнинг 62 фоизини ташкил қилади, плугнинг қаршилиги 53 фоизгача ошади. Шунинг учун лемехларнинг ейилишга чидамлилигини ошириш ва унинг тиғини ўткирланишини иш давомида таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

3. Тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органларининг у ресурсини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқишда уларни ишлатишда содир бўладиган ейилиш механизми, тупроқнинг физик-механик ва технологик хоссалари улар иш органларининг геометрик шакли ва бошқа параметрлари муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

- [1]. Нуриев К.К. “Рекомендации по повышению ресурса лемехов и долот двухъярусных плугов.”Ташкент, Издательство “Фан” 2008.
- [2]. Булкин В.В. Қишлоқ хўжалиги машиналари ремонт. – Тошкент: Ўқитувчи.
- [3]. Нуриев К.К. Повышение эксплуатационно-технологических показателей почвообрабатывающих машин хлопководческого комплекса.: Дисс. ... док. тех. наук. – Янгиюль, 2005.
- [4]. Қосимов К.К., Мадазимов М.Т., Қодиров Н.У. Омоч лемехларини ишлаб чиқариш синовлари натижалари // Замоновий илм-фаннинг Инновацион ривожланиши: Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2019. – Б.
- [5]. Қосимов К.З., Муйдинов А.Ш., Мадазимов М.Т., Хошимов Х.Х. Перспективы восстановления изношенных деталей машин наплавкой композиционных порошковых материалов // БГАУ научный журнал “ВЕСТНИК”. – № 3 (43). – Башкортостан, 2017.
- [6]. Фархшатов М.Н., Қосимов К.З., Мадазимов М.Т., Муйдинов А.Ш. Ерларни шудгорлашда қўлланилаётган плуг лемехларининг абразив ейилишга синаш натижалари // Замоновий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва энерго-ресурс тежамкорлигини ошириш муаммолари: Халқаро илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. – 4-шўба. – АндМИ, Андижон, 2018.
- [7]. Нуриев К.К., Улуғов Ғ., Мадазимов М.Т., Муйдинов А.Ш. Ерларни шудгорлашда қўлланилаётган лемехларининг таркиби ва қаттиқлигини аниқлаш натижалари // Замоновий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва энерго-ресурс тежамкорлигини ошириш муаммолари: Халқаро илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. – 4-шўба. – АндМИ, Андижон, 2018.
- [8]. Нуриев К.К., Мадазимов М.Т., Тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органлари тиғининг ейилиш динамикасини аналитик тадқиқ этиш натижалари // Илм фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожлантиришдаги замоновий муаммолар: Халқаро илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. – 1-том. – АндМИ, Андижон, 2020.
- [9]. Нуриев К.К. Повышение эксплуатационно-технологических показателей почвообрабатывающих машин хлопководческого комплекса.: Дисс. ... док. тех. наук. – Янгиюль.
- [10]. Тененбаум М.М. Сопротивление абразивному изнашиванию. – М.: «Машиностроение», 1976. – 271 с.

AVTOMOBIL PO'LAT DISKLARINI TAYORLASHDA
FOYDALANILADIGAN MATERIALLAR TAHLILI

K.Z. Qosimov, O.S. Obidov

Andijon mashinasozlik instituti.
(Qabul qilindi 19.04.2021 y.)

The article provides an analysis of materials for the manufacture of automobile disks and the results of mechanical tests of these materials. Based on the results of the analysis and testing, conclusions are drawn on the influence of materials on the appearance of defects in the manufacture of automobile disks.

Keywords: wheel, disk, rim, material, defect, welding.

В статье приводится анализ материалов для изготовления автомобильных дисков и результаты механических испытаний этих материалов. По результатам анализа и испытаний даны выводы по влиянию материалов на появления дефектов при изготовлении автомобильных дисков.

Ключевые слова: колесо, диск, обод, материал, дефект, сварка.

Ushbu maqolada yengil avtomobil disklarini tayorlashda foydalaniladigan materiallar tahlili va ular ustida o'tkazilgan mexanik sinov natijalari keltirilgan. Tahlillar va sinov natijalari asosida avtomobil disklarini tayorlashda yuzaga keladigan nuqsonlarga tanlangan materiallarning ta'siri haqida xulosa berilgan.

Kalit so'zlar: g'ildirak, disk, oboda, material, nuqson, payvandlash.

Ma'lumki avtomobil va g'ildirak - bu ajralmas tushunchalardan biridir. G'ildirakning asosini disklar tashkil qiladi. G'ildirak diskleri bugungi kunga qadar ulkan evolyutsion yo'lni bosib o'tgan yuqori texnologiyali qurilma hisoblanadi. Zamonaviy disklar yuqori mustahkamlikka ega, ishonchli va engil bo'lishi kerak. Biroq, bugungi kunga qadar barcha talablarga javob beradigan ideal disk yaratilgan emas. Shuning uchun ishlab chiqaruvchilar doimiy ravishda nafaavtomobil diskleri uchun yangi materiallar yaratish, ishonchligini oshirish, vaznini engillatish, tayyorlash texnologiyasini takomillashtirish ustida izlanishlar olib bormoqdalar.



1-rasm. Engil avtomobil g'ildiraklarining asosiy turlari. a) shtamplab tayyorlangan po'lat g'ildiraklar; b) quyma g'ildiraklar; c) xajmiy shtamplab tayyorlangan g'ildiraklar.

Ma'lumki yengil avtomobil diskleri ko'p xollarda ajralmaydigan qilib tayyorlanadi va ular bir-biridan konstruksiyasi, foydalaniladigan shina o'lchamlari, tayyorlangan materiali hamda ishlab chiqarish texnologiyasi bilan farq qiladi. Yengil avtomobil g'ildiraklari tayyorlanish texnologiyasi bo'yicha uch turga bo'linadi: shtamplab tayyorlangan po'lat g'ildiraklar, quyma g'ildiraklar va xajmiy shtamplab tayyorlangan g'ildiraklar (1-rasm).

Shtamplab tayyorlangan po'lat g'ildiraklar eng keng tarqalgan bo'lib, dunyo miqyosida ishlab chiqarilishi bo'yicha yetakchi hisoblanadi. Oxirgi yillarda kam uglerodli kam legirlangan yuqori mustahkamlikka ega po'lat listdan shtamplab tayyorlangan g'ildiraklarning vazni yengil qotishmali quyma g'ildiraklarga yaqinlashib bormoqda. Ammo bugungi kunda ishlab chiqarish

korxonalarida g'ildirak disklerini tayyorlashda ishga yaroqsiz diskning miqdori belgilangan 5% li meyardan ortiqni tashkil etmoqda. Masalan, "Uz Avto AUSTEM" qo'shma korxonasida ishlab chiqarilayotgan yengil avtomobil disk obodalarini payvandlash liniyasida nuqsonlar 10 dan 13 % gachani tashkil etmoqda (2-rasm). Bu esa ortiqcha material sarfiga, mahsulot tannarxining ortib ketishiga, iqtisodiy samaradorlikning pasayib ketishiga sabab bo'layotganligi uni korxonada oldidagi dolzarb muammolardan biri ekanligini ko'rsatmoqda [1].




2-rasm. Po'lat g'ildirak ishlab chiqarish liniyasidagi yaroqsiz mahsulotlar.

Muammoni kelib chiqish sabablarini aniqlash maqsadida mualliflar tomonidan "Uz Avto AUSTEM" qo'shma korxonasida po'lat diskni tayyorlashda qo'llanilayotgan materiallarning turlari o'rganildi va ulardan namunalar qirqib, ularni payvandlab mexanik sinovdan o'tkazildi.

Hozirgi kunda "Uz Avto AUSTEM" qo'shma korxonasida "GSVEM", "J 200", "M-300", "T 250" avtomobil modellari uchun jami 7 ta turdagi disklar ishlab chiqariladi va buning uchun "ST-HR 420", "SPFH590", "SAPH440" kabi markali po'lat listlardan foydalaniladi.


Ushbu markadagi po'lat listlarning kimyoviy tarkibi quyidagi 3-rasmida keltirilgan.



3-rasm. SAPH440 markali po'lat listning kimyoviy tarkibi.

Payvand choklarni laboratoriya sharoitida mexanik sinovdan o'tkazish natijalari. Ma'lumki disk obodalarini tayyorlash uchun po'lat listlardan belgilangan o'lchamlarda tasmalar qirqib olinadi, so'ngra ular bukuvchi mashinada xalqasimon shaklga keltiriladi va uchlari uchmauch kontaktab payvandlanadi.

T250 14 x 5.5j modeli uchun mo'ljallangan **SAPH440** markali po'lat listdan sinov uchun namunalar qirqib olinib uchma-uch kontaktab payvandlandi (4-rasm). Bunda payvandlash rejimi T250 14 x 5.5j modeli uchun belgilangan norma muvofiq tanlandi.




4-rasm. Sinovdan o'tkazilgan namunalar.
a) payvandlashdan so'ng; b) mexanik sinovdan so'ng

Payvandlab tayyorlangan namunalarni cho'zilishga sinovdan o'tkazildi.(5-rasmlar) Ularning natijalari quyida keltirilgan:


3-jadval

Namunaning sinov natijalari.

№	Mustaxkamlik chegarasi (N/mm ²)	Oquvchanlik chegarasi (N/mm ²)
1	584.15	505.61
2	577.45	511.72



5-rasm. Sinovdan o'tkazilgan.



6-rasm. Namunalarning cho'zilish diagrammasi.
namunalar.

Xulosa va takliflar.

Labaratoriya sharoitida o'tkazilgan mexanik sinov natijalari shuni ko'rsatdiki, sinovdan o'tkazilgan namunalarning kimyoviy, mexanik xossalari belgilangan talablarga mos keladi. Misol uchun T250 14 x 5.5j modeli uchun g'ildirak obodasini tayyorlashda foydalanilayotgan **SAPH440** markali po'lat listning qalinligi 2.3 mm bo'lganda mustaxkamlik chegarasi min 440 MPa ni, oquvchanlik chegarasi min 305 MPa ni tashkil qilishi belgilab qo'yilgan holda, amalda bu ko'rsatkichlar min 577 va 506 MPa ga tengligi aniqlandi.

Po'lat disk obodalarini ishlab chiqarishda ushbu markadagi po'lat listlardan foydalanish mumkinligi va nuqsonlarning hosil bo'lishiga ta'sir etmasligi aniqlandi.

Bundan xulasa qilish mumkinki, diskarni tayyorlashda yuzaga kelayotgan me'yordan ortiq nuqsonlar paydo bo'lishiga ishlab chiqarish texnologiyasidagi rejim va me'yorlarning to'g'ri belgilanmaganligi sabab bo'lmoqda.

Adabiyotlar

- [1]. Obidov O. S., Isaboyev T. Avtomobil diskarni uchma-uch kontaktli payvandlab tayyorlash bosqichlari. NamTI. Maxsus son, 5-tom 2020.
- [2]. Abzalov M.A., Dunyashin N.S. Kontaktli payvandlash texnologiyasi va jixozlari o'quv qo'llanma, Toshkent. Turon-iqbol 2006, -,208 bet
- [3]. Орлов Б.Ю., Чакалов А.А., Дмитриев Ю.В. Технология оборудование контактной сварки. М.: Машиностроение, 1986. – 352с.
- [4]. Kerstens N.F. Investigation and control of factors influencing resistance upset butt welding. Master's thesis. Mekelweg 2, 2628 CD Delft, The Netherlands. 2009.

УДК 631.3

ЕР ЁНҒОҚ ҲОСИЛИНИ ЙИГИШТИРИШ МАШИНАСИНИНГ
МУАММОЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Р. Рустамов, Ф. Нишонов, Б. Хожиев

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 29.03.2021 й.)

The article considers the technological process of the peanut harvesting machine and compares the existing technology in the Republic, a comparative analysis revealed the effectiveness of the proposed technology over the existing one.

Keywords: *peanuts, crop, machine, ploughshare, technology, aggregate, transmission, flail, ventilator, elevator, separator, aggregate for harvesting acharis.*

В статье рассмотрен технологический процесс арахисоуборочной машины и сопоставлен существующей технологией в Республике, сравнительным анализом выявлена эффективность предлагаемой технологии перед существующим.

Ключевые слова: *арахис, урожай, машина, лемех, технология, агрегат, передача, цеп, винтилятор, элеватор, сепаратор, агрегат для уборки ахариса.*

Ушбу мақолада Ер ёнғоқ ҳосилини йиғиштириш машинасининг технологик жараёни кўриб чиқилган ва Республикадаги Ер ёнғоқ ҳосилини йиғиштириш технологияси билан солиштирилган, қиёсий таҳлил тақлиф этилаётган технологиянинг минтақамизни иқлим шароитида катта самара бериши аниқланган.

Таянч сўзлар: *ер ёнғоқ, ҳосил, машина, лемех, технология, агрегат, узатма, занжир, венделятор, элеватор, сепаратор, Ер ёнғоқ йиғиштириш қурилмаси.*


Республикада қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, экиладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, рақобатбардош маҳсулотларни етиштириш каби долзарб масалаларни амалга ошириш орқали эришилади. Мустақилликка эришилгач, бошқа соҳалар сингари қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикада ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳисобланган мойли ўсимликларни етиштиришга катта эътибор қаратилиб, жумладан, кунгабоқар, Ер ёнғоқ, кунжут, соя ва махсар каби экинларни етиштиришни кўпайтириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Республикада бўйича йилига 2 000 гектардан ортиқ майдонда Ер ёнғоқ етиштирилади.

Ер ёнғоқ уруғлари таркибида 20-36% оксил ва 40-57% қуримайдиған мой мавжуд. Унинг мойи озиқ-овқат саноатида консервалар ва упа-эликлар ҳамда ифатли маргаринлар ва турли ширинликлар тайёрлашда фойдаланилади. Ер ёнғоқ уруғининг мағзидан ҳолва, конфет, торт ва бошқа қандолатлар тайёрланади, бундан ташқари қовуриб истеъмол қилинади. Меваси дуккак, дуккаклари 1-2 уруғли, 2-3 уруғли ва 4-7 уруғли бўлади. 1000 дона

дуккагининг оғирлиги 500 г дан 1900 г гача. 1000 донна уруғининг массаси 200 г дан 1200 г гача бўлади. Ер ёнғоқ ўстирилган ерда унинг илдизидаги туғунак бактериялари ёрдамида 1 мавсумда 50 кг соф азот тўпланади.

Мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш тизими мамлакат аграр секторининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи билан таъминлаб, ёғ-мой саноат комплекси мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, чорвачиликнинг озиқ-овқат базасини мустаҳкамлаш орқали сезиларли улуш қўшади. Сўнгги йилларда мойли экинларни етиштириш ва ёғ-мой саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. [1].

1-расмда ер ёнғоқни йиғиштириб олиш технологик жараёни схемаси тасвирланган.



1-расм. Ер ёнғоқни йиғиштириб олиш технологик жараёни схемаси.


Ер ёнғоқни етиштириш агротехникаси Россиядаги иттифоқ ўсимликлар тадқиқот (ВНИИМК)да йиллари изланишлар борилган. Шундан бери Ер ёнғоқни етиштириш, ораликларига

бўйича Бутун-мойли илмий-институти 1930 илмий олиб экиш, қатор ишлов

бериш ва йиғиштириб олиш технологик жараёнлари такомиллаштириб келинмоқда. Америка Қўшма Штатларида катта майдонларда Ер ёнғоқ етиштирилиб, уни етиштиришга кетган меҳнат сарфи ва бошқа ҳаражатлар ўсимлиги орқали қопланади ва қолган уруғи соф фойдадир.

Ҳозирги кунда Республикамизда Ер ёнғоқни ковлаб олишда асосан КВ-3,6А русумли ғўзапояларни юлғич-уюмлагич машинаси билан фойдаланилмоқда. 2-расмда КВ-3,6А ғўзапояларни юлғич-уюмлагичи ёрдамида Ер ёнғоқни ковлаб олишдаги мавжуд технологияси тасвирланган.

КВ-3,6А ғўзапояларни юлғич-уюмлагичи ёрдамида Ер ёнғоқни ковлаб олиш технологияси қуйидагича: ковловчи панжалар тупроқ остида 12-15 см чуқурликда Ер ёнғоқнинг илдиз қисмига қадалиб, кесмасдан ўзи билан судрай бошлайди. Ер ёнғоқ илдизини кесмасдан судралиши натижада навбатдаги Ер ёнғоқ илдизлари ковловчи панжага тикилиб қолиш жараёни содир бўлади. Буни бартараф этиш мақсадида тўхтаб ковловчи панжаларни тозалашга тўғри келади [2].




1-расм. КВ-3,6А ғўзапояларни юлғич-уюмлагич ковловчи панжаси билан Ер ёнғоқнинг илдиз қисмини ковлаб олиниши схемаси. $V_{пан}$ - ковловчи панжа қамраш кенлиги; h_n - ковлаш чуқурлиги.

Ер ёнғоқни бошқа экинлар (масалан, пахта) билан алмашлаб экиш ҳам самаралидир. Чунки, унинг ҳосили ер остида ривожланиб етилгани учун ерга ишлов беришда ва минерал ўғитлар билан бойитишда муҳим манба ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг барча туманларида иқлим шароити, ер рельефи Ер ёнғоқ етиштириш учун қулайдир. Айрим ерлада ҳосилдорлик 27-30 ц/га ни ташкил этади.

Лекин, ҳозирги кунгача деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган Ер ёнғоқ асосан қўл меҳнати билан йиғиштириб олинади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунгача деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган Ер ёнғоқни ковлаб олиш ва илдизларидан дуккакларини ажратиш технологик

жараёни механизациялаштирилмаган. Ковлаш жараёнини энгиллаштириш учун жойларда махсус тайёрланган корчевателлардан фойдаланилмоқда. Айниқса, Ер ёнғоқ кавлаб олингандан кейинги жараён, яъни илдизларидан дуккакларини ажратиш, 100 фоиз қўл меҳнати ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, Ер ёнғоқни етиштиришда амалга ошириладиган технолгик жараёнлар пахтачиликда қўлланиладиган машина ва қурилмалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Шунинг учун Ер ёнғоқни етиштиришда энг сермеҳнат бўлган жараён – йиғштириб олиш жараёни ҳисобланиб, уни механизациялаш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.



2 – расм Ер ёнғоқ ҳосилини йиғштириш жараёнининг принципаал схемаси.

Ҳозирги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган Ер ёнғоқни йиғштириб олиш учун тузилиши жиҳатдан содда, энергия ва ресурстежамкор ҳамда бир ўтишда Ер ёнғоқни ковлаб, илдизидан дуккакларини ажратадиган қурилмага талаб пайдо бўлди. Бунга сабаб, амалда мавжуд бўлган Ер ёнғоқни йиғштириш технологиясига асосан, Ер ёнғоқ илдизи ковлаб олиниб, дуккаклари очик ҳавода 2-3 кун қурилади, кейин Ер ёнғоқ дуккаклари илдизидан қўл меҳнати ёрдамида ажратиб олинади ва қопларга жойланиб, сақлаш учун омборга жўнатилади [3].

Таклиф қилинаётган машина инсон қўл меҳнат исиз Ер ёнғоқни ердан ковлаб олиб, илдизидан дуккакларини ажратиб, дуккакларни очик ҳавода 2-3 кун меваларни қуримай бир ўтиш жараён амалга оширилади. Такмиллаштирилаётган Ер ёнғоқни йиғштириш машинасининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш учун энг аввало унинг нархи, ишунумдорлиги ва айрим техник ҳамда меъёрий кўрсаткичлари керак бўлади. Такмиллаштирилаётган Ер ёнғоқни йиғштириш машинасининг ишлаб чиқаришда ишлаётган, яъни таққосланаётган Ер ёнғоқни йиғштириш машинасининг таннархига нисбатан аниқланади. (2-расм).

Бир ўтишда Ер ёнғоқни ковлаб олиб, илдизларидан дуккакларини ажратадиган машинани иш органларининг параметрларини назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориб асослаш, Ер ёнғоқни кавлаб олиш ва илдизларидан дуккакларини ажратиш учун агротехник талабларни ишлаб чиқиш.

Ҳосили муддатидан олдин йиғиб олинганда ҳосилдорлик ва уруғ таркибидаги ёғ ҳамда оксил моддалари пасаяди. Кечиктириб йиғилганда эса гинофор мўрт бўлиб қолиши оқибатида ҳосилнинг бир қисми тупроқ остида қолиб кетади ва ҳосилни катта қисми йўқотилади. Шу сабабдан Ер ёнғоқ ҳосилини иссиқ ва қуруқ кунларда йиғиб олиш тавсия этилади. Бу вақт сентябрнинг охири октябрнинг бошларига тўғри келади. Ҳосил пишиб етилганда ўсимлик барглари сарғаяди. Уруғлари етилганда ёнғоқ қобиғи тўрланади. Қобикнинг ички томони қораяди. Ҳосилни пишиб етилганига тўла ишонч ҳосил қилиш учун даладан диагонал бўйлаб, юрилиб бир нечта ўсимлик ковлаб олинади ва етилган ёнғоқларнинг фоиз миқдори аниқланади. Ёнғоқларнинг 70-75 % етилганда ҳосилни йиғиб олишга киришилади ва ҳосилдорлик 10-15 фоизга кўпайиб, етиштирилган маҳсулот таннархини пасайишига олиб келади [4].

Адабиётлар

- [1]. Қўйчиев О.Р. Ер ёнғоқ ковлагичнинг технологик иш жараёнини тадқиқ этиш ва параметрларини асослаш. Техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2011. – 21 б.
- [2]. А.Насритдинов, Х.Киргизов. Агрегат для полосной обработки почвы. «Современные научные исследования и инновации» Москва. 2015 – С. 86-92
- [3]. Нишонов, Ф. А., Мелибоев, М., Кидиров, А. Р., Акбаров, А. Н. Буксование ведущих колес пропашных трехколёсных тракторов //Научное знание современности. – 2018. – №. 4. – С. 98-100.
- [4]. Мелибаев М., Нишонов Ф. А. Определение площади контакта шины с почвой в зависимости от сцепной нагрузки и размера шин и внутреннего давления //Научное знание современности. – 2017. – №. 3. – С. 227-234.

G.I. Mamaev

Jizzakh Polytechnic Institute E-mail: gulom_m1984@mail.ru

(Received June 22.2021 y.)

This article discusses the impact of cars parked on city streets on speed, the likelihood of impact on traffic accidents, and road safety in general. In addition, the state of parking of foreign and domestic cars on the streets was analyzed.

Keywords: *speed, throughput, stop along the carriageway, traffic accident, commodity flow, motorization.*

В этой статье обсуждается влияние автомобилей, припаркованных на городских улицах, на скорость, вероятность столкновения с дорожно-транспортными происшествиями и безопасность дорожного движения в целом. Кроме того, было проанализировано состояние стоянки иномарок и отечественных автомобилей на улицах.

Ключевые слова: *скорость, проходимость, остановка на проезжей части, ДТП, скорость потока нагрузки, автомобилизация.*

Ушбу мақолада шаҳар кўчаларидаги кўча бўйлаб тўхтаб турган транспорт воситаларининг ҳаракатлини тезлигига таъсири, йўл-транспорт ҳодисаларининг юзага келиши эҳтимоллиги умуман ҳаракатлини хавфсизлигига таъсири атрофлича ўрганилган. Бундан ташқари чет эл ҳамда мамлакатимиздаги транспорт воситаларининг кўча бўйлаб тўхтаб туриши ҳолати таҳлил қилинган.

Таняич сўзлар: *тезлик, йўлнинг ўтказиши қобилияти, қатнов қисми бўйлаб тўхтаб туриши, йўл-транспорт ҳодисаси, юк оқими тезлиги, автомобиллаштириши.*

Introduction.

We all know that in today's rapidly changing world, speed is one of the most important qualities. Of course, this quality is a very important indicator that applies to all sectors of society, including transport. That is, the speed of the flow of passengers, the speed of the flow of cargo, the capacity of the road, the occurrence of traffic jams on the roads and many similar indicators largely depend on the speed of vehicles moving on the streets. Of course, many factors affect the normality of these cases. One of these factors is the parking of cars along this street[1]. This factor is one of the fastest growing problems in the world and in our country. Today, the number of vehicles in the country, including in the capital Tashkent, is growing rapidly. In 2012, the number of cars owned by individuals per 1,000 people in Uzbekistan was 59 [2], and by 2020 it will be 76 [3]. Of these, 162 cars in Tashkent. By 2025, it is planned to have 237 people per 1,000 people in Uzbekistan [4]. This, in turn, leads to an increase in demand for temporary parking spaces on city streets. Today we are witnessing an increase in demand for parking lots of these vehicles in all regional centers of the country and in the capital Tashkent. The speed of movement of vehicles is largely influenced by the presence of parking lots on the roadway[5].

Methods.

When I analyzed 18 central streets in Tashkent, up to 284 parking spaces were identified on these streets. As a result of these studies, it can be seen that 16.2% of the 18 street parking lots studied were parked at an angle of 45⁰-60⁰, while 83.8% were parked at an angle of 0⁰, ie parallel to the carriageway (Table 1) [6].

In addition, when we studied the duration of parking on these streets, observations on the central streets of Tashkent in 2008 showed that 60% of one lane of the carriageway is occupied by vehicles parked for 4-6 hours a day [7]. Observations in 2019 show that the duration of stopping along the carriageway during the day was 10-12 hours[8].

Table 1

Information on street parking the central streets of Tashkent

	Name of street		Number of parking spaces along the street, pcs	Parking location, pcs			Number of intersections and connections, pcs	Number of tracks
				45°-60°	90°	0°		
1	Kichik halqa yoli	Right	32	7		25	91	4
		Left	42	9		33	102	4
2	Nukus	Right	1			1	13	4
		Left	3			3	10	4
3	Muqumiy	Right	9			9	22	4
		Left	12			12	19	4
4	Nurafshon	Right	4			4	31	4
		Left	4			4	31	4
5	Qoratosh	Right	8			8	13	4
		Left	10			10	9	4
6	Farxod	Right	5	3		2	7	4
		Left	3	2		1	6	4

7	Lutfiy	Right	3			3	17	5
		Left	8	1		7	10	5
8	Chopon ota	Right	6	3		3	12	3
		Left	5	1		4	13	3
9	Shota Rustaveli	Right	13	8		5	18	5
		Left	19	1		18	27	5
10	Taras Shevchenko	Right	4	1		3	7	3
		Left	5	1		4	9	3
11	Mirobod	Right	4			4	6	4
		Left	3			3	10	4
12	Usta Shirin	Right	5	1		4	12	2
		Left	3			3	9	2
13	Sagbon	Right	3			3	25	3
		Left	6			6	26	3
14	A.Navoiy	Right	4			4	15	5
		Left	3	2		1	13	5
15	Shaxrisabz	Right	4			4	11	5
		Left	2			2	11	5
16	Amir Temur	Right	20	2		18	39	5
		Left	13	2		11	25	5
17	Mirzo Ulugbek shox kochasi	Right	6			6	33	5
		Left	8			8	32	5
18	Bunyodkor	Right	2	1		1	35	4
		Left	2	1		1	32	4
Total			284	46		238		

Results.

We obtained the following results by immitation the effect of parking spaces across the street on traffic speed in the PTV Vissim program.

Using this program, we analyzed the change in traffic speed in the parking areas along the street, the time lost here, the amount of exhaust gases generated and the amount of excess fuel consumed.


Studies have shown that when the length of parking on two-lane roads is 150 m and the volume of traffic exceeds 1,500 cars / hour, the speed of traffic decreases by 62%.

If the traffic lane is three, when the length of the parking lot is 150 m and the amount of traffic exceeds 3000 cars / hour, the speed of traffic will be reduced to 52%


The analysis obtained shows that when we analyze the lost time in the parking area on two-lane roads, we can clearly see the time loss when the traffic volume exceeds 1500 auto / h.

Discussions.

Today, there is a decrease in traffic congestion and road capacity on the central streets of cities of the country. Of course, many factors contribute to this, one of which is the fact that vehicles stop on the central streets of the city along the carriageway. For example, if we observe a number of main streets of the capital Tashkent, we come across many such cases, which can be observed in the streets of regional centers [10].



Picture 1. Effect of 150 m parallel parking on two-lane roads on traffic flow velocity.



Picture 2. Effect of 150 m parallel parking on three-lane roads on traffic flow velocity.


By occupying one or two lanes on the carriageway, they have a significant impact on traffic safety by reducing the number of lanes (Picture 2). A vehicle parked along the carriageway is always a source of conflict situations, the occurrence of which is due to several reasons [11]:

- forced change in the trajectory of bypass vehicles;
- deterioration in visibility;
- interfering with the general movement of maneuvering vehicles when parking and leaving it;
- narrowing of the carriageway in the parking area.

To ensure traffic safety, it is necessary to take a scientific approach to it, to analyze all its multifaceted processes [12].

Of course, in a number of developed countries, significant work has been done on the organization of parking along the streets and traffic safety. Looking at the work done in the near future today, the proposed number of parking spaces in Amsterdam, the Netherlands, is 211457: 86% are street parking lots and 14% are separate parking lots. In other words, the Netherlands has a method of placing vehicles perpendicular to the carriageway, which serves to increase traffic safety by reducing the speed of traffic on this street [13]. This method is useful on non-busy streets. There is also a parking lot called "Green Zone". These parking lots provide free service to drivers but the parking time here is designed for a very short period of time and is under constant surveillance and if you stay longer than the allotted time you will definitely be fined. There are also long-term

parking lots in the city called “Park and ride”. This parking lot is mainly designed for drivers who do not want to enter the city by private transport, which means that you can leave your car and travel to the city by bus, bicycle or other public transport. These parking lots also have their own various services. That is, for organizations that have 10 or more cars, the service is provided on a contract basis, that is, separate places are allocated for cars of the organization to which this contract is made. Of course, the payment system for these parking lots is also convenient, ie you can pay through a special application on the phone and on the Internet or through the parking meters in the same place [13]. Of course, the correct organization of parking is also beneficial for the safe movement of vehicles. As far as we know, the damage of a single vehicle causes a huge amount of material and moral damage to people.



Picture 3. Loss of time in the parking area on two-lane roads.

Conclusion.

In conclusion, it can be said from the above analysis that parking lots along the street have a significant impact on traffic safety, but this problem can be solved by the correct organization of parking lots. Of course, scientific research is required in this regard. To date, a number of scientists in our country have conducted their own research in this area, but this research is not enough. In our country, as mentioned above, it is possible to use methods used abroad, but these methods must be scientifically based for use in our country.

References

Селлар хавфи бўйича, айниқса, Қамчиқ довонидан ўтган узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрэн-Поп темир йўл линияси ва тоғли ҳудудда қурилган биринчи темир йўл-Тошгузар–Бойсун–Қумкўрғон янги темир йўл линияси (1 расмда 2 рақами) селлар частотаси юқори бўлган ҳудудлар сирасига киради. Ушбу йўл 1800 м баландликдаги тоғ тизмаларини кесиб ўтади (1-расм 2 -рақам) [2]. Темир йўлларни ушбу ҳудудларида тармоқнинг ўта муҳим ҳамда ноёб инфраструктура объектлари жойлашган. Масалан, Қамчиқ давонида узунлиги 19,2 километрлик туннель, 285 та сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача баландлиги 25 метрлик 15 та темир йўл кўприги ва 6 та йўл ўтказгич, 4 станция, 4 разъезд ва 2 вокзал, 2 та электр тоқини кучайтириб берувчи станция ва бошқалар, яъни қурилиши катта маблағ ва вақт талаб қиладиган темир йўл объектлари жойлашган. Тошгузар–Бойсун–Қумкўрғон темир йўл линиясида қарийиб 35 тагача нишаблиги 10-18,5 % ли темир йўл излари, 37 та кўприк, 2 та галарея ва туннеллар мавжуд. Кўприклар Хисор тоғ тизимининг тузилмалари билан ажратиб турадиган ва рельефи юқори, Оқробот довони яқинидаги Чашмаиҳафизан, Оқробот, Шўроб, Шеробод дарёлари, водийлари ёни бўйлаб ўрнатилган. Шунинг учун, ушбу 1,2-ҳудудлар (1 расмда 2рақами), сел оқимлари эҳтимоли юқори бўлган тоғ ва тоғолди ҳудудлар бўлиб, улар орқали ўтадиган темир йўллар ва темир йўл ифраструктураси объектлари учун, селлар билан боғлиқ рисклар майдони ҳисобланади. Сўнги 3-4 йиллар орасида айнан ушбу ҳудудларда сел оқимлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлиши кузатилди. Масалан, 2018 йилда содир бўлган Қамчиқ давонининг Ангрэн кўмир каръери қисмидаги темир йўлда содир бўлган

кўчки оқибатида юк поездининг бир неча вагонларини кулаши, ҳамда Тошгузар–Бойсун–Қумқурғон темир йўл линиясининг баъзи қисмини сел оқими таъсирида чўкиши сабабли йўловчи поезди билан юз берган фавқулодда вазиятлар ушбу ҳудудлар орқали ўтган темир йўлларда селлар билан боғлиқ рисклар эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатади [2].

Маълумки, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни келтириб чиқарувчи рисклар инсониятга турли кўламдаги офатларни олиб келади. Офатлар хавфини Ўзбекистонда камайтириш бўйича «2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури» мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш стратегияси қабул қилинди ва 2019-2030 йиллар даврида амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун илғор технологиялар ва муҳандислик-техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва уларни прогнозлаштириш тизимларини яратиш ва ривожлантириш стратегиянинг асосий вазифалари ҳисобланади [3].

Мазкур вазифалар бевосита темир йўл транспортига ва темир йўллар инфраструктурасига ҳам тегишли бўлиб, транспорт тизимидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, оқибатини юмшатиш бўйича илғор технологиялар ва муҳандислик-техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, фавқулодда вазиятлар мониторингини олиб бориш ва уларни прогнозлаш тизимларини яратиш ва ривожлантириш ўта муҳим ва долзарб муаммолар ҳисобланади. Шунинг учун миллий ҳаракатлар режасида транспорт тизимида техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфи мавжудлиги эътироф этилган 2- расм [3].



2-расм. Поездлар ҳаракати вақтида кучли сел келиши ёки кўчки бўлиши натижасида авриялар юз бериши мумкин бўлган жойлар.

Ривожланган хорижий давлатлар ва мамлакатимизда олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижалари таҳлиliga кўра, халқаро ташкилотларнинг, аввалом бор ЮНДРО ва ЮНЕСКОнинг саъй-ҳаракатлари туфайли, бугунги кунда, ҳар қандай тусга эга табиий офатлар: зилзилалар, тўфонлар, сув тошқинлари, вулкон отилиши ва бошқалар билан курашишни ҳамда салбий оқибатларини юмшатишни умумий тамойиллари ишлаб чиқилди [4,5]. Бу тамойиллардан турли мамлакатларда табиий офатлардан келадиган зарарни камайтириш усуллари ишлаб чиқиш учун фойдаланилади. Барча яратилган усуллар учун риск (хатар), хавф (таҳдид), заифлик ва зарар асосий тушунчалардир. Темир йўл инфраструктураси объектлари ва ҳаракатланувчи таркиб (поезд) учун рискларни таҳлил қилишнинг умумий тартиби, ўрганилаётган объектга таъсир қиладиган хавфлар (таҳдидларни), объектнинг аниқланган хавф (таҳдид)ларга нисбатан заифликларини, объект заиф бўлганида, шундай ҳолатларда намоён (юзага чиқадиган) бўладиган хавфнинг зарарларини кетма-кет таҳлилларини назарда тутати ва уларни изчил кетма-кетликда ўтказишни ўз ичига олади (3-расм).

Республиканинг тоғли ҳудудларида баҳор ва кеч куз ойларида тез – тез бўладиган селлар темир йўл транспорти ва унинг иншоотларига катта хавф туғдириб туради. Кучли сел

келиши натижасида ёки қиш ойларида кўп қор ёғиши, температуранинг кескин исиб кетши натижасида қор шиддат билан эрийди. Кечаси хавони совиши натижасида эриган қорнинг таги музлайди. Кундузи яна эриши натижасида ер қатламини юмшатиб юборида ва ер суяк лой ҳолатига келиб қолади. Будаё масса пастга қараб сурилиб тушади. Айниқса, тоғ ён бағрилари, қияликларда дархтлар бўлмаса, дархтларни илдизлари ёки майда буталар бўлмаса катта ўпирилиш бўлиб кўп миқдордаги қум тош ва лой оқими темир йўлни босиб қолиши ва поездлар ҳаракатини маълум вақтгача тўхтаб қолишига сабаб бўлади.



3-Расм. Республиканинг тоғли туманларидан ўтган темир йўлларга хавф солувчи қияликлар (кўчки бўлиши мумкин бўлган қияликлар).

Республиканинг тоғли ва тоғолди худудларидан ўтган темир йўлларни селлар ва кўчкилардан ҳимоя қилишда ва талофатларни камайтириш борасида қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим.



4-Расм. Темир йўлларни кўчкдан муҳофаза қилувчи замонавий мосламалар.

Ташгузар – Байсун – Кумқурган йўналишида Галлаоролдан, Дарбанд, Бойсун тоғларидан, шу ерлардаги кўприклардан ўтишда ва Ангрёп -Пап йўналишидаги Ангрёп сув омборидан бўйида ҳаракат қилишда ҳамда шу йўналишдаги туннел ва кўприклардан ўтишда машинист ва машинист ёрдамчиларидан кўрсатилган йўриқнома талабларини зинҳор бузмасликлари ва огоҳ бўлишлари талаб этилади.

Шунинг билан бирга республика тоғли ва тоғолди районларининг аҳоли пунктлари ва унга яқин жойлардан ўтадиган темир йўл ва автомобил йўлларини хавфсизлигини таъминлаш учун геолог мутахассислар ёрдамида сел келиш ва кўчки бўлиш жойларни ўрганиш. У ерлада муҳандислик ишларини олиб бориб, хавфсизлик чораларини кўриш талаб этилади 4-расм.

Кўчки содир бўлиши мумкин бўлган жойларга ер силжишини сезадиган, хавф тўғрисида ахборат берадиган махсус юқори сезувчан элементли мосламаларни маҳкамлаш, темир йўллар хавфсизлигини таъминлаш учун йул хизматчилари замонавий Дронлар

ёрдамида йўлни назорат қилиб туришлари темир йўлда хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлади.

Кучли сел кетиши натижасида кўчкилар содир бўлса, темир йўлларда фавқулодда вазият юзага келса (йўл полотносини сел ювиб кетса, кўчки бўлса, тош, кум ва лой еки қор кўчиб темир йўл линияларини тўсиб қўйса), тезлик билан бу талофатларни бартараф қилувчи фуқаро муҳофазаси кучларини шай холда ушлаб туриш талаб этилади.

Фавқулодда ҳолат талофатларини тез бартараф этувчи фуқаро муҳофазаси кучлари тоғли жойлардаги станцияларда жойлашган бўлиши керак. Улар фавқулодда вазият юз берган жойларга тез етиб боришлари учун олдиндан захира йўллар ҳозирланган бўлиши, замонавий ҳаракатланиш техникаси бўлиши, шахсий таркиб эса меҳнат қуролилари, махсус кийим билан таъминланган бўлиши керак. Фавқулодда вазиятлар талофатларни олдини олиш борасида тоғ ва тоғолди ҳудудларидан юк ва пассажир поездларни ўтишида станция диспетчерлари синоптиклар билан узвий алоқада бўлиши, об-ҳаво ўзгариши ҳақида ва фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизматчилари кўрсатмаларини машинистлар ва бошқа темир йўл хизматчиларга тез етказиб туриши муҳим.

Адабиётлар

- [1]. Дергачева, И. Проблемы прогнозирования и предупреждения трансграничных паводков в горных и предгорных районах Узбекистана [Электронный ресурс] / И. Дергачева.- НИГМИ, Узгидромет.-Режим доступа: <http://skachate.ru/geografiya/148685/index.html>.-Дата доступа: 01.07.2017.
- [2]. Узбекистанская железная дорога. Текущая версия. Версии, проверено 3 сентября 2017 г. Интернет материаллари.
- [3]. «2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай хадли дастури»ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // ЎрП ВМ 2019 йил 12 апрель, 299-сон Қарори.
- [4]. Earthquakes and Volcanic Eruptions: A Handbook on Risk Assessment. Herbert Tiedemann. Swiss Re, Zurich, 1992.-951p.
- [5]. Megacities: reducing vulnerability to natural disasters. Thomas Telford Publ., London, 1995.-170p.
- [6]. Махутов Н.А., Резников Д.О. Оценка уязвимости технических систем и ее место в процедуре анализа риска // Проблемы анализа риска. Том 5.-2008. № 3.-С. 76-89.

ФЛОТАЦИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Э.Ў. Мадалиев, М.А. Рахимова

Фаргона политехника институту
(Қабул қилинди 17.03.2021 й.)

The article studies the determination of flotation efficiency and the forces acting on flotation.

Keywords: *flotation, forces, gas bubbles, aeration rate.*

В данной статье рассмотрены вопросы по определению эффективности флотации, а также влияние различных сил на процесс флотации.

Ключевые слова: *флотация, силы, газовые пузырьки, степень аэрации, скорость, гидродинамика.*

Мақолада флотациянинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда флотацияга таъсир этувчи кучлар ўрганилган.

Калим сўзлар: *флотация, кучлар, газ пуфакчалари, аэрация даражаси, тезлик, гидродинамика.*

Қовушқоқ муҳитда ҳаракатланаётган пуфакчага турлича йўналган кучлар таъсир қилади: кўтарувчи куч (Архимед кучи), суоқликнинг қаршилиқ кучи, оғирлик кучи – флотация жараёнида газ пуфакчаларининг муаллақ турган турли хил ифлосликлар билан ўзаро таъсири. Юқоридагиларни эътиборга олиб кучлар балансини тузиш мумкин. Ҳаво пуфакчаларининг кўтариш кучини куйидаги формуладан аниқлаш мумкин.:

$$F_k = F_A \frac{4}{3} \pi R^3 (\rho_c - \rho_f) \quad (1)$$

Атроф муҳитни қаршилиқ кучи ва оғирлик кучи кўтариш кучига қарама- қарши йўналган бўлади. Шундай қилиб ҳаво пуфакчасига тасир этаётган куч:

$$F_A = F_m + F_c$$

1. Пуфакча диаметри 100 мкм дан кичик бўлганда ҳаво пуфакчаси кўтара оладиган зарралар сони $F_A = F_m$ шартдан аниқланади. [1]

Атроф-муҳитдаги қаршиликни ҳисобга олмасак ҳаво пуфакчасига таъсир этаётган кучларни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{4}{3} \pi R^3 \rho_c g = \frac{4}{3} \pi r^3 \rho_m g n \quad (2)$$

Бунда, $R^3 \rho_c = n r^3 \rho_m g n \quad (3)$

Натижада, $R^3 \rho_c = n r^3 \rho_m \quad (4)$

$$n = \frac{R^3 \rho_c}{r^3 \rho_m} \quad (5)$$

1. Пуфакчалар диаметри 100 мкм дан катта бўлганда ҳамда атроф муҳитнинг қаршилик кучларининг пуфакчага таъсирини ҳисобга олиш лозим бўлса, пуфакча кўтара оладиган дисперс фаза қуйидагича аниқланади :

$$\frac{4}{3} \pi R^3 \rho_c g = \frac{4}{3} \pi r^3 \rho_m g n + \xi S \frac{\rho_c v^2}{2} \quad (6)$$

$$R^3 \rho_c = n r^3 \rho_m + \xi \frac{\pi R^3 \rho_c v^2}{2} \frac{3}{4\pi g} \quad (7)$$

$$n = \frac{R^3 \rho_c}{r^3 \rho_m} - \frac{3}{8} \xi \frac{R^2 \rho_c v^2}{g} \frac{1}{r^3 \rho_m} \quad (8)$$

$$n = \frac{R^3 \rho_c}{r^3 \rho_m} \left(1 - \frac{3}{8} \xi \frac{U^2}{Rg} \right) \quad (9)$$

Демак, суюқликнинг бирламчи ҳажмида пуфакчалар сони қанчалик кўп бўлса, суюқликнинг аэрация даражаси шунчалик кўп бўлади. Суюқликнинг аэрация даражаси 3 та катталик билан тавсифланади: ҳажм бирлигидаги пуфакчалар сони, уларни тарқалиши ва флотокамераларнинг ҳажм бўйича бир текис тақсимланиши. Юқоридаги катталиклар қанчалик катта бўлса флотация жараёни шунчалик фаол бўлади [2].

Флотация жараёнини миқдорий томондан тавсифлайдиган асосий катталик зарраларни пуфакча сирти билан тўқнашиш самарадорлигидир. Бу катталикни қуйидагича аниқлаш қабул қилинган:

$$E = \frac{b^2}{R} \quad (10)$$

Бу ерда b - барча зарралари пуфак сиртида чўкадиган суюқлик ҳаракатланадиган трубканинг максимал радиуси; R – пуфакча радиуси. Зарралар ва пуфакчаларнинг ўлчами ва шаклига зарраларнинг зичлиги, реагентларнинг таркиби ва айниқса муҳитнинг гидродинамикаси, кучларнинг (инерцион, гравитацион, сиртий капилляр, гидродинамик) нисбатига қараб кенг ораликда ўзгаради. Шунинг учун ушбу катталикни аниқлаш учун бир хил ёндашувни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Агар бизда юпқа дисперсли суспензия ёки эмульсия бўлса, инерция кучларини эътиборга олсак ва $r \ll R$ бўлса, E катталик пуфакчани ювиб ўтаётган суюқликнинг тезлигига боғлиқ бўлади. Тезлик эса муҳитнинг гидродинамик ҳолатига, пуфакчани кўтариш тартибига, пуфакчани сирти ҳолатига, қўшни пуфакчаларнинг борлигига, зарра ва суюқликнинг зичликлари фарқига боғлиқдир [3].

Йирик зарралар учун аниқловчи параметр уларга таъсир этаётган инерция кучларидир. Агар оқим йўналиши пуфакча сиртидан кераклича яқиндан ўтса, заррача пуфакчага ёпишишга ҳаракат қилади ва ёпишиб қолади. Ҳаво пуфакчаларини бундай – усулда каттароқ заррачаларга ёпишиб қолишини билиш учун заррача, пуфакча ҳамда гидродинамик майдонининг конфигурациясини билиш зарур. Суюқлик оқими пуфакча сиртини ювиб ўтади, суюқликнинг ҳаракат оқими эгриланади, суюқлик ҳаракатига заррача қўшилади.

Зарранинг ўлчами қанчалик кичик ва зарра ҳамда муҳит зичликлари фарқи ҳам - $\Delta\rho$ қанчалик кичик бўлса, шунчалик зарра ҳаракати траекторияси оқим ҳаракат йўналишига мос келади. Йирик, инерцион заррачалар деярли ўз ҳаракат траекториясидан четга чиқмайди [4].

Заррачаларнинг ҳаракат траекториясини суюқлик оқими йўналишидан четга чиқиши Стокс критерияси орқали аниқланади.

$$S_t = \frac{2U r^2 \Delta\rho}{9 R \mu_{ж}} \quad (11)$$

Бу ерда S_t – Стокс критерияси; $\mu_{ж}$ – муҳитнинг динамик ковушқоқлиги;

Критериянинг қиймати қанчалик кичик бўлса инерцион кучларнинг зарранинг ҳаракат траекториясига таъсири шунчалик кичик бўлади.

Муаллақ турувчи зарраларнинг ҳаво пуфакчалари орқали ушлаб қолиниши 3та асосий механизмлар: инерцион тўқнашувлар, ушлаб қолиш ва диффузия натижасида рўй беради. Инерцион таъсир натижасида инерцион ва кучсиз инерцион зарралар суюқлик оқими траекториясидан четга чиқади ва пуфакчанинг фронталь сиртида чўкади.[5]

Турбулент – ҳаракатга инерцион таъсир пуфакчанинг фронталь ва орқа қисмида рўй бериши. Инерцион таъсирнинг самарадорлигини куйидаги тенглама бўйича аниқлаш мумкин:

$$E_{и} = \left(\frac{S_t}{A+S_t} \right)^2 \quad (12)$$

Бу ерда, S_t – Стокс критерияси; A - 0.35 эмпирик коэффициент.

S_t – параметр зарранинг пуфакчага нисбатан ҳаракатини тавсифлайди. 12-формула $S_t > 0.2$ ва $Re \leq 500-100$ шароитда эксперимент натижалари назарий олинган натижалар билан бир хиллигини таъминлайди. Реал шароитларда, пуфакчалар сони кўп бўлганда тозалаш унумдорлиги пуфакча ўлчамлари камайиши билан ва пуфакча ҳамда муҳит зичликлари орасидаги фарқ ортиши билан ортади.

Агар S_t параметр 1 дан анча кичик бўлса, у холда заррага инерция кучлари таъсир этмайди. Агар S_t параметр бирга яқинлашса, инерцион эффектлар бўлади ва бунинг натижасида зарра траекторияси оқим траекториясидан кучсиз фарқ қилади [6].

Агар $S_t \geq 1$ бўлса, инерция кучлари шароитни тубдан ўзгартиради, зарра деярли тўғри чизик бўйича пуфак сирти билан тўқнашгунга қадар ҳаракатланади. Турли хил флотацион курилмаларда олинган маълумотлар бир – биридан фарқ қилади, бунга асосий сабаб оқава сувлар таркиби ва зарра ҳамда пуфакча дисперслик даражаси ҳар- хиллигидир.

Флотацион ажралишнинг самарадорлиги зарра ва пуфакча ўртасидаги электростатик кучларга ҳамда тизимнинг гидродинамик параметрларига боғлиқдир.[7]

Майда зарраларнинг флотацион ажралиш жараёнига зарра ва ҳаво пуфакчаларининг ўлчамлари, оқава сувларнинг таркиби, муҳитнинг рН кўрсаткичи, температура таъсир қилади.

Хулоса

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, оқава сувларни флотация усулида тозалаш самарали усулдир. Флотация жараёнида ковушқоқ муҳитда ҳаракатланаётган пуфакчага суюқликнинг қаршилик кучи, оғирлик кучи таъсири қилади. Натижада газ пуфакчалари муаллақ турган турли хил ифлосликлар билан ўзаро таъсирлашади. Пуфакчалар диаметри 100мкм дан катта бўлганда ҳам атроф муҳитни қаршилик кучлари пуфакчага таъсир қилишини ҳисобга олиш лозим. Бунда пуфакча кўтара оладиган дисперс фазаси аниқланади. Заррачаларнинг ҳаракат траекториясини суюқлик оқими йўналишидан четга чиқиши Стокс критерияси орқали аниқлаш, оқава сувларни самарали тозалашда имкон беради.

Адабиётлар

- [1]. Караваев И.И., Резник Н.Ф. Флотационная очистка нефтесодержащих стоков // Водоснабжение и санитарная техника, 1990, -№ 5. С. 18-21.
- [2]. Непаридзе Р.Ш. Мелкопузырчатая система аэрации в аэротенках // Водоснабжение и санитарная техника, 2001, № 2. - С. 12-16.
- [3]. Очистка нефтесодержащих сточных вод / Бабкин В.Ф., Гвоздев В.А. // Матер. 48-49 Научно-технической конференции.. Воронеж, 1995, - С. 43 - 44.
- [4]. Горюнов А.В. Методы очистки нефтесодержащих сточных вод // Нефтяная и газовая промышленность. Серия нефтепромысловое дело. -1992.-№5-С. 17-22.
- [5]. Кувшинников И.М., Черепанова Е.В., Яковлев А.И., Егорова Е.Н. Устойчивость эмульсии нефти в воде, очистка промышленных сточных вод // Хим. промышленность. 1998. - № 3. - С. 139-145.

- [6]. Кузубова Л.И., Морозов С.В. Очистка нефтесодержащих сточных вод. Анал. обз. Новосибирск: Институт орг. химии, 1992. - 72 с.
- [7]. Хелм П., Спенсер К., Дунгем Р.Т. Минимизация загрязнения сточных вод // Нефтегазовые технологии. 1998. - № 5-6. - С. 90-91.

MAHALLALAR ME'MORCHILIGIDA BADIY UYG'UNLIKNI SHAKLLANTIRISH

M.S. Zikirov, D.R. Tursunova

*Farg'ona politexnika instituti
(Qabul qilindi 7.04.2021 y.)*

There are about 20 historic cities in Uzbekistan, and most of the country's 33 million people live in or consider their neighborhoods to be unique. Over the past 30 years, the area has changed the face of the city and the way it is rebuilt. This new concept must be linked to the urban planning of tomorrow..

Keywords: *neighborhood, society, courtyard, historic cities, rural centers.*

В Узбекистане около 20 исторических городов, и большинство из 33-миллионного населения страны живут или считают свои районы уникальными. За последние 30 лет район изменил облик города и способ его перестройки. Эта новая концепция должна быть связана с городским планированием завтрашнего дня.

Ключевые слова: *махалля, общество, двор, исторические города, сельские центры.*

O'zbekistonda 20 ga yaqin tarixiy shahar mavjud bo'lib, respublikaning 33 million aholisining aksariyati mahallalarda yashaydi yoki mahallalar atrofini o'zlariga xos deb biladi. So'nggi 30 yil ichida mahalla shahar ko'rinishini va uni qayta qurish usullarini o'zgartirdi. Ushbu yangi tushunchani ertangi kunning shaharsozligiga bog'lash kerak.

Tayanch so'zlar: *mahalla, jamiyat, hovli, tarixiy shaharlar, qishloq markazlari.*

So'nggi 3-4 yil ichida biz shaharlarimizda va qishloq joylarimizda arxitektura va qurilishning, umuman shaharsozlik sohasida jadal rivojlanayotganiga guvoh bo'lmoqdamiz.

Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning ushbu sohadagi konstruktiv siyosati shaharlarimizning tarixiy tumanlarini rekonstruktsiya qilish, ularning transport infratuzilmasidagi o'zgarishlarga ijobiy turtki berdi. Shaharsozlik faoliyati sezilarli darajada jonlandi. Har xil darajadagi yangi ta'lim muassasalari, shu jumladan, mamlakatimizning yirik shaharlaridagi arxitektura va qurilish oliy o'quv yurtlari paydo bo'ldi. Hozirgi bosqichda shaharsozlikning muhim muammo-laridan biri bu birlamchi turar-joy "Mahalla" qurilishidir ... Taxminan VIII asrdan boshlab Markaziy Osiyo, Yaqin va O'rta Sharqdagi shaharlar va qishloq aholi punktlarining asosiy turar-joy shakllanishi Mahalla hisoblanadi.

Odatda mahalla Yevropaning kvartaliga taqqoslanadi, uning aholisi ba'zi mamlakatlarda mahalla o'zini o'zi boshqarishni amalga oshiradi.

Mahalla so'zi arabchadan tom ma'noda qo'shma lager, yoki shahar chekasida to'xtash joyi sifatida tarjima qilingan. Shaharning bir qismi bo'lgan mahalla aholisi asosan musulmon bo'lgan mamlakatlarning deyarli barcha shaharlarida mavjud, ammo mahalla nomi o'zi barcha musulmon davlatlarida mavjud emas.

Arab dunyosining barcha mamlakatlari aholisi, Ozarbayjon, Eron, Tojikiston, Turkmaniston, Turkiya, O'zbekiston aholisi, Afg'onistonda yashovchi ko'plab xalqlar (pashtunlar va boshqa ba'zi mayda xalqlardan tashqari), Pokiston, Bangladesh va ba'zi shtatlarning aksariyat aholisi asosan musulmonlar bo'lgan Hindiston, Qozog'iston va Qirg'izistonda mahalla so'zi asosan ushbu mamlakatlarda yashovchi o'zbeklar



1-rasm. Toshkent shahridagi "Gulobod" mahallasi.

tomonidan qo'llanilgan bo'lsa, Xitoyda bu Shinjon, Uyg'ur avtonom tumanidagi uyg'urlar va boshqa ba'zi xitoylik bo'lmagan va mo'g'ul bo'lmagan xalqlar tomonidan qo'llaniladi.

Mahalla musulmon Sharqida mahalliy o'zini o'zi boshqarishni amalga oshiruvchi muassasa sifatida chuqur ildizlarga ega. Masalan, XI asrda Qohirada mahalla borligi haqida shoir va yozuvchi Nosir Xosrov xabar beradi. 1043-1052 yillarda Yaqin Sharq mamlakatlariga sayohat paytida tuzilgan "Safar-name" (Sayohatchining eslatmalari) asarida u "Qohira shahri 10 ta mahalladan iborat", deb aytadi.

O'rta Osiyoda, shu jumladan O'zbekistonda, shuningdek Sharqiy Turkistonda uyg'urlar odatda mahallani jamoat tipidagi an'anaviy ijtimoiy institut yoki turar-joy sharoitida ijtimoiy hayotni tashkil qilishning boshlang'ich shakli deb atashadi. Ya'ni, bu boshlang'ich uy-joy tizimi, uning aholisi mahalliy o'zini o'zi boshqarishni amalga oshiradi.

Ma'lumki, O'rta Osiyo shaharlarining aksariyati arablardan oldingi davrda, ya'ni bizning davrimizning VIII asridan oldin shakllangan. Odatda, O'rta Osiyo shaharlarining me'moriy va rejalashtirish markazi ARK (ya'ni hukmdor qal'asi) bo'lib, odatda balandlikda (tepalikda) joylashgan va unga tutash bozor maydoni bo'lgan.

Shahar bozori yaqinida karvonsaroylar (ya'ni savdogarlarni ziyorat qilish uchun mehmonxonalar) va badavlat shahar aholisining uylari bor edi; shaharning chekkasida uning hunarmandchilik bo'limi bor edi, u rabot (shahar atrofi) deb nomlangan edi. Oldidagi maydon Chorsu (to'rtta yo'l) deb nomlangan shahar bozoridan shahar darvozalariga olib boruvchi ko'chalar ajralib turardi.

Har bir mahallaning o'z markazi (ba'zida bir nechta mahalla uchun) - guzari bo'lgan. Odatda masjid (shaharda kichik masjidlar - mahalla, kattaroqlari - guzar), masjiddagi maktab, choyxona va xovuz (suv ombori) mavjud edi.

O'zbekistonda shaharlarning uch turi mavjud: feodal islomiy, so'nggi sotsialistik va rivojlanayotgan bozor iqtisodiyoti shahri.

Ularning barcha farqlariga qaramay, mahalla ularning har birida - yaxlit yoki markazlar yoki bo'laklar shaklida yashaydi. Mahalla azaldan shunday ikkilamchi bo'lib kelgan. Mahalla va uning aholisi avlodlari qadar o'zgargan. Mahallalarni tumanlarga birlashtirib, shahar ma'muriyati ushbu ma'muriy birliklarni boshqargan. Davlat boshqaruvining kuchayishi yoki zaiflashishi bilan tumanlar gullab-yashnadi, buzilib ketdi yoki umuman yo'q bo'lib ketdi. Ularning bir qismi bo'lgan mahalla jonlanish qobiliyatini saqlab qoldi.

XIX asrdan beri mahallalar transport bilan yangi ko'chalar tomonidan kesib tashlandi va yevropa usulida ularni kvartallar deb atay boshladilar. Yangi ko'chalar orasidagi uylarning bloklari kabi bloklar juda oz natija berdi, mahalla esa shaxs, uning oilasi, jamoati, shahri va davlati uchun tobora muhimroq deb qabul qilindi.

Mahalla o'zini ma'naviy jihatdan jamiyatning bir qismi sifatida va moddiy jihatdan shaharning bir qismi sifatida ko'paytiradi. Jamiyat va shahar hayotidagi bu joy bilan u vaqtinchalikdan boshqa doimiy narsa yo'qligini tasdiqlaydi. Mahalla barqarorligining siri nimada?

XX asrning o'rtalarida sobiq SSSR hududida me'morchilik va shaharsozlik birlashish va standartlashtirish relslariga qo'yildi. Shu yillarda shaharlarda va qishloq aholi punktlarida deyarli yagona me'yorlarga binoan turar-joy binolari keng tarqalgan bo'lib, bu yerda turar-joy binolari va turar-joy binolarining rejalashtirish tarkibi Shimolda ham, Evropa mamlakatlarida va Markaziy Osiyoda ham bir-biridan kam farq qilar edi.

Publitsistik materiallarda, shuningdek, professional arxitektura va shaharsozlik tadqiqotlarida Markaziy Osiyoning Sovet respublikalarida shahar va qishloq aholi punktlarini qayta tashkil etishning murakkab jarayoni bo'lganligi qayd etilgan. O'zbekiston, Tojikiston, Turkmanistondagi eski shahar va qishloqlarni qayta tashkil etishda ular avvalgi rivojlanish tashkilotidan ajralib chiqdilar, asosan, kundalik hayotning qoloqligi va diniy xurofotlar tufayli. Agar eski binolar tor qiyshiq ko'chalar va baland loydan yasalgan duvalalar orasidagi yo'llar bilan ajralib turadigan bo'lsa, unda yangi aholi punktlarida derazalari oldingidek hovliga emas, balki ko'chalarga qaragan keng va to'g'ri ko'chalar mavjud edi. O'sha yillardagi qarashlar shunday edi.

Tabiiy, iqlimiy, ijtimoiy omillarning butun bir qator hisob kitobini yomon ko`rib chiqish mintaqaviy uy-joylar va turar joy shakllanishini rejalashtirish tuzilishining haqiqiy talablariga javob bermaydigan bir qator aholi punktlari, shahar hududlari va «namunali» deb nomlangan qishloqlarning paydo bo`lishiga olib keldi.

XX asrning oxirida Uy-joy va jamoat binolarini eksperimental loyihalashtirish bo`yicha Toshkent Zonal tadqiqot instituti (ToshZNIIEP) va O`rta Osiyo Arxitektura va shaharsozlik nazariyasi ilmiy-tadqiqot instituti (SredazNIITAG) tomonidan o`tkazilgan so`rovnomalar bunday hududlarning sxemalarini va ko`p qavatli uylarning rejalashtirish yechimlari o`rtasidagi kelishmovchilikni ob`yektiv va sub`yektiv omillar tasdiqladi.

TashZNIIEP ushbu mikrorayonlar kvartiralarida yozda harorat tashqariga nisbatan bir necha daraja yuqori bo`lishini aytdi. "Chilla" davrining jaziramasi, ya`ni iyun oyining oxiridan avgust oyining boshigacha ular ichida tirik qolish sinovga aylanadi, an`anaviy mahalla uylarida o`tish davri joylari tizimi issiqqa chidashga yordam beradi. Aholi ertalab, kechqurun va kechani hovlida, peshin kunini yopiq xonada o`tkazishadi.

Xona - ("hona") - "ayvon" - "ishkom" sufdan yuqorida, xovuzda - hovli ("saxn") - bular o`zbek mahalla uyining bo`sh joylari. Ikkinchi qavat siqilganida, soyali va shamollatiladigan hovli - "soyabon" yuqori qavatda o`rnatiladi. Yozgi bo`sh joylar xona maydonlaridan 2-3 baravar katta.

Evropa uylarining an`anaviy elementi - balkon issiq, keskin kontinental iqlimi bo`lgan mintaqalar uchun binoning ochiq qismini tashkil etish tamoyillariga juda mos keladi. Yuqorida aytib o`tilgan ayvon, uning prinsipi ko`p asrlar davomida sinovdan o`tgan va Markaziy Osiyoda an`anaviy uy-joy qurishda qo`llanilgan, yillar davomida hech qanday o`zgarishlarga duch kelmagan. Ko`p qavatli uylarning ko`rinishi ayvon prinsipiga eng mos keladi, chunki uying tashqarisidagi bino ichki qismidan o`tish joyi - bu zamonaviy lodjiya yoki deraza oynasi. Ammo binoning yuqori qavatlarida ushbu element asosan maqsadini yo`qotadi. Amalda, biz ko`p qavatli binolarning deyarli barcha lodjiyalarini hamma joyda yashovchilarning o`zlari sirlashi yoki hatto qisman g`isht bilan qoplashi va hokazolarni kuzatmoqdamiz.

O`zbeklarning an`anaviy uyi shaharga zudlik bilan emas, balki mahalla ko`chalarining vositachilik joylari orqali kirib boradi. "Shahardan ko`cha, yo`lak, hovli, ayvon orqali individual xonaga o`tishning mantiqiy tizimi - inson uchun har doim kerak bo`lgan va doim kerak bo`ladigan samimiy burchak - aynan shu narsa o`zbek uylarini tavsiflaydi va uning asosiy me`moriy qiymatini tashkil etadi"

Tarixiy shaharlar va ular bilan birga mahallalar, ular orqali yo`llarni qurishda davom etayotgan xatolar, mahallalarda yashovchi aholi uchun ijtimoiy dasturlarning yo`qligi yoki shaharlar va viloyatlarning mahalliy hokimiyat organlariga nisbatan ruxsat berilishi sababli yo`q qilinadi. o`tmishdagi ushbu yodgorliklarga 90-yillarda salbiy shaharsozlik siyosatining misoli Toshkentning tarixiy qismida Farobiy, Sagban, Korasaroy va boshqa ba`zi ko`chalarning kengaytirilganligi edi. Tarixiy shaharlar va shaharchalar ularni muhofaza qilish va rekonstruktsiya qilish maqsadida qayta baholanishi kerak. Darhaqiqat, prognozlariga ko`ra, yaqin 15-20 yil ichida respublikada avtoulavlar soni 2-3 baravar ko`payadi va transportning katta qismi tez-tez yotqizilgan tezyurar magistral yo`llar bo`ylab harakatlanadi. Ikkinchisining tarixiy shaharlarni va ularning mahallalarini himoya qilishi va kesib o`tmasligi muhimdir. Maxallalarning qadriyatlarini shaharlarimizning yangi rejalashtirilgan va qurilayotgan joylariga kiritilishi yanada muhimroq.

Yuqorida aytib o`tilgan SredAzNIITAG institutida o`tgan asrning 80-90-yillari boshlarida Toshkentning eskirgan qismini qayta qurish bo`yicha loyiha ishlab chiqilgan (mualliflar: S. Adilov, Sh. Asqarov, M. Usmonov, L. Melnikova, R. Valiyev, G. Petin, K. Turdev va boshqalar), bu yerda hududlarni transportni tashkillashtirish bo`yicha takliflar bilan deyarli barcha turar-joy binolari va ko`chalarni saqlab qolish taklif qilingan. Asosiy muammolardan biri kommunal xizmatlarni, ayniqsa, turar-joy binolarining kanalizatsiya tizimini ta`minlash edi. GlavAPU shaharsozlik kengashi va Madaniyat vazirligi loyihani ma`qulladi. Ammo o`sha davr uchun mablag` yetishmasligi loyihani ishlab chiqishni amalga oshirishga imkon bermadi. Keyingi yillarda Toshkentning tarixiy qismida ko`chalarning kengayishi yashash muhiti tuzilishining buzilishiga olib

keldi va tarixiy ravishda mavjud bo'lgan mahallaning ko'plab aholisi qayta tashkil etilgan yashash sharoitida uzoq vaqt yo'qolgan.

So'nggi o'n yilliklarda nafaqat Toshkent balki butun respublikadagi viloyatlar markazlari avtomobillar shahariga aylandi, u piyodalar uchun noqulay holatlarni keltirib chiqarmoqda. Landshaft komponentining muvozanati pasayish yo'nalishidagi yashil maydonlarning nomutanosibligi o'zgarishi bilan buzilgan.

Ma'lumki, tarixiy qismlarda Yevropa shaharlarining asosiy turar joy shakllanishi kvartaldir. Nomning o'ziga asoslanib, kvartallar asosan to'rtburchak shaklda ekanligi kelib chiqadi. Kvartallarining demarkatsiya chizig'i ko'chadir. Jamiyat hayoti mahallalar ichida bo'lib, ko'cha bo'linib, shu bilan mahallalarni bir-biridan uzoqlashtirmoqda. Osiyo mahallalarida ko'cha ularni deyarli hech qachon o'zaro ajratmaydi.

Mahallalarning chegaralari uylarning tomlari va orqa tomoni bo'ylab joylashgan. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, turli xil mahallalar aholisining uylari bitta ko'chaga, ko'chadan chiqishga va boshqa hovlilarga borilmaydi. Bu ko'chani bo'yida duvalali bo'sh devorlari va ko'chalarga qaragan noyob derazalari bo'lgan uylarning fasadlari bo'lishiga qaramay, bu mahallaning demokratik xususiyatini belgilaydi.

Issiq iqlimi va chang ko'tarilishi yuqori bo'lgan mintaqalarning tabiiy-iqlim omillari ko'chadan kirish eshigi yo'qligini belgilaydi. Uylarning aholisi kichkina darvoza orqali, ko'pincha ko'r darvoza yonida, avval hovliga kirishadi, shundan keyingina hovlidan ayvonlar va boshqa yashash joylariga yetib borishadi. Derazalar asosan hovliga qaraydi, u yerda yozda havo harorati tashqaridan bir necha daraja pastroq bo'ladi. Derazalarning tashqariga chiqishi va hatto undan keyin asosan ikkinchi qavatdan chiqishi juda kam uchraydi. O'rta Osiyo shaharlarining mustamlaka deb ataladigan qismini qurish Evropa kvartali prinsipiga binoan amalga oshirildi va shu sababli mintaqaviy omillarni yomon deb hisobga oldi.

Muhim omillardan biri shundaki, shaharlar va ayniqsa qishloq aholi punktlari hudud yetishmasligi bo'lgan vohalarda joylashgan. Bu aholi punktlari hududlaridan foydalanishga iqtisodiy munosabatni keltirib chiqaradi. Umuman olganda, har tomonlama mutanosib shaharsozlik siyosati zarur. Tarixiy shaharlar va shaharchalar ijtimoiy va demografik, iqlimiy, muhandislik va texnik omillarni hisobga olgan holda bizning shaharlarimiz va qishloq joylarimiz aholisi uchun ratsional muhitni tashkil etish maqsadida qayta baholanishga to'g'ri keladi.

Asrlar davomida shakllanib kelgan va shaharning tirik qismi bo'lgan mahallalar asosida O'zbekistonning tarixiy shaharlarini rejalashtirishni tashkil etish qonuniyatlarini saqlab qolish va rivojlantirish zarur. Toshkent, Samarqand va boshqa tarixiy shaharlar radiusi 1200-1500 m radiusga ega bo'lgan rejalar doirasida shakllangan bo'lib, shahar markazlari va mahallalari ushbu maqbul yurish masofasida rivojlangan.

O'rta asrlarning oxirlaridagina shahar mahallalari bo'ylab ko'chalar devorlar orqali teshilib, yangi periferik hududlarda hayotga yo'l ochdi. Tarixiy shaharlarda mavjud bo'lgan shahar va mahalla markazlarini rivojlantirishning bunday uslublari va ulardagi xavfsizlik va qayta qurish harakatlarini belgilashi kerak.

Buning uchun tarixiy shahar boshqaruvini qayta tashkil etish, shahar hokimiyatining investitsiyalarni jalb qilishda yordam berish, jismoniy shaxslar va kooperativlar tomonidan mahallani iqtisodiy tiklash uchun grantlar va kreditlar ajratish kerak. Mahallaning "o'zini o'zi himoya qilish" siyosati tarixiy shahar parchalarini xususiy sektor va tadbirkorlar tomonidan qayta tiklashdan iborat. Tarixiy shaharni tiklash markazi aholining va tadbirkorlarning imkoniyatlarini mahallaning iqtisodiy salohiyatini oshirishga yo'naltiradi.

Sovet davrida mahallani buzish tahdidi aholini uylarni ta'mirlashdan qaytarib turardi. Fuqarolarga yerga egalik huquqini berish va uni xususiy mulkka o'tkazish to'g'risida hukumat qarori bilan uy egalari tashabbusi kafolatlangan. Mahalla mavjud bo'lib, u faqat zamonaviy shahar maydoniga mutanosib bo'lgan butun tarixiy shahar bilan birgalikda to'liq tiklanishi mumkin va shuning uchun shaharlarning yangi tezkor avtomagistrallari tarmog'ida saqlanib qolinishi kerak.

Yechim - tarixiy shaharni transport orqali aylanib o'tish, uning mahallalari asosan piyodalar zonasiga aylanishi kerak, bu yerda mahalliy magistral yo'llarning taktik jihatdan o'ylangan tizimi

xizmat qiladi. Turar-joy binolarini qayta qurish davomiyligi odamlarning haddan tashqari ko'p bo'lishiga olib keladi. Aholi soni haddan tashqari ko'p bo'lgan tarixiy shaharlarda aholining sonini kamaytirish muhim: eski Samarqand uy-joy fondining uchdan ikki qismida oilalar ko'pincha bitta xonada yashaydilar. Yangi qurilish materiallaridan foydalanish ham nazorat ostiga olinadi: "elita uylarining evro stili" tarixiy binolarning an'anaviy ko'lamini va ko'rinishini buzadi.

Monitoringga mahalla qo'mitalari va ularning an'anaviy qaror qabul qilish mexanizmlari yordam berishi mumkin. Mahalla aholisi shaharlarning bosh rejalarida belgilangan tadbirlarni amalga oshirishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak:

- tarixiy shaharlarning asl morfologiyasini tiklash;
- yodgorliklar va tarixiy muhitni muhofaza qilish darajasini belgilash;
- yodgorliklar va qimmatbaho turar-joy binolarini tiklash va rekonstruktsiya qilish;
- tarixiy shahar haqida an'anaviy tasavvurni ta'minlash.

Shu munosabat bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 02.02.2018 yildagi PQ-3502-sonli "2018-2022 yillarda aholi punktlarining bosh rejalarini ta'minlash, loyihalash tashkilotlari faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarori qabul qilindi. Shaharsozlik sohasida mutaxassislarni tayyorlash sifatini oshirish " hamda "Obod qishloq", "Obod mahalla" dasturlari ishlab chiqilgan bo'lib, unda Prezidentning 2018 yil 29 martdagi Farmoni va qarori bilan mamlakatdagi barcha qishloqlarning bosqichma-bosqich takomillashtirish maqsadida ushbu dasturni amalga oshirishning muhim vazifalari va mexanizmlari aniqlandi.

Biz mahallani tiklashning yangi bosqichidamiz. Vazifa zamonaviy shaharlarda va qishloq aholi punktlarida mahallalarni rivojlantirish tamoyillarini qo'llashdir. Hali ham turar-joy binolari tarkibida epizodik aralashuv bo'lib kelayotgan shahar va qishloqlarimizning tarixiy hududlariga, ularga uy-joy qurilishi yodgorliklari sifatida ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishni talab qiladi.

Shahar va qishloqlarning yangi qad rostlagan turar-joylarida Markaziy Osiyodagi an'anaviy turar-joy binosi tamoyillaridan foydalanish zamonaviy mintaqaviy shaharsozlikning dolzarb muammosi hisoblanadi.

Adabiyotlar

- [1]. Qorayev.S.O'zbekiston viloyatlari toponimlari.T:O'zbekiston milliy insiklopediyasi.Davlat ilmiy nashriyoti.
- [2]. Xasanov X. Markaziy Osiyo nomlaritarixidan.T:"Fan" 1965y
- [3]. Anorboyev A.A. Marg'ilon uzoq o'tmish madaniyatini izlab.Samarqand 2007 y.

ИССИҚХОНАЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК ПАРАМЕТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Э.Ў. Мадалиев, И.И. Муллаев

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 3.03.2021 й.)*

The article discusses the use of solar collectors in greenhouses. The optimal parameters of the greenhouse have been determined.

Keywords: *temperature, solar collector, parameters, coefficient*


В статье рассматривается использование солнечных коллекторов в теплицах. Определены оптимальные параметры теплицы.

Ключевые слова: *температура, солнечный коллектор, параметри, коэффициентлы.*


Мақолада қуёш коллекторларини иссиқхоналарда қўлланилиши кўриб чиқилган. Иссиқхонанинг оптимал параметрлари аниқланган.

Таянч сўзлар: *температура, қуёш коллектори, параметрлар, коэффициентлар*

Иссиқхоналарнинг шакли ва ўлчамларини оптималлаштириш учун 4 хил иссиқхоналар кўриб чиқилган (1, 2 – расмлар).



1 - расм. Юзаси 100 м² бўлган 4 хил иссиқхоналар. L – иссиқхона узунлиги; h , h_1 – иссиқхона баландлиги; $\beta_1, \beta_2, \beta_3$ – шаффоф қатламнинг қиялик бурчаги.



2 - расм. Иссиқхонанинг аксанометрик кўриниши.

Аккумуляция қилинган иссиқликни (Q_{ak}) иссиқхонанинг ўлчамларига боғлиқлигини иссиқлик баланси тенгламасидан аниқлаймиз:

$$Q_{prosh} = Q_{\Pi} + Q_{ak} \quad (1)$$

Ўки

$$1 = \frac{Q_{prosh}^c}{Q_{prsh}^c} + Q_{ak}^c$$

$$\frac{Q_{prosh}^c}{Q_{prsh}^c} = a,$$

бу ерда a – иссиқлик исрофлари коэффиценти;

$(1 - a) = \Pi$ – иссиқликни аккумуляция коэффиценти;

Аккумуляция қилинган иссиқликни $(1 - a)$ яъни: $Q_{ak} = (1 - a)Q_{прош}$ орқали белгилаш мумкин.

Агар бу коэффицентлар берилган бўлса, у ҳолда a ва Π иссиқхонанинг геометрик ўлчамларига боғлиқ бўлади. Бу боғлиқликни аниқлаш учун геометрик ўлчамларга иссиқхонанинг узунлиги L ни ва баландлиги h ни олиш мумкин.

Иссиқхоналарнинг геометрик кўрсаткичлари самарадорлигини ҳимоялаш юзасини тўсиқ конструкциялари юзасига нисбат каби аниқланади:

$$\mu = \frac{F_{осн}}{F_c + F_{сев.ст} + 2F_{т.ст} + F_{пот}}, \quad (2)$$

бу ерда: F_c – шаффоф қатлам юзаси; $F_{сев.ст}$ – шимол томондаги девор юзаси;

$F_{т.ст}$ – ён томон юзаси; $F_{пот}$ – том юзаси;

Шаффоф жисмдан ўтган иссиқлик:

$$Q_{прош} = \eta \cdot \Delta \beta, \quad (3)$$

бу ерда: η – шаффоф жисмнинг оптик Ф.И.К.

$\Delta \beta$ – шаффоф қия жисмга тушаётган йиғинди қуёш радиацияси

Иссиқхона ғилофидан ёруғлик ўтишдаги иссиқлик исрофлари: шимол томондаги девор, 2 та ён томондаги деворлар, шимол томондаги том ва поликорбанатдан тайёрланган шаффоф қатлам қуйидагича аниқланади:

$$Q_{агр} = \sum K_o \cdot F \cdot \Delta t, \quad (4)$$

бу ерда: K_o – иссиқлик узатиш коэффиценти ($\frac{Вт}{м^2}$); F – иссиқхонанинг юзаси, м²;

Δt – иссиқхона ичидаги температуралар фарқи, °С;

$F - F_{сев.ст}, F_{ПК}, F_{кр}, F_{от}$ – сиртлар юзаси, мос равишда шимол томондаги девор юзаси, шаффоф қатлам юзаси, том ва ён томонлар юзаси, улар мос ҳолда $h_2 L, BC, L$ ва CDL (2-

расм) га тенг. Мос ҳолда $K_{\text{сев.ст}}$, $K_{\text{пк}}$, $K_{\text{кр}}$, $K_{\text{от}}$ - уларнинг иссиқлик узатиш коэффициентлари. $F_{\text{ст}}$ — ён томондаги деворлар юзаси, яъни $ABCDENA$ га тенг.

Иссиқлик исрофлари коэффициенти β — бурчак, баландлик h ва узунлик L га боғлиқ.

$$\alpha = \frac{a+b\frac{h}{L}}{c+d\frac{h}{L}} \quad (5)$$

A, b, c, d коэффициентлар берилган бўлса, α факт $\frac{h}{L}$ катталиқка боғлиқ.

$$\mu = \frac{F_{\text{осн}}}{F_{\text{огр}}} \quad (6)$$

коэффициентни қуйидагича ёзамиз:

$$\mu = \frac{1}{E+N\frac{h}{L}} \quad (7)$$

Иссиқхоналар жануб томонга қараган, ён деворлар 90° бурчак остида шарқ ва ғарбга қараган, шаффоф қатлам **6 мм** ли поликорбанат.

Олинган маълумотлар асосида қуйидагича фикр юритиш мумкин:

$\frac{P}{q_{\text{прош}}}$ - катталиқ қанча катта бўлса, энергетик ва иқтисод нуқтаи назардан шунчалик яхши.

$\frac{P}{q_{\text{прош}}}$ катталиқ II турдаги иссиқхонага тўғри келади, яъни $\frac{h}{L} = 0.216$

$L_{\text{кр}} = 18,5$ м дан ортмаслиги лозим. Шунинг учун $L = 18,2$ м деб оламиз. У ҳолда иссиқхонанинг геометрик ўлчамлари қуйидагича бўлади:

Пол – $18,2 \cdot 5,5$ ён томондаги деворлар – $3,34 \cdot 7 \cdot 2$ м; жануб томондаги шишали юза – $18,2 \cdot 4,3$ м; том – $18,2 \cdot 3,86$ м; орқа девор – $18,1 \cdot 1,7$ м.

Юзаси 100 м^2 ва ўлчамлари юқоридагидек бўлган иссиқхона учун минимал геометрик кўрсаткич $\mu_{\text{min}} = 1,78$ га тенг.

Адабиётлар

- [1]. Боголов В.Ф. и др. Тепловые испытания плоских солнечных коллекторов. Гелиотехника. 2001. №1. с. 56-59
- [2]. Харченко Н.В. Индивидуальные солнечные установки. Изд. Энергоатомиздат. Москва 2012 г.
- [3]. Сабади П.Р. Солнечный дом. Изд. Стройиздат, Москва, 2005 г.

ТИНДИРГИЧЛАР ҲИСОБИ

Э.Ў. Мадалиев, А.А. Акрамов

Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 17.03.2021 й.)

The article contains the calculation of sedimentation tanks. The principle of operation of horizontal, vertical and radial sedimentation tanks is considered

Keywords: sump, horizontal, vertical, radial, dept.

В статье приведён расчет отстойников. Рассмотрен принцип работы горизонтальных, вертикальных и радиальных отстойников.


Ключевые слова: отстойник, горизонталь, вертикаль, радиаль, глубина

Мақолада тиндиргичларнинг ҳисоби келтирилган. Горизонталь, вертикаль ва радиаль тиндиргичларнинг тузилиши ҳамда ишлаш принциплари таҳлил қилинган.

Калит сўз: тиндиргич, горизонтал, вертикал радиал, чуқурлик.

Оқава сувларни ҳамда ичимлик сувини тозалаш технологияси ва чўкиндиларни қайта ишлаш, иншоотларини унумдорлиги геологик шароит ер ости сувларининг сатхи ва хоказоларга қараб тиндиргичларнинг турлари қабул қилиниди. Вертикаль тиндиргичлар оқава сувларнинг сарфи 2000 м³/кун, горизонталь -1500 м³/кун, радиаль – 20000 м³/кун дан ортиқ бўлганда қўлланилади. Шу билан биргаликда горизонталь тиндиргичлар бўш ва чўкадиган тупроқларда қўлланилмайди, вертикаль тиндиргичлар эса ер ости сувлари баландда жойлашган ҳолатларда қўлланилмайди.

Горизонтал тиндиргичлар алоҳида турдаги объект сифатида ёки параллел ишлайдиган бир нечта секциялардан иборат қурилма сифатида лойиҳаланиши мумкин.



1-расм.

Тиндиргичнинг секциялари кенглиги $b = \frac{9}{36n h_1 v}$,

бу ерда n – ишчи секциялар сони, камида иккита;
 h_1 – ишчи секциянинг баландлиги, 1,5 ... 4 м.
 v – сувнинг ишчи секциядаги ҳаракат тезлиги, 5 ... 10 м/с.

Тиндиргичнинг умумий кенглиги $B = Nb$,

бу ерда N – тиндиргичдаги секцияларнинг умумий сони.

Тиндиргичнинг ишчи қисмининг умумий узунлиги, м, $L_p = \frac{K h_1}{K U_0}$

бу ерда: K – тиндиргичнинг ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти, 0,5 га тенг

U_0 – муаллақ жисмларнинг гидравлик катталиги,

Тиндиргичнинг умумий узунлиги, м,

$$L = L_p + l_1 + l_2$$

бу ерда: l_1 - тиндиргичга кираётган жойдан сув тақсимлаш жойигача бўлган масофа, 0,5 ... 0,7 м.

l_2 - тиндиргичдан чиқаётган лотокдан ярим чўккан шитгача масофа, 0,3 ... 0,5 м.

Ярим чўккан тиндиргичларнинг чўкиш чуқурлиги, м:

$$h_{w1} = K_{w1} * h_1,$$

$$h_{w2} = K_{w2} * h_1,$$

Бу ерда; $K_{ш1} \dots 0,4$; $K_{ш2} = 0,1 \dots 0,2$.

Тиндиргичнинг чўккан чисмининг чукурлиги, м.

$$h_2 = \frac{V_{oc1}}{\eta_{oc}LB}$$

Бу ерда: V_{oc1} - бир секциядаги чўкинди ҳажми м³/кун;

η_{oc} - бир суткада олинган чўкинди сони, (ҳажмда 2)

Тиндиргичнинг тўлиқ чукурлиги, м,

$$H = h_1 + h_2 + h_3$$

Бу ерда: h_3 - тиндиргич бортларининг баландлиги, 0,3 ... 0,5 м.

Режадаги горизонтал тиндиргичларнинг умумий юзаси $F_{go} = \frac{\alpha_{об} * Q_{soat}}{3,6 U_o}$, м²

Бу ерда Q_{soat} - барча секцияларга келаётган ҳисобий сув сарфи, м³/соат

U_o - чўкиндини тушиш тезлиги мм/с

$\alpha_{об}$ - тиндиргичлардан ҳажмий фойдаланиш коэффиценти, 1,3 га тенг.

Битта тиндиргичнинг кенлиги

$$B = \frac{Q_{soat}}{3,6 * v_{орт} * H * N}, \text{ м}$$

Бу ерда: N - чўкинди соҳасининг баландлиги 2,5-3,5 м;

$v_{орт}$ - сувнинг тиндиргичдаги ўртача горизонтал тезлиги мм/с, унинг қиймати қуйдагича;

сувнинг лойқалик даражаси 50 мг/л

6-8 мм/с; гача

7-10 мм/с; 50-250 мг/л

9-12-250 мг/л

N - тиндиргичларнинг ҳисобланган сони,

Тиндиргичлар бўйлама тўсиқлар билан тўсилиб, қоплама 6 м гача бўлган сексияларга ажратилади.

Тиндиргич узунлиги

$$L = \frac{F_{go}}{BN}, \text{ м,}$$

Бу ҳолатда $L/N=10:25$ бўлиши лозим. Горизонтал тиндиргич ишини тўхтатмасдан туриб чўкиндиларни олиб кетиш қурилмаси бўлиши лозим. Чўкиндини гидравлик тозалаш учун тешикли қувурлардан фойдаланилади. Бу қувурлар тўплами чўкиндиларни 20-30 мин ичида тозалаш имконини беради. Дренаж қувурлари ўқлари орасидаги масофа 3 м гача, улардан тиндиргич деворлари орасидаги масофа 1,5 м дан катта бўлмаслиги лозим. Чўкиндининг қувур охиридаги тезлиги 1 м/с деб қабул қилинади, тирқишлардаги тезлик 1,5-2 м/с, тирқиш диаметри камида 25 мм, тирқишлар орасидаги масофа 300-500 мм. Тирқишларнинг шахматсимон ҳолатда жойлаш лозим.

Тирқишларнинг умумий юзасини қувур кесим юзасига нисбати 0,5-0,7 га тенг бўлиши лозим.

Таклиф этилаётган схемага асосан тиндиргичнинг диаметри, м,

$$D = 2 \sqrt{\frac{q}{3,6 \pi n K U_o} + d_{mkg}}$$

Бу ерда q - оқава сувларнинг максималъ сарфи, м³/кун

n - ишчи тиндиргичлар сони, камида иккита;


K - тиндиргич ҳажмидан фойдаланиш коэффиценти, 0,35 га тенг.

U_o - муаллақ жисмларнинг жисмларнинг гидравлик катталиги, мм/с;

d_{mkg} - марказий қувур диаметри, м.

Гидравлик катталик, мм/с

Вертикал тиндиргичлар ҳисоби.



2-расм.

$$U_0 = \frac{1000 K h_1}{\alpha t \left(\frac{K h_1}{h}\right)^{n_2}} - \omega .$$

Бу ерда; h_1 – тиндиргичнинг ички қисмини чуқурлиги, м, 2,7 ... 3,8 м;

α – сув температурасини унинг қовушқоклигига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент;

n_2 – даража кўрсаткичи;

ω – оқова сувларнинг тиндиргичдаги тезлигини вертикаль ташкил этувчиси, 0,2 ... 0,5 мм/с га тенг.

Марказий киритиш қузури диаметри, м,

$$d_{\text{мк}g} = \sqrt{\frac{4q}{3,6\pi n v_{\text{м.к}}}} ,$$

Бу ерда: $V_{\text{м.к}}$ – киритиш қузуридаги оқова сувларнинг тезлиги мм/с, қўпи билан 30 мм/с га тенг.

Марказий киритиш қузурининг диаметри 4 м баландлиги м,

$$d_p = h_{p_1} = 1,35 d_{\text{мк}}$$

Киритиш қузурининг чўкиш чуқурлиги, м,

$$h_{\text{мк}} = 0,9 h_1$$

Радиаль тиндиргичлар ҳисоби.

Радиаль тиндиргичлар чеккадан ёки марказдан оқова сувлар келадиган усулда бўлиши мумкин.


Тиндиргичнинг ишчи қисмининг диаметри, м.

$$D = \sqrt{\frac{4q}{11,3 Kn U_0} + d_k^2}$$

K – тиндиргич хажмидан фойдаланиш коэффициенти,

$$K = 0,45$$

n – ишчи тиндиргичлар сони;



3-расм. Марказдан окова сувлар узатиладиган усул кенг қўлланилади.

U_0 – муаллақ жисмларнинг гидравлик катталиги.

d_k – ярим чўккан ғилофнинг диаметри, м

$$d_k = \sqrt{\frac{4q}{3,6 \pi v_c * n} + d_p^2}$$

v_c – қабул қилиш камерасидаги сувнинг тезлиги, 30 мм/с,

D_p – марказий қувурнинг диаметри, м.

$$d_p = h_p = 1,35 d_{mk}$$

d_{mk} – марказий қувурнинг диаметри, м

$$d_{mk} = \sqrt{\frac{4q}{3600 \pi n v_{mk}}}$$

Бу ерда $v_{m,q}$ – марказий қувурдаги окова сувнинг тезлиги, 0,8 ... 1,0 м/с

Адабиётлар

- [1]. Абиатаев М.Т., Евсеева Л.А., Евсеева О.Я. Очистка природных и сточных вод в больших городах с применением тонкослойных отстойников: Обзорная информация / МГЦНТИ.-1993.-Вып. 7.-17с
- [2]. Ахрамеева В.К. Исследование истечения водяной струи из прямоугольного отверстия // Труды ГИСИ.- Горький.-2001.-Вып. 51.-С.3-12.
- [3]. Бабаев И.С. Технология и оборудование для очистки высокомутных природных вод: Автореф. дисс. ... докт. техн. наук. - М.: ВНИИ ВОДГЕО, 2000.
- [4]. Бабанина А.И., Капский А.Б., Куденко Г.А. Опыт применения тонкослойного отстаивания при очистке сточных вод травильных отделений / Пром. энерг.-2010.- № 6.-С .48-50.
- [5]. Береза А.И. Гидравлика горизонтальных отстойников: Автореф. дисс.... докт. техн. наук.-Новочеркасск. 2002.-2004.
- [6]. Бондарев А.А., Андрианов Ю.Н. Биологическая очистка производственных сточных вод: Процессы, аппараты и сооружения / Под ред. С.В.Яковлева. -М.: Стройиздат, 2003.

**БАЗАЛЪТ ТОЛАЛАРИ БИЛАН ДИСПЕРС АРМАТУРАЛАНГАН
ФИБРОБЕТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

С.Ж. Раззақов, А.Ш. Мартазаев, А.С. Жўраева, А.Р. Ахмедов

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(Қабул қилинди 26.03.2022 й.)*

In the article, as a result of experimental studies, the economic efficiency of fiber-reinforced concrete prepared with the addition of 0.1 ÷ 0.3% of basalt fibers 10 ÷ 30 mm long is substantiated.

Keywords: *Basalt fiber, dispersed reinforcement, fiber-reinforced concrete, concrete, economic efficiency.*

В статье обоснована экономическая эффективность фибробетона с добавкой 0,1÷0,3% базальтовых волокон длиной 10÷30 мм экспериментальными исследованиями.

Ключевые слова: *базальтовое волокно, дисперсное армирование, фибробетон, бетон, экономическая эффективность.*

Мақолада 0,1÷0,3 фоизли 10÷30 мм узунликлардаги базальт толалари қўшиб тайёрланган фибробетоннинг иқтисодий самарадорлиги экспериментал тадқиқотлар ёрдамида асослаб берилган.

Таянч сўзлар: *Базальт тола, дисперс арматуралаш, фибротемирбетон, бетон, иқтисодий самарадорлик.*

Бетон, ёки темирбетон конструкциялари мустаҳкамлиги юқори, узоқ муддатга ва ёнғинга чидамли, шу билан бирга турли кўриниш ҳамда ўлчамдаги конструкциялар тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Замоनावий қурилиш конструкцияларидан бири бўлган бетон ёки темирбетон конструкциялари учун нисбатан арзон хомашёлар ишлатилади. Бундай конструкциялар қолиплар ёрдамида тайёрланиб, бетон маълум мустаҳкамликка эга бўлгандан сўнг қолипдан олинади. Шунинг учун ҳам темирбетон конструкцияларни завод шароитида тайёрлаш қулай ҳисобланади.

Бетон, шу жумладан, темирбетон конструкциялари ҳозирги замон қурилиш саноатининг асосий базавий элементларидан бири ҳисобланади. Уларни саноат, фуқаро ва кишлок хўжалиги қурилишларида турли мақсадларда кенг қўлланилади. Транспорт саноатида – метрополитен, кўприк, тоннеллар қурилишида, энергетика саноатида- гидроэлектростанциялар, атом реакторлари қурилишида, гидромелиорацияда, тўғон ва ирригация қурилмалари қурилишларида, тоғ саноатида – шахта усти бинолари қурилишида ҳамда ер ости ўйилмаларини мустаҳкамлашда фойдаланилади. Лекин, уларнинг камчиликлари ҳам мавжуд, жумладан, темирбетон куйидаги камчиликларга ҳам эга: вазнининг оғирлиги; иссиқлик ва товушни осон ўтказиши; мустаҳкамлаш ва тузатишнинг қийинлиги ва хоказолар. Мазкур камчиликлар устида ишлаш ва уларни бартараф этиш, қурилиш амалиётида муҳим аҳамият касб этади [1, 2].

Завод шароитида тайёрланадиган темирбетон маҳсулотлари таннархининг тахминан 20 фоизи арматура ҳиссасига тўғри келади, шунинг учун темирбетон заводларида арматура ишларини ташкил этиш масалалари техник ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга деб саналади. Шунинг учун ҳозирги вақтда анъанавий арматуралашдан махсус дисперс-арматураловчи толалар билан қисман ёки тўлиқ арматуралашга ўтиш амалиёти кенг тарқалмоқда. Бу дисперс толалар (фибро) қўшилган оддий бетонлардир. Одатдаги арматуралашдан фарқли ўлароқ, базальт ёки полипропилен толалар, бетон таркибида ҳажм бўйича бир хил тақсимланади. Бетоннинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, фибробетон хизмат муддати тугагандан кейин ҳам техник хусусиятларини йўқотмайди, чунки толалар туфайли материал қовушоқ бўлиб қолади [3].

КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ

Базальт, шиша ва полипропилен толаларини бетонга қўшилганда бетон қуйидаги янги хусусиятларга эга бўлади (фибро қўшилмаган бетонга нисбатан): зарбага чидамлилиқ 5 баробарга ортади; дарзбардошлиги 3 баробарга ортади; эгилишга чидамлилиқ 2 баробарга ортади; ташқи таъсирларга чидамлилиқ ошади; сув ўтказмаслик 150% га ортади; бетоннинг коррозияга чидамлилиги 500% га ортади (бетонда ҳар хил дарзлар йўқлиги ҳисобига); совуққа чидамлилиқ 2 баробарга ортади; емирилишга чидамлилиқ сезиларли даражада ортади [4].

Биз биламизки, бетоннинг асосий кўрсаткичларидан бири бу сиқилишдаги мустаҳкамлиги ҳисобланади ва шунинг асосида бетонни синфларга бўлинади. Қурилишда бетон қўлланилиши, албатта мустаҳкамликни юқори бўлишидан ташқари, иқтисодий самарадорликка ҳам олиб келади. Шу мақсадда, фибробетоннинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш учун бир қатор тажриба ишлари ўтказилди. Тажрибавий тадқиқотлар базальт толалари билан дисперс арматураланган фибробетоннинг мустаҳкамлиги, оддий бетондан юқори бўлишини кўрсатди. Иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида В30 синфдаги 1 м³ бетон тайёрлаш учун 438753 сўм маблағ сарф бўлиши аниқланди. Худди шундай, В30 синфдаги базальт толалари асосидаги 1м³ фибробетон тайёрлаш 415839 сўм ни ташкил этди. Базальт толали фибробетонни тайёр бўлиши учун В30 синфдаги оддий бетонга нисбатан 22914 сўмга самарали бўлиши кузатилди. Агар темирбетон заводини бир кунлик ишлаб чиқариш кунлик ҳажмини ўртача 150 м³ деб ҳисобласак, 3437100 сўм тежамкорликка эришиш мумкинлигини кўриш мумкин.

$$22914\text{сўм} \cdot 150\text{м}^3 = 3437100\text{сўм}$$

Темирбетон заводидида ойига 22 иш куни бўлса, ойига иқтисодий самарадорлик қуйидагига тенг бўлади:

$$3437100\text{сўм} \cdot 22\text{кун} = 75616200\text{сўм}$$

Йилига иш кунларининг сони 264 кунни ташкил этишини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий самарадорлик қуйидагича бўлади:

$$3437100\text{сўм} \cdot 264\text{кун} = 907394400\text{сўм}$$

1-жадвал

1м³ В30 синфдаги бетон (толалар қўшилмаган) учун сарф-ҳаражатлар

Материал	Ўлчов бирлиги	Материал сарфи	1м ³ учун материал сарфи	Нархи, сўм	Жами нархи
Цемент ПЦ-400 Д20	кг	520	-	730	379600
Кум 0-5 мм	кг	1035	0,668	57217	38221
Чақиқ тош 5-20 мм	кг	830	0,561	36974	20742
Сув	л	190	0,19	1000	190
жами		2575			438753

2-жадвал

1м³ В30 синфдаги фибробетон учун сарф-ҳаражатлар

Материал	Ўлчов бирлиги	Материал сарфи	1м ³ учун материал сарфи	Нархи, сўм	Жами нархи
Цемент ПЦ-400 Д20	кг	440	-	730	321200
Кум 0-5 мм	кг	1025	0,693	57217	39651
Чақиқ тош 5-20 мм	кг	815	0,526	36974	19448
Сув	л	180	0,18	1000	180
Базальт толаси	кг	2,6	-	13600	35360
жами		2462,6			415839

Экспериментал тадқиқотлар натижаларида олинган илмий натижалар асосида, Наманган вилоятида жойлашган «Бунёдкор-3» масъулияти чекланган жамиятида В30 синфли базальт толалар асосида дисперс арматураланган фибробетон ишлаб чиқилди. Базальт толаларини қўллаш цемент сарфини 15-20 % га камайтириш имконини берди. Завод шароитларида бетонни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган материалларнинг таркиби ва бу материалларнинг таннархларини ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган бўлса, татбиқ этишга таклиф этилаётган фибробетон учун қўлланиладиган материалларнинг таркиби, муаллифлар тавсиялари асосидаги таклифлар билан 2-жадвалда келдирилди.

«Бунёдкор-3» МЧЖдаги завод шароитларида темирбетон конструкцияларни ишлаб чиқаришда тадқиқ қилинаётган базальт толаларини қўллашдан кутилаётган иқтисодий самара 1 м³ бетон учун 22 914 сўмни ташкил этиши мумкин. Агарда завод бир кунда 80 м³ бетон ишлаб чиқарса, тадқиқ қилинаётган базальт толаларини қўллашдан кутилаётган иқтисодий самара бир ойда 40 328 640 сўм ни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. В30 синфдаги фибробетон тайёрлашда базальт толаларидан 0,1% микдорда қўшилиши, цемент сарфини 15-20%га, яъни, сезиларли даражада камайтириш имкониятини берди.
2. Базальт толалари билан дисперс арматуралаш орқали бетон буюмлари ва темирбетон конструкцияларини тайёрлаш, цемент сарфини камайиши билан иқтисодий самарадорликка эришилишида муҳим аҳамият касб этади, шу билан бирга конструкцияларнинг мустаҳкамлиги, дарзбардошлиги ҳамда бикрлигини ошишига олиб келади.

Адабиётлар

- [1]. Razzakov S.J., Martazayev A.Sh. “Mechanical properties of basalt fiber concrete”, International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology, Vol. 8, Issue 9, 2021.
- [2]. Razzakov, S.J., Martazayev, A.Sh. (2021) The Effect of the Length and Amount of Basalt Fiber on the Properties of Concrete, Design Engineering, 11076-11084.
- [3]. Razzakov S.J., Martazayev A.Sh., “The Stress-Strain State of Fiber Reinforced Concrete Beams”. // ISSN: 2643-640X, International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS). Volume - 6, Issue – 1, - 2022, Pages:46-51.
- [4]. Razzakov S.J., Martazayev A.Sh., “Calculation of Strength of Fiber Reinforced Concrete Beams Using Abaqus Software”. // ISSN: 2643-9085, International Journal of Academic Engineering Research (IAER), Volume - 6, Issue – 1, - 2022, Pages:32-36.

QUYOSH KUZATISH TIZIMINI YARATISH TAMOYILLARI

A.K. Tojiboev, G.J. Sufioxunova

Farg‘ona politexnika instituti, abrortak78@mail.ru, sufiokhunovag@bk.ru
(Qabul qilindi 10.06.2021 y.)

Among the various renewable energy sources such as wind, geothermal, tidal, biomass, etc., the use of solar energy has become quite popular in most countries. The article provides data on improving the overall efficiency of a solar PV module using tracking systems. Calculations are given to determine the ratios of the angles of incidence of the sun's rays, the amount of randomly directed radiation, and the results of the work are compared with the results of the FM installed stationary.

Keywords: solar photomodule, tracking system, sensor, radiation, schedule, uniaxial system, biaxial.

Среди различных возобновляемых источников энергии, таких как ветер, геотермальная, приливная, биомасса и т. д. использование солнечной энергии стало довольно популярным в большинстве стран. В статье приведены данные по повышению общей эффективности солнечного фотомодуля с помощью применения систем слежения. Приведены расчёты по определению

соотношений углов падения солнечных лучей, количества случайно направленного излучения, также результаты работы сравнены результатами работы ФМ, установленного стационарно.

Ключевые слова: солнечный фотомодуль, система слежения, датчик, излучения, график, одноосная система, двухосная.

Shamol, geotermal, suv to'lqinlari, biomassa va boshqa shular kabi turli xil qayta tiklanadigan energiya manbalari orasida quyosh energiyasidan foydalanish aksariyat mamlakatlarda keng ommalashgan.

Maqolada quyosh kuzatish tizimlarini qo'llagan holda quyosh fotomodulni umumiy samaradorligini oshirish bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan. Quyoshni kuzatishning turli usullari uchun asosiy quyosh burchaklarini va ularning nisbatlarini aniqlash, tasodifiy yo'naltirilgan nurlanish miqdorini aniqlash uchun hisoblar keltirilgan, shuningek ish natijalari statsionar o'rnatilgan FM ishi natijalari bilan taqqoslangan.

Kalit so'zlar: quyosh fotomoduli, kuzatuv tizimi, datchik, nurlanish, grafika, bir o'qli tizim, ikki o'qli.

Kirish. Fotoelektrik modul nurlanish intensivligiga ta'sir etuvchi kattalik bo'lib, fotoelektrik modul yuzasiga quyosh nurlarini tushish burchagi hisoblanadi. Kuzatish tizimlarini qo'llanilishi quyosh holatiga bog'liq holda ushbu burchakni o'zgartirish imkonini beradi, natijada fotoelektrik modul yuzasiga kelayotgan quvvatni oshishiga olib keladi. Qiya nur yutuvchi yuzaga keluvchi quyosh nurlanish oqimi intensivligini hisoblash uchun quyosh nurlarini tushish burchaklarini bilish zarur [1].

Quyosh radiatsiyasining oqimi atmosferadan o'tayotganda ozon, karbonat angidrid va suv bug'lari tomonidan yutilishi, shuningdek qattiq zarralar ta'sirida tarqalishi tufayli intensivligini yo'qotadi. Quyosh nurlari oqimining kattalashishi natijasida yutilish va yutilish kuchayadi, natijada аппроксимация uchun taxminiy tuzatish koeffitsienti kiritiladi [4]:

$$K_{AT} = 1,1254 \frac{0,1366}{\sin \alpha} . \quad (1)$$

Quyoshni kuzatishning turli usullari uchun asosiy quyosh burchaklarini va ularning nisbatlarini aniqlab olamiz.

- ω - soatlik burchak, gradusda o'lchangan. Soat burchagi har soatda 15 gradusdan oshadi va quyosh kuni yarmida nolga teng bo'ladi.

$$\omega = 15(t_s - 12) \quad (2)$$

bu erda t_s - quyosh vaqti, soatda.

- δ - osmon ekvatori tekisligidan yulduzgacha bo'lgan samoviy sohadagi burchak masofasiga


teng bo'lgan og'ish, yoy gradusi bilan ifodalanadi. Og'ish samoviy ekvatoridan shimolga nisbatan ijobiy va janubga nisbatan salbiydir

$$\sin \delta = 0.39795 \cos(0.98563(N - 173)) \quad (3)$$

bu erda N - kunning soni.

- a - quyosh balandligi, quyoshdan tushayotgan nurlar va gorizontal tekislik orasidagi burchak sifatida aniqlanadi

$$\alpha = \sin^{-1}(\sin \delta \sin \phi + \cos \delta \cos \omega \cos \phi);$$



1-rasm. Quyoshni yerga nisbatan harakati [2].

- α - quyosh azimuti. Bu shimol tomonidan gorizontal tekislikda soat yo'nalishi bo'yicha o'lchangan burchak sifatida aniqlanadi. Graduslar bilan o'lchangan.

$$A' = \sin^{-1} \left(\frac{-\cos \delta \sin \omega}{\cos \alpha} \right);$$

agar... $\cos\omega \geq \left(\frac{\tan\delta}{\tan\phi}\right)$; u holda $A=180^0-A'$

agar... $\cos\omega < \left(\frac{\tan\delta}{\tan\phi}\right)$; u holda $A=360^0+A'$

Tasodifiy yo'naltirilgan nurlanish miqdorini aniqlash uchun, quyosh nurlanishi yo'nalishi va maydon orasidagi burchakni ifodalovchi θ i kuzatish burchagi tushunchasini kiritamiz.

Tushayotgan quyosh nurlari va normal orasidagi burchak kosinusi bu ikki birlik vektorlarining nuqta hosilasi:

$$\cos\theta_i = \mathbf{S} \cdot \mathbf{N} \quad (4)$$

O'rnatilgan panel uchun tushish burchagi kosinusi uchun ifoda:

$$\cos\theta_i = \sin\alpha \cos\beta + \cos\alpha \sin\beta \cos(\gamma - A); \quad (5)$$

Gorizontal holat uchun og'ish burchagi β nolga teng bo'ladi.

$$\cos\theta_i = \sin\alpha \quad (6)$$

Ba'zi bir FM turlari faqat bitta o'q atrofida aylanishni kuzatish bilan ishlashga mo'ljallangan. Tushayotgan nurlar (S) va normal (N) bir tekislikda yotadi. Umumiy holatda yagona gorizontal o'qi bo'ylab kuzatish:

$$\cos\theta_i = \sqrt{1 - \cos^2\alpha * \cos^2(A - \gamma)} \quad (7)$$

Ushbu tenglamaning maxsus holati ko'pincha o'qni kuzatishda amalda uchraydi sharq-g'arbiy yo'nalishga yo'naltirilgan bo'lib, aynan shu holat hisob-kitoblarga qiziqish uyg'otadi.

$$\cos\theta_i = \sqrt{1 - \cos^2\alpha * \cos^2 A} \quad (8)$$

Ikkita kuzatuvchi o'q bilan FM har doim quyoshga nisbatan normal holatda bo'ladi. Shuning uchun kosinus effekti paydo bo'lmaydi:

$$\cos\theta_i = 1 \quad (9)$$


Keluvchi quvvatni quyidagi formula bo'yicha hisoblash mumkin [3]:

$$I_h = A_m \cdot I \cdot \cos\theta_i, \quad (10)$$

bu erda quyosh doimiysi $I_0 - 1367 \text{ Wt} / \text{m}^2$ ga teng.

Fotoelektrik datchik.

Hozirgi kunda quyosh holatini kuzatish uchun turli xil datchiklar mavjud: fotodiodlarda, fotorezistorlarda, fotoelektrik o'zgartkichlarda termosezuvchi elementlar asosidagi datchiklar. Kuzatish tizimi uchun qo'nlaniluvchi datchiklar tahlili asosida qoldiq nurlanish ta'sirini bartaraf



2-rasm. Fotoelektrik datchiklar.

etuvchi tizimni tongda ishga tushurish muammosi yechimini beruvchi fotoelektrik datchiklar ishlab chiqildi. Natijalar datchikni optimallashtirish va uni sezgirligini oshirish imkonini beradi. Fotosezgir elementlar sifatida kremniyli fotoelektrik o'zgartirgich (FEO') tanlangan. Datchik 3ta sezgir elementdan iborat, 2 ta yuza element A va B quyosh holatini aniqlash uchun, 3-orqa element (C)-yoyilgan nurlanish ta'sirini bartaraf etish va tizimni ishga tushurish uchun xizmat qiladi.

Elementlar A va B haroratlar farqi ta'sirini kompensatsiyalash uchun to'siqni ikki tomoniga o'rnatilgan. Shuningdek to'siq to'k o'tkazuvchi element sifatida ham xizmat qiladi. Element C yoyilgan nurlanishni o'lchab, uni ta'sirini boshqa ikkita datchiklarga ta'sirini bartaraf etish uchun xizmat qiladi. U quyoshga teskari o'rnatilgan bo'lib, faqatgina qoldiq nurlanishni o'lchaydi.


FED- asosidagi kuzatuv tizimi

Maqolada mualliflar tomonidan FED asosida quyoshni kuzatish tizimini tadqiqod natijalari keltirilgan. ishlab chiqilgan. Uchuvchi namunasi yaratildi

yiliga 50 Vt quvvatga ega quvvat tizimi va uning keng ko'lamli sinovlari o'tkazildi

Quyoshni kuzatish tizimi quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

- yorug'lik oqimini tokga o'zgartiruvchi birlamchi o'zgartirgich (FED);
- datchikdan kelayotgan signallarni qayta ishlash va dvigatel uchun boshqarish signallarini ishlab chiqarish qurilmalari (kontrollerlar bloki);



3-rasm. Kuzatish tizimining strukturaviy sxemasi.


- FM aylanishini ta'minlovchi dvigatel.

Quyoshni kuzatish tizimining sxemasi (4-rasm) FED, tok-kuchlanish o'zgartirgichi (I/U), operatsion kuchaytirgich (OK), mikrokontroller (MK), qadamli dvigatelni boshqarish qurilmasi(QDBQ) va qadamli dvigateldan (QD) tashkil topgan bo'ldi [5].

Xulosa.

Ish natijalari statsionar o'rnatilgan FM ishi natijalari bilan taqqoslanadi. Taqqolash grafigi 4 -rasmda ko'rsatilgan.

Burchak ostida o'rnatilgan statsionarga nisbatan bir o'qli tizimdan foydalanish quvvat yig'ishni 23% ga, ikki o'qli esa 32% ga oshirganini ko'rish mumkin.



4-rasm. Kun davomida kuzatuv tizimisiz, bir o'qli va ikki o'qli tizim tomonidan to'plangan jami quvvat.

Adabiyotlar

- [1]. Юрченко А.В., Саврасов Ф.В., Юрченко В.И. Реальная стоимость энергии - от ресурсов до потребителя // Известия Томского политехнического университета, 2009 - Т. 314. - № 3. - С. 43-46.
- [2]. W. Stine, M. Geyer. Power From The Sun // PowerFromTheSun.net. - URL: <http://www.powerfromthesun.net/index.html> (date of access 25.04.2012).
- [3]. Кидрук М.И. Расчет потока солнечной радиации // Progress XXI - Режим доступа: <http://progress21.com.ua/ru/articles/solarradiation> (дата обращения 23.04.2012).
- [4]. Охорзина А.В., Китаева М.В., Волгин А.В., Юрченко А.В. Фотоэлектрический датчик для систем слежения за солнцем // Информационно-измерительная техника и технологии: Сборник материалов I Научно-практической конференции посвященной 50-летию кафедры «Информационно-измерительная

техника» Национального исследовательского Томского политехнического университета/ под ред. А.В. Юрченко; 2010. -С. 37-38

- [5]. Охорзина А. В, Китаева М. В., Суматохина К. В. Оптимизация фотоэлектрического датчика для системы ориентации солнечных энергетических систем // Современные техника и технологии: Сборник трудов XVII международной научно-практической конференции студентов, аспирантов и молодых ученых в 3-х частях. - Томск: Издательство ТПУ, 2011. - Т. 1 - С. 235-236.

УДК 621.3

ОПТИМИЗАЦИЯ РЕЖИМОВ РАБОТЫ ТРАНСФОРМАТОРОВ СОБСТВЕННЫХ НУЖД

Р. Узаков, М. Нурыгдиев

*Андижанский машиностроительный институт
(Получена 8.04.2021 г.)*

The article describes the optimization of the operating modes of transformers of own needs and mechanisms of modern power plants, auxiliary equipment of their drive motors.

Keywords: *transformer, power plant, battery, discharge cranes, scrapers, reloaders, oil and water pumps of control systems and cooling of generators, lubrication of aggregates*

В статье описывается оптимизация режимов работы трансформаторов собственных нужд и механизмов современных электростанций, вспомогательного оборудования их приводных двигателей.

Ключевые слова: *трансформатор, электростанция, аккумуляторная батарея, разгрузочные краны, скреперы, перегружатели, масляные и водяные насосы систем регулирования и охлаждения генераторов, смазки агрегатов.*

Мақолада замонавий электр станцияларининг ўз эҳтиёжлари ва механизмлари трансформаторларининг иши режимларини оптималлаштириши, уларнинг ҳайдовчи двигателларининг ёрдамчи ускуналари тасвирланган.

Калит сўзлар: *трансформатор, электр станцияси, батарея, разряд кранлари, қирғичлар, релоадерлар, назорат тизимларининг нефт ва сув насослари ва генераторларни совутиши, агрегатларни мойлаш.*

На современных электростанциях производственный процесс полностью механизирован за счет применения различных механизмов, устанавливаемых на основных агрегатах и вспомогательных устройствах станций и подстанций.

К механизмам собственных нужд электростанций относят приводные двигатели механизмов, их источники питания внутристанционные электрические сети, распределительные устройства установок.

На тепловых электростанциях различают следующие механизмы собственных нужд:

Топливо отдачи и топливных складов (разгрузочные краны, скреперы, перегружатели, трансформаторы, и т.д.);

Угледробильной установки и приготовления угольной пыли (грохоты, дробилки, угольные мельницы, питатели угля, мельничные вентиляторы и др.);

Котельных агрегатов (питатели угольной пыли, дутьевые вентиляторы, дымососы, питательные насосы, механизмы золоудаления) [1].

Турбо агрегатов (насосы конденсатные, циркуляционные, масляные, газоохлаждения и др.);

Теплофикационных установок (насосы сетевые бойлерного устройства конденсатные и др.)

Вспомогательного оборудования (дренажные и пожарные насосы, вентиляторы, мостовые краны, подъемники и лифты, задвижки, двигатель генераторы и др.)

Вспомогательных цехов станции (химводоочистки, масляное хозяйство, компрессорные установки, механические мастерские и др.).

На гидроэлектростанциях различают механизмы собственных нужд:

Гидротурбин и генераторов (масляные и водяные насосы систем регулирования и охлаждения генераторов, смазки агрегатов и др.) [2].

Подъемных механизмов (краны, лебедки, тельферы, лифты и др.)

Вспомогательного оборудования (дренажные и пожарные насосы, двигатель – генераторы и др.);

Вспомогательных цехов станций (механические мастерские, масляное хозяйство, компрессорные установки и др.).

Установки собственных нужд питаются, как правило от генераторов станции, что обеспечивает надежность их работы. Для крупных двигателей мощностью 200 кВт и выше применяют напряжение 6 кВ, для остальных двигателей – 380/220 В.

Для обеспечения надежности питания механизмов собственных нужд предусмотрена резервная линия, которая выключателями (их могут быть несколько) с помощью устройства автоматического включения резерва (АВР) может подключаться к любой из секций собственных нужд. Токоприемники, подключаемые на напряжения 380/220 В, питаются через трансформаторы и могут подключаться также через резервный трансформатор и соответствующие автоматы на любую секцию шин напряжением 380/220 В.

К установкам собственных нужд относят источники постоянного тока, предназначенные для питания цепей управления, сигнализации, автоматики, релейной защиты, семей аварийного освещения и резервных электроприводов особо ответственных механизмов. Таким источником постоянного тока обычно является аккумуляторная батарея напряжением 220 В, состоящая из последовательно соединенных свинцово – кислотных аккумуляторов [3].

На трансформаторных подстанциях потребителями собственных нужд могут быть: осветительные и вентиляционные установки, зарядные агрегаты, компрессорные и насосные станции, механизмы механических мастерских и др.

На подстанциях небольшой мощности для питания собственных нужд обычно устанавливают один трансформатор, а на мощных подстанциях – два трансформатора. Трансформаторы собственных нужд мощностью до 100 кВА подключают непосредственно к выводам обмоток низшего напряжения 380/220 В производить операции с выключателями 6-10 кВ. Следует отметить, что применение для трансформаторов собственных нужд схемы соединения «звезда – треугольник» (Y/Δ) вместо схемы «звезда – звезда» (Y/Y) увеличивает значения токов короткого замыкания на землю на низшей стороне трансформатора и тем самым повышает чувствительность срабатывания защиты установок собственных нужд подстанций [4].

Установка трансформаторов собственных нужд должны производиться согласно ПУЭ. Следует отметить следующие параграфы, например:

- IV – 2 – 223 для установки на открытом воздухе в макроклиматических районах с холодным климатом должны применяться трансформаторы специального исполнения (ХЛ);

- IV – 2 – 22У. Выбор параметров трансформаторов должен производиться в соответствии с режимами их работы. При этом должны быть учтены как длительные нагрузочные режимы, так и кратко временные и толчковые нагрузки, а также возможные в эксплуатации длительные перегрузки. Это требование относится ко всем обмоткам многообмоточных трансформаторов.

-IV – 2 – 223. Расстояние в свету между открыто установленными трансформаторами должно быть не менее 1,25 м.

Указанное расстояние принимается до наиболее выступающих частей трансформаторов, расположенных на высоте менее 1,9 м от поверхности земли.

При единичной мощности открыто установленных трансформаторов (как трехфазных, так и однофазных) 63 МВА и более на напряжении 10 кВ и выше между ними или между ними и трансформаторами любой мощности (включая регулировочные, собственных нужд и т.д.) должны быть установлены разделительные перегородки, если расстояние в свету между трансформаторами принято менее 15 м для свободно стоящих трансформаторов и менее 25

м для трансформаторов, установленных вдоль наружных стен зданий электростанций на расстояние от стен менее 40 м. Если трансформаторы собственных нужд или регулировочные установлены с силовым трансформатором, оборудованным автоматическим стационарным устройством пожаротушения и присоединены в зоне действия защиты от внутренних повреждений силового трансформатора то допускается вместо разделительной перегородки выполнять автоматическую стационарную установку пожаротушения трансформатора собственных нужд.

В целях предупреждения повреждений турбин и генераторов, вызванных отказом автоматического включения аварийных масло насосов с приводом от электродвигателей постоянного тока при снижении давления масла в системе смазки подшипников, предлагается руководствоваться следующим [5].

1. На тепловых электростанциях суммарной мощностью 200 МВт и более на вводах аккумуляторных батарей на щит постоянного тока и на перемычках между щитами постоянного тока разных батарей следует устанавливать селективные автоматические воздушные выключатели.

2. Число ступеней пуска электродвигателей постоянного тока аварийных маслонасосов должно быть минимально возможным.

3. Аккумуляторная батарея должна обеспечивать возможность одновременного пуска всех электродвигателей, подключенных к ней, и одновременную работу этих электродвигателей в течении нормативного времени обесточения трансформаторов собственных нужд электростанций.

4. Для уменьшения суммарного тока (пускового) автоматически запускающихся электродвигателей постоянного тока аварийных масляных насосов цепи их питания.

5. Питания цепей управления и автоматики электродвигателей аварийных масляных насосов смазки и уплотнений должно быть полностью осуществлено на постоянном токе 220 В от блочной аккумуляторной батареи.

6. В цепи пуска электродвигателей аварийных масляных насосов при снижении давления масла должно предусматриваться самоудержание, предотвращение отпадания контактора после повышения давления. Пусковые устройства электродвигателе должны быть выполнены с учетом его самозапуска после КЗ, сопровождающихся кратковременным снижением напряжения в сети.

7. Схемы автоматического пуска аварийного масляного насоса должна выполняться с минимальным временем действия. Время с момента замыкания контактов реле понижения давления до включения контактора электродвигателя не должна превышать $0,1 \div 0,15$ с.

В настоящее время в связи с вводом на электростанциях энергоблоков мощностью 800-1200 МВт значительно повысились требования к надежности работы электроприводов технологического оборудования и к условиям их самозапуска, связанным с кратковременными перерывами электроснабжения собственных нужд электростанций вызванных повреждениями оборудование и нарушениями режимов его работы.

В целях повышения надежности работы электростанций и обеспечения восстановления технологического режима энергетического оборудования при кратковременных перерывах электроснабжения собственных нужд предлагается:

1. Выбрать для анализа условий самозапуска реально возможные в эксплуатации схемы и режимы работы оборудования и определить перерывы электроснабжения в этих режимах.

2. Уточнить реальный состав участвующих в самозапуске электроприводов и нагрузку рабочих и резервных источников питания собственных нужд в каждом из режимов.

3. Выполнить расчеты самозапуска по известным методикам и провести предварительную оценку успешности самозапуска электроприводов по результатам расчетов.

4. Про анализировать действия устройств защиты и автоматики электротехнического и тепломеханического оборудования и по результатам

предварительных испытаний отдельных технологических систем проверить правильность выбора уставок технических устройств, которые могут отключить оборудование при перерывах электроснабжения собственных нужд.

5. На основании анализа и расчетов разработать и внедрить мероприятия, обеспечивающие быстрое восстановление технологического режима после перерыва электроснабжения собственных нужд.

6. Экспериментально проверить достаточность разработанных мероприятий по восстановлению технологического режима после кратковременных перерывов электроснабжения собственных нужд путём испытаний при остановленном основном оборудовании и при работе этого оборудования с нагрузкой.

7. Согласовывать с соответствующими службами энергосистем режимы и схемы, при которых быстрое восстановление мощности электростанций и технологический режим основного оборудования после кратковременных перерывов электроснабжения собственных нужд не обеспечиваются.

Анализ действия устройств автоматики, регулирования и защиты проводится для нормальных режимов работы и режимов, возникающих при выводе в ремонт отдельных видов оборудования. На основании проведенного анализа:

- проверяется соответствие главной схемы и схем собственных нужд (с. н.) требованиям надежности восстановления технологического процесса при кратковременных перерывах питания в нормальных и ремонтных режимах работы оборудования:

- формулируются требования к устройствам автоматики и регулирования, позволяющие наиболее простыми способами обеспечить сохранение и восстановление технологического режима:

- проверяются достаточность предусмотренного объема автоматизации и правильность выбранных уставок устройств защиты и автоматики;

- проверяются возможность успешного самозапуска электроприводов с. н. без переключения питания на резервные источники при автоматически ликвидируемых повреждениях в главной схеме электростанций, прилегающей сети и смежных элементах системы питания с. н.;

- контролируются обеспечение резервными источниками нормального самозапуска электроприводов того состава, который соответствует данному режиму.

Предварительная оценка успешности самозапуска наиболее просто может быть проведена расчетным путем. Длительность возможных перерывов электроснабжения с. н. определяется анализом действия устройств релейной защиты автоматики (РЗА) и ПА при повреждениях электротехнического оборудования. Время перерыва электроснабжения с. н. должна соответствовать установленным нормам.

Список литературы

- [1]. Д.А.Эгамов, Эффективность применения «переносного АВР-0,4 кВ» для обеспечения бесперебойного электроснабжения потребителей / Д.А.Эгамов, Р.Узаков, З.У.Бойхонов // Исследования и разработки в области машиностроения, энергетики и управления : материалы XIX Междунар. науч.-техн. конф. студентов, аспирантов и молодых ученых, Гомель, 25–26 апр. 2019 г. / М-во образования Респ. Беларусь, Гомел. гос. техн. ун-т им. П. О. Сухого ; под общ. ред. А. А. Бойко. – Гомель : ГГТУ им. П. О. Сухого, 2019. – С. 250-253.
- [2]. Эгамов Д.А., Узаков Р., Бойхонов З.У. Способы обеспечения бесперебойного электроснабжения потребителей, имеющих одну систему шин 6-10 кВ и два независимых источника питания 6-10 кВ // Бюллетень науки и практики. 2018. Т. 4. №3. С. 155-159. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/egamov-uzakov> (дата обращения 15.03.2018).
- [3]. Махсудов М.Т., Бойхонов З.У. Исследование электромагнитных преобразователей тока в напряжение // Бюллетень науки и практики. 2018. Т. 4. №3. С. 150-154. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/mahsudov> (дата обращения 15.03.2018)
- [4]. [Features productions reactive power on systems electrical supply with renewable sources energies](#) SI Khakimovich, MM Tolibjonovich, BZ Urazali o'gli. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary ..., 2020

- [5]. Режабов З.М., Боихонов З.У. A variable electric drive with a thyristor connected to the stator part of an asynchronous motor // Современные научные исследования и инновации. 2020. № 9 [Электронный ресурс]. URL: <http://web.snauka.ru/issues/2020/09/93497> (дата обращения: 14.01.2021).

УДК 681.542.2

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁННИНГ РЕЖИМИНИ СТАТИК ВА ДИНАМИК ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Қ.Я. Тошпулатов

Наманган муҳандислик-технология институти
(Қабул қилинди 31.03.2021 й.)

Recently, the issue of energy and resource efficiency of chemical production has received increasing attention in the world. One of the most urgent tasks in the field of automation of technological processes is the creation of highly efficient control systems using the achievements of intelligent technologies that improve the quality of the control process and increase the production of high-quality products with the lowest energy and resource costs. The article studied the static and dynamic optimization of technological processes.

Keywords: *the automations of the systems control, steady-state automation, dynamic automation, systems justification, algorithms control, standard pneumatic rectifiers, electric rectifiers*

В мире в последнее время вопросу энерго- и ресурсоэффективности химического производства уделяется все большее внимание. Одной из наиболее актуальных задач в сфере автоматизации технологических процессов ведущее место занимает создание высокоэффективных систем управления с применением достижений интеллектуальных технологий, позволяющих улучшить качество процесса управления и увеличить выпуск высококачественной продукции с наименьшими энерго- и ресурсными затратами. В статье изучена статическая и динамическая оптимизация технологических процессов.

Ключевые слова: *автоматические систем управления, статические автоматизации, динамические автоматизации, системы стабилизации, алгоритм управления, стандартные пневматические выпрямители, электрические выпрямители.*

Жаҳонда ҳозирги кунда кимё саноати соҳасида, энергия ва ресурс тежамкорлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Технологик жараёнларни автоматлаштириш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири, интеллектуал технологиялар ютуқларидан фойдаланган ҳолда бошқариш жараёнининг сифатини яхшилаш, энергия ва ресурс харажатларини мумкин қадар кам сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот чиқаришни ошириш имконини берувчи юқори самарали бошқарув тизимларини яратилди. Мақолада технологик жараёнларни режимини статик ва динамик оптималлаштириш ёритилган.

Таянч сўзлар: *автоматик бошқариш тизимлари, статик оптималлаштириш, динамик оптималлаштириш, стабиллаш тизимлари, бошқарув алгоритмлари, стандарт пневматик ростлагичлар, электрик ростлагичлар.*

Автоматик бошқариш тизимларининг вазифаси ўринсиз таъсирларни бартараф этиб, технологик жараёнларнинг керакли режимларини сақлаш ёки уларни муайян мезон бўйича оптимал олиб боришдан иборат [1].

Технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизимлари ишлаш мезони, мураккаблик даражаси ва бошқарув алгоритмларига кўра учга бўлинади:

- 1) технологик режим параметрларини стабиллаш тизимлари;
- 2) статик оптималлаш тизимлари;
- 3) динамик оптималлаш тизимлари.

Технологик режим параметрларини стабиллаш тизимлари. Бу типдаги бошқариш тизимлари амалий автоматик бошқариш тажрибасида кенг тарқалган. Бу тизимлар оддий саноат ростлагичлари ёрдамида бирмунча аниқлик даражаси билан технологик режим параметрларини (температура, босим, сатх, концентрация ва бошқалар) стабиллаш

вазифасини бажаради [2]. Стабиллаш тизимларининг мезонини математик кўринишда деб ёзиш мумкин. Ушбу мезоннинг аниқлиги танланган ростлаш қонунига боғлиқ.

Бу типдаги тизимларнинг афзаллиги - стандарт пневматик ёки электрик ростлагичларда бажариладиган тизимнинг ҳисоби ва амалга оширилишининг соддалигидадир.

Стабиллаш тизимларининг камчилиги шундаки, улар кириш параметрлари, масалан, юк, хом ашё кўрсаткичлари ва бошқалар ўзгарганида ҳам аввалги оптимал бўлмайдиган қолган технологик

режимни сақлаб туради.

Одатда, технологик жараёни бир режимдан иккинчисига ўтказиш берилган вазифани ёки ростлагичларнинг ростланишини ўзгартирувчи оператор орқали бажарилади. Жараёндаги кириш ўзгарувчилари жуда тез ўзгарса, оператор жараёни бир режимдан иккинчисига ўтказишга улгурмайди ёки бу ўтказиш оптимал бўлмаган тарзда бажарилади, натижада жараённинг давом этиши учун қўшимча сарфлар талаб қилинади (масалан, хом ашё, энергиянинг кўп сарфланиши) [3].

Бу тизимларнинг яна бир камчилиги автомат ростлагичлар ғалаёнланишларни оптимал бўлмаган режимда қайта ишлаши, уларнинг ростланиши ўзгарганда эса технологик жараёни бир режимдан иккинчисига оптимал бўлмаган тарзда ўтказишдир.

Статик оптималлаш тизимлари. Бу турдаги технологик жараёнларни бошқариш тизимлари объектнинг кириш ўзгарувчилари шартларининг ўзгаришида даврий статик оптималлашни бажаришга имкон беради, улар кимё ва озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилмоқда.

Кириш параметрларининг турли қийматлари бўлмаган дастурлаш усули орқали бошқаришни йўли билан ишлаш мезонининг максимуми аниқланади:

$$I = f(Y, Z, V)$$

Кўпинча мезон сифатида фойда кўрсаткичи ишлатилади:

$$I = C_1 Y - C_2 Z - C_3 V$$

бу ерда, -чиқарилаётган маҳсулот вектори; -хом ашё ва энергия вектори -бошқариш вектори; - маҳсулот, хом ашё ва энергия нархи.

Оптималлик мезони ростланувчи объект ва бошқариш тизими вазифасининг таҳлилидан шаклланади. Бунинг учун ростлаш тизимининг статик ҳарактеристикаларидан фойдаланиш мумкин.

Статик ҳарактеристикаларни оптималлаш кўпроқ ростланувчи объект кўрсаткичларига тегишли. Бунда тизимнинг иш шароитига кўра муайян катталиқнинг экспериментал қийматини топиш керак [4]. Бу талаб бошқарилувчи объектнинг статик ҳарактеристикаларидаги экстремум нуқталарини аниқлаш ва тизимнинг шу нуқталар атрофидаги ишини таъминлаш йўли билан бажарилади.

Статик оптималлаш тизимлари одатда, бошқарувчи ҳисоблаш машиналари ёки аналог рақамли техника элементларида амалга оширилади. Оптимал бошқаришларни ҳисоблашдан ташқари бошқарувчи ҳисоблаш машиналари (БХМ) дастлабки математик моделнинг даврий равишда тўғриланишини таъминлаши керак.

Датчикларнинг сўроғи, бошқарувчи таъсирларни ҳисоблаш ва моделга тузатишлар киритиш даврий равишда бажарилади, бошқарувчи таъсирларнинг қиймати эса бевосита ростловчи органларга ёки автоном ростлагичларнинг содданишига узатилади.

Статик оптималлаш тизимлар, стабиллаш тизимларига хос бўлган кўп камчиликлардан ҳолисдир. Улар технологик жараённинг ўзгарган кириш ўзгарувчиларига мувофиқ ҳолда оптимал статик режимни таъминлайди. Агар бошқарилмайдиган кириш ўзгарувчилари суст ўзгариб технологик аппаратнинг динамикаси эътиборга олинмаса, БХМ лар статик моделни даврий равишда мослаб, бошқарилувчи ўзгарувчиларнинг янги қийматини ҳисоблаб туради. Бундай бошқариш тизимлари статиканин оптимал режимини сақлайди ва динамиканин оптимал мезонини таъминламайди.

Баъзи технологик жараёнлар хусусий ғалаёнланишларга эга бўлгани сабабли тизимнинг иши ностационар режимларда ўтади. Бундай ҳолларда статик оптималлаш тизими жараённинг

оптимальности таъминлай олмайди, чунки бошқариш алгоритмига киритилган математик модел тизимнинг ностационар хусусиятларини акс эттирмайди. Шунинг учун, статик моделга тузатишлар киритиб, оптималь бошқаришни ҳисоблаш имконияти бўлмайди.

Динамик оптималлаш тизимлари. Бу турдаги технологик жараёнларни бошқариш тизимлари маълум бир мезонни оптималлаш масаласини ҳал қилади:

$$I = \int_{t_1}^{t_2} (Y, Z, V) dt$$

Бу мезоннинг хусусий варианты - фойдадир:

$$I = \int_{t_1}^{t_3} \{c_y Y(t) - c_z Z(t) - c_v V(t)\}$$

$$I = \text{extremum}$$

Технологик жараёнларнинг динамик модели умумий ҳолда параметрларимужассамлашган объектлар учун чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар тизимидан, ёки (параметрлари тақсимланган объектлар учун) хусусий ҳосилалари тенгламалар тизимидан иборат.

Динамик оптималлашнинг вазифаси, одатда, турли чекланишлар билан боғлиқ қўшимча шартлар мавжуд бўлган маълум функцияларнинг экстремумларини топишдан иборат. Бу чекланишлар $y(t)$ функция ҳосилаларининг муайян максимал катталикларидан иборат бўлиб, қуйидагича ифодаланади:

$$\left| \frac{d^n y(t)}{dt^n} \right| \leq M_n ,$$

бу ерда M_n - доимий катталиқ ($n = 1, 2, 3, \dots$)

Ўтиш функцияларининг ҳосилаларида чекланишлардан ташқари бошқа мумкин бўлган чекланишларни ҳам эътиборга олиш керак. Динамик оптималлаш тизимлари технологик жараёнларнинг фақат турғун режимидагина эмас, балки ўзгарувчан иш режимларида ҳам фойданинг энг катта қийматини таъминлайди.

Бошқарилувчи объектнинг ностационар режимларини акс эттирувчи математик модел вақтнинг исталган онда оптималь бошқаришни тузатиш ва ҳисоблашга имкон беради.

Динамик оптималлаш тизимини амалга ошириш бир мунча қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, катта ҳажмли талаб хотирлаш қурилмалари ва БХМ нинг жадал ҳаракатини талаб қилади.

Ҳозирги пайтда динамик оптималлаш тизимлари жуда кам амалга оширилади. Аммо технологик жараёнларнинг типавий динамик математик моделларини яратиш оптималлаш принципларини кимёвий технологик бошқаришда қўллашга имкон беради.

Адабиётлар

- [1]. Сиддиков И.Х., Утелиев Н.У., Ядгарова Д.Б., Якубова Н.С., Мамбетов А.Б. Интеллектуализация процессов управления динамическим объектом на базе нейро-нечеткой технологии (монография). – Ташкент: Изд-во Алокачи, 2019. -108 с.
- [2]. Uteuliev N.U., Yadgarova D.B., Yakubova N.S., Usmanov K.I. System of adaptive control of technological parameters of production of soda // Chemical Technology. Control and Management. Tashkent, 2018. Vol.1, No.4. -P. 181-185. (05.00.00, №12)
- [3]. Сиддиков И.Х., Ядгарова Д.Б., Бахриева Х.А. Синтез моделирующих алгоритмов управления многоуровневых динамических объектов // Вестник ТУИТ. Ташкент, 2018. №1(45). -С.89-94. (05.00.00, №31)
- [4]. Сиддиков И.Х., Ядгарова Д.Б., Бахриева Х.А. Нейро-нечеткая адаптивная система управления динамическим объектом // Проблемы энерго и ресурсосбережения. Ташкент, 2018. №1-2. -С. 281-284. (05.00.00, №21).

ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР АСОСИДА ТРАНЗИСТОРЛИ ИНВЕРТОР

Ю. Мамасодиқов, М. Тожибоев

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 3.05.2021 й.)

The article describes the principle of operation of a transistor inverter based on modern elements, and also presents its structural and schematic diagram. Timing diagrams are given to explain the principle of operation of the transistor inverter.

Keywords. field-effect transistor, inverter, transformer, control system, generator, comparison circuit, driver, smoothing filter.

В статье описан принцип работы транзисторного инвертора на базе современных элементов, а также представлена его структурная и принципиальная схема.

Приведены временные диаграммы, поясняющие принцип работы транзисторного инвертора.

Ключевые слова: полевой транзистор, инвертор, трансформатор, система управления, генератор, схема сравнения, формирователь, сглаживающий фильтр.

Мақолада замонавий элементлар асосида қурилган транзисторли инверторнинг иш принципи баён қилинган ҳамда унинг блок-схемаси ва принципиал схемаси келтирилган. Транзисторли инверторнинг иш принципини тушуинтирувчи вақт диаграммалари келтирилган.

Таянч сўзлар: майдон транзистори, инвертор, трансформатор, бошқариш тизими, генератор, таққословчи схема, шакиллантирувчи схема, силлиқловчи фильтр.

Кириш.


Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш иқтисодиётни барқарор юксалтириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Айти пайтда замонавий қуёш батареяларидан олинадиган энергия манбаларидан фойдаланиш турмушимизга кириб келмоқда.

Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бугунги даврда электр энергиясига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, қуёш фотоэлектрик станциялари, шамол ва гидроэлектр станцияларининг ажралмас қисми бўлган инверторларни янги замонавий турларини яратишни тақозо этади [1-4].

Асосий қисм.

Биз яратган замонавий элементлар асосидаги транзисторли инвертор блок -схемаси 1-расмда кўрсатилган. Замонавий элементлар асосидаги транзисторли инвертор блок -схемаси кириш инвертори И1 ва унинг бошқариш тизими КБТ, чиқиш инвертори И2 ва унинг бошқариш тизими ЧБТ, трансформатордан, тўғрилагич Тг ва силлиқловчи СФ филтрдан ташкил топган.

Биринчи инвертор кириши кучланиши 12 вольт бўлган доимий ток электр манбаига уланади. Бунда биринчи инвертор кучланиши 12 вольт бўлган доимий токни часттаси 50 кГц бўлган ва кучланиши 220 вольтга тенг бўлган ўзгарувчан токка айлантириб беради.



1-расм. Замонавий элементлар асосидаги транзисторли инвертор блок-схемаси.

Биринчи инвертор чиқишида ўзгарувчан ток частотасини 50 кГц қилиб танлаб олиними асосан кучланишни ошириб берувчи трансформатор билан боғиқ. Чунки инвертор калитлари импульс режимида ишлаганда фақат импульс трансформаторлари юқори фойдали иш коэффиценти билан ишлаши мумкин. Ҳозирги кунда инверторларда энг кўп ишлатилаётган

трансформаторларнинг ишчи частотаси 50 кГц ни ташкил қилади.


Агар биринчи инвертор чиқишига оддий 50 Гц да ишловчи трансформатор ишлатилса уларнинг ўзагидаги энергия йўқолишлари юқори бўлганлиги сабабли инверторларнинг фойдали иш коэффиценти жуда кам бўлади ва 0.35 ни ташкил қилади. Шунинг учун

инверторлар чиқишидаги кчланиш импульс кўринишида бўлганлиги ва импульс режимида оддий 50Гц ли трансформаторларнинг фойдали иш коэффициенти кам бўлганлиги сабабли уларни инверторларда қўлланиши инверторларни фойдали иш коэффициентини камайиб кетишига сабаб бўлади. Худди шунинг учун биринчи инвертор чиқишидаги ўзгарувчан ток частотаси 50 кГц қилиб танлаб олинган.

Частотаси 50 кГц ва кучланиши 220 вольт бўлган ўзгарувчан электр токи тўғрилагичда Тг доимий токка айлантирилади ҳамда силлиқловчи филтр СФ ёрдамида унинг пульсацияси текисланади. Сўнг иккинчи инвертор ёрдамида частотаси 50 Гц ва кучланиши 220 вольтга тенг бўлган ўзгарувчан ток ҳосил қилинади ва керакли истемолчиларга берилади.

Ҳозирги кунда Хитой халқ давлати томонидан кўплаб ишлаб чиқарилаётган RFA-1000 русимли инверторнинг принцииал схемаси 2-расмда кўрсатилган. Инверторнинг техник параметрлари қуйдагича: доимий ток бўйича кириш кучланиши – 12 В; ўзгарувчан ток бўйича чиқиш кучланиши – 220 В; чиқиш қуввати – 1000 ватт.

RFA-1000 русимли инвертор принцииал схемаси Т1-Т8 транзисторларига қурилган кириш инверторлардан, Тр1 ва Тр2 импульс трансформаторларидан, Д1-Д8 диодларга қурилган иккита тўғрилагичдан, энергия йиғувчи филтр С конденсатордан ва Т9-Т16 транзисторларига қурилган чиқиш инверторидан ташкил топган.



2-расм. RFA-1000 русимли инверторнинг принцииал схемаси.

Кириш инвертор қувватини ошириш мақсадида Т1-Т8 транзисторларига қурилган ҳамда параллел ишловчи иккита бир хил инвертор, иккита импульс трансформаторлари Тр1 ва Тр2 ҳамда Д1-Д8 диодларига қурилган иккита бир хил тўғрилагичлар ишлатилган.


RFA-1000 русимли инверториде кириш ва чиқиш инверторлари бошқариш тизими тузилиши жихатидан бир хил бўлиб фақатгина ишчи частоталари билан фақланади. Уларнинг умумлашган блок схемаси 3-расмда кўрсатилган.

Бошқариш тизимининг умумлашган блок схемаси қуйдагилардан ташкил топган. БГ-бошқарувчи генератор, Т-триггер, Тс1 ва Тс2 таққословчи схемалар, Шс1 ва Шс2 шаклиланттирувчи схемалар.

RFA-1000 русимли инверторни ва унинг бошқариш тизимининг иш принципини тушунтирувчи вақт диаграммаси 4-расмда кўрсатилган.

Инвертор қуйдагича ишлайди. Инвертор доимий ток манбаига уланганда бошланғич t_0 вақтда Т1-Т4 ва Т5-Т8 транзисторлари затворида бошқарувчи кучланиш йўқлиги сабабли улар берк ҳолатда бўлади ва улар орқали ток оқиб ўтмайди (4-расм). Бошқарувчи генератор БГ ни чиқишида t_1 вақтда (3.6а рсм) биринчи импульс шакилланади. Бошқарувчи генератор БГ ни чиқишида шакилланган тўғри бурчакли импульс триггер Т ни ҳамда таққословчи

схемалар $Tc1$ ва $Tc2$ ларнинг биринчи киришига берилади. Бошқарувчи генератор БГ ни чиқишида $t2$ вақтда навбатдаги тўғри бурчакли импульс шакилланади ва у ҳам триггер Т ни ҳамда таққословчи схемалар $Tc1$ ва $Tc2$ ларнинг биринчи киришига берилади. Натижада триггернинг биринчи чиқишида $t1-t2$ вақт оралиғида тўғри бурчакли импульс шакилланади (4,б-расм). Бу эса $t1$ вақтда биринчи таққословчи схема $Tc1$ нинг чиқишида импульс кенглиги бошқарувчи генератор импульс кенглигига тенг бўлган тўғри бурчакли импульс шакилланишига олиб келади.




3-расм. RFA-1000 русимли инверторнинг кириш ва чиқиш инверторлари бошқариш тизимининг умумлашган блок схемаси.

Бошқарувчи генератор БГ нинг чиқишида $t3$ вақтда шакилланган импульс триггер Т нинг иккинчи чиқишида $t2-t3$ вақт оралиғида тўғри бурчакли импульс шакиллантиради (4,в-расм). Иккинчи таққословчи схема $Tc2$ нинг иккала киришида бир пайитнинг ўзида импульслар ҳосил бўлиши унинг чиқишида $t2$ вақтда импульс кенглиги бошқарувчи генератор импульс кенглигига тенг бўлган тўғри бурчакли импульс шакилланишига олиб келади (4,д-расм). Биринчи таққословчи схема $Tc1$ нинг чиқишида $t1$ вақтда ҳосил бўлган импульс биринчи шакиллантирувчи схема Шс1 ёрдамида шакиллантирилади ва кириш инверторларининг Т1-Т3 ва Т5-Т7 транзисторлари затворига берилади. Бу эса кириш инверторларининг Т1-Т3 ва Т5-Т7 транзисторларини очилишига олиб келади.

Транзисторлар Т1-Т3 ларнинг очилиши биринчи импульс трансформатори Тр1 нинг бирламчи чулғами W1 орқали ва Т5-Т7 очилиши иккинчи импульс трансформатори Тр2 нинг бирламчи чулғами W1 орқали ток оқиб ўтишига олиб келади. Натижада $t1$ вақтда импульс трансформаторлари Тр1 ва Тр2 ларнинг чиқиши бўлган иккинчи чулғамлари W2 да 4,е-расмда кўрсатилгандек кучланиш амплитудаси 220 вольтга тенг бўлган мусбат импульс ҳосил бўлади.

Иккинчи таққословчи схема $Tc2$ нинг чиқишида $t2$ вақтда ҳосил бўлган импульс иккинчи шакиллантирувчи схема Шс2 ёрдамида шакиллантирилади ва кириш инверторларининг Т2-Т4 ва Т6-Т8 транзисторлари затворига берилади. Бу эса кириш инверторларининг Т2-Т4 ва Т6-Т8 транзисторларини очилишига олиб келади. Транзисторлар Т2-Т4 ларнинг очилиши биринчи импульс трансформатори Тр1 нинг бирламчи чулғами W1 орқали ва Т6-Т8 очилиши иккинчи импульс трансформатори Тр2 нинг бирламчи чулғами W1 орқали тескари ток оқиб ўтишига олиб келади. Натижада $t2$ вақтда импульс трансформаторлари Тр1 ва Тр2 ларнинг чиқиши бўлган иккинчи чулғамлари W2 да 4,е-расмда кўрсатилгандек кучланиш амплитудаси 220 вольтга тенг бўлган манфий импульс ҳосил бўлади. Юқорида баён қилинган жараёнлар даврий равишда такрорланади ва импульс трансформаторлари Тр1 ва Тр2 ларнинг чиқиши бўлган




4-расм. RFA-1000 русимли инверторнинг иш принципини тушунтирувчи вақт диаграммаси.

иккинчи чулғамлари W2 да 4,е-расмда кўрсатилгандек кучланиш амплитудаси 220 вольтга тенг бўлган ўзгарувчан ток ҳосил бўлади.

Биринчи импульс трансформатори Tr1 нинг чиқиши бўлган иккинчи чулғамлари W2 да ҳосил бўлган ўзгарувчан ток D1-D4 диодларига қурилган тўғрилагичда тўғриланиб (4,ж-расм) C конденсаторига қурилган силлиқловчи фильтр СФ га берилади.

Иккинчи импульс трансформатори Tr2 нинг чиқиши бўлган иккинчи чулғамлари W2 да ҳосил бўлган ўзгарувчан ток D5-D8 диодларига қурилган тўғрилагичда тўғриланиб (4,ж-расм) C конденсаторига берилади. Ҳосил бўлган доимий токнинг пульсацияси энергия йиғувчи фильтр С ёрдамида текисланиб T9-T16 транзисторларига қурилган чиқиш инвертори киришига берилади. Чиқиш инвертори қувватини ошириш мақсадида инвертор елкаларидаги транзисторлар параллел уланган.

